




Н. ИЛЁСОВ

АВТОМОБИЛЬ ЙҰПЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ






629
И-38

Н. ИЛЁСОВ

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги автомобиль йўллар институти талабалари
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган



ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2001

Тақризчилар:
техника фанлари номзодлари
Ж. И. Ҳўжаев, О. И. Исмоилхўжаев, А. Аблақулов.

ДИНОМОЛЯ ВИПАЛДУ ШАЛАҲИЙОЛ

и 3203020000 - 112 2001
M351(04)2001

ISBN 5-640-01515-2

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2001 й.

КИРИШ

Кундан-кунга ўсіб бораётган ва ривожланаётган халқ хұжалиғи тармоқлари маҳсулотларини манзилга етказишида асосий юқ ташиш воситаси автомобиль транспортидир. Автомобиль йўллари қурилиши ва эскиларининг қайта тикланиши ўз суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Автомобиль йўлларининг мустаҳкамлиги, пишиқлиги ва узоқ муддатга фойдаланиш кафолати эса унинг йўл қобиги (ёпмаси) учун танланган материалига, тўшама қатламларини ётқизишда бажарилган иш сифатига, шунингдек, йўл қурилиши ишлаб чиқариш жараёнидаги намлик, иссиқлик ва атмосфера шароитига бевосита боғлиқдир.

Йўл қурилиши ҳаётий тажрибалардан ва илмий излашишлар хulosаларидан фойдаланишни тақозо қиласди. Масалан, автомобиль йўлларидан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келган йирик корхоналарнинг тажрибаларига суюнмасдан ёки шу мавзу бўйича бажарилган илмий ишлар хulosаларига амал қилмасдан йўл қурилиш ишларини бошлаб юбориш кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Энг қулай ер шароитида қурилган автомобиль йўллари ҳам байзиде кутимагандан ёғувчи жала сувлари, ер кўчиши (сурилиши) билан алоқадор бўлган катта талофатларга учраб қолиши мумкин. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш даврида салбий оқибатларнинг юзага келиши йўл тўшама материалларининг сифат даражаси пастлигини, қурилиш жараёнинда ишлатилган механизmlарнинг талабга мос танланмаганлигини, йўл замини тупроғига намликнинг ва йўл тўшамаси материалларига машиналар ҳаракати таъсири ва шу каби бошқа омилларнинг ҳисобга олинмаганини кўрсатади.

Йўл қурилиши ва ундан фойдаланишга бағишенгандан адабистлар ҳам автомобиль йўллари тушамасини таъмирашда маҳаллий шароит омилларини эътиборга олиш асосида чангсиз ҳамда юқори сифатли ва энг тежамли иш шароити ташкил қилиш ҳақида етарли маълумот бера олмаган. Мазкур қўлланмада республикамиз табиий тупроқ шароитидаги автомобиль йўлларининг бузилишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш усуслари ҳамда аниқланган салбий таъсири этувчи сабабларни максимал даражада камайтириш чоралари илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ва мазкур қўлланманинг саҳифаларида баён этилувчи йўл заминини сифатли бажариш ҳамда йўл қурилиши жараёнида атроф муҳит мусаффолигини қандай қилиб сақлаб қолишни таъминлаш ҳақида фикрлар берилади.

Қўлланмада автомобиль йўллари қобиғи ва унга ишлатиладиган материаллар таърифи, тушама қатламларнинг статик, динамик ва муҳит шароитига турғунлиги ҳамда мустаҳкамлигини таъминлаш асослари ва қурилишни лойиҳалаш кенг баён этилади. Республикашимиз иқлим шароитида автомобиль йўлларини қуриш ва уни ташкил қилиш жараёнида қурилиш воситаларидан фойдаланиш ҳақидаги мавзу ҳам атрофлича ёритилган. Ҳар бир мавзу ечими мисоллар срдамида тушунтирилган. Қўлланмани тайёрлашда муаллиф ўз тажрибаларидан, Тошкент автомобиль йўллари олийгоҳи ўқитувчиларининг илмий изланиш ишлари натижаларидан ва шу соҳада иш олиб бораётган илмий-тадқиқот муассасалари иш натижаларидан, шунингдек кўп йиллик тажрибага эга бўлган айрим мутахассис муҳандисларнинг маслаҳатларидан фойдаланди.

Қўлланма автомобиль йўллари соҳасида таълим олаётган олийгоҳ талабалари учун мўлжалланган. Ундан шунингдек, лойиҳалаш институтлари, малака ошириш билимгоҳлари ўқитувчи-ходимлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва илмий изланишлар билан шуғулланувчи муассасалар мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

ҚУРУҚ ВА ҚУРУҚ-НАМ ИҚЛИМЛИ ХУДУДЛАРДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ

1-§. ҚУРУҚ ВА НАМ ИҚЛИМЛИ ТУМАНЛАРНИНГ МУҲИМ ТАБИИЙ ШАРОИТИ

Иқлимий чегараланиш. Республикаиз худудидаги барча магистрал автомобиль йўлларини қарайдиган бўлсак, улар иқлими қуруқ ва нам бўлган майдонлардан ҳам ўтганлигини кўрамиз.

Республикаиз ва унга ёндош давлатларнинг катта майдонлари дашту чўлни ташкил қилиб, у ерларниг иқлими қуруқ ер майдонлар (ҚМ) дейилади. Ёз ойларида ҳавонинг давомли юқори ҳароратлари тупроқ намлигини камайтирувчи асосий омил ҳисобланиб, қуруқ иқлим шароити туғилишига сабаб бўлади. Қуруқ иқлимли туман ерлари ташқарисидан ўтган автомобиль йўлларини нам иқлимли майдонлардаги йўллар дейилали. Республикаиз бўйича ҳар икки иқлим шароитидаги йўлларни биргаликда олганда талайгина майдонни ташкил қиласди. Барча автомобиль йўллари ўтган ҳудуд майдонлари амалда тупроғи, ер тузилиши, геологик ва гидрогеологик шароити билан қуруқ ва нам иқлимга ажralиб туради. Бу майдонлар ўзининг муҳим томонлари билан баланд тоғ оралиғи ерларидан бошлаб, то кенг пастқамликларга етгунга қадар фарқлашиб боради. Йўл замини, қобиги ва тўшама қатламларнинг мустаҳкамлиги табиий шароит ўзгариши (намлик-харорат ўзгариши, ер кўчиши ва бошқалар) ва оғирлик кучлари (қор, машина ва механизмлар оғирликлари)нинг тасирида ўзгариши мумкин.

Табиий шароитни чуқур ўрганиш машиналарнинг йўл ҳаракати мезонини, йўл тўшамаси қатламлари қандай ҳароратга чидашини ва қулай қиёфасини белгилаш, қобик учун ишлатиладиган тупроқнинг мақбул ҳолатини аниқлаш, қопламаларнинг меъёри энг қулай ва мос лойиҳасини

тузиш, йўл иқлимий чегараларини тўғри белгилаш ва шу каби турли муҳандислик масалалари ечимларини ҳал қилишида қўл келади. Бунда асосан йўл замини тупроғи нам ҳарорат мезони, йўл қопламасининг мустаҳкамлиги, йўл қурилиши ва уни ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар аниқланади.


Йўл иқлимий чегараларини синчиклаб ўрганиш натижасида олинган муҳим кўрсаткичларга асосан иқлими қуруқ майдонни аниқ топиш имкони яратилди (1-расм).


Туркманистон, Ўзбекистон, Тоҷикистон Республикалари ерларининг дengiz satxidan 500 m dan юқорида жойлашган қисми, Қирғизистон ҳудудининг жануби-ғарбий қисми ва Қозоғистон Республикасининг тоғ ёнбағирларидаги текисликлар ҳамда жанубий Балхаш бўйидан бошлаб, то Каспий денгизининг жануби-ғарбий қисмидаги қиргоқларигача ёndoшиб борувчи ясси текислик ерлари иқлими қуруқ майдонларга киради. Умуман олганда, қуруқ иқлими деб қабул қилинган, ҳудуднинг ўзидағи қуруқ ва суғориладиган майдонлар тупроқ қатламларининг ер ости ёки оқар сувлари таъсирига турғунлиги ҳар хил бўлиб, уларнинг юқ кўтариш қобилиятига қараб йўл устида ҳаракатланиш учун автомобилларнинг маълум турларигагина мумкин бўлади.

Қуруқ иқлими катта ер майдонлари ўхша什 географик кўрсаткичлари (тупроғи, ёғингарчилик миқдори, ҳарорати кабилар) асосида туманларга ажратилади (2 ва 3-расм). Автомобиль йўлларини лойиҳалашда, қуришда ва улардан фойдаланишда бу усульнинг афзаллик томонлари кўп.

Республика ҳудудини иқлим бўйича туманларга ажратишида ҳудуд юзаларининг бир хилда иситилишини ифодаловчи миқёс иқлими, $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори иссиқлик таъминланадиган кунларнинг йифиндисини ифодаловчи иссиқлик мавсуми ва тупроқнинг намланиш даражасини ифодаловчи маңбаларнинг таъсир кучи каби катталикларга асосланади. Шундай қилиб, намланиш даражасига биноан умумий боғланиш U ни ёғин миқдори A (мм) га нисбати билан олинган катталиқ (β) га асосан майдонларга бўлинади. Агар $\beta = U/A < 0,45$ бўлса, майдонни


I - расм. Курғоқчылык майдони чегаралари.





2- расм. Қурғоқчилук майдонини қурғоқчилук тұманларига бүлиш:

□ 1-тұман: қуруқ, ёзи жуда иссик; ■■■ 2-тұман: нами кам, ■■■■ 3-тұман: нами кам, ёзи меъёрида



3- расм. Қурғоқчилук майдони тупроқдары: ■■■ — кулранг құнғир қатлам; ■■■ — кулранг құнғир соғ тупроқ; ■■ — кулранг енгіл өнгесимон соғ тупроқ ва оғир өнгесли құмсимон тупроқ; ■■■ — устки қатлам таркибида 0,1% ли сувда ерійдігін тузылы кулранг тупроқ; ■■■■ — тузылы тупроқ; ■■■■ — құмлар

юқори намли, $\beta = 1,01-3,0$ — ним намли ва $\beta > 3,0$ бұлғанида эса қуруқ ҳолатдаги (саҳро) майдонларга бұлинади. Иссиклик даврининг шартларига асосан ҳавонинг ҳарорат йифиндиси 10°C дан кам ҳолатида, яъни $\alpha < 10^{\circ}\text{C}$ бұлғанда майдонни ўта совуқ, $\alpha = 0-10^{\circ}\text{C}$ — совуқ, $\alpha = 10-22^{\circ}\text{C}$ — месъёрий иссиқ, $\alpha = 22-44^{\circ}\text{C}$ га күтарилса — иссиқ, $\alpha > 44^{\circ}\text{C}$ — жуда иссиқ (саҳро)га бұлинади.

Жуда иссиқ майдонларнинг тупроғи кулранг, ўта майда заррачалардан тузилган бұлиб, енгил, ёпишқоқ тупроқ ва оғир, чангли құмсімон ҳолатида учрайди.

Иқлими қуруқ майдонларнинг тахминан учдан бир қисмини құмликлар ташкил қиласы. Бундай құмликлар табиатда әркін ҳолатда учрайди; баъзиде кам баргли, узун илдизли үсимликлар билан қолланған құмликлар ҳам учрайди.

Кум заррачалари йигиладиган саёз дарё ёнбағирлари ҳамда деңгиз юзаси сатқидан, масалаң, 200 м гача паст бұлған текисликлар құмли чұлларга киради. Құмлар қаттиқ бирикмали жинсларнинг иссиқ ва совуқ ҳавода парчаланишидан (емирилишидан) пайдо бұлади, яъни улар ер юзасида сочилған ҳолатда бұлиб, қатламнинг юқори қисмини ўта майда заррача ётқизиқлари әгаллаган бұлади.

Емирилишлардан ва сув таъсирида ҳосил бұлған құмлар асосан кулранг сарғыш күренишда бұлади. Құмлар вақт үтиши ва қаттықлаша борған сари сарғыш тус ола бошлайды. Құмлар пайдо бұла бошлаган жойларда үркасімон бұртма, баланд-паст ва яkkам-дуккам тұпламалардан иборат қатор тепаликлар ҳосил бұлади. Баланд-паст тепаликлардан ташкил топған кум қаторлари, шамолнинг асосий йұналишига бүйсунған ҳолатда қиёфа олған бұлади. Бұртма құмтепаликларнинг ташкил топишида инсон фаолиятнинг таъсири ҳам бұлади. Масалан, қудукларга яқын очиқ ва кенг жойлардаги құмлик тепалари үсимликларга үралашып ва улар атрофика уюmlар ҳосил бўлиши натижасида вужудга келади.

Аллювиал текисликлардаги құмликлар эса биринчидан, тоғ жинсларининг емирилишидан, иккинчидан уларни дарё сувлари оқизиб келиб секин оқадиган жойларга ётқи-

зишидан ҳосил бўлади. Аллювиал қумлар қизғиш-сарик рангда учрайди. Баланд-паст уюмли кум қаторлари фақат шамол фаолиятидангина эмас, балки ўша жойнинг ўзида ҳам пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Қизилкүм чўлининг жануби-фарбий қисми қум-тупроқларнинг механик таркиби I-жадвалда берилган. Қум таркибидаги майда заррачалар намлика тўйинган ҳолида тупроқни лой босиб қолишидан, лой пустлоқ қатлами ташкил бўлишидан, қолаверса, замин намлиги буғланишини камайтиришга хизмат қиласи.

I-жадвал

ҚИЗИЛКУМ ЧЎЛИ ЖАНУБИ-ФАРБИЙ ҚИСМИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИ

Чукурлик, см	Кум заррачаларининг диаметри, мм							Диаметри 0,01 мм дан кичик заррачалар, %
	>0,025	0,25—0,10	0,10—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	<0,001	
0—4	24,4	22,0	42,0	8,0	1,0	3,0	йўқ	4,0
4—10	20,0	26,0	44,0	2,0	5,0	10,0	2,0	8,0
15—25	14,0	29,0	48,0	2,0	3,0	1,0	3,0	7,0
35—45	17,0	28,0	46,0	2,0	4,0	1,0	2,0	7,0
60—70	58,0	5,0	16,0	8,0	7,0	4,0	2,0	13,0
100—110	2,0	7,0	43,0	23,0	16,0	6,0	3,0	25,0

Лойли заррачалар аралашган саҳро-чўл қумларининг физик хоссаларининг қўрсатишича улар йўл қурилиши ишларида ишлатиш учун қулай. Уларнинг зичлиги қум таркибидаги майда заррачаларнинг қай тартибда жойлашишига боғлиқ.

Қумли тупроқлар кам даражала нам тутиши (1,6—3,0%), юқори бўлмаган даражада сув сигимига (1—12%) эга эканлиги ҳамда сув ўтказувчанлиги 10 соатда 1200 мм бўлиши билан бирга қатлам ичидага 80—100 см гача сув кўтарилиши билан ажралиб туради.

Қумли тупроқ таркибидаги сувда тез ва ўртача тезликда эрийдиган тузлар 1 м гача бўлган қатлам чуқурлигига жойлашган бўлиб, асосан сульфатли активликка эгадир.

Қизилкүмнинг жануби-фарбий ҳудудидан олинган қум тупроғининг кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

Соф қумли тупроқни йўл қурилиши учун фойдаланиш анча ноқулайдир. Саҳро қумлари таркибида, кўп ҳолларда, сульфат хлоридли активликка эга бўлган тузлар учрайди. Каспий бўйи пасттекислик қияликларида майдон тупроқлари эса хлоридли тузларга бой.

Таркибида 0,5% дан ортиқ тез эрувчан тузи бор бўлган қуруқ-нам иқлимли майдон тупроқлари йўл қурилиши ишлаб чиқаришига ярамайди ва бундай майдонлар тупроғилан қурилишда фойдаланишдан олдин улар таркибини яхшилаш бўйича маълум даражада тадбир-чоралар қўллашни талаб қиласди.

Муҳандислик тупроқшунослик фанида келтирилишича, тупроқнинг шўрхок турига асосан таркибида хлорид тузлари бўлган тупроқлар киради. Шунингдек, бундай тупроқлар таркибида тез эрувчан натрийдан ташқари сульфатлар, карбонатлар ҳамда магний ва кальций тузлари ҳам учрайди. Тупроқ таркибида тузларнинг йиғилиши, асосан, ҳар хил эритмаларга бой ер ости сувларининг замин қаърида қай даражада шимилишига боғлиқ. Бундай тузлар ер юзаси сатҳидан 1,5—3,5 м чуқурликлаги тупроқ қатламларида кўп микдорда учрайди. Шўрхок тупроқлардан қурилишда фойдаланиш ноқулай. Тупроқ панжарасини ташкил қилувчи қаттиқ заррачаларнинг активлиги ҳамда тузларга тўйинган ер ости сувининг буғланиш шиддатига қараб ҳам тупроқнинг маълум қатлами тузга тўйиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жануби-шарқий ва жануби-ғарбий ҳудудлари шўрхок тупроқларининг механик таркиби ва тузланиши даражалари турличадир. Тупроқларнинг жойланиши ва зичлиги асосан уларнинг пайдо бўлиш жараёнига боғлиқ. Тупроқлардан йўл қурилишида фойдаланишдан олдин, албатта, лабораторияда унинг механик ва гуз таркибини аниқлаш лозим, сўнг «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари» (ҚМК) талаблари асосида ундан фойдаланмоқ керак.

Чўлнинг кулранг ва қўнғирсимон тупроқлари асосан Ўзбекистоннинг марказий қисмида, яъни Каспий билан Орол дengизлари оралиғида тарқалган.

Чўлнинг кулранг ва қўнғирсимон тупроқлари дарё сувлари оқизиб келтириши натижасида унинг чеккалари ва ҳавзаларида уюм-уюм тўпламлар кўринишила ҳосил бўла-

КИЗИЛКУМ ТУПРОФИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Чүкүрдик, см	Күрүк көлдик	Ишкордик		Cl	SO ₄	Ca	Mg	Na
		CO ₂	HCO ₃					
0—5	0,05	0,001	0,0017	0,003	0,007	0,006	0,001	0,003
4—10	0,05	0,002	0,019	0,002	0,008	0,006	0,001	0,004
15—25	0,04	0,002	0,020	0,002	0,006	0,006	0,001	0,004
35—45	0,05	0,003	0,021	0,002	0,009	0,006	0,001	0,005
60—70	0,08	—	0,012	0,016	0,749	0,252	0,011	0,063
100—110	0,76	—	0,011	0,032	0,439	0,096	0,011	0,104

ди. Ясси текис кўринишдаги тўпламлари эса дарё ёнбағирларида ва унинг ирмоқларида ҳам учрайди. Бу тупроқни ташкил қилувчи қаттиқ заррачалар қисми эса турличадир. Улар физик хусусиятлари ҳар хил бўлган уч қатламли тузилишга эга, яъни қобиқ қавати яхши сув ўтказувчан хоссага эга бўлиб, сувни ўзида жуда оз сақлаб қолади. Қатламнинг қобиқ қисмини ташкил қилувчи заррачалари ўзаро зич жойлашган бўлади. Бу эса уларнинг ҳажм оғирлигининг юқорилигини кўрсатади. Кулранг қўнғир тупроқларнинг физик хоссасини асосан ўша қўнғир қатламнинг келиб чиқиши жараёни белгилайди, яъни тупроқда таъсир кучларига бардош берувчи энг зич ҳолатли қисмининг мавжудлиги, тупроқ тарқибида унча кўп бўлмаган миқдорла ўта майдада заррачалар ва туз миқдорларининг борлиги, сувни ўзидан кам ўтказиши ва атмосфера сувини амалда шиммаслик хоссалари ва бошқалар.

Устюорт қўнғир-кулранг тупроғининг бошқа тупроқлардан фарқи шуки, улар вазн жиҳатидан оғирроқ бўлиб, юқори қатламлари анча бўшроқ бўлади (3-жадвал). Бундай тупроқларни автомобиль йўлларининг қобиқ қатламига ишлатиш учун материал сифатида текширишлар яхши натижага берандагина тавсия этилади.

Тупроқлар ичидаги энг ёши сувлар оқизиб келиб ётқизишидан ҳосил бўлган қўнғирсимон тупроқлар ҳисобланади. Ҷўл шароитида бунлай тупроқлар қўйидаги жараёнларда пайдо бўлади: қирғоқлардаги янги ётқизиқлар дарё сувларининг оқизиб келишидан ҳосил бўлади; қўлмаклардаги ўтроқ ҳолатдаги ётқизиқлар эса сувда узоқ қолиб, сўнг ўзаро парчаланишдан ташкил топган тупроқлардир. Қўлмак жойининг ўзида сувнинг қуришидан ҳосил бўлган тупроқлар тақири тупроқлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қисми туманларида ер ости сувлари ер усти сатҳига нисбатан тақрибан 1—3 м чуқурликда учрайли. Атмосфера ва бошқа сувлар таъсирида тупроқ қўшимча намланиб, ер ости сувининг сатҳи ўзгариб туриши мумкин.

Пасттекислик кулранг тупроқлари нам-қуруқ иклимли ва тақири тупроқларга бўлинади. Асосан, пасттекисликлардаги суфорилиб фойдаланиб келинаётган ерларининг туп-

Тупролар	Чукурлик, см	Хажмий массаси, г/см ³	Солиширма массаси, г/см ³	Гирроскопик, % намник, % хисобида	Намникшүйг ёйлиши чегараси, % хисобида	Давомидаги тупрекчиң сув ўтказувчачилити, мм /coat	10 соат	Вазний намник, % хисобида
Кулранг-күн-ғир тупрек	0—9	1,35	2,69	50	2,3	14,4		3,5
Туғыз тупролар	10—20	1,30	2,70	52	2,1	11,0		3,2
Чүл тупроти	35—40	1,42	2,71	47	4,8	11,0	298,2	6,8
	60—70	1,37	2,73	51	5,0	16,4		7,3
	80—90	1,25	2,80	55	5,8	16,3		8,7
	110—120	1,17	2,77	58	2,3	15,0		3,5

роғилан автомобиль йўлларининг замини учун фойдаланилади. Бундай тупроқлар, одатда, қуруқ-нам ҳолатда бўлиб, замин тупроқ сифатида фойдаланилаётганда шиббалаш олдидан унинг намлигини меъёр даражасига, яъни оптимал намликка етказини учун унчалик кўп сув талаб қилмайди.

Пасттекисликлардаги суғориладиган тақир тупроқларга янги пайдо бўлаётган қатлам тупроқлари киради. Тақир тупроқлар суғорилалиганинг натижасида ҳамда ер ости суви сатхининг кўтирилиши натижасида пайдо бўлади.

Қаттиқ заррачалари майда бўлган саҳро тупроқлари, пасттекислик экинзор майдонлари тариқасида йиллар мобайнида суғорилиб келинган тупроқлардан механик таркиби бўйича тубдан фарқ қиласди. Бу тупроқларни ташкил қилувчи юқ кўтарувчи тузилмалари кучсиз бўлиб, сув таъсирида унинг таркибидаги калийли ва натрийли тузлар эриб, тузилмаси бўшашиб, тупроқ ўз оғирлиги таъсирида эркин силжиш ҳолатигача ўтади.

Иқлими қуруқ майдонларнинг маълум қисмини кулранг тупроқлар ташкил қиласди. Бундай тупроқлар 250—400 м ётиқ сатҳ оралиғидаги қатламларда ётқизилган бўлиб, тоғ ости пасттекисликларини тоғдан узоқроқ ва пастлиқда жойлашган чўл ерлардан, шур тупроқ жойлардан ва қумликлардан ажратиб туради. Кулранг тупроқларнинг тепа қатламлари таркибидаги 0,1% гача сувда кам эрувчан тузлар учрайди.

Саҳронинг кулранг-қўнғир ва пасттекислик майдонларидаги кулранг тупроқларнинг ғоваклиги юқори бўлиб, таркибидаги енгил чангсимон лой заррачалари ва оғир чангсимон қумлар аралашган тупроқлардан ташкил топган бўлади. Бу тупроқлар сув таъсирида тез ивииди, қуруқ ҳолида ҳам ички ишқаланиш кучи жуда кам. Майдоннинг юза қатламида транспорт воситасининг ҳаракати ва ишқаланиш кучининг таъсирида тупроқ тезда ёпишмайдиган ҳолатга ўтиб олади.

Йўл қурилишида, йўлнинг замин тупроғи учун тузланганлик даражаси (μ) ва холи (γ) ни билиш талаб қилинади, яъни μ ни аниқламоқ учун тупроқдаги тез эрувчан

түзлар оғирлигини қаралаётган ұжымдаги куруқ тупроқ ваз-
нига нисбати топилади, шунингдек тузли тупроқ холи (γ)
ни эса 100 г олинган куруқ тупроқдаги милли эквивалент-
лар күренишидаги Cl ионларининг умумий ионларга нис-
бати билан топилади.

Куруқ майдонлардаги тупроқтар тузланиш жиҳатидан күйидеги синфларга (4-жадвал) ажралади.

4-жадвал


Тупроқнинг тузланиш даражаси	Курсаткич μ, %	
	Хлорли ва сульфатхлорли тузланиш	Сульфатли, сульфат хлорли ва содали тузланиш
Кам	0,5—2	0,5—1
Ўртча	2—5	1—3
Кўп	5—10	3—8
Тўйинган	10 дан кўп	8 дан кўп

Тупроқларнинг кўрсаткич ($\gamma = cl / SO_4$) қиймати 2,5 дан катта бўлса — хлорли; $\gamma = 2,5 - 1,5$ бўлса — сульфат хлорли, $\gamma = 1,5 - 1,0$ бўлса — хлорид сульфатли ва $\gamma < 1$ бўлса — сульфатли дейилади. Агар тупроқ таркибидаги CO_3 ва HCO_3 , ионлари Cl ва SO_4 ионлари умумий сонининг учдан бири-ни ташкил қиласа, ундаи тупроқ содали ҳисобланади.

Ер устки қатламишинг тузилиши. Куруқ майдонлардаги тупроқни ташкил қилувчилар ер юза қатлами тузилиши билан баҳоланади (4-расм). Чүл майдонларини Каспий бүйінде Туров пасттекисликлари ташкил қилади. Шунингдек бу майдонларга сугорилиб ишлов бериладиган ва йўл курилиши ривожланган туманлар ҳамда тоғолди текисликлари ҳам киради. Бундай ерларни Фарғона водийси, чўл-қўриқ даштлари эгаллаган.

Текис күрғоқ майдонли туманлар аслида оз бўлиб, улар ясси қияликка эга. Текис күрғоқ майдонли туманнинг жанубида қиялик қиймати 0,006 га, шимолида эса — 0,003—0,002 га яқин. Аммо, бу майдонларда кўпдан-кўп майда пастқамликлар мавжуд бўлиб, улар сув қочириш қийин ва сув тупланшигига мойил юзалардан ташкил топган.

Ўзбекистон, Туркманистон, шунингдек Тожикистон водийлари деҳқончилик учун унумдор срли тупроқлардан



4-расм. Куркочилк майданынның жойлашиши:
 —делинг сатыдан 200 м баландылкка жойлашыши: 200 m salt deposit level
 —200 м дан 400 м дай 500 м дай баландылкка жойлашыши: 200-400 m salt deposit level
 —400 м дай 500 м дай баландылкка жойлашыши: 400-500 m salt deposit level

ташкыл топган, сунъий сугоришни ва йўл қурилишини ривожлантириш бўйича ўзгачадир.

Куруқ майдонли туманлар тупроқлари таркибининг ўзгариши унча катта бўлмайди. Бу туманларнинг жануби-ғарбий қисми дengiz сатҳидан 200 м гача баландда, жануби-шарқий қисми эса 200 м дан 400 м гача ва тоғ оралиқларидаги пасттекисликлари дengиз сатҳидан 400 дан 500 м гача баландда жойлашган бўлади.

Иқлим шароит. Куруқ майдоннинг иқлим ўзгаришига ер юзасининг қай ҳолатда жойлашганлигининг аҳамияти бор, яъни иқлим шароитининг ўзгариши ўша ергаги йўл қобиғининг иссиқ-намлик тартибининг ўзгаришига таъсир қиласи, Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий субтропикли қисмida ҳарорат ҳам, ҳаво ҳам йил давомида ўзгариб турди. Қишлоғи фаслларида вақти-вақти билан ёғинлар бўлиб турди. Бу жойлардаги ёғингарчиликнинг тартиблизилиги ва баҳордан ёзга ўтиш давридаги ҳароратнинг тез кутарила бориши ўзгача иссиқ-намлик (гидротермик) тартибни келтириб чиқарди.

Гидротермик тартиби Ўрта Осиё республикаларининг намли иссиқ иқлими жанубий туманлари кўп жиҳатдан иқлими ёзда юқори даражали ҳаво ва тупроқ ҳарорати бўлиб, ёғингарчилик умуман бўлмайди. Бу майдонлар шимолий йўналишда ялангликка кириб боради, бу эса совуқ арктика ҳавоси оқими кириб келишига йўл очиб, қишки иқлимининг пасайишини белгилаб беради. Бу ўлка иқлим шароити маълум даражада меъёрли ўлка иқлимига яқин.

Бу майдонларга Қизилқум ва Қорақум саҳролари, уларга ёндошиб кетган тоғ ён бағри текисликлари, ғарбга ва жануби-ғарбга қараган Тянь-Шань тизмасининг тоголди қисмлари, Помир, Олой ва Устюрт бўлаги ва Амударё пастқамликлари киради. Жойланиши жиҳатидан жануби-шимолга томон $37^{\circ} 12'$ дан $40^{\circ} 30'$ меридиан кенгликлари 920 км дан кўпроқ жой республикалараро қурғоқчилик майдони ҳисобланади. Бу вилоятларда қанча юқориланган сари ҳарорат пасайиб, ёғингарчилик миқдори орта боради, бу эса жой намлигининг ошишига сабаб бўлади.

Курғоқчилик майдонларида юқори (иссиқ) ва паст (совуқ) ҳароратлар фарқи 75° гача етиши мумкин. Курғоқ-

чилик майдонларида қиши фаслидаги ўртача ойлик ҳарорат ёздагига қараганда катта фарқ қиласы. Январь ойида ҳарорат жанубдан шимолга қараб 0° дан -12° гача пасайыб боради, июль ойида эса ҳарорат күтарила бориб, $25-32^{\circ}$ га етади. Энг кам намликтан өзгөрсөн ҳавонинг юқори ҳарорати Термиз шаҳрида ($+47^{\circ}\text{C}$), энг паст ҳарорат (-34°C) Каттақўрғон шаҳрида кузатилган.

Тупроқларнинг музлаш даражаси бевосита ҳавонинг совушига боғлиқdir. Шунинг учун йўл бўлакларини, айниқса йўлни ташкил қилувчи қисмларни ҳисоблаш ва лоийхалашда ноқулай ҳаво шароитини ҳисобга олиш тақозо қилинади.

Йўл қобигининг ҳарорат-намликтаги таъсир қилувчи асосий омиллардан бири ёғинлар ҳисобланади. Иқлими қуруқ туманларда ёғин миқдори 75 мм (жануби-фарбда) дан 300 мм гача (жануби-шарқда ва шимоли-шарқда) ўзгариб боради. Бу ёғиннинг асосий қисми йилнинг қиши ва баҳор фаслига тўғри келади. Июнь-сентябрь ойларида эса иссиқ бўлиб, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Кунлар қаттиқ исиганида йўл қопламасида соч толасидек дарзлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳудудида энг чуқур музлаган қатлам Хоразм воҳасида 100 см гача, Бухоро вилоятида эса 70 см гача етгани аниқланган.

Ўзбекистон ҳудудидаги тупроқнинг йил давомидаги ўртача ҳарорати мусбат бўлали. Жойлардаги музлашлар қалин бўлмайди. Айрим пайтларда 15 кунгача ҳаво совуганида ер қатлами 15 см гача чуқурликда музлаши мумкин.

Куннинг дам-бадам исиб туриши ернинг чуқур музлашига имкон бермайди. Масалан, Фаргона водийсида ернинг музлаши 15 см дан 25 см оралигига тўғри келади.

Гидротермик тартибга асосан Турон кенглигида Туран саҳроси майдонлари экстраарилли иқлимага эга, яъни иқлими тез ўзгарувчанлиги билан ажralиб туради. Ҳавода булат оз булиб, ёз давомида жуда оз миқдорда ёғин ёғади (5 ва 6-жадваллар).

Қуёш нурининг шиддатли таъсир кучи ва ҳавонинг қуруқлиги тупроқдаги намликтан кучли бугланишига олиб келади. Бир йил давомида бирлик юзадан сувнинг бувланиши Нукусда 1350 мм га етса, бу кўрсаткич Шеро-

бодла 2764 мм ни ташкил қилади. Кейинги қиймат жанубий туманлардан буғланиш қийматига тұғри келади.

Шундай қилиб, Турун кенглиги ерларидаги сув ва тупроқдан буғланиб чиқадиган сув ҳажми ёғингарчилик сувимикдоридан анча күп бұлиб, бу майдонларнинг қуруқ иқлимга хос эканини англатади.

Айнан мана шу ҳол ер ости сувларининг чуқур жойлашиига ва маълум чуқурликкача тупроқлардаги намликтининг йўқолишиига сабаб бўлиб, эмегер тусини олади. Ер ости сувларининг юзага яқин жойлашган қисмida сув порлари (ута майда заррачалари) ҳосил бўлиб, порлар билан бирга ўз эритмалари кўтарилиши имконияти орта боради. Ўзбекистоннинг доимий суфорилиб келинаётган Бухоро, Қоракўл, Қуий Сурхон ерлари, Фарғона водийси ва Амударёнинг қуишлиши атрофи экстрааридли иқлимга эга. Бу ерлар ўзгача иқлимга эга, яъни юқори намликка эга бўлган тупроқ шиддатли буғланиб турсада, меъёридаги намлини ўзила тутиб қолади. Иқлими нам ерлар атрофидаги саҳроларнинг ёзги ҳаво ҳароратининг фарқи 14—15° ва нисбий намлиги эса 60—70% га боради. Бу тафовутлар тупроқ қаъридан 2 м гача чуқурликда ўзгаради.

Тоғолди ва унга ёндошган тоғ ён бағри текисликлари ни эгаллаб ётган арид иқлимли кенгликтаги ерлар иқлим шароити жиҳатидан саҳролардан фарқ қиласи. Бу ерларда ҳавонинг йил давомидаги ҳароратининг ўртача бир ойлик кўрсаткичи пасайиб боради. Бу асосан ёз фаслининг меъёридаги бир хил ҳарорати билан боғлиқ. Бундан ташқари, қишиш пайтларида тоғ ёнбағридаги ҳаво ҳарорати бирмунча иссиқроқ бўлади. Бу ерларда ёғингарчилик саҳро ерларидагига қараганда камида 2—3 баробар кўп. Ёғингарчиликнинг фаслга нисбатан тақсимланиши умуман Турун воҳасига хос қонуниятга буйсунади. Шунинг билан бирга ҳаво намлиги ва булут босиши саҳрота нисбатан тоғ олди жойларида кўп бўлиб, буғланиш эса оз бўлади. Ана шундай (аридли) иқлим шароитидаги ерларда дон экинлари ёмнир сувларининг ўзи билан етиштирилади.

Ҳавонинг ёгиши ва тупроқдаги намнинг буғланиши ҳарорат тартиби билан ер юзасининг рельеф тузилишиига қараб ўзгарувчи қонунга буйсунади.

Иқлими	Шаҳар	Ойлар												Ўртачалик	Йиллик ўзгариш
		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
Экстрапридли	Нукус	-6,9	-4,0	4,1	13,1	20,5	25,0	27,1	24,7	18,3	10,4	2,1	3,0	11,0	34,0
	Хива	-4,5	-1,5	5,6	14,5	21,0	25,3	27,4	24,9	18,8	11,1	4,0	-1,5	12,1	31,9
	Когон	-0,6	3,0	8,8	16,2	23,2	27,6	29,6	27,6	22,0	14,2	7,4	1,8	15,1	31,2
	Шеробод	3,6	6,3	11,5	18,1	24,5	29,4	32,1	30,2	24,6	17,6	11,4	6,8	18,0	28,5
	Тошкент	-1,1	1,4	7,8	14,7	20,2	24,9	26,7	24,8	19,2	12,6	6,6	1,8	13,3	27,8
	Андижон	-3,5	0,3	8,1	15,8	21,2	25,4	26,7	24,9	20,0	12,7	5,6	0,2	13,1	30,2
	Гулистон	-2,3	1,0	8,1	15,3	21,2	25,9	27,2	24,9	19,0	12,6	5,8	1,0	13,3	29,5
	Самарқанд	-0,2	2,5	7,9	14,4	19,9	24,0	25,9	24,2	19,3	13,1	7,2	3,1	13,4	26,1
	Қарши	-0,2	3,6	9,4	15,7	22,0	26,6	28,8	26,6	20,4	13,6	7,5	3,2	14,8	29,0

Иқлими	Шаҳар	Ойлар												Йил бўйича
		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	
Экстрапридли	Нукус	6	9	13	14	10	6	5	1	2	4	5	12	82
	Хива	10	9	18	10	6	3	1	1	1	3	7	10	79
	Когон	26	18	25	20	9	2	0	0	0	3	10	18	123
	Шеробод	25	26	34	20	13	1	0	0	0	3	11	21	154
	Тошкент	47	40	63	49	29	12	4	1	4	23	40	47	359
	Андижон	24	29	32	39	31	16	8	3	3	17	20	23	227
	Гулистон	32	24	50	39	32	14	6	1	4	19	33	41	259
	Самарқанд	41	34	59	64	36	8	3	0	1	17	30	35	328
	Қарши	31	26	46	36	20	4	1	0	0	10	25	26	225

Ўзбекистоннинг жанубидаги қуруқ иқлимли майдонларда ёғин сувлари ва тупроқ намлигининг буғланиши жуда юқори бўлиб, 1200 мм га етади. Бундай кўрсаткич қурилестган майдонларнинг шимол ва шимоли-шарқ туманига яқинлашган сайн камайиб боради ва 600 мм ни ташкил қиласди.

Йўл қобиги остидаги тупроқ намлигининг йиғилиши маълум даражада сувга айланувчи қор қалинлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун қор қатлами то эригунча йўл қобиги ишларини бажариш жараёнинг салбий таъсир кўрсатади. Қуруқ иқлимли майдонларда қор қатлами 20—50 кун оралиғида эриб тугаса, Балхаш бўйида эса у 100 кунга боради. Иқлими қуруқ майдонларнинг шимолий туманларида қор қатлами жанубдагига нисбатан 10—25 кун кўпроқ туриб қолиши кузатилади.

Иқлими қуруқ майдонлардаги қор қатламининг сакланиб туриш вақтлари берилган. Асосан қор қатлами 10 см дан ошмайди, бироқ баъзи йилларда 20—25 см га ҳам етиши мумкин (масалан, 1993 й).

Гидрогеологик шароитлари. Қуруқ иқлимли майдонларнинг кўп қисмини суфориладиган ерлар ташкил қиласди.

Сунъий суфориш ишларини бажариш учун катта ҳажмадаги сув омборлари қурилади. Дарё сувлари эндиликда режалашибирлиган экинзорларга оқмоқда. Суфориб турилган кўриқ туманларда эса ер ости сувлари тез кўтарилиб, ерларни шўрлатиб юборади. Иккинчидан, Орол денгизига керакли миқдордаги сув етиб бормай, унинг сатҳи тобора пасаймоқда. Бу эса ўз ўрнида тузли майдоннинг кўпайишига ва атроф муҳитнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Суфориладиган туманларда, ернинг ботқоқланишига қарши маҳсус муҳандислик тадбирлари қўлланилади, яъни сувни йигиб чиқариб юборувчи ва ўзига сингдирувчи тармоқли қувур иншоотлари ҳам қурилади. Ер юзасидан сингиб кирган сувларни қочириш учун чуқурлиги 3 м атрофига, кесими трапеция қиёфасидаги очиқ сув қочириш тармоқлари қурилади.

Маълумки, шўр ювиш мақсадида узоқ муддат суфорилган жойнинг гидрогеологик таркиби ўзгаради, яъни ер ости

7-жадвал

Ойлар	Бир ойлик ўртача ҳарорат, °C		Ер ости суви сатхининг чукурлиги, м	
	1	2	1	2
Январь	-3,4	2,0	2,52—2,70	1,60—1,89
Февраль	-3,2	2,2	2,75—2,92	1,57—1,63
Март	5,3	9,8	0,80—2,60	0,03—1,63
Апрель	15,0	13,0	0,30—1,20	0,06—0,94
Май	21,4	20,5	1,22—1,60	0,96—1,58

7-б жадвал

Ойлар	1 га майдонни сугоришига кетган сувининг сарфи, м ³		Ёғингарчилик микдори		Ернинг музлаш қалинлиги, см	
	1	2	1	2	1	2
Январь	—	115	9,9	25,6	15—65	6—32
Февраль	1300	1995	—	57,4	0—70	—27
Март	2150	1980	10,8	43,7	0,72	0—13
Апрель	380	100	14,1	80,4	—	—
Май	165	—	—	19,4	—	—

Изоҳ: Ҳоразм вилояти ерлари учун; 2-кўриқ чўл ерлари учун

8- жадвал

Иқлими куруқ майдонлар	Такрорланиб турувчи шамол тезликларининг ўртача қиймати, м/с					Шамол тезлиги такрорланиб турувчи ойлар	
	такрорланиш сони, марта						
	0—1	2—5	6—10	11—15	15	кўпи	камি
Кўмли сахро ерлари	35	48	15	2	0	II—III ва VII	IX—X ва V—VI
Воҳа ерлари	35	57	9	1	0	II—III ва VII	IX—X ва V—VI

суви сатҳи кӯтарилади (ЕОССК). Суғориладиган туманларда ЕОССК йил давомида ўзгариб туради. Январь-апрель ойларида ЕОССК энг юқори бўлади. 7-жадвалда Хоразм вилояти қўриқ даштларининг гидрогеологик шароитлари берилган. Ер ости сувлари юзаси, дашт ерларда чуқурлика, нам иқлими туманларда эса саёз бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида ер ости сувлари 0,3 м дан 3,1 м гача чуқурлика бўлса, Қарши даштининг айrim туманларида 20—25 м га стади.

Шундай қилиб, ерларни суғориш ер ости сатҳининг кӯтарилишига ва натижада катта маблағ талаб этадиган сув қочириш усулининг қўлланилишига шароит туғдиради. Мана шундай туманларда намлик-ҳарорат ёмонлашиб, йўл қобиги намланишига ва сифати ёмонланишига сезиларли даражада таъсир қиласи. Йўл қобигини лойиҳалаш ва қуриш сифати, йўл ўзанининг ён томондан ва заминининг тубидан намланишининг қобиги турғунлигига салбий таъсирини чуқур ўрганишни тақозо қиласи.

Куруқ иқлими майдонларда эсадиган шамолнинг ўртача тезлиги 0—5 м/с ни ташкил қиласи ва айrim ҳолларда 24 м/с гача ортали (8-жадвал).

Шамолларнинг ойлик ёки йиллик ўртача тезликларининг қиймати жойнинг очиқлигига боғлиқ, уларнинг тақрорланиб туриши эса атмосферада рўй берадиган ўзгаришлар тезлигига боғлиқ.


2. ЙЎЛ ҚОБИФИНИНГ НАМЛИК-ҲАРОРАТ ТАРТИБИ

Иқлим шароити, гидрогеологик ва гидрологик муҳитларнинг йўл қобиги турғунлигига таъсири дейилганда, унинг остидаги ҳар хил чуқурликларни тупроқларнинг ҳарорати (*I*) ва намлигининг (*И*) мувозанат қонуниятига риоя қилган ҳолда, маълум вақт оралиғида ўзгариб бориши тушунилади. Йўл қобигининг намлик ҳарорати ҳолати маълум даражада намлагич омилларга ҳам боғлиқdir (5-расм).

Иқлими қуруқ туманлардаги намлагич омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Ёғингарчилик. Бу қисқа вақтли, аммо кучли омил. Яхши қаралмаган йўл қопламаларида намоён бўлган тир-

5-расм. Йул кобигини намлочи майданлар: 1—бүгін; 2—сугориш ариқларидаги сув; 3—ер ости сувлари; 4—сув буғи;
5—сугориш иншоотларидаги сув



қишиш ва ёриқлар орқали ўтган ёғингарчилик суви замин тупроғини намлаб, чўқтириши мумкин. Сув ўтказмайдиган автомобиль йўллари қурғоқчилик туманларига монанд бўлиб, ҳавоси иссиқ ва тупроқ суви кўп буғланганда ҳам бундай омиллар қопламага унча хавфли ҳисобланмайди.

2. Йўл қобиги чеккасига ёндошиб ўтувчи сугориш ариқларидаги сув. Мунтазам сугориш даврида, давомли ёмғир ёққанда, қор эриш пайтида йигилган сувлар ариқ периметри орқали шимилиб, йўл қобиги замин тупроғи ён томонидан намланиши мумкин. Намланган заминда структуралари бўшашиб, ўз оғирлиги, йўл қобиги ва машиналар юки таъсирида деформацияланиш (ҳолат ўзгариш) хавфи туғилиши мумкин.

3. Ер ости сувлари. Бундай сув юзалардан кўтарилиган капилляр сувлари тупроқнинг майда ҳаво томирлари орқали юқорилаб, 1—2 м тепага силжиши ҳам мумкин. Бу манба муттасил, таъсир этиши билан хавфли ҳисобланади, чунки тупроқни шўрлантиради ва намлаб структурасини бўшашибтиради.


4. Тупроқ сув буғи. Йўл замин тупроғи маълум даражадаги ҳажмға эга бўлган заррачаларо ғовакликка эга. Шу ғовакликларда сув буғи ҳаракатда бўлади. Сув буғи замин тупроғи намлигини мунтазам ошириб туради. Натижада йўл заминининг деформацияланиш хавфи туғилади. Йўл замини ва қоплама қатламларини лойиҳалашда сув буғининг хавфли таъсирини инобатга олиш талаб қилинади.

Йўлларни намланиш даражалари бўйича қуйидаги гидрогеологик гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Ер ости сувлари юзадан 3 м дан пастда жойлашган бўлади. Йўл қопламаси сув ўтказмайди ва ёриқларга эга эмас. Фақат тупроқ сув пори ҳаракат қиласи, ариқ сувининг таъсири хавфли эмас. Бундай жойларда йўл қопламаларига ҳарорат-намлик таъсири аҳамиятсизроқ бўлади.

II. Ер ости сувлари йўл қопламасидан 1,5—2,0 м чукурликла жойлашган бўлади. Йўл ёнбағирларидаги зовурларда 20 кунгача сув бўлиши кутилади. Ёзги сугориш ва қишики шўр ювиш даврида ер ости суви кўтарилиб, 1 м чукурликка яқинлашиши мумкин. Ариқ, ер ости сувлари озмиқдорла таъсир қиласи.

III. Ер ости сувлари 1 м чукурликка кўтарилади.



б-расм. Мавжуд йұлдарнинг күндалынг қиёфалары: 1—сугориш иншооттарининг йұл үқидан узокда жойлашиши; 2—сугориш иншооттарининг йұл қобигіннің иккі томонига ёдошиши; 3—сугориш тармоқдарининг йұл қобигига якни жойлашиши; 4—доим сұяға түлік зөвурларнинг йұл қобигига бир томондама ётдошиши


Йўл қобиғи остидаги замин тупроғининг намлик-ҳарорат тартибини ўрганиб, унинг аҳамиятли томонларининг йўл замини ва қопламасини лойиҳалашда қўлланилиши иқтисодий томондан ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Намликнинг йўл заминига сингиб бориш ҳолатининг олдини олиш ва йўл қобиғининг мустаҳкамлигини таъминловчи турли чора-тадбирлар кўрилади.

Куруқ иқлимли туманлардаги ер ости сувлари чуқур бўлмаган срларда қопламали йўллар танланиб, синов ишлари олиб борилади (6-расм). Йўлнинг симметрик ўқида ўра ковланиб, узунлиги 100 мм, 30×80 мм токчаларни қоплама қатламларининг энг остидан: 0; 20; 40; 60; 80 ва 100 см чуқурликдаги бир-биридан силжиган ҳолда жойлаштирилади. Буғларни ушлаб қолиш учун токчаларга қенглиги 60 мм, баландлиги 25 мм чинни ликопчалар ўрнатилиади. Ўрнатишдан олдин, ликопчаларга 0,01 г аниқлик билан 5—7 мм баландликда дистилланган сув тўлдирилади. Токчанинг тепа қисмидан тупроқ тушмаслиги учун эҳтиёт чораси ҳам кўрилади. Масалан, токчанинг олд қисми зангламас тунука билан беркитилгач, ўра ташқарисидап тупроқ билан тўлдирилади. Тўлдириш вақтида тупроқ шиббаланади. Йўлнинг кўчириб олинган қоплама қатламлари яна ўз жойига кўйилгач, ёриқларга эритилган битум қуилиб, сув ўтмас ҳолатига келтирилади.


Ликопчаларнинг бу тарзда ўрнатилиши қобиқдаги тупроқлар оралиғида буғнинг тарқалиши ва чўкиш жараёнини аниқлашга имкон беради (7- расм). Маълум вақт ўтгандан сўнг ликопчалардаги сувларни ўлчашиб билан бирга, ўша жойнинг тупроқ намлиги, зичлиги, ҳарорати ҳам ўлчаб борилади. Ўлчаш ишлари йил давомида ҳар ойда бир мартадан олиб борилади.

Тажрибаларимиз қўрсатдики, муҳит юқори қўрсаткичининг турғун ҳолатида буғнинг энг кўп йиғилиши 20—40 см чуқурда намоён бўлади. Бу чуқурлик эса йўл қопламаси ости юзасидан пастда бўлади.

Қобиқ тагидаги тупроқнинг намланиш шиддати сув буғнинг қобиқ таг юзасида сувга айланиб, тезроқ йиғилишига боғлиқ. Иқлими қуруқ туманлардаги ер ости сувлари чуқур жойлашишининг асосий сабабларидан бири куннинг иссиғида ер ости сувларининг маълум қисми буғ-



7-дәрсм. Ликопчазарни синов жойига күншін үзүн: 1—йұл қолдамасы; 2—тұшама асосы; 3—бошланғыч намлық; 4—синов охирдаты намлық; 5—ликопчазарга ия болған сұу; 6—умумий инилгап нам; 7—бүг өткішилди ҳосил болған нам; 8—бүг сұндырылған ликопчазар



8-расм. Тупроқдаги намликтин сув бугининг ҳаракатига боғлиқ таъсири

га айланиб кетади. Буғ таъсиридан намланган тупроқнинг оғирлик вазни ўзгаришини оддий усулда — сув оғирлигига нисбатан ҳисоблаш усули билан топилади. Бир метр қалинликдаги қатлам бўйича тупроқ сингдирган намлиги (мм ҳисобида) ҳисоблаб чиқлади ва буғ ҳолатидан (мм) йиғилган сув билан таққосланади.

Вазни W намлик (мм ҳисобида) куйидаги ифода билан ҳисобланади:

$$H = 0,1 \cdot \delta \cdot W \cdot h, \quad (2.1)$$

бу ерда δ — тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, $\text{г}/\text{см}^3$; h — тупроқ қатламининг қалинлиги, см; W — тажриба вақтида тупроқга қўшилган намлик, %.

Тупроқлар намлиги қатламларнинг ўртача кўрсаткичлари бўйича аниқланади (9-жадвал). Оғир вазни қумлоқ ($W_{\text{о}} = 21-26\%$) ва қумоқ тупроқларнинг ($W_{\text{о}} = 28-33\%$) вазни оғирлиги фаслларга қараб 1,30 дан 1,80 $\text{г}/\text{см}^3$ гача оралғида сув бугининг таъсирига қараб ўзгариши мумкин. Йўл қобиги остилаги сув бугининг ҳаракати тупроқдаги мавжуд намликка боғлиқлиги табиийдир (8-расм). Тупроқни оқиш чегарасидан 0,6—0,5 қисми ҳолатигача намловчи асосий манба сув буғи ҳисобланади. Сув буғи иссиқ пайтларда йўлнинг тўшамасидан қобиги томон ҳаракат қиласа, совук пайтларда қобиқдан қоплама томон интилади.

Сув буғи таъсирида тупроқ намлиги орта бориб, $0,75 W_{\text{оч}}$ ҳолатигача, тупроқ заррачалари атрофида уни ўраб олган пардасимон намлик пайдо бўлади. Намлик $0,75 W_{\text{оч}}$ дан ортган тупроқ сувга тўйинган ҳолида бўлади.

Йўл заминини намловчи манбаларни ҳар томонлама чукур ўрганиш, уларни гидрогеологик гуруҳларга ажратиш тупроқдаги намлик ҳаракат ҳолатини аниқлашда қўл келади. Бу эса тупроқнинг ҳолат чегараларини аниқлаб, синфларга ажратиб қабул қилишда фойдаланилади.

Йўл қобиғининг сув-ҳарорат тартиби ўзгаришида на-моён бўлувчи физик омиллар миқдорини аниқлаш ва уларнинг ҳолат чегараларини асосли белгилаш учун материалнинг ҳаво ва сув порининг ўтказувчанлиги, шунингдек намланиш жараёнидаги сув шимиш имконияти ўрганилади. Икки хил физик ҳолатдаги намликнинг материалга сингиб бориш чегараси ҳам ҳар хил. Материал қаърига сингиган намликнинг сарфига қараб, материални қай даражада нам сиғдира олувчанлиги ($W_{\text{ср}}$) ҳам маълум бўлади.

Йўлнинг замин тупроғи ва тўшама қатламлари материалиларининг зичлиги даражаларига қараб уларнинг ҳаво ва нам ўтказувчанлиги бир хил бўлмайди. Маълумки, сув буғларининг ҳаво билан ҳар хил имкониятда (P , мм) ва ҳар хил даражада аралашган ҳолати мавжуддир. Сув буғининг намлик даражасини ҳаво бўшлиғининг нисбий намлиги билан кўрсатиш мумкин, яъни

$$\phi = (PP/P_1) \cdot 100, \%$$

Бу ерда, P_1 — маълум ҳарорат (t_1) даги буғ таркибида сувнинг аралашган имконияти, мм. сим. уст.

Коплама ва қобиқнинг совишидан оралиқлараро бўшлиқдаги буғ сувининг аралашиб имконияти пасая боради. Ҳарорат пасаявериши натижасида ($t < t_1$) сув порида сув тутиш имконияти камая боради ва кўрсаткич $P_1 - P > 0$ бўлганда буғ ҳолатидаги нам сув бўлиб чўқади.

Буғнинг материал юзасига тегиб ўтиши натижасида буғ суюқликка, яъни конденсация ҳолатига ўтади. Ҳавонинг нисбий намлиги орта борган сари материал юзасида конденсация нами (суви)нинг орта бориши кузатилади. Бўшлиқлардаги ҳавонинг нисбий намлиги ҳароратнинг ўзга-

Тажриба даври	Сув бугининг йўғалиши	Қатламнинг қалинлиги, см	Ўртача намлик		Тупроқнинг намланиб оқиш чегараси	Намлик-
			бошлангич	оҳирги		
23.III-23.4 7.XII-25.II	пастга юқорига	100 40	24,4	27,4	25,5	I-назорат жойи 2,7 12,9
			20,2	33,1		2-назорат жойи
2.VI-11.VII 20.II-27.II	пастга юқорига	80 100	18,6	15,4	33,0	I-назорат жойи 3,25 2,8
			21,6	24,4		

ришига қараб ортиб ёки камайиб боради, шунингдек йўл материаллари ва тупроқларнинг намликлари ҳам ўзгариб боради. Иссик иқлимли туманлар тупроқларининг қай дарражада нам шима олишини билиш мақсадида қуидаги лаборатория ишларини бажариш тавсия этилади.

Тупроқларнинг табиий зичликдаги намуналари олиниб куритилади ва тортилади. Бу намуналар маҳсус лаборатория идишларида — экспикаторларда сақланади. Турлича ҳароратда ушланган бундай тупроқ намунасининг оғирлиги вақти-вақти билан ўлчаб турилади.


Бугнинг тупроқ заррачалари юзасига яқинлашган сари унинг намлиги борган сари орта бориб, $W_{\text{ю.р}}$ ҳолатида тўхтайди (9- расм). Тупроқ намлигининг ошиб бориши қуидаги қонуният бўйича рўй беради. Аввал қуруқ тупроқда сорбцион намликнинг молекуляр қатлами ҳосил бўлади. Сувга тўйинган тупроқнинг ион заррачалари билан сув молекулаларининг диполи ўртасида электростатик куч таъсир этиб, сув молекулалари тупроқ заррачалари юзасига тортилади. Сув молекулалари сув пардасини ташкил қилади. Сув пардаси тупроқ заррачаларининг сирт тортиш кучи натижасида пайдо бўлади. Вақт ўтган сари сув парда қатлами кенгая боради. Сув парда қатлами ўз оғирлиги билан

нинг ўзгариши	Сув буғининг ликопчаларда сувга айланниши, мм	Намликнинг ҳолат қуриниши ва таркибининг (%) берилishi	
		буғ қуринишида, %	суюқ ҳолатида, %
$\Delta W'$, мм қатламларда намликтинг орта бориши			
$0,1 \cdot 2,7 \cdot 100 \cdot 1,5 = 30,5$ $0,1 \cdot 12,9 \cdot 40 \cdot 1,5 = 77,4$	12,67 16,90	$12,6 \cdot 30,5 \cdot 100 = 37$ $16,9 \cdot 77,4 \cdot 100 = 22$	63 78
$0,1 \cdot 3,25 \cdot 80 \cdot 1,5 = 39$ $0,1 \cdot 2,8 \cdot 100 \cdot 1,5 = 42$	30,0 19,2	$30,0 \cdot 39 \cdot 100 = 75$ $19,2 \cdot 42,0 \cdot 100 = 46$	25 54

пастки томонга қараб томчи суви ҳосил қиласи. Тупроқ намлиги $W > W_{\text{ю.г}}$ чегарада ўзгарса, намлик фақат буг ҳолатида күчган бўлади, $W < W_{\text{ю.г}}$ бўлганида эса тупроқдаги намнинг йигилиши асосан сув томчилари таъсирида рўй берган бўлади. Тажрибалар кўрсатадики, тупроқ намлиги тахминан 75% сув буғидан ва 25% сув парласининг томчига айланнишидан келиб чиқар экан. Тупроқнинг намланиши унинг зичлигига боғлиқ бўлмайди, чунки турли зичлик ҳолатларида ҳам деярли бир хил намланиш жараёни содир бўлади.

Тупроқларнинг $W_{\text{о.н}}$ ортиб бориши билан уларнинг сирттаранглик майдон юзаси кенгайиб боради. $W_{\text{ю.г}}$ қумларда 2–4%, лойли тупроқларда 4 дан 12% гача ўзгаради. $W_{\text{о.н}}$ тупроқнинг намланиш даражасини белгилаб, ундан юқорида эса тупроқнинг ҳаво бўшлиқлари сув билан тўлган ҳолатида бўлади, яъни 100%. Бу тупроқдаги бўшлиқда буг ўрни сув эгаллаган ҳолатидир. Шунинг учун ҳам қуруқ иқлими туманларда йўл қобиғининг сув-ҳарорат тартибини ўрганишда $W_{\text{о.н}}$ кўрсаткичи катта амалий аҳамият касб этади.

Йўл қобиғи замини бўшлиғида нам ҳаво ҳаракати вужудга келиши учун тупроқ қаъри ичра оралиқ йўллари бўлмоғи лозим. Тупроқлар оналиқ жинсидан иборат бўлган



9-расм. Бүгүн юғыш хисобига тупрока наңмийн күпайыш эгрилиги: а — $W_{\alpha_u} = 22.8$ тенгликтагы күм тупрек, б — $W_{\alpha_u} = 26.8$ тенгликтагы соъз тупрек; W_{α_k} — юқори гигроскопик язм синтези

қаттиқ заррачаларидан δ / Δ_1 тупроқнинг ҳажмий вазни, $\text{г}/\text{см}^3$. Δ_1 — тупроқнинг нисбий вазни, $\text{г}/\text{см}^3$), суюқ қисмдан $\delta W / \Delta_0$ (W — вазний намлик, нисбий бирликда; Δ_0 сувнинг ҳажмий вазни) ва ҳаво бўшлиғи (B) дан ташкил топган, яъни

$$I = \frac{\delta}{\Delta_1} + \frac{\delta W}{\Delta_0} + B.$$

Бундан ҳаво бўшлиғи

$$B = \left(1 - \frac{\delta}{\Delta_1} - \frac{\delta W}{\Delta_0} \right) \cdot 100 \text{ га тенг.}$$

Тупроқларнинг ҳаво бўшлиғи уларнинг намлиги ва зичлигига боғлиқ бўлиб, йил давомида ўзгариб туради. Йўлнинг замин тупроғи намлиги ортиб боргандা ҳам ҳаво бўшлиғи сақланиб, у 2% дан 26% оралиғида ўзгаради ёки тупроқ ҳар қанча шиббаланган ҳолатида ҳам унинг таркибида ҳаво бўшлиғи мавжуд бўлади.


Тажрибаларимизнинг бирида F юзали тупроқ намунасини маҳсус қолипга солиб, тупроқ орқали P_x ҳаво босими юборилиб, унинг ҳаво бўшлиғи ўрганилди. Сарфланган ҳаво газли соатда, босим эса микромонометрда ўлчаниб турилди. Тупроқ намунаси жойлашган қолипда босим ўзариши ўлчанди. Ҳаво ўтказувчанлик коэффициенти қуидаги ифода билан топилади:

$$\lambda_x = qh / \Delta P_x \cdot F,$$

бу λ — ҳаво ўтказувчанлик коэффициенти, л/м.с. мм. сув. уст; h — намуна баландлиги, м; q — сарфланган ҳаво.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдик, аввалдан яхшилаб шиббаланган ва ғоваклиги 2—4 фоиз бўлган тупроқда ҳаво ҳаракатланиши мумкин экан (10-расм).

Тупроқларнинг буф ўтказувчанлигини маҳсус қурилмада ўрганилди. Олинган тупроқ намунаси синов темир цилиндрига ўрнатилди. Буф босими берилгач, намуна чегараларида унинг қийматлари P_1 ва P_2 бўлди. Синов изотермик ҳолатда ўтказилди. P_1 ва P_2 қийматларга асосан ΔP_x ва q қийматлар ҳисобланниб топилди.



10-расм. Соz тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлик коэффициентиниг ғоваклигига боғлиқлиги

Иқлими қуруқ туманлардаги йўл қурилишида ишлатиладиган тупроқ ва қоплама қатламини ташкил қилувчи ҳамма материаллар буғ ўтказувчан бўлиши керак. Материалларнинг буғ ўтказувчанлик даражаси ($\text{г м.с.мм симоб уст.}$) ҳар хил бўлади. Йўл қопламаси учун кўп ишлатиладиган қиррали ва ясси шагаллар учун ҳаво ўтказувчанлик коэффициентининг мақбул қиймати $\lambda_8 = 40$ бўлиши керак бўлса, асфальт қоришмалари учун бу қиймат 10 марта кам бўлса, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқлими иссиқ туманларда ётқизилган йўллар замин тупроқлари ҳаво-буғ ўтказувчан бўлиб, йил давомида унинг қаърида ҳаво ва буғ ҳаракати мавжуддир. Ташки муҳит билан йўл замини ғоваклари ўртасида ҳаво ва буғ алмашуви жарабёни бўлади.

Йўл замини тупроғи қаърида ҳаво ва буғ алмашиш жарабёни маълум қонуниятга бўйсунган ҳолда рўй беради.

Сув-ҳарорат тартибини ўрганишда капилляр ғоваклардаги ҳарорат алмашинувининг умумий назариясини

Йўл тўшамаси ва замин тупроғи қатламларини лойиҳалаб қуриш ишлари учун ривожлантириб қуидагича баён этиш мумкин. Йўл ва унинг замини тупроғи материал сифатида сочилувчан ҳар хил майда заррачалардан иборат масса ҳолида кўрилади. Уларда оралиқлараро намланиш, босим, ҳароратнинг ўзгаришлари, таркибнинг нам сақлаши қабилар рўй беради. Тўйинган сув буғи тупроқ қаърига икки ҳолатда сингиб боради. $W > W_{\text{ю.г}}$ ҳолатида сув буғи Δ_p ўлчамли тупроқ босими ва материални нам тутиш имкониятига боғлиқ бўлиб, ҳар томонга баробар тарқалади. $W > W_{\text{ю.г}}$ ҳолатида эса сув бугининг тарқалиши, тўйинган бугнинг ўлчам босими др таъсиридан келиб чиқувчи ҳарорат функциясига боғлиқ бўлади.

Суюқ ҳолатдаги намликнинг тарқалиши муҳитда намни ўтказа олиш имконияти мавжуд ҳолатдагина рўй беради. Йўл қопламаси қатламларидан ҳароратли намни ўтказувчанлик даражаси жуда кичик бўлиб, у 1,5–3% ни ташкил қиласди.

Замин тупроғи ва йўл тўшамаси қатламлари кўп таркибли сочилувчи материалдан ташкил топган бўлиб, ҳарорат таъсири, уларда намликнинг миқдор ўзгариши ва заррачалараро пор босими миқдорининг ўзгаришлари намоён бўлади. Сувга тўйинган қатламларда тупроқ икки ҳолатда, яъни қаттиқ ва суюқ бўлади. Материал жинсларининг иссиқлик ўтказувчанлик назариясига асосан йўлнинг замин тупроғида ҳарорат ва намлик ўзгариб туришида мувозанатлик шартини ўтовчи потенциал кучи (∇P) таъсир қилишини инобатга олсак, у ҳолда қувват оқими қуидаги ифодага кўра аниқланади

$$q = -K \nabla P,$$

бу ерда: K — мувозанат ҳолатидаги қувват ўтказувчанликни баробарлаштириш коэффициенти; ∇P — потенциал куч.

Иссиқлик ва намлик оқимининг мувозанат тенгламаси қуидагича ифодаланади.

$$C \delta \frac{\partial T}{\partial T} = -\nabla q_m - q^1 m;$$

$$C \delta \frac{\partial W}{\partial T} = -\nabla q_B - q^1 b,$$

бу ерда $C \delta$ — иссиқлик сиғими ҳажми, ккал/град.м³; $q^1 b$ — намлиқ ҳолатининг ўзгаришидаги ички иссиқлик манбаларининг оқими; $q^1 b$ — сувнинг буғланиш ва чўкиши натижасида рўй берадиган ички иссиқлик манбаларининг оқими.

Иссиқлик оқимини қўйидаги ифода орқали тасвирлаш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} q_m &= -\lambda \nabla t; q_n = -\lambda_n \cdot \nabla \cdot P; \\ q_{\mathcal{K}} &= -\lambda_{\mathcal{K}} \nabla W - \lambda_{\mathcal{K}} \delta_{\mathcal{K}} \cdot \nabla t; \end{aligned} \right\}$$

бу ерда $\lambda, \lambda_n, \lambda_{\mathcal{K}}$ — қатламнинг иссиқ ўтказувчанлик, буғ ўтказувчанлик ва суюқлик ўтказувчанлик коэффициентлари.

Бу коэффициентлар мос равишда қўйидагича аниқланади:

$$\lambda = a C \delta; \lambda_n = a_n \cdot l \cdot \delta; \lambda_{\mathcal{K}} = a_{\mathcal{K}} \delta,$$

бу ерда: δ — зичлик, кг/м³; a_n — буғ ўтказувчанлик коэффициенти, м²/с; l — синган буғ вазни, кг/кг.мм; $a_{\mathcal{K}}$ — нам ўтказувчанлик коэффициенти, м²/с.

Намлиknинг икки ҳолати учун Рейнольдс сони жуда кичик бўлиб, тахминан $Re \approx 10^{-5}$ га яқин. Шунинг учун иссиқлик тарқалишини ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Иссиқ ва нам шимилиши жараёни бир хил бўлган қуруқ иқлимли туман йул қобиқлари қатлами ва замин тупроқлари учун қўйидаги ифодаларни ёзишга ҳақлимиз:

$$\frac{dt}{dT} = a \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} + b \frac{\partial W}{\partial z}; \quad (1)$$

$$\frac{dW}{dT} = a_1 \frac{\partial^2 W}{\partial z^2} + a_1 b_1 \frac{\partial^2 t}{\partial z^2}, \quad (2)$$

бу ерда: a — тупроқнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, м²/с;

b — замин тупроғининг намлик ҳолатининг ўзгаришида иссиқлик чиқишини (ёки ютишини) белгиловчи коэффициент, град;

a_1 — икки ҳолатли тупроқнинг нам ўтказувчанлик коэффициенти, m^2/c ;

b_1 — суюқлик қисмийнинг иссиқлик тарқатиш коэффициенти, $1/\text{c}$; z — қаралаётган қатламнинг чукурлиги, м.

(1) тенгламадаги иссиқ ўтказувчанлик $a = \frac{\partial^2 t}{\partial z^2}$ нинг қий-

мати иссиқлик алмашинувины акс эттиради, $b = \frac{\partial W}{\partial T}$ нам-

ликнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишида иссиқ чиқишини ва унинг ютилишини ифодаласа, (2) тенглама-

даги $a_1 = \frac{\partial^2 W}{\partial z^2}$ ифода намликнинг суюқ ҳолатида йиғилиб


боришини, $a_1 b_1 = \frac{\partial^2 t}{\partial z^2}$ эса суюқ ҳолатдаги фазани иссиқ

билин буғ ҳолатига ўтиб тарқалишини ифодалайди. (1) ва (2) тенгламаларда эриган ва музлаган тупроқлар учун b ва a_1 нинг тегишли коэффициентлари қуйидагича ифодаланаиди:

$$b_3 = \frac{\epsilon e n}{C_3}; b_m = \frac{1}{C_m} (\epsilon e n + \epsilon e n);$$

$$a_{13} = \frac{a_e}{1 - \epsilon}; a_{1m} = \frac{a_n}{1 - \epsilon - \epsilon_1},$$

бу ерда ϵ , ϵ_1 — буғнинг суюқ (сув) ҳолатга ўтиши ва сувнинг музга айланиш ҳолатини белгиловчи ўлчамсиз қийматлар, $0 < \epsilon < 1$; $0 < \epsilon_1 < 1$; e_n, e_m — сувнинг буғга айланиш ва муз ҳолатига ўтиш ички иссиқлиги, ккал/кг; C_3, C_m — эриган ва музлаган тупроқнинг вазний иссиқлик сигими, ккал/кг.град; a_3, a_m — эриган ва музлаган тупроқнинг нам ўтказувчанлик коэффициенти, m^2/c ; (1) ва (2) тенгламалар қуруқ иқлими туманларда йўл қобиги ва замин тупроғида сув-ҳарорат ўзгариш қонуниятининг умумий ҳолатини ифодалайди.



11-расм. Күргөччилик тұмандарыда ийл қобитининг сұб-харорат тартибін ажыратып: I—дифузион тартиб; II—диф-
фузия пардалы тартиб; III—геологияк намылжышлы тартиб; IV—гидрогеологияк намылжышлы тартиб

Куруқ иқлимли туманлар майдонларининг йўл қатламларида намлик ва ҳарорат ўзгаришидаги физик маънени аниқлаш учун сув ҳарорат тартиб турлари тузилган. Буларнинг ичидаги энг асосийлари тўртта (11-расм).

I тур. Диффузион тартибли. Ер ости сувлари автомобиль йўл тўшамаси фаол юзаси тагидан пастда $h_b > h_a$ чукурликда жойлашган, яъни $h_b > h_a$. Йўл қопламаси ёғин сувини ўтказмайди, унинг устида сув туриб қолмайди ва ён томонидан ҳам сув таъсир қилмайди, $W_a = 0$. Намлик йил давомида қисқа чегарада ўзгаради, $W_{io} < W < W_{o}$, бу ерда W — меъерида намлик, W — замин тупроғи намлиги, $W_{io,r}$ — сув томчилари ҳолига ўтгунча тупроқ таркибида ҳаракатда бўлган буғ миқдорининг юқори сифими.

Қобиғ ичидаги сув буғи тўйинган ҳолатда силжийди. Сув бугининг қоплама фаол қатлам қалинлиги бўйича ўзгариши унинг майиллиги ва ҳароратига боғлиқ. Фаол қатламдаги юқори намлик йўл тўшамасидан 0,1—0,4 м пастда учрайди. Диффузион тартибли намлик қатламларининг ҳолати узоқ муддат бир хил сақланувчан бўлиб, суфорилмайдиган туманларда учрайди.

II тур. Диффузион-пардасимон тартибли. Ер ости сувлари чуқур жойлашган, $h > Z_a$ қобиқ ёнида сув вақти-вақти билан йиғилиб туради, $W_e \neq 0$, ёғин суви йўл қобиғига шимишмайди, $W=0$. Бу ерда Z_a — транспорт воситаларининг қобиқка фаол таъсир қилиш чуқурлиги.

Қобиқ ёнбағирларидаги тупроқлар намлиги $W_0 < W < W_{tn}$ чегарасида ўзгариб туради. W_{tn} — тўлиқ намга тўйинган ҳолат.

Бундай сув-ҳарорат тартибли йўл замини тупроғи сунъий суфориладиган туманларда учрайди ва тупроғи кўпинча соз тупроқли бўлиб, таркибида турли миқдорда тузи бўлади. Қобиқ тупроқларининг ғоваклик коэффициенти 0,95 дан юқори.

Бундай ҳолларда йўл тўшама қатламидаги намликнинг ўзгариши иссиқлик таъсирида сув бугининг ҳаракати тупроқли пардасимон намликнинг ошиши ва камайиши билан аниқланади.

III тур. Майда томчисимон геологик тартибли. Ер ости сувлари яқин, $h_b > Z_a$, қобиқ ёнидан сув таъсир қилмайди,

($W = 0$) ва ёғин суви унинг тела қисмидан шимилмайди, ($W = 0$). Ер ости сувига яқин жойлашган қатламлар ғоваклари ҳосил бўлган майда сув томчиларининг тупроғининг намланиши унинг чўкишига хавф туғдиради. Тупроқлар тўла намга тўйинган ҳолига ($W_{\text{тн}}$) етиши мумкин. Бундай сув ҳарорат тартибли қатламнинг кулаг ҳолига қобиқнинг қошини баланд жойлаштириш, сув кўтарилишига қарши қатламлар қуриш ва ер ости сув сатҳини камайтирувчи муҳандислик тадбирий қувурлари қуриш эвазига эришилади.

IV тур. Майда томчисимон гидрогеологик тартибли. Бундай икки томонлама намланиш бўлиб, $h_b < Z_a$, $W = 0$, $W_a = 0$ бўлади. Бундай сув-ҳарорат тартибида энг хавфли намланиш ҳоли кутилади. Йўл ёнбошлари доимий суфорилади. Бу ҳолат вақти-вақти билан тупроқ шўри ювиладиган туманларда учрайди. 1 га майдонга 4 минт m^3 сув сарфи тўғри келади. Ер ости сувининг тез кўтарилиб, узоқ муддат ўзгармай туриб қолиши айнан шу гидрогеологик тартибга тўғри келади. Шундай қилиб, суфориш даврида йўл қобиғига ҳам тагдан, ҳам ёндан намлик таъсир қиласи, яъни икки томонлама намланиш кутилади.

III ва IV турлардаги қобиқнинг намланиши асосан суюқликнинг силжиши ҳолатида (пардасимон, майда томчисимон, яъни тўйинган эритма ҳолида) намоён бўлади.

Сув-ҳарорат тартиб тури биринчи гидрогеологик гурухга, II тур – иккинчи гурухга, III ва IV турлар эса тегишлича гуруҳларга мос келади. $W \neq 0$ ҳолатида, яъни қопламанинг сув ўтказиши мумкин бўлган чоғда тупроқда намликнинг сингиб бориш тартиби намоён бўлиши мумкин.

Автомобиль йўллари заминининг турғунилигидан йўл тўшамасининг қаттиқлиги, унинг текислиги ҳамда узоқ вақт хизмат қила олиши ва йўл устида ҳаракат қилувчи автомобиль транспортларининг иш унумлари ҳам бевосита боғлиқдир.

Заминнинг турғунилиги деганда унинг маълум вақт оралиғида транспорт воситалари ва табиатнинг салбий таъсир омиллари остида ўз ҳолатини қай даражада сақлай олиши тушунилади. Автомобиль йўллари заминини лойи-

ҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш жараёнида йўл қўйилган ҳар бир хато ва эътиборсизлик оқибати унинг турғунлигининг йўқолишига, ҳолати ўзгаришига ва охири бузилишига олиб келади.

Автомобиль йўллари замин қисмларини энг турғун ва арzon қилиб қуриш учун ҳар бир қурилиш тумани шароити талабларига мос материал танлай билиш ва ишлаб чиқаришни лойиха асосида сифатли амалга оширмоқ керак.

Автомобиль йўли юзасига сув-ҳарорат тартибидан ташқари автомобиллар, тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл қурилиш машиналари ҳамда бошқа ҳаракат воситаларининг оғирлигидан турлича кучлар таъсири этади. Бундай кучлар таъсиридан йўлда тик ва уринма кучланишлар намоён бўлади.

Тик кучланишларнинг энг катта қиймати (σ_k) қўйидағи ифодага кўра аниқланади:

$$\sigma_k = \frac{0.5 \cdot P}{l^2}, \quad (1)$$

Бу ерда: P — қатнов воситаларидан тушган юк; Z — чукурлик.

Йўл тўшамаси P кучи таъсирида маълум даражада эгилади. Эгилиш қиймати h қўйидаги изоҳга кўра аниқланади:

$$h = \frac{PD(1-\mu)^2}{E_s}; \quad (2)$$

бу ерда: D — автомобиль резина ғилдираги ташқи диаметри; E_s , μ — эластиклик миқдорини кўрсатувчи модуль ва замин тупроғини чўкиш муҳитидаги кўндаланг ўзгаришини кўрсатувчи Пуассон коэффициенти.

Йўл тўшамасининг тоб ташлаши E_s асосан замин тупроғи эластиклик ҳолатига боғлиқ.

Ҳаракат воситаларининг йўл тўшамаси ва заминига бериладиган уринма кучланиш таъсири қиймати тупроқнинг силжишига бўлган қаршилигидан (τ) кичик бўлиши керак. Акс ҳолда мувозанатлик шарти бузилади ва бошлангич силжишлар намоён бўлади. Тоб ташлаш йўл қопламасида, айниқса унинг юзора юза қисмида намоён

бұлади. Буни эса қүйидаги аналитик күрнишда ифода-
лаш мүмкін:

$$C + \sigma \operatorname{tg} \varphi \geq \operatorname{tg}. \quad (3)$$

Бу ерда: τ , σ — силжиш юзаси бүйічі таъсир урин-
ма ва мөшерлі күчланишлар; τ_g — рухсат этилган силжи-
тувчи күчланиш; C , φ — тупроқнинг силжишігә қаршили-
гини белгиловчи мустақамлик омиллари (C — туташув-
чанлик кучи; φ — ички ишқаланиш бурчаги).

Йүл заминининг тағ юзасидан пастга қараб борган сары
харакат воситаси орқали берилған күчлардан ташқари
тупроқнинг күлам босими δ_b нинг ҳам таъсири бұлади,
яғни

$$\sigma_{B,O} = \sum_{i=1}^n \gamma_i \cdot h_i, \quad (4)$$

бу ерда: γ_i тупроқнинг h_i қатламидаги ҳажм оғирлиги.

Замин тупроғыда ҳам уринма күчланишлар содир бұла-
ди. Шунинг учун ҳам тупроқнинг силжишігі (τ) қарши уму-
мий фаол қаршилигини аниқлашда йүл заминининг үз
оғирлигі ҳам инобатта олинади.

Қаралаётган (1) ва (4) масалалар ечимларини чукур
үрганиш қүйидаги хulosаларни қилишігі имкон беради. Чу-
қурлашған сары босим σ_k қиймати камаяди. Маълумки,
күпчилик юк транспорти воситалари (ЗИЛ—130; МАЗ—
500, КРАЗ—257, КамАЗ—5320, КРАЗ—256Б; КамАЗ—
5410 ва бошқалар) йүл қопламасига 5—9 т оғирлик би-
лан таъсир қиласы. Бу ҳолда резина гилдираги күндаланғ
кесими диаметри 25—33 см гача үзгарувчан машиналарнинг
қопламага берадиган уртача таъсир босими 5—6 кг/см² ни
ташкил этади.

Бундай юклар таъсирида чукурлик 1,5—1,8 м га етмас-
даноқ босим σ_k нинг қиймати 0,1 кг/см² гача камаяди. Бу
вақтда тупроқнинг вазний босими эса чукурликка қараб,
тегишлича миқдорда орта боради. Маълум чукурликка бор-
ганды $\sigma_{B,O}$ нинг қиймати δ_k дан беш ва ундан ортиқ марта
ошиб кетади. $(5+10) \sigma_k = \sigma_{B,O}$ шартини қаноатлантирган го-
ризонтни заминининг пастки чегараси деб қараң мүмкін

бұлади, чунки бундай күч таъсирида тупроқ амалда тоб ташламайды. Замин тупроғининг Z_a чуқурлигигача фаол қатlam деб юритилади. Босим δ_a ни шу чуқурлик чегарасида ҳисобға олиш лозим.

Йўл тўшамаси тагидаги фаол қатлам чуқурлигини тақрибан қўйидагича аниқлаш мумкин:

$$Z_a = \sqrt[3]{P/\gamma},$$

бу ерда P — машина орқали берилган күч, т; γ — тупроқнинг ҳажм оғирлиги. Агар $\gamma = 1,8 - 2 \text{ т}/\text{м}^3$ бўлиб, транспорт таъсири 5 т бўлганида $Z = 1,4 \text{ м}$; 10 т лигига $Z = 1,8 \text{ м}$ га тенг бўлади. Агар шундай йўл тўшамаси қалинлиги 40—60 см деб олсак, унда $Z_a = 1,0 - 1,2 \text{ м}$ бўлади. Шундай қилиб, ҳисоблаб топилган 1,0—1,2 м лик тупроқ қатлами фаол қатлам ҳисобланниб, доимо босим таъсирида бўлади.

Агар қўйидаги тенгсизликлар бажарилса, замин тупроғи турғун ҳисобланади.

$$E_k \geq E_p; C + \sigma t g \phi \leq \tau_g; \phi \leq \phi_g; C \leq C_g.$$

Бу ерда E_k , E_p — ҳақиқий ва замин тупроғининг эластиклик кўрсаткичи; τ_g — силжитувчи кучнинг рухсат этилган қиймати; ϕ_g — рухсат этилган ички ишқаланиш бурчаги; C — тупроқнинг рухсат этилган туташувчанлик кучи. Сўнгги тенгсизликлар бажарилмаса, йўл заминининг турғунлиги бузилади, тоб ташлаш натижасида ҳолат ўзгаришлари вужудга келади. Замин тупроғи чўкишидан унинг юқори қисмida ҳолат ўзгаришлари, яъни чўкиш ва силжиш ҳолати содир бўлади. Чўкиш қиймати 2—3 см дан 10—15 см га етади. Ҳатто, арзимас деб ҳисобланадиган озгина чўкиш ҳам йўл тўшамаси қаттиқлигининг сусайишига, нотекис тоб ташлашлар эса унда ёриқлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Чўкишлар турли сабаблар натижасида рўёбга келади — ҳаракат қатновида кутилганидан ортиқ миқдорда таъсир кучларининг ортиши, намликнинг кўтарилиши, тупроқнинг шиббаланмагани ва иш сифатининг пастлиги.

Иқлими қуруқ туманларда лойли тупроқларни шиббалаш қийинлигидан баланд тупроқли йўл кўтартмалари кам учрайди. Сабаби, намлик таъсирида ва эрозия натижаси-

да қалинлик бүйича чўкиш кутилади. Унча баланд бўлмаган кўтармаларнинг замини яхши шиббаланмаса, намлиқ ортиши билан тупроқ чўкиши мумкин. Чўкувчи тупроқ қатламининг қалинлигига қараб чўкиш қиймати 10–15 см гача, ҳатто ундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Сувлар таъсиридан йўл қияликлари ивиб ювилишидан замин чеккалари ҳам бузилади. Йўл заминининг бундай бузилиши оз учрайди. Оз учрашига сабаб жала туридаги ёғингарчилликнинг оз бўлишидир.

Ҳаракат воситаларидан қоплама юзаси бўйича бериладиган таъсир кучларининг қиймати бир хилда эмас.

Маълум йўналиш бўйича ҳаракат қилаётган восита турларини ҳаракат сонининг ўзгариб туришидан йўл тўшамаси ва заминининг исталган бўлаклари бир-бирига тенг бўлмаган ҳар хил қийматдаги юк таъсирини қабул қиласди. Аммо, бундай таъсир замин тупроғининг турғунлигига амалда таъсир этмайди.

Айнан шу таъсиrlар йўл қопламасининг кўндаланг кесими бўйича текис бўлмаган кучлар эпюраси ҳосил қилиши мумкин. Қишлоқ ҳўжалиги транспорти воситаларининг фавқулодда йўл қобиғи четларидаги тупроқ қатлами устига ўтиб кетишида бу қатлам маълум миқдордаги таъсир кучини сезади.

Йўлнинг юриш қисми маълум бирлик вақт ичидаги ҳаракат сонига қараб ҳар хил қийинчилликдаги ҳолатда бўлади. Масалан, ҳаракат қатнови сони $N < 500$ –800 авт/кеча-кундуз бўлганида, икки йўналишли юриш қисми асосан йўлнинг ўқи бўйлаб, $N \geq 1000$ автом. бўлганида кеча – кундуз эса тахминан ҳар бир йўналиш бир турдаги ҳолат қийинлиги рўй беради.

Ҳаракат шароитлари ўзгариб турган вазиятдаги тез ўзгарувчи кучлар таъсири, заминнинг кўндаланг кесимидағи кучланишлар эпюраси ҳолатининг ҳар бир вазиятда ўзгариб туришига олиб келади. Қобиқнинг турғунлигини таъминловчи чоралар кўришда ўзгармас қийматга эга бўлган ўз оғирлиги таъсири билангина чегараланса, лойиҳалашда масалага бир томонлама ёндошилган бўлади. Чунки бу куч таъсиридан ташқари, йўл қобиғи маълум вақт ичиди

бирлик юзаси бўйича таъсир этувчи нотекис шиддатга эга бўлган ҳар хил бошқа кучлар таъсирини ҳам сезади. Тупроқли заминнинг қалинлиги ўзгаради. Бу ҳолатда кучланишлар муносабатининг турлича вазиятлари вужудга келади.

Модомики, йўл қобигига ташқи кучлар билан бирга иссиқлик ва намлик ўзаришидан вужудга келувчи ички кучланишлар ҳам таъсир қиласар экан, унда умуман ўта мураккаб кучланишлар ҳолати содир бўлади. Шунинг учун йўл заминини поғонали лойиҳалаш ва қуришда унинг турғунлигини таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

3. ИССИҚ ИҚЛИМЛИ ҲУДУДЛАРНИНГ ЙЎЛ ИШИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРГА БЎЛИНИШИ

Мавжуд ҚМҚ га асосан ҳамма иссиқ иқлимли ҳудудлар В йўл-иқлимли туман деб ҳисобланган. Шу муносабат билан йўлларни лойиҳалаш ва уни қуриш талаби бўйича айрим кўрсаткичларнинг ўртача қиймати қабул қилинади. Маълумки, лойиҳалаш ва йўл заминини қутариш сифатига иқлим шароити, тупроқ хоссаси, гидрологик ва гидрогеологик шароитлар, ер юзасининг текислиги ва бошқалар таъсир қелади. Шунинг учун табиий муҳит шароитларини чукур ўрганиб, барча таъсир омилларни аниқ ҳисобга олиб, йўл заминини лойиҳалаш ва тиклашда унинг узоқ муддатга яхши ишлаш қобилиятини ошириш асосий мақсад ҳисобланади. Иссиқ иқлимли ҳудудлардаги йўл заминини лойиҳалаш ва қуришда, таъсир этувчи барча табиий омилларнинг ўртача ташкил қилувчиларини умумлаш ва туманларга бўлиб қараш амалий жиҳатдан айни мудда ва зарурият бўлиб қолди.

Айрим йўл қурилаётган ҳудудларни йирик майдон бўлакларига ажратиш ёки туманларга ажратиб қараш умумназарий услуг талабига мос келади. Бундай ечимни иқлими қуруқ ҳудудлар учун қуйидагича татбиқ қилиш мумкин:

Барча йўлларни туманларга бўлиб қараш, бу жуфрофий умумийликнинг хусусий қуриниши бўлиб, унда жойнинг

иқлими, тупроғи, қатламнинг тузилиши, гидрологияси ва гидрогеологияси акс этади. Ҳозирги илм имкониятимиз кучи билан барча таъсир этувчиларни батафсил инобатга олиш ва уларнинг эквивалент индекс билан таъсир этишини математик баҳолаш мумкин эмаслиги туфайли, асосий эътиборимиз фақатгина бир асосий омил, яъни намлаш тезлиги кўрсаткичини ўрганишга қаратилган.


Йўл қурилаётган ҳудудларни ўхшаш табиий шароитга эга бўлган майдонли ва хусусий шароитга эга бўлган майдонли томонлар билан баҳолаш услуби амалий аҳамият касб этади. Бу эса, табиатан ўхшаш бир турдаги кичик майдонларни хусусий ҳолда ўрганилмай, балки уларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлган йирик майдонларни чегаралланган маълум омиллар асосидагина баҳолашга имкон беради.

Йўл иши бўйича туманларга ажратишнинг шартларидан бири бу майдонларни таксонометрик усулда бўлиш ва уларни маълум бир қонуниятга бўйсунишини аниқлашдан иборат. Масалан, маҳсус шартларни ҳисобга олганда иқлими қуруқ ҳудудлардаги йўллар эгаллаган майдонларни йўл майдон ости, туман йўл бўлаклари тартибида қарааш мумкин (12-расм).

Биринчи учта бирликлар регионалли ҳисобланади. Таксонометрик тартиб ўлчами сифатида туман қабул қилинган.

Туман — минтаقا майдони ҳисобланаби, иқлими, тупроғи, ер тузилиши каби геомиллар мажмуи билан фарқланади. Бундай туман ер майдонларининг ўзига тааллуқли геомил кўрсаткичлари билан бирга майдоннинг табиий шароитлари ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Морфологик тартиб билан туманларга ажратиш. Морфологик тартиб билан жойларни туманларга ажратиш учун аввал жойни бўлакларга ажратиб, сўнг жуда синчковлик билан илмий изланишлар олиб борилади. Табиий шароитнинг маълум қисмидаги автомобиль йўллари хизматини синчиклаб ўрганиш орқали морфологик кўрсаткич омилларига ажратиш туманлашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.



1/2-расм. Сугориладиган майдонларни йўл-и кимли туманларга ажратишнинг шартги таксонометрик шакли

Йўл заминининг намланиши орқасида бузилиши унинг морфологик тартибдаги энг асосий туридан бирининг ўзгариши ҳисобланади. Ернинг бундай намланишини юза сувларининг тинимсиз оқиши ва ёғин сувлари шимилици орқасида ерости сув сатҳининг ҳолат ўзгаришига боғлаб ажратмоқ лозим. Минтақа табиат геомиллари мажмуаларининг (K) йўлнинг пишиклигига таъсири, яъни минтақавий вазифаларини баҳолаш учун уларни бўлаклашি зарурияти туғилади, яъни бу ҳол учун қўйидаги аналитик кўринишни ёза оламиз:

$$E_n = \sum_{i=1}^n K_i, \quad (1)$$

$$K_i = f(K_u, \Gamma_t, \Gamma_r, \Gamma_y, \Gamma_{y\Gamma}, P_e, P_y), \quad (2)$$

бу ерда: E_n — қаралаётган тумандаги йўл заминининг умумий тоб бериш кўрсаткичи; K_u — иқдим таъсирини инобатга оловчи кўрсаткич; Γ_t ва Γ_r — тегишлича тупроқ шароити ва геология таъсирини инобатга оловчи кўрсаткичлар; Γ_y ва $\Gamma_{y\Gamma}$ — гидрологик ва гидрогеологик таъсиirlар коэффициентлари; P_e — ер тузилиши таъсири коэффициенти; P_y — ўсимлик таъсири коэффициенти.

Йиғинли ΣK_i тупроқ шароитидаги жами намлик W муносабатини ифодалаб, сув-ҳарорат тартибли ҳолатини белгилайди. Демак,

$$W = f(\Sigma K_i) \text{ ва } E_n = f(W), \quad (3)$$

боғланишидан маълум бўладики, табиат геомиллари мажмуи йўл заминининг мустаҳкамлигига таъсири оқибатини минтақавий баҳолашга тўғри келади. Бу эса йўл бўйича туманлашнинг асосий талаб кўрсаткичи ҳисобланади.

Йўл бўйича туманлашнинг умумий услуб шакли қўйиндагича:

1. Функционал боғланишни татбиқ этишда бутун иқлими қуруқ майдоннинг табиий геомиллар мажмуи синхроциклаб ўрганилади.

2. Бу күрсаткичларни ўрганиб чиқиш йўл бўйича туманлашнинг асоси бўлган физик-жўгрофий туманлашни ҳам бажаришга имкон беради.

3. (1) даги функционал боғланишларга асосан йўл замини ва тўшамаларини лойиҳалаш ва қуришдаги тупроқнинг асосий кўрсаткичларини турли майдонлар учун асослаш мумкин.

Автомобиль йўл тармоқлари учун иқлими қуруқ майдонлардаги шиббаланган ерлар эътиборли ҳисобланиб, сугориладиган ва ўзлаштирилаётган ерларни эса шиббалаш зарур бўлади. Тупроқларнинг нам ҳарорат тартиби бўйича маълумотлар уларни таксонометрик чегаралашда муҳандислик ечимларини одилона баҳолашдаги асосий манба ҳисобланади. Тупроқлар намлиги қийматини эса тегишли идораларнинг мавжуд ҳужжатларидан фойдаланиб танлаш мумкин.

Ушбу услугуб иқлими қуруқ майдонларни минтақавий бўлакларга ажратишда қўлланилган.

Маълум минтақага тааллуқли заминларни баҳолашда энг аввало ўсимлик илдиз қатламлари, оқар сувлар, ернинг паст-баландлиги, турғун сувларнинг жойланиши ва атмосфера сувлари ҳисобга олинади. Нисбатан иқлими турғун майдонлар заминлари қатламларини ва уларнинг чегараларининг тупроқ турлари, ер тузилиши, ўсимлик ва ҳ. к. лар билан чегаралangan карталари маълум қонуният асосида жойлаштириш услубида аниқланади.

Асосий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда иқлими қуруқ майдонларда қаралаётган жойларига хос белгиларга асосан уч қатламли замин ажратилади (13-расм).

I—тоғли замин қуруқ иқлими майдоннинг бешдан бир кисмини эгаллайди. Пайдо булиши ва жойланиши жиҳатидан бу ҳудудга Тян-Шань ва Олой тоғ тизмалари ва уларнинг тоғ оралиқлари ва тоғ олди пасттекисликлари билан ўралган майдонларни киритиш мумкин. Табиий шароитлари асосан, унинг сатҳи юқорига кутарилган сари ўзгаради. **Бу** замин ерларининг тупроғи қиррали тошлар ва соғ тупроқлардан иборат. Бундай ерларда қуриладиган йўлларни лойиҳалашдан аввал сўнгги саҳифада эслатиб ўтилган омиллардан ташқари зилзила кучини, ер қатлами

тузилишларини, гидрогеологик шарт-шароитларни ва бош-қа омилларни синчиклаб ўрганмоқ лозим.

II—қумли замин ҳудудига жанубий Қорақум, Қизил-қум чүллари, Зарафшон, Сирдарё, Амударё ён-атрофлари пасттекисликлари эгаллаган қумли майдонлар киради. Бу майдон заминининг кўпчилик қисмини чангсимон қумлар ташкил қиласди. Бу қумлик майдонлари чўл ўсимликларини ўраб олган ўркачсимон қум тепаликлари билан фарқланиб туради. Қумли замин иқлими иссиқ майдоннинг тахминан учдан бир қисмини ташкил қиласди. Сурхондарё вилоятининг жануб ҳудуди қумли замини ҳам деярли шундай жўкрофий тузилишга эга. У фақат бироз шўрланган қум билан қопланган. Бу ердаги майдоннинг анча қисмини автомобиль йўли ташкил қиласди.

III — чўл заминли. Бу заминда автомобиль йўлининг асосий қисми жойлашган. Шунинг учун ҳам йўлни шароитга қараб бўлаклашда биринчи навбатда фақат мана шу замин тупроғига эътибор берилади. Бу заминга бутун суғориладиган ва ўзлаштириладиган катта майдон, яъни Устюрт текислиги ва республикамизнинг йўл қурилишига қулай бўлган тоғ олди туманлари киради. Бундай замин иқлими қуруқ майдонларнинг тахминан 53,9% ни эгаллайди.



13-расм. Кургочилик майдонларини йўл иқлими буйича туманларга ажратишнинг таксонометрик шакли

Ер қатлами тузилиши ва унданғи үзгариш сабаблари, тупроқ заминининг намланиш даражаси, автомобиль йўлларини қуриш жараёни ва ундан фойдаланиш қийинчиликлари ва бошқа таъсир этувчи сабабларни инобатга олиб чўл тупроқ заминларини икки туманга: I—намли чўлга ва 2—куруқ чўлга ажратиш мумкин.


Намли чўлда ер ости сувлари юза жойлашиб, жуда кўп сугориш тармоқлари мавжуд. Туман автомобиль йўллари тармоғининг зичлиги билан ажралади. Йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш қийинчилигига қўшимча сунъий иншоотларнинг кўплиги ва сугориш ишларининг мураккаблик шартлари сабаб булади.

Куруқ чўл эса ер ости сувининг чуқур жойлашиши (ер юзасидан 3 м ва ундан чуқур), айрим ҳолларда йўл заминининг ён тарафидан I ва II турдаги сув-ҳарорати табиатига хбс намланиш сезилиши мумкин.


Бу туманнинг иқлими асосан кунлик, ойлик, фаслик ва йиллик ҳаво ҳароратининг нотекислиги ва ёғингарчилигининг камлиги билан тавсифланади. Тупроқлари эса асосан турли кўринишдаги қумоқ, қумлоқ ва қумли тупроқлардан ташкил топган. Ушбу туманда асосан паст даражали автомобиль йўллари ўртача зичликда жойлашган.

Устюртнинг шимоли-ғарби ва Балхаш бўйидаги иқлими қуруқ майдонлар ҳам гидрогеологик шарт-шароитлари бўйича иқлими қуруқ туманга киради. Устюрт ер юзасини таркибида туз моддаси кўп бўлган соз тупроқли қатлам қоплаган бўлиб, тепа қисмida үсимлик илдиз қатлами учрайди. Ер ости сувлари 3 м дан 20 м гача чуқурликда жойлашади. 14- расмдаги таксонометрик шаклга асосан иқлими қуруқ майдон йўл ишлари бўйича туманларга ажратилган (14-расм). Ушбу баёнимизда тоғли замин майдонлари ҳақида тўхталмадик.

Сугориладиган ва ўзлаштирилаётган ерларни ўз ичига олган чўл заминларида йўл қурилиши ва уни қайта тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Шунинг учун бу туманлар заминларини чуқур ўрганиш тақозо қилинади.



14-расм. Курғоқчилик майдонини йүл ишлари бүйича туманларга ажратиш: ■ —төгли майдоности;
■ —чүлли майдоности; ■■■ —дашти майдоности



15-расм. Даштли майдонни тузланиш бүйича туманларга ажратиш: □ —туси кам; ■ —туси ўрта; ■■■ —туси күп;
■ —туси ортиқча

Тупроқларнинг шўрланиши йўл замини ва йўл қобигини қуриш ишларига маълум даражадаги салбий таъсирини инобатга олиб, тупроқларни тузланиш даражасига қараб чўл майдонларини туманларга ажратдик (15-расм).

Иқлими қуруқ майдонларнинг йўл ишлари туман регионал илмий изланишлари натижасидаги хulosаларга асосан олиб борилиши лозим.

4. ИҚЛИМИ ҚУРУҚ ВА НАМ ТУМАНЛАРДА ҚУРИЛАДИГАН ЙЎЛ ЗАМИНИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Йўл заминини лойиҳалаш — ижодий жараён, оғир ва масъулиятли ишdir. Лойиҳаловчи муҳандисдан чукур билим, қуриш ишларидан олинган кўп йиллик тажрибасини ва бу соҳада эришилган сўнгги илмий изланишлар ютуқларини ўз лойиҳаси ва ишлаб чиқаришида қўллашини талаб қиласди.

Илмий хulosаларга одилона асосланган турлича кучлар ва муҳит таъсирига чидамли турғунликни таъминловчи йўл замини ва унинг бўлаклари лойиҳалаш жараёнида туғилиши ва қурилиши жараёнида намоён бўлмоғи зарур.

Заминни лойиҳалашнинг асосий босқичларига: заминни кўтаришида табиат шарт-шароитларини инобатга олиш; йўлнинг кўндаланг кесим қисмларини ҳисоблаш йўли билан асослаш — қоплама чети деворини кўтариш, ариқ ва зовурларнинг жойланишига қараб тадбир қўллаш ва ҳ. к.; айрим қисмларини турғунликка текшириб қуриш; хulosалар чиқариш ва ишлаб чиқариш усулини техник ва иқтисадий томонидан асослаб бериш киради.

Иқлими қуруқ майдонларнинг муҳим табиий шартшароитлари:

- иссиқ ҳолатдаги ёзи, нам ва совуқ қиши ва баҳорги даври билан тез алмашади. Қиши ва баҳор пайтларида кўпинча иссиқ ҳарорат совуқ ҳарорат билан алмашиниб туради;
- кўлмак ҳосил бўлишига мойил текис ер тузилиши;
- сувда эрувчан тузлар кўп бўлган тупроқларнинг тарқалганлиги, нам таъсирида замини бирдан чўкадиган тул-

роқ қатламли майдонларнинг ва шунингдек катта майдонни эгаллаган күчүвчи күмлар воҳаларининг булиши;

— текис ва шур ерлардаги йўл заминининг нокулай сунъий суғориш натижасида сув-ҳарорати тартибининг ўзгариши;

— суғориш тармоқларининг ва сув айирғич қулоқлари-нинг кўплиги.

Бу шарт-шароитлар йўл қобигининг турғунлигига ўёки бу даражада таъсир қилади. Куроқчилик майдонларидаги йўл қобигини лойиҳалаш жараёнида қуйидагиларга асосий эътиборни қаратмоқ лозим:

— табиий шароитларни, биринчи галда тупроқ ва унинг тузланганлик даражасини, гидрогеологик шароитларини, иқлими ва сув-ҳарорат тартибини синчиклаб ўрганиш;

— заминни лойиҳалашда суғориш тартибини бузмаган ҳолда ўсимлик илдизи ўсган тупроқ қатламидан оз фойдаланиш;

— суғориш ва сув қочириш мосламаларини ишлаш жараёнида йўл замини турғунлигига ва заминнинг сув-ҳарорат тартибига таъсирини ҳисоблаш;

— йўл заминининг турғунлигини таъминлаш учун уни тушама билан яхлит ҳолатда ҳисоблаш;

— заминнинг бўйлама ва кўндаланг бўлаклари чегараларини ажратувчи қисмларни сифатли бажариш;

— транспорт ҳаракати тезлиги ва ҳаракат хавфсизлигининг таъминланиши;

— замин тупроғи зичлигига катта эътибор бериш;

— келгусида ўзлаштириладиган майдонлардаги суғориш ишларининг олиб борилишини инобатга олган ҳолда йўл лойиҳасини бажариш.

Сунъий суғориладиган туманларда бажариладиган йўл заминини лойиҳалашдаги талаблар

Иқлими қуруқ майдонларда суғориш ишлари асосан ер юзаси бўйлаб ковланган ариқ орқали бажарилади. Далаларни сув билан таъминлаш учун каналли суғориш тармоғи, сувни йиғиб чиқариб юбориш тармоги, ер ости тар-

моги ва сувни режалаб тарқатувчи мосламалардан фойдаланилади.

Сунъий сугориладиган туман йўлларини лойиҳалашдаги қийинчилик сугориладиган ер майдонининг нисбатан яхлит текислигидадир. Чунки бундай ерларда йўлга ёндошган зовур-каналлардаги сувни қочириш ўзига хос қийинчилик туғдиради. Маълумки, сувнинг зовурларда туриб қолиши ер ости сувининг юқорига кутарилишига бевосита сабаб бўлали. Йўл заминини маълум чуқурликка етказиша ҳосилдор тупроқ қатламини олмай ва унинг остини шиббаламай қолдириш мумкин эмас. Чунки бу қатлам ўта деформацияланувчи қатлам ҳисобланади.

Асосий ва жамоат фойдаланишига мўлжалланган йўллар йўналиши, юк оқими буйича автомобиль транспорти талабини тўла-тўқис бажарган ҳолда лойиҳаланади. Йўл билан зовурларни ёнма-ён жойлаштириш лозим бўлганда, кавлаш ва тозалаш давларила зовурлардан чиқсан тупроқлардан йўл заминига ишлатилса, йўл қурилишига иқтисодий манфаати тегиши мумкин.

Ўзлаштирилаётган срлардаги йўл қурилиши сунъий иншоотларнинг барча турлари билан ўзаро боғланган ҳолда олиб борилади. Бунинг учун изланиш ҳажмини ва йўналишларини аниқлаб олмоқ лозим. Зарур бўлган ҳолларда эса лойиҳаланаётган йўлни кесиб ўтувчи сунъий иншоотларни ва унинг тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш кўрилади.

Хўжалик марказини темир йўл бекатлари билан бирлаштирувчи ички хўжалик ва туман аҳамиятидаги йўллар асосан энг қисқа йўналишда яхлит майдонларни бузмаган ҳолда сугориш иншоотлари бўйлаб жойлаштирилади. Бунда хавфсизлик шу йўлга рухсат этилган зарурий энг кичик радиусли бурилиш ёки йўлни кесиб ўтган сув иншоотининг ўтиш жойини кенгайтириш билан таъминланмоғи лозим.

Ерлари ариқ орқали сугориладиган туманларда автомобиль йўлларининг жойлаштирилиши сугориладиган юзадан баландроқда бўлмоғи лозим.

Ён томонларидан сув таъсир этиб намланиши мумкин бўлган йўлларнинг юза сатҳи баландлиги сугориш тармоғи-

даги сув юзаси таъсирида қобиқ турғунлигини таъминлаш шартига асосан ҳисоблаб топилади. Агар йўл билан ёнмаён ҳолда сугориш тармоғи жойлашган бўлса, йўлнинг марзаси қанчага баланд жойлаштирилиши ҳисоблаб топилади. Хўжалик ерлари тупроғининг шўрини ювиш даврида 1 га майдонга 2,5 дан 12 минг m^3 сув сарфланиб, ер ости суви сатҳининг (EOCC) тез кўтарилишига олиб келади. Айрим ҳолларда EOCC кўтарилиб, ер юзаси сатҳига яқинлашиб (0,3 м) ҳам қолади.

Ариқ орқали экинзорни сугориш пайтларида ер ости сув сатҳининг кўтарилиши амалда сезилмайди. Шоликорлик майдонларида мунтазам сугорилиб туриш натижасида ер ости сувининг кўтарилиши шўр ювиш давридагининг 80% ни ташкил қиласиди.

Йўл замини марзасини жойлаштиришда ўсимлик илдизи ўсган қатламни кесиб ўтиш зарур.

Ўзлаштиришга мўлжалланган ерларда автомобиль йўлларини сунъий иншоот қурилгунича лойиҳалаб, қуриб олмоқ лозим. Тупроқни йўл қобиги учун иложи борича қишлоқ хўжалигига яроқсиз жойдан олмоқ лозим. Ернинг ўйиб олинган қисмидан чиққан тупроқни пастқам жойларга тўкиб, йўлни кўтариш учун ишлатмоқ керак.

Сугориладиган туманлардаги юқори тоифали ва туман аҳамиятига эга бўлган йўлларнинг асосий кўндаланг кесим тарзида зовур ва ариқчалар ўтган ўрни берилади. Ариқчадаги сув сатҳи кўкаломзорлаштириш ва маҳаллий транспорт қатновини сув билан таъминлаш талабига жавоб берадиган бўлиши керак.

Замин учун олинган тупроқ ўрни атрофни текислаш ҳисобига тўлдирилади.

Бетон сув узаткич тармоқларидан ташқари ҳолатдаги ариқларнинг сувлари ерга эгри депрессив ҳолида сингишини инобатга олиб, канал ва зовурлар билан йўл ўртасидаги саҳн энини эгри депрессиянинг ярим диаметридан катта қилиб олиш керак. Бу шарт бажарилмаса, йўл замини марзасини анча баланд кўтаришга ёки сувнинг эгри депрессиянинг диаметрини камайтирадиган чоралар кўришга тўғри келади.

Зовур ёнила энсиз саҳн қолдирилса ҳам бўлаверади, чунки зовур сойликдан ўтади ҳамда зовур тупроғини йўл кўттармаси учун фойдаланиш мумкин. Бу асосан ер ости сувлари яқин жойлашган ерларда ва бир вақтнинг ўзида ҳам йўл, ҳам зовурлар қурилишида қўл келади. Доимо қўлмак бўлиб сув йигиладиган шароитларда йўлнинг ёнидан устунли бетон сув узаткичлар жойлаштирилади. Йўл тўшамаси остини кўтариб бўлмайдиган жойларда бошқа муҳим чоралар қуришга тўғри келади. Бунида муҳандислик ечими билан йўл замини турғунлигини ўта зичланган ва сув ўтказмайдиган тупроқ қатлами ёки нам ва буф ўтказмайдиган парда материаллари ёки қатламлар билан муҳофаза қилиш керак. Канал-зовур бўйига қурилган назорат йўллари атрофига терак ва тут дараҳтлари ўтказиш керак. Бу дараҳтлар соя ташлаб канал-зовурлардан сув буғланишини камайтирса, илдизлари орқали тупроқقا сингиб кетадиган сувнинг ҳажмини камайтиради ва йўл қияликларини мустаҳкамлайди. Дараҳтларни йўл бўйидаги саҳнга жойлаштиришда маҳаллий йўл ҳаракати ва зовурларни тозалаш ишларига халақит бермаслиги ҳисобга олинади.

Шўр тупроқли ерларда йўл заминини ложиҳалаш талаблари

Куруқ иқлимли майдонларнинг кўпчилик қисмида шўр тупроқлар учрайди. Таркибида 0,3% дан ортиқ тез эрувчи тузлар бўлса тупроқ шўр тупроқ деб аталади. Иқлими куруқ туманлардаги майдонларнинг 20 фоизидан ортиғи шўр тупроқларлар. Йўл қурилишида ишлатиладиган шўр тупроқлар икки турга ажратилади: тузи эримас ва тузи эрувчан. Тузи эримас тупроқ қатлам юзасида тез эрувчан тузларнинг йўқлиги билан ажралиб туради. Буларнинг физик-механик хоссалари уларга натрий ионларини шимдирилган ҳолатда аниқланади.

Эрувчан тузли шўр тупроқда тез эрийдиган тузларнинг эркин ҳолати, хлорли ва натрий хлоридли ташкил қилувчилиари қўринишида ер юзасидан 50 см дан чуқурроқда учрайди. Тузи эрувчан тупроқлар сувни қийин ўтказиши ва аста-секин қуриши билан ажралиб туради. Бундай туп-

роқтар йўлнинг ён қияликларида ва қоплама четлари қотирилган ва сув ўтказмайдиган қопламали йўлларда ишлатилади.

Тузи эрувчан тупроқ деб таркибида эркин ҳолида 1 фоиздан ортиқ эрувчан, асосан хлорли, натрий, кальций, магний сульфидли тузлардан ташкил топган тупроққа айтилади. Ташқи тарзига қараб тузи эрувчан тупроқлар қуйидагича фарқланади:

- намли ва пўстлоқли, ер ости суви яқин жойлашган шўр тупроқлар, улар қуриган вақтида тузли пўстлоғи билан ажралиб туради;
- момиқли, яъни юза қатламидаги юпқа туз пўстлоғи остида асосан сульфат натрий ва магний тузларининг тўла кристалл ҳолатидаги юмшоқ ҳолати;

— тақирсимон — асосан тартибсиз ёриқлари бор бўлган қалин пўст қопламали, тупроқ қисмида эса хлоридлар, сульфатлар ва гипс бўлади. Тузи эрувчан тупроқлар чўл қисмида, ер остининг шўр сувларига яқин жойлашган пастқам текисликларида учрайди. Сугориладиган туманларда, аксинча, тузи эрувчан тупроқлар оз. Сув капилляр кўтарилигандарда туз йифилиши мумкин бўлган жойларда тарқалган.

Тузи эрувчан тупроқлар таркибида ҳар хил тузлар учрайди (NaCl , MgSO_4 ; CaSO_4 ; NaNO_3 ; MgCl). Бу тузлар тупроқнинг юқори қатламларида 15 дан 25 фоизгичани ташкил қиласди. Чўл туманларидаги тупроқларда 1 фоиздан юқори бўлган хлорид-сульфат тузлари бўлади. Бунда сульфатли (NaSO_4) тузлар хлоридли (NaCl) тузлардин кўпроқ учрайди. Чўл майдонларининг қуруқ туманлари билан туашган жойларида 5—8 фоизгача сульфат-хлорид тузлари учрайди. Одатда, хлоридли тузлар миқдори сульфатли (NaSO_4 ; CaSO_4 ва ҳ.к.) тузларга қараганда кўп ўтрайдиган тупроқлар асосан юқори қатламларда жойлашади.

Тузи тез эрувчан тупроқлар намланганда, ўзларининг физик-механик хоссаларини тез ўзгартиради. Айниқса, уларнинг ташқи куч таъсирига қаршилиги камаяди.

Тупроқ таркибидаги тузларнинг йўл қопламасига таъсири турлича. Амалий тажриба кўрсатадики, ҳатто бир фоиз миқдорида магний ва натрий сульфид тузи бор тупроқлардаги йўл қопламаси 2—3 йил ичидаги бозила бошлиайди.

Суст таъсир этувчи NaCl , MgCl_2 тузлари тупроқ таркибида 5 фоиздан ортиқ бұлганида ҳам қопламаны бузмайды. Материалы қаттық тоғ жинсларидан ташкил топган қоплама оxaқнинг сўнишидан ташкил топган қопламага нисбатан анча чидамли бўлади. Ёпишқоқ битумдан фойдаланиб, эритиш йўли билан ишланган қопламалар анча чидамли ҳисобланади.

Шур тупроқли ерларда йўлни туз кўп йигиладиган майдонларни айланиб ўтиб, тузи кам ерларга қуриш афзал. Ернинг қай даражада ва қайси қатлами тузланганлигини ўша ердаги ўсимликлар туридан ҳам билиш мумкин.

Тузи тез эрувчан тупроқларда кўтарилиган йўл замини баландлиги ва сув қочириш шароитлари, йўлнинг умумий қатламлар сонига таъсир этиши мумкин.

Агар тузи тез эрувчан тупроқларда кўтарилиган йўл замини сув сатҳидан унча баланд бўлмаса ва уни ер ости сувининг таъсиридан намланишини муҳофаза қилиш иложи бўлмаса заминда туз йигилиши янада орта боради.

Йўл заминига ишлатиладиган тупроқдаги туз миқдорининг чегараси унинг турига боғлиқ. Тупроқ намлиги меъёр чегарасида бўлганда бу тузлар эриб, зичланаётган тупроқ ичи бўшлиқларини тўлдиради. Тупроқ заминини қуришда шур тупроқдан фойдаланиш учун унинг қай даражада тузланганлиги ва тез эрувчанлиги аниқланади.

Ер ости сувининг сатҳи юзага яқин жойларда тузли ва ута шур тупроқлардан замин тиклашда фойдаланилганда унга кейинги нам орқали туз сингиб боришига қарши тадбир чоралар кўриш лозим. Шу мақсадда йўл тўшамаси таг юзасининг сатҳи тузсиз ерларда қуриладиган тўшаманинг таг юзасидан бирмунча баланд бўлмоги лозим. Ер ости сувлари чукур жойларда заминнинг кўтарма қисмини кам тузли тупроқлардан фойдаланиб, йўл заминининг ёни қиялигини одатдагича усулда 1 : 4 ва 1 : 2 нисбат таъминланган ҳолда қурилади.

Ер ости сувлари яқин жойларда эса кўндаланг кесим қиёфасини ариқча-саҳнли ва саҳнли ҳолатда лойиҳалади. Бунда саҳн таги ер ости сувининг энг юқори юзасидан 0,2 м баланд бўлиши керак.

Сув қочириш қийин ва ута шур жойларда саҳнга тегмай ташиб келтирилган тупроқдан замин кўтарилади.

Маълум сабабларга асосан йўл заминини кўтариш имконияти бўлмаса, нам тўскич қатлам (нам тутқич) қўйлади.

Соф тупроқли ерларда йўл қобифи асосан ташиб келтирилган тупроқлардан тикланади. Бундай ҳолда қумли тупроқдан фойдаланиш зарур.

Курилиш харакатларини камайтириш мақсалида тегишли ҚМҚ тавсияларида уқдирилган даражадаги шўр тупроқлардан фойдаланиш мумкин. Бу услубда, аввал, кўтарма остига нам кўтарилиши мумкин бўлган чегарадан қалинроқ бўлган шағал ёки қумли тупроқ қатлами ётқизилмоғи лозим.

Қумли майдонларда йўлни лойиҳалашнинг муҳим томонлари

Иқлими қуруқ майдонларнинг асосий қисмини кўчиб юрувчи қум барханлари эгаллаган бўлиб, улар йўл заминини лойиҳалаш, қуриш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишда талайгина қийинчилликлар туғдиради.

Қум барханларининг эркин ҳаракат қилиши, асосан ер юзасининг текислигига боғлиқ. Ҳатто, арзимас кичик чукурча ҳам катта хандақ сингари қум «ўркач»лари ҳаракатини ўзғартириб юбориши мумкин. Бунга тақирлар мисол бўла олади. Қум юзаси нам ҳолатида унинг кўчиши кузатилмайди.

Ер юзасининг нотекислиги, аввали, жуда майда тўлқинсимон қумлар, сўнг эса баландлиги 25 см гача бўлган тўлқинсимон қум уюмлари, уларнинг ўркач ҳолатига ўтиши ва охири бориб, йирик дўнгликлар ёки занжирсимон дўнгликлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Шамол таъсирида қум тўлқинчалари ўйнаганида қум заррачалари ўлчамларига қараб тарқала бошлайди. Йирик қум заррачалари шамол ўналишига кўндаланг равишда жойлашиб, кичик кўтармаларни вужудга келтиради. Шамолда кўтарилган майдан заррачалар эса узоқларга олиб кетилади. Кичик кўтармалар ортида шамол кучи тусилиб, унинг ўналиши ҳалқасимон ҳаракатда бўлади. Оқибатда, қум-шамол аралашмаси тўзонидан қумларнинг нотекис тарқалиши кутилади ва қум тўлқини, сўнг эса ер юзасида ўркач ҳолатли уюм

ҳосил бұлади. Үркач ҳолатли уюм энди йирик дүңгликлар ски кетма-кет тұпланған дүңгликларга улашиб-үрмашиб кетали. Аммо, бу үркачлар бир жойда туриб қолиши ва ривожланиши ски кучли шамол таъсирида илгариловчи ҳаракат олиши учун тұплам баландлиги 50 см дан кам бұлмаслиги керак. Бундан кам бұлса, бошқа йұналишдан әсадиган шамол таъсирида текисләниб, әски ҳолатига қайтади. Күмли дүңгликларнинг суримиши (күчиши) тезлиги тұплам баландлиги орттегі сари камайиб боради.

Шамол таъсирида ҳосил бұлған құмли чүл дүңгликлар, занжирсимон дүңгликлар, узунасига ётқизилған құм тепаликлар, ярим гумбазсимон құм үюмларидан иборат. Жойларда бундай манзаранинг ҳосил бўлиши шамолнинг кучи ва құм заррачаларининг ҳаракат шартлари билан бөллиқ.

Дүңгликлар деб эни 100 м га, баландлиги 3 м ва ундан ортиқ шамол йұналишида шохли, ярим ой шаклидаги якка-якка жойлашған тепаликларга айтилади. Шамол йұналиши томонида 5—12° ли, орқа томонида эса 28° дан 36° гача бұлған қиялик ҳосил бұлади. Умуман құм дүңгликлари шамол таъсирида тез үзгариб туради.

Учар құмли туманлардаги хукмдор шамоллар қишида бир томонға эссе, ёзда унга қарама-қарши томонға әсади. Натижада йирик құмларнинг занжирсимон дүңгликларини ҳам ҳосил қиласи. Булар шамол йұналишига күндаланг жойлашиб, эни 6—12 м, узунлиги 200 м дан 2 км га етади. Айрим жойларда уларнинг узунлиги 7 км га етади. Уларнинг баландликлари оралиғи 10—150 м ни ташкил қиласи. Йирик занжирсимон дүңгликлар баландлиги 60—75 м бўлиб, улар орасидаги масофа 1,5—3,5 км ўртасида үзгариади.

Шамолнинг йил давомидаги доимий таъсири остида уннинг йұналишии бўйлаб гумбазсимон құмли бўйлама ётқизиклар ҳосил бўлади. Гумбазсимон құм тепаликлари бир-бирларидан 150—190 м оралиғидаги бир хил масофада жойлашади.

Үсимлик атрофика тұпланиб қолған құмли тепаликларни одатта құмли гумбазлар деб номлаш қабул қилинган.

Бундай гумбазлар асосан 6—8 м дан баланд бүлмаган қия тепалик бўлади. Гумбазли ва ўркачсимон қумлар ўсимликлар атрофини тўлиқ ва ярим тўлиқ ҳолатда ўраган бўлади.

Ернинг тузилишини ўрганиш ва йўл йўналишини асосламоқ учун изланиш ишлари жараёнида аэрокузатув ва аэротасвирилаш усулларидан фойдаланиш қўл келади.

Кум ҳаракати асосан ер юзаси қай даражада ўсимлик билан қопланганлигига боғлиқ. Ярим юзаси ўсимлик билан қопланган қумли жойлар асосан ўзгармас қиёфали ер юзасига эга бўлади. Ўсимликлар йўқ қилинса ёки жуда камайтириб ташланса, кум жуда қисқа вақт ичida ўз ҳаракатида анча йўл босиши мумкин.

Кумли чўл майдонлари ўзига хос маълум хусусиятларга эга. Текис чўлли ерларда йўл йўналишини жойлаштириш уйча қийинчиликлар туғдирмайди, чунки бутун йўналиш бўйича катта қияликлар бўлмайди. Фақат қиёфа ўзгарувчанлиги лойиҳалаш ишида қийинлик туғдиради.

Автомобиль йўлларини лойиҳалашдаги қийинчиликлардан бири шуки, кўчувчи қумлар илгарила, зарар келтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Кумли чўлларнинг кум кўчувчи жойлари қанчалик зарарли бўлмасин йўлни айланиб ўтиш услубида қуриш лозим. Бу услубни бажариш қийин жойларда эса чўл шароитига ўрганган ўсимлик билан муҳофазаланган йирик қумли жойлардан ўтказмоқ керак.

Дўнгликларни, бўйлама ётқизиқларни занжирсимон тепаликли туманларда йўл йўналишини олдига силжиб ҳаракатланувчи қумларнинг пастқам жойларидан ўтказиш керак. Бу жойларда йўл ўйма ҳолатида камдан-кам қурилади, йўл қумдан ташкил топган бўйлама пушта оралиқларидан ўтказилади.

Мавсумий шамол йўналишига қараб қумли пуштларнинг қулай йўналиши аниқланади. Одатда, йўл йўналиш «тасмаси» энини пушталар ёки қум дўнгликлари баландлигидан икки марта кўп бўлган узунликда қабул қилинади. Шамол йўналишига кўндаланг қурилган йўллар фойдаланиш учун қулай ҳисобланади. Бу туманлардаги қумли заминлар кум орқали сувнинг юқори кўтарилиши ва ёғин-

гарчиликнинг озлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу ерларда йўлни кесиб ўтвучи сув ўтказгич иншоотлар қурилмайди, батъизда сув қочириш иншоотлари қурилади. Бу иншоот юзаларидан сув шимилмай, оқиб ўтади.

5. ЙЎЛ ЗАМИНИ ТУРГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЗАРУР КЎРСАТКИЧЛАР

Йўл замини ва тўшамасини лойиҳалашда унинг турғунлигини таъминловчи асосий кўрсаткичларни билиш зарур. Маълумки, заминнинг юқори 1,5 м гача бўлган қисми аниқ ҳисобланиб, лойиҳалашни ва замин тупроқлари тавсифларини тўла аниқлашни талаб қиласди.

Замин тупроғининг хавфли ҳолат кўрсаткичлари деганда йўл тўшамаларига керакли мустаҳкамликни таъминлаб беришда унинг сифатини аниқловчи катталиклар тушунилади. Уларга хавфли ҳолатдаги намлик $W_{n,x}$, зичлик $\delta_{n,x}$, умумий тоб ўзгариш кўрсаткичи $E_{n,x}$, ички ишқаланиш бурчаги $\phi_{n,x}$ ва қовушоқчилик кучи $C_{n,x}$ киради.

Тупроқнинг хавфли кўрсаткичларини аниқлашдаги ҳолати унинг сўнгги зўриқиш ҳолати дейилади. Шу сўнгги зўриқиш кўрсаткичлари, тупроққа таъсир кучи зўрайганида шундай физик-механик хоссаларнинг йил давомида намоён бўлишига тўғри келади. Одатда, N йўл замини ва тўшамасининг хизмат қилиш муддатига мос келади.

Замин тупроғи турғунлик кўрсаткичлари жуда кўп ўзгарувчиларга боғлиқdir. Буларга тупроқнинг тури, унинг намлиги ва зичлиги, замин ва тўшама қисмларининг ҳар хиллиги, қурилиш ишининг тартиби, таъсир этувчи кучлар қиймати ҳамда сув-ҳарорат тартибининг ўзгаришида йил фаслининг таъсири ва бошқалар. Шунинг учун ҳам йилда бир марта тақрорланадиган нокулай хавфли ҳолатни аниқлаш жуда қийин иш бўлиб, унинг ечими эҳтимоллик назариясига асосланган мураккаб математик йўл билан ҳал этилиши мумкин.

Илмий йўл билан ҳамма масалалар тўла ҳал бўлмаган ҳозирги даврда тупроқнинг хавфли ҳолатини, ҳатто олий математика йўли билан ҳам амалда аниқлаш мумкин эмас.

Тупроқнинг хоссаси, таркиби ва ҳолатига оид кўрсаткичлари ўртасида қўйидаги назарий ва амалий боғланишлар бўлиши мумкин:

$$\delta = f(W); \quad E, \phi, C = f(W, \delta). \quad (1)$$

Бу боғланишлардан кўриниб турибдики, тупроқнинг асосий кўрсаткичларини билмоқ учун $W_{n,x}$ ни билишнинг ўзи кифоя.

Хавфли ҳолатдаги намлик $W_{n,x}$ деганда ўлчам бирлиги фоизларда қабул қилинган ва тупроқ турғунлиги таъминланиши зарур бўлган ҳолатидан ўтиб, оқиш чегараси томон кўтаришган хавфли намлик кўрсаткичини тушунмоқ керак. $W_{n,x}$ фақатгина хавфли ҳолат кўрсаткичинигина билдирамай, балки сув қочиргич, сувни сингдириб-узатиш, нам ва иссиқлик ўтказмайдиган қатламлар сув-ҳарорат тартибига қараб туманларга ажратишда ҳам қўл келади.

Проф. В. М. Сиденко ишлаб чиқсан хавфли ҳолат назариясига асосан, $W_{n,x}$ ни ҳисоблаб топиш ёки йиллик мавжуд маълумотлардан фойдаланиб, аниқлаш мумкин. Қишлоқ хўжалигига $W_{n,x}$ ни топиш учун агрометео марказларнинг грунт намлигини кузатиш маълумотларидан ҳам фойдаланилади. Қуйида бир неча усулларни кўриб чиқамиз.

Маълумотлардан фойдаланиш усули. Замин грунти намлигининг ўзгариши бўйича кўп маълумотга эга бўлинади. Юқорида қайд қилинган кўп йиллик баҳорги кўрсаткичлар сўниб бориш тартибида қаторга териб чиқилади. Маълумот қаторнинг истаган тенгламасини қай даражада қаноатлантира олишини қўйидагича топиш мумкин:

$$\rho = \frac{m-0,5}{n}. \quad (2)$$

Бу ерда: m — кўрилаётган маълумотнинг миқдорий ҳолати, n — маълумот қатори сонларининг охирги қиймати.

Замин грунтининг кўрсаткичлари тарқалиши биноминал эгри чизик қонунига бўйсунади. Бу эгри чизикни тузиш учун $\bar{W} \sum W_i / n$ маълумот қаторининг ўрта арифметик қийматини, вариация коэффициенти C_v ни ва асимметрия C_s ни билиш лозим. C_v нинг қиймати:

$$C_v = \frac{\sqrt{\sum (K_i - 1)^2}}{n-1}. \quad (3)$$

бу ерда K_i — модул коэффициенти

$$K_i = W_i / \bar{W} \quad (4)$$

ифода билан топилади. Бу ерда \bar{W} — T йилга түгри келган намликтиннэң энг катта фасл қийматы.

C_s қиймати қуйидагича топилади:

$$C_s = 2 C_v, \quad (5)$$

Бу усулда энг аввало сүниб борувчи эгри қатор учун $\bar{W} \cdot C_v$ ва C_s миқдорлари аниқланиб, сүнг топилган қийматларни қуйидаги формулага қойилади:

$$W_{n,x} = \bar{W} (1 + a C_v), \quad (6)$$

бу ерда a — интеграллы эгри чизикнинг ўртача ординатадан четланишини күрсатувчи коэффициент (11-жадвал).

Миқдори фоизларда қабул қилинган таъминланганлик (P) сони ва ҳисоблаб топилган C_s га қараб 10-жадвалдан (a) олинади. Шундан сүнг (6) формула ёрдамида $W_{n,x}$ миқдор ҳисобланади. Таъминланганлик P ни йўлнинг сифат даражасига қараб олиш тавсия этилади, масалан:

Таъминланганлик, $P, \%$	1	2	3	5	10-жадвал		
					I	II	III
Йўл даражаси							V

$P, \%$	Қийматига қараб a коэффициенти ўзгариши							
	0,1	1	2	3	5	10	20	50
0,0	3,09	2,33	2,10	1,88	1,64	1,28	0,84	0,00
0,1	3,23	2,40	2,16	1,92	1,67	1,29	0,84	0,02
0,2	3,38	2,47	2,22	1,96	1,70	1,30	0,83	0,03
0,3	3,52	2,54	2,27	2,00	1,72	1,31	0,82	0,05
0,4	3,66	2,61	2,32	2,04	1,75	1,32	0,32	0,07
0,5	3,81	2,68	2,38	2,08	1,77	1,32	0,91	0,08
0,6	3,95	2,75	2,44	2,12	1,80	1,33	0,80	0,10
0,7	4,10	2,82	2,54	2,15	1,82	1,33	0,79	0,12
0,8	4,24	2,89	2,57	2,18	1,84	1,34	0,78	0,13
0,9	4,38	2,96	2,59	2,22	1,86	1,34	0,77	0,15

10-жадвалнинг давоми

1.0	4,53	3,02	2,63	2,52	1,88	1,34	0,76	0,16
1.1	4,67	3,09	2,70	2,28	1,89	1,34	0,74	0,18
1.2	4,81	3,15	2,72	2,31	1,91	1,34	0,73	0,19
1.3	4,95	3,21	2,77	2,34	1,92	1,34	0,72	0,21
1.4	5,09	3,27	2,82	2,37	1,94	1,34	0,71	0,22
1.5	5,23	3,33	2,86	2,39	1,95	1,33	0,69	0,24
1.6	5,37	3,39	2,90	2,42	1,96	1,33	0,68	0,25
1.7	5,50	3,44	2,94	2,44	1,97	1,32	0,66	0,27
1.8	5,64	3,50	2,98	2,46	1,98	1,32	0,64	0,28
1.9	5,77	3,55	3,02	2,49	1,99	1,31	0,63	0,29
2.0	5,91	3,60	3,06	2,51	2,00	1,30	0,61	0,31

Маълумотлардан фойдаланиш услуби оддий ва фойдаланишга қулай бўлса-да, бу усулни замин намлигини кўп йиллик кузатиш йўлга қўйилгандағина татбиқ этиш мумкин.

Мисол. Айтайлик, қайта тикланаётган йўл учун замин тупроғининг турғунлик ўзгариши ҳолатидаги намлиги \bar{W} ни аниқлаш талаб этилсин. Йўл сифатини IV тоифадан II тоифага ўтказиш сўралсин. Тупроқнинг сув-ҳарорат тартиби иккинчи тур билан белгиланган бўлсин. Эски йўл замин тупроғининг баҳор вақтидаги намлиги ҳақидаги маълумотлар қўйидагилардан иборат бўлсин:

1966 й. — 0,61	1972 й. — 0,59	1978 й. — 0,53	1984 й. — 0,51
1967 й. — 0,57	1973 й. — 0,63	1979 й. — 0,55	1985 й. — 0,48
1968 й. — 0,55	1974 й. — 0,71	1980 й. — 0,62	1986 й. — 0,60
1969 й. — 0,53	1975 й. — 0,50	1981 й. — 0,56	1987 й. — 0,54
1970 й. — 0,58	1976 й. — 0,58	1982 й. — 0,56	
1971 й. — 0,54	1977 й. — 0,67	1983 й. — 0,65	

Кузатилган тизмани камайиб борувчи қаторга жойлаштирамиз ва (4) ифода орқали K_i нинг сон қийматини топамиз. P нинг сон қийматларини аввал $\sum (K_i - I)^2$ ифода ёрдамида ишлаб чиқиб, сўнг 11-жадвалдан топилади. Маълумот асосида ҳисоблаб топилган ўртача намлик кўрсаткичи $\bar{W} = 0,57$ га тенг. C_v ва C_s қийматларини (3) ва (5) тенгламалар орқали ҳисоблаб чиқамиз:


$$C_v = \sqrt{\frac{0,1753}{22-1}} = 0,09; C_s = 2 \cdot 0,09 = 0,18.$$

11-жадвал

№№ пп	W_i	K_i	$K_i - 1$		$(K_i - 1)^2$	$P, \%$
			+	-		
1	2	3	4	5	6	7
1	0.71	1.24	0.24	—	0.0576	2,3
2	0.63	1.14	0.14	—	0.0196	6,8
3	1.62	0.10	0.10	—	0.0100	11,4
4	0.61	1.08	1.08	—	0.0064	15,9
5	0.60	1.07	1.07	—	0.0049	20,5
6	0.59	1.05	1.05	—	0.0025	25,0
7	0.59	1.03	1.03	—	0.0009	29,5
8	0.58	1.03	1.03	—	0.0009	34,1
9	0.58	1.02	1.02	—	0.0004	38,6
10	0.57	1.01	1.01	—	0.0001	43,2
11	0.56	1.00	1.00	—	0.0000	47,7
12	0.56	0.98	—	0.02	0.0004	52,3
13	0.56	0.98	—	0.02	0.0004	56,8
14	0.55	0.96	—	0.04	0.0016	61,4
15	0.55	0.96	—	0.04	0.0016	65,9
16	0.54	0.95	—	0.05	0.0025	70,5
17	0.54	0.94	—	0.06	0.0036	75,0
18	0.53	0.93	—	0.07	0.0049	79,5
19	0.51	0.89	—	0.11	0.0121	84,1
20	0.50	0.88	—	0.12	0.144	93,5
21	0.48	0.84	—	0.16	0.0256	97,8
22	—	—	0.77	0.76	0.1753	—

11-жадвалдан фойдаланиб, турлича таъминланган P нинг қийматини ҳисоблаймиз.

W_{nx} ни аниқлашда қабул қилинган услубнинг қанчалик аниқлигини билмоқ учун (11 ва 12-жадваллар) 16-расмдан фойдаланиб, $W_{nx} = f(P)$ ва $W_i = f(P)$ ни таққослаймиз. Таққослашни P ни 0,1 дан то 50% оралиғида олиб борамиз. 50% ли таъминлангандык күп йиллик қийматга мөс келади.



16-расм. Назарий таъминланган эгри чизиғининг кузатишдаги тупроқ намлиги билан мос жойлашуви

юқори мөйөрли намлигини аниқлашга имкон беради. Иқлими куруқ майдонларда күпласб адометсорологик манзил-

16-расмдан күрениб туриблики, назарий таъминланганлик эгри чизиғи кузатишлар натижасида қурилган эгри чизиқ қийматлариға мос тушади.

Үхашашлик усули. Маълум бир вақтнинг ўзида лойиҳаланаётган йўл ёки унинг бўлаклари учун намлик ҳақидағи баҳорги маълумотга эга бўлиш мумкин. Булар факат йўл заминининг $\bar{W}_{\text{н.к}}$ ўртача

12-жадвал

Ҳисобланадиган қийматлар	Таъминланганлик P , %						
	0,1	1	3	5	10	10	50
$C_v = 1$ ва $CS = 0,18$ даги P	3,36	2,46	1,96	1,70	1,30	0,83	-0,03
$C_v = 0,09$ ва							
$C_s = 0,18$ даги $P \cdot C_v$	0,30	0,22	0,18	0,15	0,12	0,08	0,00
$P \cdot C_v + 1$	1,30	1,22	1,18	1,15	1,12	1,08	1,00
$W_{\text{н.к}}$	0,74	0,70	0,67	0,66	0,64	0,62	0,57

гоҳлар бор (АММ). Буларда йил давомида ҳар ўн кунликла мунтазам равишда очиқ дала майдонидаги тупроқ қатла-мининг (3 м чукурликкача) намлиги аниқлаб турилади. Бу маълумотлар йўл заминидаги тупроқ намлигининг хавфли $W_{\text{н.к}}$ ҳолатини аниқлашда кўл келади. Лойиҳаланаётган йўлга яқин тупроқнинг гидрогеологик шароитларига мос келалиган, камида 14-15 йил бадалида кузатилган намлик

қийматларини бера олалиган агрометеорологик манзил-гоҳлар маълумотлари танланади.


Юқорида келтирилган ечимларга асосан замин учун C_V ва C_s , очиқ дала учун эса $\bar{W}_{n,k} C_V, C_s$ ҳисоблаб чиқилади. Сўнг 10-жадвалдаги қийматлардан фойдаланиб, замин ва дала учун ҳисобий эфри чизиклар чизилади. Иккала эгри чизик ҳам P нинг 0,1 дан 50% қиймати ичилади. Таъминланган эгри чизик амалда бир-бирига яқиндир. Улар йўл заминининг тупроқ намлигини назорат этишни ўз-ўзидан узайтиришга имкон беради.

Қисқа қаторли $W_{i,a,k}$ ни анча узайтириб, ҳолатини ўзгартириш учун K_i модул коэффициентини аниқлаш керак. Бу ишларни йўл заминига татбиқ этиб, хавфли намликни топиш учун $W_{i,a,k} = K_i \cdot \bar{W}_{n,k}$ ифодани ёза оламиз.

Шундай қилиб, сўнгги ифода орқали хоҳлаган кузатиш йили учун таъминланганлик $\bar{W}_{n,k}$ нинг исталган қийматини топиш мумкин. Аммо у бундай ҳолат қаторини ўзгартириш билан тўғридан-тўғри $W_{n,k}$ ни ҳисоблашга имкон бермайди. Бу ерда замин билан очиқ майдоннинг сувхарорат тартибida сезиларли фарқ бор.

Улардаги сонли боғланишни қўйидагича аниқлаш мумкин.

Очиқ майдонда ёгин сувларининг шимилиши h_u чуқурлик ошган сари камаяди (17-расм). Иқлими қуруқ майдонлар учун яхши шимилиш чуқурлиги 20-40 см дан ошмайди. Шунинг учун очиқ майдон тупроғининг қалинлигини йўл тушамасининг сув ўтказмас қопламасига тақрибан teng деб таққослаш мумкин. Яқин жойлашган дала билан йўлнинг тупроқлари, иқлими ва гидрологик шароитлари бир хил бўлгандаги замин тупроғи ва қатламнинг h_u чуқурлигидан пастда ётган тупроқнинг фасл намлик ўзгариш қонуниятлари бир хилда, аммо замин билан h_u йўл қатламининг иссиқлик хоссаларининг ўзгариш қонуниятлари турличадир. Замин билан майдон намликларининг жуда мос келиши йўл тушамасининг h_u чуқурлигидаги ҳароратга эквивалент миқдорда мос келади. h_u миқдорни қўйидаги ечим усулида ҳисоблаб чиқиш тавсия этилади:



17-расм. Тұшаманың ҳарорат қаршилигини топиш шакли:
а—йүл қобиги учун; б—очик дала учун

$$h_3 = \lambda_n \cdot R_o = \lambda_n \left(\frac{h_1}{\lambda_1} + \frac{h_2}{\lambda_2} + \frac{h_3}{\lambda_3} \right), \quad (7)$$

Бу ерда λ_n — очик майдон түпрогининг ҳарорат үтказувчанлик коэффициенти, ккал м, с град; $h_1 - h_3$ — тұшама қатламлари қалинлиги, м; $\lambda_1 - \lambda_3$ — тұшама қатламларига мос тегишлича ҳарорат үтказувчанлик коэффициенти; R_o — тұшаманың ҳарорат қаршилиги, m^2 с. град/к кал. Тұшаманың талаб қилинган пишиқлик модули $E_{t,k}$, МПа ни

$$R_o = 0,00022 E_{t,k} \quad (8)$$

ифодалан R_o қийматига боғлиқлигидан ҳисоблаш мүмкін.

Шундай қилиб, $h_s > h_u$ шарти бажарилганды замин тупроқтарыда нам йиғилиш миқдори тегишлича чуқурлікдаги очиқ майдон тупроғининг нам йиғишига яқын бўлади. Агар майдон тупроғи ва йўл заминининг кўп йиллик намлиги ҳақидаги маълумотлар бўлса, уларнинг тегишлича корреляцион коэффициентларини

$$a_1 = \frac{W_{1,n,k}}{W_{1m}}, \quad a_2 = \frac{W_{2,n,k}}{W_{2m}}, \dots, \quad a_n = \frac{W_{n,n,k}}{W_{nm}} \quad (9)$$

ҳамда уларнинг ўртача $a = \sum a_i / n$ миқдорини ҳисоблаш имкони бўлади. Бу ерда $W_{n,m}$ очиқ майдон тупроғининг намлиги: $W_{n,n,k}$ — замин тупроғининг намлиги. Демак, корреляцион коэффициент a маълум бўлса, майдон тупроғининг намлиги $W_{n,n,k}$ намликларидан тузилган қатордан янги замин $W_{n,n,k}$ намлиги қаторига ўтиши мумкин. Сўнг $W_{n,n,k}$ ни ҳисоблаш мумкин. $W_{n,n,k}$ ни аниқлашнинг бундай усули корреляция усули дейилади. Музи эриган тупроқларнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти (λ) ккал/м.г. град бирлика 13- жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Намтик		Кум. кумли грунтлар		Намтик		Созтупроқлар ва кумоқ грунтлар		
$W/W_{n,k}$	$\delta, \text{ г}/\text{см}^3$	λ	$W/W_{n,k}$	$\delta, \text{ г}/\text{см}^3$	λ	$W/W_{n,k}$	$\delta, \text{ г}/\text{см}^3$	λ
0.5	1.4	1.2	0.5	1.3	1.1	0.5	1.3	1.3
0.5	1.6	1.6	0.5	1.5	1.3	0.7	1.3	1.2
0.7	1.4	1.4	0.7	1.3	1.2	0.7	1.5	1.4
0.7	1.5	1.6	0.7	1.5	1.4	0.7	1.6	1.6
0.7	1.6	1.8	0.7	1.6	1.6	0.9	1.2	1.8
0.9	1.6	2.0	0.9	1.2	1.8			

Музлаган қумлар ва қум аралашган тупроқлар учун λ миқдори (14-жадвалга қаранг) ни 1,3—1,35 га, соз тупроқ билан қумоқ тупроқлар учун эса 1,1—1,25 га кўпайтириш лозим.

Тўшама қатламларининг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициентлари (λ) ккал/м.г.град. бирлика 14-жадвалда келтирилган.

Қатлам	γ	Қатлам	γ
Заррачалари йирик бұлған асфальт-бетон	1,0—0,9	Минерал моддалар аралашган грунт	1,5
Заррачалари майда бұлған асфальт-бетон	0,8—0,7	Шағал	1,6
Сеймонбетон	1,4	Битумланған құм	0,8
Оҳаксимон майдаланған тош	1,4	Йигма сеймонбетон	1,5
Қиррали ҳарсанғ тош	1,8	Куюндибетон	
Органик модда аралашған тупроқ	1,7	$\gamma=1500 \text{ кг/m}^3$	0,6

$W_{\text{н.х}}$ ни ҳисоблаш учун ҳарорат ўзгаришидан ташқари сув-ҳарорат тартибига таъсир құлувчи гидрогеологик шартшароитлар ва түшама асосининг ости — замин билан тулашған қатламини тавсифловчи катталикларни ҳам олиш керак, яғни

$$W_{\text{н.х}} = \bar{W}_{\text{нм}} (1+aC_v) \alpha \cdot \beta \cdot \gamma, \quad (10)$$

бу ерда $\bar{W}_{\text{нм}}$ — майдон тупроғи баҳорғи намлигининг h , чуқурлық ҳисобланған ўрта арифметик миқдори; α — маълум даражадаги ҳарорат ҳоссали қатламнинг тупроқ намлигининг пасайишига таъсир этишини аниқловчи коэффициент бұлиб, 0,8—0,9 га тең; β — йұл қобиғининг гидрогеологик шароитларини инобаттаға олиш коэффициенті, I — гидрогеологик гурухы тупроқтар учун (I, II турдаги сув ҳарорат тартибли) 1,0 га; II — гидрогеологик гурухы тупроқтар (III турдаги сув-ҳарорат тартибли) учун эса — 1,01—1,03 ва III — гидрогеологик гурухы тупроқтар (III, IV турдаги сув-ҳарорат тартибли) — 1,04—1,07 га тең; γ — түшама тәғиддегі қатламнинг физик-ҳарорат ҳоссаларини ифодаловчи коэффициент, ғовакли қатлам учун (қиррали тош, шағал, құм, шағал-құмли тупроқтар) 1,0 ва зич қатлам (лойли тупроқтар) учун — 0,85—0,93 га тең.

Үшашшылк ва корреляция услубида $W_{\text{н.х}}$ ни ҳисоблаш қуйидагица бажарилади. Курилаёттан йұл учун R_o ҳисобладаб чиқылғач, (7) ифода орқали h , топилади. Шу йұлға

яқын жойдан очиқ дала тупроғининг баҳорги юқори күрсаткичли намликлари ($W_{\text{ид}}$) аниқланиб, қатор тузилали ва юқорида келтирилган услуг билен $\bar{W}_{\text{ид}}$ ҳисоблаб чиқилади. Кейин тұшама қатламларының ҳар хиллигига қараб (1) ифода орқали заминнинг хавфли намлик күрсаткичи аниқланади.

Күпчилик туманлар учун үхашашлық ва корреляция үслуби билан тупроқларының хавфли намлик ҳолатлари ҳисобланған.

Мисол. III турдаги сув-харорат тартибли тұшаманың талаб қилинған умумий тоб ташлаш модули $E_{\text{т.к}} = 200 \text{ МПа}$ бұлғанда III даражали йүлнинг тупроқ намлиги хавфли ҳолатини аниқлаш лозим. Йүл тұшамасының заминига ғовакли шағал қатлами құлланиш тавсия қилинған.

(8) ифода бүйіча $R_s = 0,0022 \cdot 200 = 0,44 \text{ м}^2 \cdot \text{с.град/ккал.}$

Лойихаланаёттан йүлдан 20 км узоқликда тупроқ ва гидрогеология шароитлари үхашаш бұлған АММ жойлашған. Тупроғи созтупроқ 13-жадвал бүйіча $\lambda = 1,3 \text{ ккал/м.с.град.}$ (7) ифода ечими бүйіча $h_s = 1,3 \cdot 0,44 = 0,57 \text{ м.}$ Шимувчи қатлам қалынлиғи (чуқурлуги) $h_u = 0,4 \text{ м.}$

АММ дан олинған 0,6 м чуқурлукдаги тупроқнинг баҳорги намликлари бүйіча қатор тузамиз. Бунда $h_s > h_u$ тенгсизлик бажариласы, яғни $0,6 > 0,4$.

Намликларының тартибланған қатори 15-жадвалда келтирилған. Дала тупроғи намлигининг ўртача қиймати $\bar{W}_{\text{ид}} = 0,69$. Жадвалда K_i ва $(K_i - 1)$ ечими келтирилған. C_v ни ҳисоблаймиз.

$$C_v = \sqrt{\frac{0,964}{15-1}} = 0,08; C_s = 2 \cdot C_v = 2 \cdot 0,08 = 0,16.$$

$W_{\text{н.х}}$ ни топиш учун мағаллый шароитдан келиб чиқиб, қуйидеги коэффициентлар миқдорини аниқлаймиз: $\alpha = 0,95$; $\beta = 1,01$; $\gamma = 1,0$. Замин тупроғи намлигининг хавфли ҳолат миқдорини (10) ифода орқали ҳисоблаймиз. Олдин, 10-жадвалдан $C_s = 0,16$ ва $P = 2$ да $a = 1,94$ ни оламиз. Бунда $W_{\text{н.х}} = 0,69(1,94:0,08) \cdot 1 \cdot 1,01 \cdot 1 = 0,80$.

Аналитик усул. Бу усулда тупроқнинг хавфли ҳолати қуйидеги ифода билан аниқланади:

T.K.	W _{in}	K _i	K _i - I		(K _i - I) ²
			+	-	
1	0,78	1,14	0,14	—	0,0196
2	0,76	1,11	0,11	—	0,0121
3	0,75	1,09	0,09	—	0,0081
4	0,74	1,08	0,08	—	0,0064
5	0,72	1,05	0,05	—	0,0025
6	0,70	1,02	0,02	—	0,0004
7	0,70	1,02	0,02	—	0,0004
8	0,69	1,00	—	—	0,0000
9	0,68	0,99	—	0,01	0,0001
10	0,65	0,95	—	0,05	0,0025
11	0,65	0,95	—	0,05	0,0025
12	0,64	0,93	—	0,07	0,0049
13	0,62	0,90	—	0,10	0,0100
14	0,62	0,90	—	0,10	0,0100
15	0,60	0,87	—	0,13	0,0169

$$W_{\text{н.х}} = \bar{W}(Z, T)(1 + aC_V), \quad (11)$$

бу ерда $\bar{W}(Z, T) = T$ вақт оралығидаги чүқурлик бүйіча аниқланған тупроқнинг ўртача намлиги $\bar{W}(Z, T)$ нинг қийматы тупроқнинг сув-ҳарорат таркибиға бөлгілік булып, қисаблаш үйүн билан топилади.

Диффузиян сув-ҳарорат тартиби (1 түр) учун:

$$\begin{aligned} W(Z, T) = & W_6 - \left(m - \frac{a_1 s_1 m_2}{a - a_1} \right) \frac{I^{-Z^2/4aT} \cdot \sqrt{T} \cdot Z}{\sqrt{a_1 \pi}} - \\ & - \frac{a_1 s_1 m_2 \exp(-Z^2/4aT) Z \sqrt{T}}{(a - a_1) \sqrt{\pi}} + \left(m_1 - \frac{a_1 s_1 m_2}{a - a_1} \right) \frac{I^2 + 2a_1 T}{2a_1}, \\ & [1 - \Phi(Z/2\sqrt{a_1 T})] + \frac{a_1 s_1 m_2 (I^2 + 2a_1 T)}{2(a - a_1)a} [1 - \Phi(Z/2\sqrt{a_1 T})]. \end{aligned} \quad (12)$$

Бұу ерда $W_6 = Z$ қатlamдаги тупроқнинг бошланғич намлиги; m_1, m_2 — намлик ва ҳарорат ўзгариш тезлікларини ифода-

ловчи коэффициентлар; a , a_1 , b — иссиқ ўтказувчанлик (град/с), нам ўтказувчанлик ($\text{m}^2/\text{с}$), ҳароратли нам ўтказувчанлик (1/град) коэффициентлари (уларнинг миқдори лаборатория синови натижасида олинади); T — вақт, с; Z — қаралаётган чуқурлик, м; $\Phi(Z/2\sqrt{aT})$ — жадвал сонлари оралиқларининг ишончлилик функцияси, 12) тенгламадаги күрсаткичлар миқдорлари 16-жадвалдан аниқланади.

16-жадвал

X	$\Phi(X)$	X	$\Phi(X)$	X	$\Phi(X)$	X	$\Phi(X)$
0	1.0000	0.5	0.479500	1.0	0.157229	2.0	0.004678
0.1	0.887537	0.6	0.396144	1.2	0.089686	2.2	0.001868
0.2	0.777297	0.7	0.322199	1.4	0.047715	2.4	0.000689
0.3	0.617393	0.8	0.257899	1.6	0.023652	2.6	0.000236
0.4	0.571608	0.9	0.203092	1.8	0.010909	2.8	0.000075

Юқорида уқдирилгандек, АММ нинг кўп йиллик кузатишида олинган маълумотлари бўйича баъзи тузатишлар киритилиб, кўрсаткичлари ўхшаш қисмida \bar{W}_δ синов натижаси бўйича топилади, m_1 ва m_2 коэффициентлари қаралаётган ҳудудининг мувозанатлашган ҳолини белгилайди. Уларни аниқлаш қийин эмас. Уларни аниқлаш учун қаралаётган Z чуқурликдаги намлик йигилиш даврини ва тупроқнинг намлик миқдорини (мисол учун $Z = 20-40$ см чуқурликда), нам йифила бошланиш давридаги T_{δ}, t_δ ва сўнгги даврдаги T_o, t_o ларни билиш зарур. Бунда

$$m_1 = \frac{W_o - W_\delta}{T_x}; \quad m_2 = \frac{W_o - W_\delta}{T_x}; \quad (13)$$

бу ерда T_x — нам йигилиш даври, с.

Тупроқнинг нам ўтказувчанлик коэффициентини лаборатория синовидан ёки тупроқнинг ўртача намлигидан тахминий билиш мумкин:

$$\begin{array}{cccccc} W & \dots & 0,50 & 0,60 & 0,70 & 0,80 & 0,90 \\ a, \text{ м}^2/\text{с} & & 0,8 \cdot 10^{-5} & 1 \cdot 10^{-5} & 2 \cdot 10^{-5} & 4 \cdot 10^{-5} & 6 \cdot 10^{-5} \end{array}$$

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти a , $\text{м}^2/\text{с}$ ни

$$a = \lambda / C \cdot \delta \quad (14)$$

тenglik орқали топилади. Бу ерда, λ — иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти (13-жадвал); C — тупроқнинг вазний иссиқлик сифими, ккал/кг.град; δ — тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, кг/м³.

17-жадвал

$W, \%$	δ	$C, \text{ккал}$ кг.град	$a,$ $\text{м}^2/\text{C}$	$W, \%$	δ	$C, \text{ккал}$ кг.град	$a,$ $\text{м}^2/\text{C}$
8	1400	0,37	0,00174	27	1200	0,48	0,00159
8	1500	0,31	0,00184	27	1350	0,49	0,00182
8	1600	0,31	0,00194	27	1400	0,49	0,00194
18	1200	0,41	0,00151	27	1500	0,47	0,00205
18	1300	0,40	0,00165	27	1600	0,48	0,00215
18	1350	0,41	0,00178	27	1650	0,49	0,00226
18	1450	0,40	0,00193	40	1150	0,62	0,00158
18	1500	0,41	0,00205	40	1200	0,62	0,00172
18	1600	0,40	0,00222	40	1350	0,62	0,00188
18	1700	0,39	0,00237	40	1500	0,61	0,00201

Эриган тупроқлар учун C ва a миқдорлари 17-жадвалда келтирилган. Ҳароратли нам ўтказувчанлик коэффициенти $b_1 = \Delta W / \Delta t$ орқали топилади. Бу ерда $\Delta W, \Delta t$ заминнинг фаол қисмидаги ўртача намлик ва T_0 даври ичидаги ўртача ҳарорат. Ўртача ҳарорат 0,1 дан 0,5 град гача ўзгариб туради. II турдаги диффузион пардасимон сув-ҳарорат тартиби учун

$$W(Z, T) = W_6 - m_1 Z_1 \sqrt{T/\pi \cdot a_1 \cdot \exp(-Z^2/4a_1 T)} + \\ + m_1 (T + Z^2) \cdot 2a_1 \operatorname{erfc} \left(Z / 2\sqrt{a_1 T} \right). \quad (15)$$

III турдаги гидрогеологик тартиб учун

$$W(Z, T) = W_{th} \left[W_{th} - (W_6 + m_1 T) \right] \frac{Z}{l} + \\ + \frac{2}{\pi} \sum_{n=1}^{\infty} \left\{ \frac{1}{n} \exp \left(- \frac{a_1 T n^2 \pi^2}{l^2} \right) \cdot \left[W_6 - W_{th} - \frac{(-1)^n m_1 l^2}{a_1 \cdot n^2 \pi} \right] - \frac{(-1)^n m_1 l^2}{a_1 \cdot n \cdot \pi} \right\} \times \\ \times \sin \frac{n\pi Z}{l}, \quad (16)$$

бу ерда, $W_{\text{т.н}}$ — зовурларнинг қиялик жойида сув узоқ вақт туриниң қолганидаги тупроқнинг түлиқ намлиқ сигими; m_1 — йўл қопламасининг чеккаларидаги замин тупроғи намлигининг кўпайишни ифодаловчи коэффициент; l — юза сувларининг ариқда йигилиб, шимилишидан ҳосил бўлган эгри чизиқли намлиқ нуқталаридан, қоплама четигача бўлган масофа, м.; Z — зовур (арик суви чекка нуқтасидан йўл тўшамасигача бўлган масофа, м.; n — бутун сонлар 1, 2, 3... ва ҳ.к.

IV турдаги гидрогеологик нам силжиш тартиби учун:

$$W(Z, T) = \frac{2}{a_1 \pi^3} \sum_{n=1}^{\infty} \frac{\exp\left(-\frac{n_1 n^2 \pi^2}{h^2} \cdot T\right) \left(a_1 \cdot \pi^2 \cdot n^2 (-1)(W_{\text{т.н}} - W_1) + m_1 h^2\right) - m_1 h^2}{n^2} \times \sin \frac{n\pi}{h} \cdot Z + (W_1 + m_1 T) \left(1 - \frac{Z}{h}\right) + \frac{W_{\text{т.н}} \cdot Z}{h}, \quad (17)$$

Тупроқнинг түлиқ намлиқ сигими $W_{\text{т.н}}$ миқдорини (16) ва (17) тенгламалардан топиш учун энг аввал $W_{\text{т.н}}$ қийидагича аниқланади:

$$W_{\text{т.н}} = \frac{\Delta - \delta}{\Delta \delta}, \quad (18)$$

бу ерда Δ, δ — тупробқнинг солиштирма ва ҳажмий вазни; $W_{\text{т.н}}$ кўрсаткичи тупроқ бўшлиқлари нам билан тўлгандаги намлики ифодалайди.

Аналитик усулда хавфли ҳолатдаги намлиқ қийидагича аниқланади: иқклимни тасвирловчи маълумотлардан қаралаётган туман учун кўп йиллик совуқ даврининг ўртача қийматининг узайганлиги ҳамда куз ва баҳорнинг 0°C дан юқори ҳароратлари аниқланади ҳамда бундай ҳол неча кун давом этганлиги (T_c) ҳисоблаб топилади.

Ўхшашиблик ёки жадвал услубига асосан ва лаборатория синовлари натижасида шу туман жойлашган йўлнинг тупроғи учун, a_1 , a , b_1 , m_1 , m_2 нинг қийматлари топилади. IV турдаги сув-ҳарорат тартибли йул учун хавфли ҳисобланган ер ости юзасининг чуқурлиги h_n қийидагича аниқланади:

$$h_n = h_{\text{yp}} / (1 + a C_v), \quad (19)$$

бу ерда h_{sp} — ер ости сувлари (күп йиллик маълумот асосида) жойланишнинг ўртача чуқурлиги, м.

Юқорида уқтирилган услугга асосан (19) тенгликтаги A ва C_v қийматлари ҳисоблаб топилади. Гидрология харитасига асосан ёки синов ўлчов усулида ер ости сувларининг ўртача чуқурлиги (h_{sp}) аниқланади. Ер ости сувларининг ўртача чуқурлиги ўзгармай турган вақт ($T_{u,x}$) ҳам аниқланади. W ва W_{th} ларнинг ўртача миқдорлари қабул қилинади. (12), (15), (16) тенгламаларнинг биридан фойдаланиб сув-ҳарорат тартиб турига боғлиқ бўлган $Z=0,3$ м га тўғри келган $\bar{W}(Z, T)$ қиймат ҳисоблаб чиқилади, сўнгра (11) ифода орқали \bar{W}_{th} миқдори топилади.

Аналитик усулда \bar{W}_{th} нинг маълумотлар қаторини топиш кўрилмаганлиги учун ишончлилик назариясига асосланиб, C_v ни (11) ифода орқали топилади. Бундай ҳолда $(I+C_v)$ миқдори йўлнинг сифат даражасига қараб таъланади.


Йўлнинг сифат даражаси	I	II	III	IV
$1 + a \cdot C_v$	1,20	1,18	1,15	1,10

Намлиknинг хавфли ҳолатини (аналитик усулда аниқлаш) билиш ўша ернинг шароитларини ва тўшама билан замин фарқланишини тўлиқ инобатга олиш имкониятини беради. Аммо бу усул ўзига хос анча оғир ечимга эга бўлиб, амалда ечимини топиш жуда қийин бўлган йўлларни лоийхалашда татбиқ этилади.

18-расмда курғоқчилик туманларига замин тупрогининг ўртача нокулай намликлари учун муносаб чизиклар туширилган харита берилган. Бунда майдоннинг туманларида тупроқ намлиги умум одат бўйича ўзгариши акс эттирилган.

Хавфли ҳолат намлигини белгилашда кўп сабаблар ҳисобга олинган. Ана шундай сабаблардан бири тупроқларнинг ҳар хил эканлигидир. 18-жадвалда тупроқлар шартли равишда қўйидагича белгиланди: A — енгил чангсиз кум тупроқлар; B — чангсиз соз тупроқлар; V — чангли соз тупроқлар ва кумли тупроқлар. 18-жадвалдаги намликлар аниқ жойлар ва фарқланувчи йўл бўлаклари учун аниқланиши мумкин.

Бу хавфли ҳолатдаги намлик миқдорлари фақатгина хавфли ҳолат курсаткичлари учун фойдаланилмай, йўлни



18-расм. Кобик тупротининг хисобланган ўртача намалиги харитаси

лойиҳалаш ва қайта тиклаш давридаги кўп муаммоларни ҳал қилишда ҳам қўлланилади.

18-жадвал

Туман	Намла- ниш натижа- сидаги ҳолат ўзгариши тури	Сув- ҳарорат тартиби тури	Туп-роқ- лар	Йўлнинг техник тоифаси			
				I-II		III-IV	
				ғовак	зич	ғовак	зич
Иклими қурук чўл	I	I-II	A	0,58	0,54	0,55	0,51
				Б	0,60	0,55	0,57
				В	0,62	0,57	0,59
	II	III	A	0,64	0,58	0,62	0,56
				Б	0,67	0,62	0,64
				В	0,70	0,64	0,66
	III	IV	A	0,70	0,64	0,67	0,62
				Б	0,75	0,66	0,72
				В	0,80	0,70	0,76
Иклими нам чўл	I	I-II	A	0,60	0,55	0,58	0,53
				Б	0,63	0,56	0,61
				В	0,65	0,58	0,63
	II	III	A	0,63	0,59	0,61	0,57
				Б	0,67	0,62	0,65
				В	0,69	0,65	0,67
	III	IV	A	0,75	0,66	0,72	0,62
				Б	0,80	0,69	0,75
				В	0,85	0,72	0,80

Йўл заминини лойиҳалашда тупроқнинг ҳолат ўзгаришини (E_0) ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари (C, ϕ) ни аниқлашнинг катта амалий аҳамияти бор. Ҳолат ўзгариши ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини аниқлаш учун қўйидаги услубдан бирини қўллаш мумкин.

Дала услуби. Бунда тупроқ намунаси олиш компрессион асбобнинг катта диаметрли (40-70 см) қирқувчи ҳалқасини срга бостириб киритишга асосланган. Бунинг учун маҳсус компрессион асбобдан фойдаланилади. Асбоб ёрдамида тупроқ намунасига поғонама-поғона 0,1 МПа қийматдан ортиб борувчи, тик таъсир этувчи статик юклар таъсир этирилади. Ҳар бир ошиб борувчи юқ қўйилганда штампни

0,01—0,02 мм/мин тезлигидаги ҳаракат ҳолатигача сақлаб турилади. Сүнг яна юк қўйилиб ўша тезликка қайтиш ҳолатигача кутилади. Шу орадаги намунанинг тоб ташлаши (ҳолат ўзгариши) аниқланади. Кейинчалик, бу жараёнлар 3—4 поғонали юкланиш билан сўнгги зўриқиш ҳолатига эришгунга қадар тақрорланади. 2—4 соатли синовдан сўнг, ҳар бир қўйилган поғона юк ғоваклик коэффициенти e ҳисоблаб чиқилади ва $e = f(P)$ аналитик ифоданинг чизмаси қурилади. Бунда ҳар бир поғона учун P куч аниқ қийматга эга.

Замин тупроғининг умумий тоб ташлаш модули

$$E_0 = \frac{\Pi}{4} \cdot \frac{P \cdot D(1-\mu^2)}{l} = \frac{0,7 PD}{l} \quad (20)$$

тenglik орқали ҳисобланади, бу ерда P — таъсир этувчи юкнинг оғирлиги, МПа; D — штамп диаметри, см.; μ — Пуассон коэффициенти, лойли замин тупроғи учун 0,35 га тенг.

Тупроқни мустаҳкамликка синашни тамомлаб, унинг намлигини, зичлигини ва оқувчанлик ҳолатини аниқлаш лозим.


Дала услубида яна пенетрометрлар ёрдамида тупроқнинг (m) механик тавсифномаларини аниқлаш мумкин. Пенетрометр — маҳсус қозиқли қубба, парракли ва шарсимон учи тупроқга босиб киритиладиган, ўзини эса бемалол қўлда олиб юриш мумкин бўлган асбобидир. Олдиндан аниқланган корреляцион шкалалар бўйича умумий тоб ташлаш модули E_0 ни ёки мустаҳкамлик кўрсаткичлари C ва ϕ ни ҳисоблаб чиқилади:

$$E_0, C, \phi = f(m), \quad (21)$$

бу ерда m — қаралаётган тупроқ учун E_0 , ϕ , C лар билан корреляцияланган пенетрация индекси. 1—2 мин. ичida тугайдиган бундай тезкор синовнинг аҳамияти жуда катта. Ҳар бир жойнинг шароитига қараб қисқа вақт ичida кўп сонли ўлчаш ишларини бажариб тупроқнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини ҳам топиш мумкин.

Дала кузатиш ишлари, одатда, замин тупроғи ғоваклари сувга тўйиниб турган ҳолатида олиб борилади. 19-расм-

19- расч. Нокуляй даврнинг бошланиш куни ва давом этиши муддати



да хавфли ҳолат вақтининг бошланиши ва давом этиш мулдати келтирилган. Афсуски, тупроқнинг хавфли ҳолати даврида лала шароитида штампдан фойдаланиб кузатиш ишлари олиб бориб бўлмайди. Шунинг учун бу усулда олинган E_0 қиймати старли даражада ишончли бўла олмаслиги мумкин. Тупроқнинг хавфли ҳолатидаги мустаҳкамлик тавсифлари қийматларини дала шароитида топиш аниқлиги юқорироқ даражада бўлиши учун $W_{\text{нх}}$ ни аниқлаш бўйича кўп йиллик кузатув ишлари натижалари ва унинг маълумотлари таҳлил қилиниши лозим.

Бу ҳолла ҳисоблаш қўйилдаги кетма-кетлиқда бажарилади:

$$E_o = \frac{\sum E_{oi}}{n}; K = \frac{E_{oi}}{E_o}; C_v = \sqrt{\frac{\sum (K_i - 1)^2}{n-1}}; C_s = 2 \cdot C_v.$$

Сўнг хавфли ҳолат кўрсаткичлари микдори топилади:

$$\begin{aligned} E_{\text{н.н.х.}} &= \bar{E}_o (1 + aC_v); C_{\text{н.н.х.}} = \bar{C}_o (1 + aC_v); \Phi_{\text{н.н.х.}} = \\ &= \bar{\Phi}_o (1 + aC_v) \end{aligned} \quad (22)$$

Лаборатория услуби замин тупрогининг механик тавсифларини, яъни хавфли ҳолат намлиги ва зичлигини бир текис аниқлашга имкон беради.

Умумий тоб ташлаш модулини прессларда тупроқ на мунасиға поғонали ортиб борувчи статик куч таъсирида кузатиш вақти сўниб, ҳолат ўзгариб бориш тезлиги 5 минутдан ва деформация сўниши 0,01 мм гача бўлган шароитда аниқланади.

С ва ф қийматлари силжиб қирқувчи ёки уч ўқ йўналишида сиқувчи асбобларда аниқланади. Тупроқ намуналари асбобнинг синаш қолипига солиниб, табиий шароит ҳолати даражасига етгунча куч бериб сиқилади. Агар тупроқ табиатда нам ҳолида турган бўлса, яъни намланиш даражаси 0,75 – 0,80 бўлса, у ҳолда тажрибани намли тупроқ билан олиб боришга тўғри келади ва тупроқни $W_{\text{нх}}$ га келтиргунча намланиш шароитида сақланади.

Намлик билан зичлик ўртасидаги маълум боғланиши мавжудлиги 20-расмдан яққол кўринади. Тупроқнинг зич-

лигини (δ) унинг намлигига боғлиқ эканлиги аналитик кўринишда қўйидагича ифодаланади:

$$\delta = A - BW, \quad (23)$$

бу срда A , B — тупроқ тури ва унинг замин қатламида қандай жойлашганини (кўтарма ёки хандақ) ифодаловчи коэффициентлар. (23) даги боғланиш куч ва сув-ҳарорат таъсири орқали тупроқ таркибининг жойланишига боғлиқ бўлади. (22) тенгламаларнинг мувозанат шартини корреляция коэффициенти (τ) билан боғлаш мумкин. Айтайлик маълум вақт ўтгач, тупроқ турғунлиги ошиб, мувозанатлашади ва коэффициент τ нинг қиймати 0,5 дан 0,7 гача ортади. 4—6 йилдан сўнг мувозанатлик ҳолати муайянлашиди. Шунда τ нинг қиймати 0,8—0,9 га тенглашади.

Соз тупроқли заминнинг кўтарма қисми учун $\delta = 2,1 - W$; сарғиш рангли қумоқ тупроқлар учун $\delta = 2,6 - 1,8 W$; қумлоқ тупроқли баланд кўтармалар учун $\delta = 2,3 - 1,25 W$. Бу ерда W — тупроқнинг нисбий намлиги.


(23) даги ифода бўйича хавфли ҳолат намлигини билб, хавфли ҳолат вазиятидаги тупроқнинг зичлик қийматини аниқлаш мумкин.

Лаборатория услубида хавфли ҳолатдаги тупроқнинг тавсиф кўрсаткичлари миқдори ишончли ва тўла-тўқис аниқланади.

Жадвал услуги. Бу услугуда E_0 , C , ϕ ни топиш учун аввал W ва δ нинг қийматлари асосланиб, сўнг (11) ифода бўйича тупроқнинг хавфли ҳолат кўрсаткичлари аниқланади.

20- расмда ҳар хил тупроқларнинг умумий тоб ташлаш модулини унинг зичлигини хавфли ҳолатидаги хавфли намлиги бўйича аниқловчи номограмма келтирилган. 21 ва 22- расмларда эса хавфли ҳолат намликларига қараб E_0 , C , ϕ нинг қийматини танлаш учун номограммалар кўрсатилган.


Юқори сифатли йўл қобигини қуришни билиш учун ҳар бир жой йўл қурилиши материалларини фасллар ўзгаришига қараб, уларнинг физик-механик хоссалари ўзгаришларини ўрганмоқ керак. Шу мақсадда иқлими қуруқ туманларда мунтазам равишда узоқ мудлат тупроқларнинг



20-расм. Турли тупроқларнинг иоқулай намлигини иоқулай зичлик қолатидаги эглиувчанлик модулини белгиловчи номограмма

намлиги ва зичлиги, умумий тоб ташлаш модули, музлаш қалинлиги ва эриши, сугориш ва шур ювиш тартиби кабилар ўрганилди. Натижада, тупроқларнинг хосса ўзгаришларига маълум қонуниятга бўйсунган ҳолда йил бўйи ва ундан кўп даврдаги фасл ўзгаришларнинг таъсири аниқланди.

Мисол. Турли чуқурликдаги тупроқ нисбий намлигига йил фасллари ўзгариши таъсирини кўриб чиқамиз (23-расм). Кузатишлар натижасида маълум бўлдикси, ҳамма синов жойларида ҳам йил давомида тупроқнинг фаол чуқурлиги қалинлигидаги унинг намлиги маълум қонун асосида ўзгариб туради. Ёз охиридан баҳор охиригача туп-



21-расм. Тупроқларнинг турлича намликда илашишини танлаш учун номограмма

роқда нам йигилади ва баҳор охиридан ёз охиригача намлик камаяди.

Нам йигилиш даврида намликнинг орта бориши билан томчи ҳолидаги намликнинг ортиб бориши ҳисобига ЕОС сатҳи аста-секин кутарилади. Заминда чуқурликка тушиб борган сари I ва II турдаги сув-харорат тартибидаги намлик камая боради (24-расм). Юқори намлик $h_s = 30-60$ см чуқурликда жойлашиши кузатилади.




22-расм. Тупроқларни турлича намликтаги ички ишқаланиш бурчаги-ни танлаш үчүн номограмма

Тупроқнинг зичлиги ҳам маълум қонун асосида фаслга қараб ўзгариади (25-расм). ЕОС нинг күтарилиган вақти ёғингарчиликнинг кўп ёққан даврига ва сугориш ишлари жадаллашган вақтларга тўғри келади.


Юқори зичлик йўл тўшамасининг ости горизонтига тўғри келиб, чуқурлик ошиб борган сари унинг қиймати камайиб боради (26-расм), бу қонуният механик шиббалланган қатлам учун ўринли.

Иқлими қуруқ туманлардаги тупроқ зичлиги хавфли ҳолатдан ташқари пайтларда оз ўзгариади. Кўп ҳолларда тупроқнинг зичлиги ўзгариши йўл ёнбағридаги сув қочириш иншоотларидағи сувларнинг йиғилиб, кўпроқ туриб қолиши, фаслий ўзгаришлар таъсирига ва сугориш жадвалига ҳам боғлиқ.


Асосий тавсифий кўрсаткичларнинг фаслий ўзгариши маълум қонуният асосида аниқ намоён бўлади (27- расм). Йил давомида ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликларнинг ўзгариб туриши оқибатида тупроқнинг нисбий намлиги ўзгариади. Ҳавонинг совуқ даври ҳам йўл қобигидаги намликни ошибради. Совуқ даврнинг чўзишлиши баҳордаги юқори намлик $W_{\text{ю}}$ ни ортириб борали. Намлик ҳолатининг ошуви тупроқ зичлиги б ва умумий тоб ташлашлиқ модули E_0 нинг камайишига тўғри пропорционал бўлади, яъни юқори




23-расм. Турли чүқурликдаги тупроқ нисбий намлигининг йил фасллари буйича үзгариши




24-расм.Түрли чукурликдаги намлик узгариши:
а—зовурлар йүл ёқасидан узоқда жойлашғанда, б—зовурлар йүлга
яқин жойлашғанда, ЕОС саёз жойлашғанда



25-расм. Қобиқ тупроғи зичлигининг йил фаслларида чуқурлик бүйічіа ўзгариши



26-расм. Кобик түпрги зицилгининг түрли чақурикка үзгәриб түриші



27-расм. Курғоқчилук түмандарыда қобиқ түрғунлигининг таъсир этувчи асосий тавсифларның фасл ўзгариши бўйича мужассамлашган графиги

намлик ҳолатига энг кам зичлик δ_k ва мустаҳкамлик E_0 тўғри келади. Шунинг учун иқлими қуруқ майдонлардаги йўл замини ва тўшамалар учун баҳорги давр ўта хавфли ҳисобланиб, бу даврда турлича бузилиш ва ҳолат ўзгаришлари намоён бўлади.

Ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб туриши далаларнинг шўрини ювиш давомийлиги ва сугоришга кетган сув ҳажмига боғлиқдир. Совуқ бошланиши билан бажариладиган шўр ювиш пайтида тупроқ намлиги энг юқори даржада бўлади. Бу даврда ЕОС сатҳи кўтарилади ҳамда қор-ёмғир сувидан кўчанинг ён томонидан намланиш

намоён булади. Кўпчилик ҳолларда, шўр ювиш пайтлари ёғин кўп бўладиган вақтга тўғри келади.

27- расмда келтирилган тавсифий кўрсаткичлар шу туманда замин турғунлигини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Заминнинг сифатини белгиловчи омиллар лойиҳада қайд қилинган бўлиб, уларнинг миқдор даражаси эса қурилиш жараёнида таъминланади.

Лойиҳалаш пайтида замин турғунлигини таъминлаш асосан йўлни тўғри жойлаштириш, заминни сифатли кўтариш ва унинг ёнидаги зовурларни узокроқда жойлаштириш, ўтказувчи қатламларни асосли танлаш кабилар ҳисобига эришилади.

Йўл замини чекка деворларини баланд кўтаришга ҳисоблаш. Замин чекка деворларини баланд кўтаришдан мақсад, буф ҳолида юқорилаб борадиган шабнам сувининг тўшама остидаги тупроқقا таъсирини камайтиришдан, яъни тупроқ зичлигини таъминлашдан иборат. Шунинг учун амалда, ҳар қандай ҳолатда ҳам заминнинг чекка девори баланд кўтарилган ҳол унинг турғунлигини таъминловчи тадбир деб қаралади. Бу тадбир иқлими қуруқ туманларда қобиқнинг сув-ҳарорат тартибини ва тупроқ билан тўшама зичлигини яхшилайди. Баланд кўтариш ҳисоби ва бу чоранинг нафи ўша ернинг гидрогеологик шароитларига боғлиқ. Аввал, I, II тур сув-ҳарорат тартибли I- гидрогеологик гурухли майдон бўлакларидаги тўшама остини баланд жойлаштириш услуби асосини кўриб чиқамиз.

Замин асосини сув буғи орқали намланадиган I тур сув ҳарорат тартибли йулларда унинг чеккаларининг турғунлигига таъсир қйлмасдан чекланиб кўтаришга тўғри келади. Бунинг учун сув-ҳарорат тартибини яхшиловчи қатлам қуриш ҳисобига замин тупроғининг мустаҳкамлигини ошириш мумкин.

II тур сув-ҳарорат тартибли жойларда бошқача манзара намоён булади. Айрим ҳолларда юза сувларининг қисқа вақт бўлсада туриб қолиши натижасида заминнинг ён тарафдан шабнам сувлари таъсирида пардасимон намланиши рўй беради. Кузатишларнинг кўрсати-

шича, тупроқнинг ён тарафдан намланиши замин турғунлигига унча хавф туғдирмайди. Бу ҳол қуйидагича асосланади:

Заминнинг фаол қатламидан анча чуқур жойлашган ЕОС унинг турғунлигига таъсир этмайди. Сув йиғилиб қолиб, тұшама ости томон шимилиб бора олмайди. Ёз даврида эса ҳавонинг юқори ҳарорати ва жадал бүгланиш туфайли тупроқнинг намланиши фақат 20—30 см ни ташкил қылади. Шунинг учун баҳор давридаги сувларнинг йиғилиб қолиши ҳам жойларда унча хавф туғдирмайди. Совук пайтларда музлаб қолган заминнинг күтарма қисм қиялигидаги тупроқнинг нам үтказувчанлиги паст даражали бұлғани туфайли сувни замин томон сингиб боришига түсқінлик қылади. Тұшама остидаги замин музи йұлнинг чети томон, яғни юқоридаги түшүнтиришларга тескари ҳолатта нам силжиши күзатилади. Шу сабабларга асосан сув зовурларда туриб қолган вақтларда ҳам заминдаги намликтиннинг камайишига олиб келади.

Иқлим қуруқ майдонларда тупроқ қатлами асосан лойли ва құмли тупроқдан ташкил топған. Улар ғовак булиб, зовурларда сугориш сувлари қисқа вақт туриб қолганида ҳам тәс шимилиб кетади. Күп ҳолларда замин ён бағирлардан йүл үкі томон намланиб бориши 1 м дан ошмайди. Шунинг учун II турдаги сув-ҳарорат тартибли жойларда замин чекка деворини ер сатхига нисбатан юқори күтариш билан I тур жойлардаги сингари унинг турғунлигини ошириш шарт әмас.


Иқлими қуруқ тұманларнинг II гидрогоеологик гурухли ва III тур сув-ҳарорат тартибли майдонларидаги йұллар чеккаларидаги зовурларда 20 кундан ортиқ сув сақланиб турадиган ҳоллар күп учрайди. Айрим пайтларда ер ости сувининг күтарилиши ҳам тупроқда құшимча намланищни пайдо қылади. Бундай ҳоллар учун тұшама ости сатхини ер юзасидан 19-жадвалда күрсатилған қийматдан кам бұлмаган үлчамдаги қалинликла олиниши

Тупроқ	Ҳар хил грунтлар учун күтарилиш қалынлиги , м		
	Түзсиз	Кам ва ўртача тузли	Ўта тузли
1	2	3	4
Майдың, урта йирикликдаги қум ва йирик құмның енгил тупроқ	0,2	0,5	0,4
Чангсимон қум, енгил құмның тупроқ	0,3	0,4	0,5
Оғир лойлы тупроқ, ёпишқоқ тупроқ	0,4	0,5	0,6
Чангсимон енгил құмның оғир лойлы тупроқ	0,4	0,6	0,7

мавжуд давлат меъёрловчи ҳужжатда (ВКМ 46—83) тавсия этилади.

Ер ости сувларининг ер юзасига яқын жойланишини (19) ифода орқали аниқлаш мумкин. Йўл чеккасида жойлашган зовурларда сув узоқ, муддат туриб қолиши ва унинг замин қиялиги томонидан шимилиши хавфли намланишга сабабчи бўлади. Шоликорлик туманларидаги зовур сувларининг күтарилиши ёз вақтларига тўғри келса, пахтакор туманларидаги эса асосан баҳор ва озроқ ёз фаслига тўғри келади. Сувнинг туриб қолиши 20 кундан кўпроқ бўлган ҳолларда зовурдан йўл ўқига қараб томчисимон ва пардасимон нам силжиши кузатилади. Шунинг учун бундай жойларда зовурни йўл тўшамаси четидан қанча масофага узоқлаштиришни аниқ билиш (хисоблаб топиш) зарур (28-расм).

0—0 тупроқ юзасининг сувга тўйинган ҳолатда намланиш вақти намликнинг доимий миқдорига боғлиқ, яъни $W_o = W_{\text{нк}}$. Намланишнинг I—I кесим юзасидаги миқдори $W_{\text{нк}}$ дан юқори бўлмаслиги лозим. Оралиқдаги намликнинг ўзгаришини ($W_o - W_{\text{нк}}$) тўшама чегарасида (намлик миқдорини) W_1 га келтириш лозим. Й, нинг қуйидаги кўринишдаги ечимини топамиз:



28-расм. Зовурни йўл қопламаси четидан узоклаштиришини ҳисоблаш шакли

$$l_3 = \frac{3a_1}{mb} \left\{ \sqrt{\left(W_{t-h}\right)^2 + \frac{0.67b \cdot m}{a_1} \left[\left(W_{t-h}\right)b + mbT_{h,x} + \frac{mb^3}{6a_1} \right]} - \left(W_1 - W_{h,x}\right) \right\}, \quad (24)$$

бу ерда a_1 — нам ўтказувчаник коэффициенти, m^2/s ;
 b — тўшамага ёндош майдоннинг эни, m ; m — 0—0 ке-
симдаги ўсиш шиддати, 10^{-5} 1/c ; $T_{h,x}$ — сувнинг туриб
қолиш вақти, s . Бу тенгликдаги намликнинг ҳамма
кўрсаткичлари юздан бир аниқликда берилади. Нам ўтка-
зувчаник a_1 коэффициенти тупроқнинг намлик ҳола-
тига боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг миқдори 5-бандда-
ги каби ўртача намлик учун қабул қилиниши керак,
яъни $0.5 (W_{h,x} + W_{t-h})$. Йўлни лойиҳалаш бўйича КМК да
тўшамага ёндош майдоннинг эни 0,75 дан 1,5 м гача
қабул қилинган. Лойиҳада бундай майдон назарда ту-
тилмаган бўлса, ҳисоб ишида $b = 1 \text{ m}$ деб белгилаш ло-
зим. W_1 нинг миқдорини $W_{h,x}$ га қараганда 6—15 фоиз
юқори олиш тавсия этилади, яъни $W_1 = W_{h,x} (1.06+1.15)$.

Тупроқнинг нам сақлаш сифимини (18) тенгламадаги Δ ва δ га боғлиқ ҳолда ҳисоблаш лозим. Бунда δ миқдорни тұла намланған ҳолатида, яъни нисбий намликтини $W=0,8-1,9$ қабул қылмоқ керак.

Мисол. Куйилдаги тупроқ шароити пахтачилик тұмаңларидаги йүллар заминини лойиҳалашыда зовурларни тұшама четидан қанча узоқ масофада үтказишни ҳисоблаб топыш керак бўлсин.

Замин енгиллөсси тупроғидан күтарилаяпти, $W_{\text{ор}}=32\%$. Лойиҳаланувчи йўл тоифаси III даражали бўлиб, $b=1,5$ м. Лаборатория синовларидан аниқланишича, тупроқнинг солинштирма вазни $\Delta=2,66 \text{ г}/\text{cm}^3$.

II гидрогоеологик гурухдаги намланиш шароитлари ва йўлнинг жойлашиши бўйича тупроқнинг нокулай хавфли ҳолати намлиги $W=0,6$ $W_{\text{ор}}$ намликка тўйинган ҳолатида эса $W=1,0$. (23) ифода бўйича $\delta=2,1-1=1,1 \text{ г}/\text{cm}^3$. (18)-тенглама бўйича сувга тўйинган ҳолатидаги намлик $W=(2,66-1,1)/2,66 \cdot 1,1 = 0,53$. $W_{\text{нх}}=0,6 \cdot 32=19,2\%$, $W_{\text{нх}}=0,192$. Бунда $W_1=1,1 \cdot 0,192=0,20$. Кузатишлардан маълумки, зовурлардаги сувнинг туриб қолиш даври 35 кунга тенг. Демак, $T_{\text{нх}}=35 \cdot 24=840$ с.

a_1 коэффициентнинг қийматини ўртача нисбий намлик бўйича қабул қиласиз: $0,5 \cdot (0,6+53/32)=1,25$; $a_1=6 \cdot 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$. Энди l_1 ни ҳисоблаймиз.

$$l_1 = \frac{3-6 \cdot 10^{-5}}{10^{-5} \cdot 1,5} \times \\ \times \sqrt{\left(0,20 - 0,19\right)^2 + \frac{0,67 \cdot 1,5 \cdot 10^{-5}}{7 \cdot 10^{-5}}} \times \sqrt{\left[\left(0,53 - 0,19\right) \cdot 1,5 + 10^{-5} \cdot 1,5 \cdot 840 + \frac{10^{-5} \cdot 1,5}{6 \cdot 10^{-5}}\right]} - \\ -(0,20 - 0,19) = 4,7 \text{ м.}$$

Шундай қилиб $l_1=n+n_1=4,7$ м.

Агар турғун тушамани мустаҳкамлаш эни $n=2,5$ м (28-расм) бўлса, замин қошидан 0-0 кесим юзасигача бўлган оралиқ $n_1=4,7 - 2,5 = 2,2$ м.

Заминнинг ўта намланишидан сақлашни таъмишловчи күтарма баландлигини ҳисоблаш III тур билан белгилан-

ган ер ости сувларининг таъсирини ва IV тур билан белгиланган сув-ҳарорат тартибига боғлаб олиб борилиши керак. Шунингдек, асосий талаблардан бири тупроқнинг хавфли ҳолат намлигини 30—40 см ли қатламда сақлаб қолиш ҳисобланади (18-жадвалга қаранг). Яқин жойлашган гидрогеологик марказнинг (ГГМ) кўп йиллик маълумотига асосан ер ости сувининг (EOC) сатҳи аниқланади.


Мисол. ГГМ ахборотига кўра EOC сатҳининг чуқурунги охирги 10 йил ичидаги: 1,02; 0,95; 0,78; 0,86; 0,78; 0,81; 0,73; 0,89; 0,80; 1,05 м га тенг бўлган. 5-бандда келтирилган услугуб билан $h_{yp}=0,867$ м эканлигини ҳисоблаб топамиз.

Бунда $C_v = \sqrt{0,1375/9} = 0,12$; $C = 2 \cdot 0,12 = 0,24$. 11-жадвал бўйича I, II, III, IV тоифали йўллар учун уларга тенг равишда P ни 1, 2, 3 ва 5 фоиз қабул қилиб, I даражали йўл учун $h = 0,867/1 + 2,5 \cdot 0,12 = 0,67$ м; II даражали йўл учун $h = 0,867/1 + 2,3 \cdot 0,12 = 0,68$ м; III даражали йўл учун $h = 0,867/1 + 2,0 \cdot 0,12 = 0,70$ м; IV даражали йўл учун $h = 0,867/1 + 1,7 \cdot 0,12 = 0,72$ м;

Агар кўп йиллик кузатишлар маълумоти бўлмай, h_{yp} нинг миқдори берилган бўлса, у ҳолда $1+aC_v$ миқдори I, II, III, IV тоифали йўллар учун 1,20; 1,18; 1,16; 1,10 бўлади. Кузатишлар бўйича h_{yp} нинг юқори миқдорини қабул қилиш қўйидагича: шўрхок ер ости сувларининг энг саёз бўлганини баҳорнинг март-апрелида, шўр ювиладиган туманларда эса баҳор ва қишки даврларда шудгорни сувга тўйдириб бўлингандан икки ҳафтадан кейин ўлчанади. Ер ости сувини қочириш яхши йўлга қўйилган пайтларда, яъни июл-август ойларида сув сатҳи энг чуқурда бўлади.

EOCC ни кузатиш маълумотлари йўқ ҳолатида ва ер майдонидан фойдаланиш даврида ер ости суви сатҳининг хавфли чуқурунги $h_{up}=0,5-0,6$ м деб олиш мумкин.

Чуқурунги h_{up} бўлган (29-расм) қатламдаги бугсимон ва пардасимон намликтининг силжиши $W_{up} - W_1$ намлик қийматининг фарқланиб туриши ҳисобига ёки $(W_{up} - W_1)/h_{up}$ градиент таъсирида намоён бўлади. Заминнинг музламаслиги ёки қатламнинг юпқа музлаши асосан суюқ ҳолатдаги намликтининг тупроқга сингиб говакларни тўлдириши



29-расын. Түшама остини ер ости сувидан үзөншләтиришины хисоблаш

түфайли содир бўлади. Замин орасида ҳарорат ҳаракати жуда секин бўлганлиги учун сув-ҳарорат тартибининг (10) тенгламасини ўнг томонидаги иккинчи хадисиз ёзиш мумкин, яъни $T=0$ бўлганида $W(Z, T)=W_1 + (W_{th} - W_1)Z/n$; $Z=0$ бўлганида $W(0, T)=W_1$; $Z=h_b$ бўлганида, $W(h_b, T)=W_{th} + mT$. Бу ифодаларда W_{th} — h_b нинг юқори чегарарадаги намлиги; m — 0—0 кесим юзасида намликнинг кўпайиб боришини белгиловчи коэффициент. Ифодани чегараланган шартларини қўйиб ва h_b га нисбатан ечиб, қуйидаги кўринишни ҳосил этамиш:

$$h_b = \frac{2,5}{P} \left\{ \sqrt{0,1 W_{th}^2 + 0,67 P [(W_{th} - 0,9 W_{nx}) - mT + 0,17 P]} - 0,1 W_{nx} \right\} \quad (25)$$

бу ерда: W_{nx} — хавфли ҳолат намлиги; W_{th} — тупроқнинг сувга тўйинган ҳолатидаги намлиги; T_{nx} — ер ости суви сатхинийт ўзгармай туриш даври, с; $P = m/a_1$, бу ерда a_1 — h_b қатламдаги тупроқнинг нам ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{m}^2/\text{с}$.

Тақрибий ҳисоблаш учун қуйидаги энг содда ифодадан ҳам фойдаланиш мумкин:


$$h_b = 9 \sqrt{0,22 [(W_1 - 0,9 W_{nx}) + 0,00001 T_{nx} + 0,056]} \quad (26)$$

Тўшама қатлам қалинлиги ер ости сувининг хавфли таъсир сатҳидан юқори бўлсин учун қуйидагича ҳисоб услуби тавсия этилади:

— Лойиҳаланаётган маълум тоифали йўл ва унинг бўлаги учун ЕОС сатхининг нокулай ҳолати аниқланади.

— Лаборатория шароитида тупроқнинг оқувчанлик чегараси W_{oq} ; зичлиги (δ , $\text{г}/\text{см}^3$) ва солиштирма оғирлиги (Δ , $\text{г}/\text{см}^3$) аниқланади. Бу маълумотларга эга бўлингандан сўнг W_{th} аниқланади.

Шундан кейин III гидрогеологик гурӯҳ ва тоифали йўл учун хавфли ҳолат намлиги W_{nx} (18-жадвалга қаранг) ва T_{nx} аниқланади. 0—0 кесим юзасидаги намликнинг ўсиш шиддати умуман $0,1 \cdot 10^{-5} \text{ с}^{-1}$ ни ташкил қиласи. (25) тенглама бўйича h_b ҳисоблаб чиқилади ва тўшама қалинлиги



30-расм. Зичланган тупроқ қатлами қалинлигини анықлаш ҳисоблаб бўлингандан сўнг заминнинг кўтарма қисми ба-ландлиги (h_{kk}) топилади (30-расм):

$$h_{kk} = (h_s + H_t) - (h_{nx} + n_{oi}), \quad (27)$$

бу ерда: H_t — түшама қалинлиги, м; n_{oi} — йўл ёқасининг эни, м; i — йўлнинг қиялиги, %; h_{nx} — ер ости сувининг ср юзасига нисбатан чуқурлиги.

Мисол. III тоифали йўлни лойиҳалаш учун йўл замини кўтармасини қанча баланд қилиш лозимлигини билдиш керак. Тупроқ ҳақидаги маълумотлар қўйидагича бўлсин:

Замин қатлamlари енгил лёсс тупроғидан ташкил топиб, унинг оқувчанлик чегараси $W_{o,i}=35\%$, тупроқ кам тузли, солиштирма оғирлиги $\Delta=2,67 \text{ г/см}^3$. Кўп йиллик кузатишларга асосан баҳордаги ер ости сувининг чуқурлиги 1,05; 1,27; 1,15; 1,09; 1,20; 1,02; 1,18; 1,08 м ни ташкил этган. Ер ости суви сатхининг нокулай ҳолати (h_{nx}) ни ҳисоблаб топамиз (20-жадвал).

$$C_V = \sqrt{\frac{0,0490}{8-1}} = 0,07; C_S = 2 \cdot 0,07 = 0,14.$$

III тоифали йўл учун $P=3\%$ ва $C_s=0,14$, бўлганда a коэффициентнинг микдори 11-жадвал бўйича 1,94 га тенг. (18) ифода бўйича ер ости сувининг нокулай сатҳи:

h_i	$K_i = h/h_{sp}$	$K_i - I$		$(K_i)^2$
		+	-	
1,27	1,12	0,12	—	0,0144
1,20	1,06	0,06	—	0,0036
1,18	1,05	0,05	—	0,0025
1,15	1,02	0,02	—	0,0004
1,09	0,96	—	0,04	0,0016
1,08	0,96	—	0,04	0,0016
1,05	0,93	—	0,07	0,0040
1,02	0,90	—	0,10	0,0100
$h_{sp} = 1,13$		0,25	0,25	0,0390

$$h_{n,x} = 1,13 / (1 + 1,84 \cdot 0,07) = 1,003 = 1,0 \text{ м.}$$

Ушбу шароит учун хавфли ҳолатидаги намлик (18-жадвалдан олинган) $W_{n,x} = 0,75$ ёки бирлик сон миқдорида эса $0,75 \cdot 0,35 = 0,26$ бўлади. У ҳолда (23) тенглама бўйича $\delta = 2,1 - 0,75 = 1,35 \text{ г/см}^3$; (18) тенглама бўйича $W_{n,x} = (2,65 - 1,35) / 2,65 \cdot 1,35 = 0,36$ ёки 36%, яъни $36 : 35 = 1,02$. Йўлдан фойдаланувчиларнинг ёки ГММ нинг маълумотларига кўра ЕОС сатхининг ўзгармай туриб қолган вақти 40 кунга тенг бўлиб, шунга асосан $T = 40 \cdot 24 = 960 \text{ с}$ ни ташкил қиласди.

Тупроқнинг h_0 қатламидаги ўртача нисбий намлиги: $W = 0,5 - (1,2 + 0,75) = 0,88$. Бундай намлик учун $\alpha = 6 \cdot 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$; $m = 1 \cdot 10^{-5} \text{ 1/c}$; $P = 10^{-5} / 6 \cdot 10^{-5} = 0,17$.

Тўшама тагидаги ЕОС сатхининг хавфли ҳолат чукурлигини (25) ифода орқали ҳисоблаб топсак,

$$h_0 = \frac{2,5}{0,17} \times \left\{ \sqrt{0,1 \cdot 0,26^2 + 0,67 \cdot 0,17 \left[(0,26 - 0,9 \cdot 0,26) + 10^{-5} \cdot 960 + 0,17 \cdot 0,17 \right]} - 0,1 \cdot 0,26 \right\} = 1,91 \text{ м.}$$

(26) ифода билан h_0 нинг қийматини тақрибий ҳисобласак,

$$h_e = 9 \cdot \sqrt{0,22 (0,35 - 0,9 \cdot 0,26) + 0,00001 \cdot 960 + 0,56} = 1,96 \text{ м}$$

эканини топамиз.

Хисоблаш бўйича қабул қилинган тўшама қалинлиги $H_e=0,40$ м. Йўл ёқасининг эни $n_0=3,0$ м, қиялиги $i=2\%$. Қобиқ чекка деворининг ер сатҳидан баландроқ кутарилшини (27) ифода орқали

$$h_{KK} = (1,91 + 0,40) - (1,0 + 3,0 \cdot 0,02) = 1,30 \text{ м}$$

бўлишини топдик.

Иқлими қуруқ майдонларда йўл заминини лойиҳалаш бўйича ВҚМ-47-83 қўлланмада заминни III турдаги намланиш бўйича тўшама остининг ЕОС сатҳидан юқори жойланиши (h_e) 21-жадвалда кўрсатилган миқдорича белгиланади.

21-жадвалга асосан ушбу масалага боғлаб топсак, h_e нинг миқдори 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак экан. Хисоб бўйича эса 1,30 м. Демак, 21-жадвалдаги тавсия миқдорлари талаб даражасидан ҳам етарлича ортиқ қабул қилинган экан.

21-жадвал

Тупроқ	Тупроқлар турига қараб тўшама тагининг кутарилиши, м		
	Тузсиз	Кам тузли ва уртacha тузли	Сертуз
Майда ва уртacha йирикликлаги қум, йирик донли сингил қум-тупроқ	0,4	0,5	0,7
Чангсимон қум, сингил қум тупроқ	0,7	0,9	1,1
Оғир лёсс тупроқ, қумоқ тупроқ	1,0	1,4	1,6
Чангли оғир қум тупроқ, сингил ва оғир чангсимон лёсс тупроқ	1,3	1,6	1,9

Мавжуд йўл тармоқлари ёнбағирларидағи суфориладиган майдончалар суфориш тартибининг бузилиши муносабати

бати билан күп миқдордаги оқар сувлар пайдо бұлади. Оқар сувлар ёғин сувлари билан құшилиши натижасыда йүл заминининг паст (0,5—0,3 м) күтартмалариде сув-харорат ҳолатини үзгартыриб юборади. Бу эса замин турғунлигининг бузилишига олиб келади. Йүлни қайта тиклашда бундай жойлардаги замин чекка девори баландлигини оқар сувнинг ноқулай сатқидан тепага қараб ҳисоблаш лозим:

$$h_{\text{кк}} = h_{\text{м.с}} + h_{\text{к.}} \quad (28)$$

бу ерда $h_{\text{м.с}}$ — оқар сувининг ноқулай сатқи; $W_{\text{но}}$, $h_{\text{н.х}}$ каби аниқланади; $h_{\text{к}}$ — баландликка құшимча күтариш қийматы, у 0,2 м дан кам бұлмаслиги керак.

Юқорида көлтирилған қобиқ деворини күтариш, зо-вурларни ва йүлнинг ён биқинидаги ариқларни узоклаштиришнинг түғри ҳисоби иқлими қуруқ майдонларда ёт-қизиладиган йүл заминининг күндаланг кесимини түғри лойихалашга имкон беради.

Лойсімон тупроқли йүл заминини лойихалаш. Юқорида айтиб үтілганидек, иқлими қуруқ туманлардаги I гидро-геологик гурухға тааллуклы жойлардаги йүл заминини юқори жойлаштириш унинг турғунлигини таъминлабгина қолмай тупроқ иши ҳажмини ҳам күпайтиришга олиб келади. Шунинг учун унинг турғунлигини таъминловчы бошқа тадбирларни белгиламоқ йүл заминини лойихалашдаги асосий маңсад ҳисобланади.

Йүл заминини ва түшамаси биргаликда унинг ягона қатламини ташкил қилади. Түшамадаги ҳарорат үзгариши қобиқ мустаҳкамлиги ва сув-харорат тартибига сезиларли таъсир қилади, бу жараёнга үз навбатида түшама қалинлиги ҳам таъсир этади. Шунинг учун қобиқни лойихалашда бұлажак түшаманинг мұхым хоссаларини ҳам ҳисобға олиш лозим.

Заминининг әнг оғир юклар таъсиридаги юқори қисми (0—50 см) механик, сув ва ҳаво ҳарорати таъсирини қабул қилади. Түшаманинг остки ташкил қилувчиларини замин тупроғи дейилади.


Лойихаланаётган қобиқ сифатини ошириш учун ассоций эътиборни замин тупроғини мустаҳкамлашға қаратмоқ керак.

Ўзбекистондаги мавжул йўлларнинг асосий қўпчилик қисмида замин тупроғи устига қўйиладиган тўшама асосан шағалли қоришма, кум ва чақилган тошлардан ташкил топган бўлиб, улар буғ ўтказувчи ҳисобланади. Ҳарорат таъсирила сув буғини тез тарқата оладиган ва буғ сингдирувчи коэффициенти $\mu \geq 0,020$ г/м.с. мм га тенг бўлган қатлам ғовакли ҳисобланади. Баҳор даврида йўлни намлаш кучли булишига қарамасдан I ва II турлари сув-ҳарорат тартибли жойдаги ғовак қатламлар остидаги тупроқнинг тоб ташловчаник модули қиймати сезиларли пасаяди. Айрим ҳоллардаги ўлчам кўрсаткичлари анчагина паст бўлали. Совуқ бошланиб, унинг таъсири кучайиши билан сув буғи тупроқ қатламидан ўтиб тўшама қатламлари томон силжиди (31-расм). Юқори буғ ўтказувчанилиги сабабли чақилган тош ($\mu = 0,035$ дан $0,055$ гача), кум-шағал қоришмаси ($\mu = 0,030 \div 0,040$) ва кум ($\mu = 0,020 - 0,025$) ларда ўзгача иссиқдик-намлик силжиш фаоллиги содир бўлади.

Намни кам ўтказувчан ($\mu = 0,005$) қопламаларда сув буғи томчига ва совуш жараёнида томчилар музга айланади. Со-вуқ даврнинг муҳит шароитларида буғининг тарқалиши ва уни майда томчи ҳолатила чукиши асосан кумли қатламнинг намга тўйинган ҳолатила содир бўлали. Баҳорда тупроқ ғовакларидаги ҳарорат кўтарилиб, буғга айланиб музни эритади. Муз тўшамада сувга айлангач, қобиқининг пастки томонига йўналади ва унинг намлигини сезиларли даражада ошираши.

Бунда тоб ташловчаник модули мақбул миқдорга нисбатан 25—30% камаяди. Зич материалларда сув буғининг тарқалиши секин бўлади. Буғнинг сувга айланиб чўкиши жараёни ёки муз ҳосил булиши ва унинг йиғила бориши тезлиги ҳам пасаяди. Замин тупроғининг баҳорги намлиги 25—30% га камаяди, бу эса унинг мустаҳкамлигини оширади. Шунинг учун ҳам I гидрогеологик гурӯҳ майдонида тўшама асосини таркиби зич, буғ ўтказмайдиган материалдан фойдаланиб лойиҳалаш зарур. Бу чора замин тупроғининг, қолаверса йўл қобигининг бир меъсрда ишлашига имкон беради. Шунга кўра тўшаманинг остки кумли қатламини тўғри баҳолаш зарур. Иқими қуруқ майдон ер ости сувларига яқин жойлашган қобиқ қисмларида, қўпинча,

31-расм. Совук даврда түшама остидаги сув бүгнинг ҳаракат шакли



буғланиб намланганида тұшаманинг күмли қатлами үзининг сув үтказиб юборувчанлик вазифасини үтәй олмайды. Шунинг учун сув-харорат тартиби нұқтаи назаридан бүндай қатламни қуриш умуман шарт әмас. Баъзи ҳолларда бу қатлам намликтин үйиғилиб қолишига сабабчи бўлиб, замин тупроғи мустаҳкамлигини сусайтиради. Тұшаманинг замин грунтига қўйиладиган чегараловчи ғовакли қатламлар ҳам сув-харорат тартибиға салбий таъсир қиласди.

Сув бүғининг күтарилишига қарши қобиқдаги ғовакли буғ тұсқын қатламларини аввалдан ҳисоблаб иқтисолий томондан фойдали эканлиги исбот этилгач, қуришга тавсия этиш мумкин. Заминни тұғри лойиҳалаш, замин тупроғини зичлаш ($K=1,07-1,10$) энг фойдали тадбирлардан ҳисобланади. Тупроқнинг буғ үтказувчанлиги унинг зичланиш даражасига боғлиқ.

Аввалдан шиббаланган тупроқ табиий ҳолатидаги тупроққа нисбатан таҳминан 40 марта кам буғ үтказиш хоссасига эга. Аммо, стандарт зичланган тупроқ ($K=1,0$) ҳаво ва буғ үтказмайди, деган гап әмас. $K=1,0$ бўлганида $\mu=0,0158-0,02$ г/м.с. мм, $K=1,03-1,05$ да эса $\mu=0,012-0,010$ г/м.с. мм га тенг. Зичланган қатламда сув бүғининг эркин ҳаракати камайиб, тупроқ мустаҳкамлиги ортади, бу замин тупроғининг афзал қатлами сифатида қўллаш мумкин эканлигини кўрсатади.

Бундай зичланган тупроқ орқали тұшама қатламининг сув-харорат тартибини яхшилаш мумкин. Маълумки, иш сифати грунтнинг сув-харорат тартиби турига боғлиқ. Бу усул I ва II турдаги сув-харорат тартибли йўл қисмларида кам наф беради. Бундай тупроқ қатлами остики қисмida йигилган майда сув заррачалари таъсирида замин намланиб, зичланиши камая боради. Зичланган лойли тупроқ қатлами устида жойлашган майда тош, қум-шагал аралашмаси ва қумдан ташкил топған қатлам ғовак бўлгани учун сув бүғининг тарқалишига имкон бериб, шиббаланган қатлам остида йигилишига шароит туғдиради. Бу эса тупроқ намланиб мустаҳкамлигининг сусайишига олиб келади. Шунинг учун зичланган тупроқ қатламини унинг устки қисми бүнни кам үтказадиган бўлгандагина жойлаштироқ керак ($\mu=0,010-0,015$).

Тупроқнинг зичланган қатлам қалинлигини унда мунтазам буғ тарқалиши шартидан аниқлаш мумкин (30-расм).

$$h_3 = \frac{\mu(P_0 - P_1) \sum r_b}{P_1 - P_s}, \text{ м} \quad (29)$$

бу ерда P_0 ; P_1 — буғнинг 0 ва 1 юзаларидаги юқори эгилувчанлиги. Уларнинг қиймат ўзгариши t_0 ва t_1 ҳароратлар таъсирига боғлиқ бўлиб, 22-жадвалдан олинади. P_s — ер юзасидаги ҳавода сув буғининг эгилувчанлиги бўлиб, қўйида-гича топилади:

$$P_s = P_b \cdot \alpha / 100, \quad (30)$$

бу ерда P' — ер юзасидаги ҳаво буғининг юқори эгилувчанлиги бўлиб, қиймати совуқ вақтдаги ҳаво ҳароратининг ўртача ойлик ёки ўн кунлигидан олинади; α — ер юза қисмидаги ҳавонинг нисбий намлиги (кўрилаётган давр учун), %, $\sum r_b$ лойли тупроқ қатламидан юқори жойлашган тўшамаларининг буғ ўтказувчанлик (мужассамлашган) қаршилиги.

$$\sum r_b = h_1 / \mu_1 + h_2 / \mu_2 + h_3 / \mu_3, \quad (31)$$


бу ерда μ — буғ ўтказувчанлик коэффициенти, h_i ни то-пиш учун 0 ва 1 юзаларидаги ҳароратни ҳисоблаб чиқицкерак.

Мисол. III даражали йўл учун ўта зичланган $K_3=1,03$ замин тупроқ қатламини ҳисоблаш.

Зичланган замин қатлами лойли тупроқдан ташкил топган бўлиб, унда $\lambda_1=1,5$ ккал/м.с.град. Йўл тўшамасининг таркиби қўйида-гича қатламлардан иборат: ўрта зарали, асфальтбетон 0,05м; $\lambda_1=0,9$; қум-шағал аралашмали қатлам 0,22 м; $\lambda_2=1,6$; Жарқўргон нефти билан ишлов берилган тупроқ қатлами 0,1 м; $\lambda_3=1,3$.

Январь ойининг ўртача ҳаво ҳарорати $t_m=-7,1^{\circ}\text{C}$, тупроқнинг маълум чуқурликдаги ҳарорати $H=3,2$ м; $t_t=9,2^{\circ}\text{C}$; ҳавонинг нисбий намлиги $\varphi=90\%$; шамол тезлиги 2 м/с.

Тўшаманинг ҳароратини аниқлаймиз. Йўл тўшамасининг иссиқлик қаршилиги



32-расм. Түшама қатламларидаги ҳароратни анықлаш

$$R_o = \sum \frac{h_i}{\lambda_{i,d}} = \frac{0,05}{0,9} + \frac{0,22}{1,6} + \frac{0,10}{1,3} = 0,27 \frac{\text{м}^2}{\text{с.град.ккал}}$$

Қатламнинг иссиқлик эквиваленти (7) ифода буйича

$$h_s = \lambda_{o,d} \cdot R_o = 1,6 \cdot 0,27 = 0,43 \text{ м.}$$

$H=3,2$ м чуқурликтаги замин ости тупроғининг ҳарорати $t_r=9,2^\circ\text{C}$ бўлса, йўл қобигида бундай ҳарорат

$$H = (H_1 - h_s) \frac{\lambda_{r,d}}{\lambda_{o,d}} = (3,2 - 0,43) \frac{1,5}{1,6} = 2,6 \text{ м} \quad (32)$$

чуқурликда бўлади.

Түшаманинг ҳароратини ҳисоблаш учун қуйидаги тенгликлар тавсия этилади.

32-расмга асосан қопламанинг юқори қатлам ҳароратини топиш учун

$$t'_m = t_m + \frac{h_t + h_m}{R} \cdot R_o, \quad (33)$$

кўп қатламли түшаманинг хоҳлаган n юзасидаги ҳароратни топиш учун

$$t'_n = t_m + \frac{h_t + h_m}{R} (R_{mk} + \sum R_{o,k}); \quad (34)$$

бу ерда R_{mk} ҳаво билан қоплама ўртасидаги ҳарорат қаршилиги, $0,1$ м с.град./к.кал; t_r — H чуқурликтаги қобик

ҳарорати, м; $\Sigma R_{\text{ок}}$ — юқори жойлашган n та қатламларнинг ҳарорат қаршилиги йиғиндиси; $R-H$ қалинликка эга бўлган қатламнинг ҳаво-қобиқ тупроқ муносабатидаги ҳарорат қаршилиги:

$$R = R_{\text{ок}} + R_0 + H / \lambda_k. \quad (35)$$

Сўнгги ифодадаги белгиларнинг қийматларини ўз ўрнига кўйиб топамиз:

$$R = 0,1 + 0,27 = 2,6 / 1,5 = 2,1 \text{ м.с.град/ккал.}$$

(33) ифодага асосан

$$t'_k = -7,1 + \frac{9,2+7,1}{2,1} \cdot 0,1 = -6,3^{\circ}\text{C}.$$

Асфалтбетон қопламанинг остидаги ҳарорат (32-расмга биноан).

$$t_3 = -7,1 + \frac{9,2+7,1}{2,1} (0,1 + 0,055) = -5,9^{\circ}\text{C}.$$

Кум-шағал аралашма қатлами остидаги ҳарорат:

$$t_2 = -7,1 + \frac{9,2+7,1}{2,1} (0,1 + 0,192) = -4,8^{\circ}\text{C}.$$

Ишлов бериб шиббаланган тупроқ қатламидаги ҳарорат:
 $t_1 = -7,1 + \frac{9,2+7,1}{2,1} (0,1 + 0,268) = -4,2^{\circ}\text{C}.$

Ўта шиббаланган қатлам заминининг ҳароратини аниқламоқ учун h_3 ни тахминан 0,3 м га teng деб оламиз. Шундай қилиб, замин ҳарорати:

$$t_0 = -7,1 + \frac{9,2+7,1}{2,1} (0,1 + 0,27 + \frac{0,3}{1,5}) = -2^{\circ}\text{C}.$$

H қатлам чегарасидаги ҳарорат

$$t_r = -7,1 + \frac{9,2+7,1}{2,1} (0,1 + 0,27 + 1,73) = -9,2^{\circ}\text{C}.$$

Хисоблаб топилган ҳарорат миқдорлари учун 22-жадвалдан фойдаланиб буғнинг юқори эгилувчанлигини топамиш:

$$t_m = -7,10^\circ\text{C} \text{ учун } P_m = 2,53 \text{ мм}$$

$$t_0 = -2^\circ\text{C} \text{ учун } P_0 = 3,88 \text{ мм},$$

$$t_1 = -4,2^\circ\text{C} \text{ учун } P = 3,2 \text{ мм.}$$

(30) ифода бўйича

$$P = P_m \phi / 100 = 2,53 \cdot 90 / 100 = 2,23 \text{ мм.}$$

Баъзи материалларнинг буғ ўтказувчанлик миқдори коэффициентлари ($\text{г}/\text{м.с.мм}$) қуйидаги қийматларга тенг: асфальтбетонлар учун — 0,003; сеймонтбетон — 0,005; қоришмалар билан қотирилган тупроқ — 0,011; майдаланган тош қатламли асос — 0,030; қум қатлами — 0,025.


(31) тенглама бўйича

$$\sum \tau_b = 0,05 / 0,003 + 0,22 / 0,030 + 0,10 / 0,011 = \frac{33,1 \text{мм.с.м}^2}{\text{град}},$$

шиббаланган қатlam учун $K_3 = 1,0$; $\mu = 0,0175$.

22-жадвал

t°	P,мм	t°	P,мм	t°	P,мм
0	4,58	-10	1,95	4	6,10
-1	4,22	-11	1,78	5	6,54
-2	8,88	-12	1,63	6	7,01
-3	3,57	-13	1,49	7	7,51
-4	3,28	-14	1,36	8	8,05
-5	3,01	-15	1,24	9	8,61
-6	2,76	-20	0,77	10	9,21
-7	2,53	1	4,93	15	12,79
-8	2,32	2	5,29	20	17,54
-9	2,13	3	5,69	25	23,76



33-расм. Бүг түсқич (а) ва нам түсқич (б) нинг ер ости сувлари сатҳига нисбатан жойлашиши

(29) ифода буйича топамиз:

$$h_3 = \frac{0,0175(3,88 - 3,22) 33,1}{3,22 - 2,23} = 0,38 \text{ м.}$$

Үта шиббаланган қатлам учун $K_3=1,05$; $\mu=0,011$ экан-лигини инобатга олиб, h_3 ни ҳисоблаб топамиз, яъни $h_3=0,24 \text{ м.}$

Материал турига ва иқлим шароитига қараб қурғоқчилик майдонларидағи тұшама қатlam қалинлиги $h_s=02\pm0,6$ м оралығыда бұлади.

Бүгін тұсувчи қатlam

Қобиқ турғунлигини ва замин тупроғи мустақамлигини оширишдаги нафли усуллардан бири нам ва бүгін тұсқичли қатlam құллаш ҳисобланади. Бундай қатlamлар паст қисмдан күтариладын томчи ёки бүгін ҳолатидаги намни түсіш мақсадыда қурилади. Ер ости сувлари чуқур бұлган жойларда (яғни $Z < h_s$) бүгін тұсқич қатlamами, саёз жойларда эса (яғни $Z > h_s$) нам тұсқич қатlamнинг қурилиши тавсия этилади (33-расмға қаранг).


Бүгін тұсқични лойиҳалаш

Ер ости сувлари чуқур жойлашганида икki ҳолатдаги намликтін тарқалишида уларни қай бирининг устунліги аниқ бўлса, ўша ҳолат намлиги намоён бўлади. Аввал уқтирилганидек, сув-ҳарорат тартиби билан бүгін тарқалишида майда томчилардан пардасимон ҳолатта үтади. Бу вазиятда ҳарорат асосий омил ҳисобланади.

I ва II гидрогеологик гурухда айрим ҳолда бүгін тұсқич сифатида шиббаланган ёки ўта зичланган ғрунт қатlamами ишлатилиши мумкин. Юқори құрсаткічға кам бүгін үтказувчи қатlam танлаш орқали эришилади. Кам бүгін үтказувчи материалларга ҳар хил пардалар, битум, сеймонлар билан ишлов берилган тупроқ қатlamлари; битум ва ёғ шимдирілган махсус ұрамали қофоз маҳсулотлари ва кимёвий яхлит матолар киради. Булар сув буғининг эркин ҳаракатига сезиларлы қаршилик қилиб, бутун тұшама қалинлигіда унинг әгилувчанлық вақтини қисқартыради. Бу билан тұшама қатlamига ўтувчи намликтин камайтиради.

Бүгін тұсувчи қобиқни лойиҳалашда энг аввал сув-ҳарорат тартибини изга солиш лозим, бунда тупроқ намлиги буғининг түйинниш даражасидан ошмаслиги лозим.

Бундай сув-ҳарорат тартибига эришиш учун заминнинг зичланган фаол қатlamыда сув буғидан томчи йиғилиб тупроққа сингмаслиги лозим. Мана шу талаб бүгін тұсқич қатlamнинг қалинлигини ҳисоблашда асосий мүлжал ҳисобланади. Бүгін тұсқичға қобиқ томонидан (0 юзада) $\phi = 100\%$ ли сув буғи таъсир қиласы.



34-расм. Буғ түсқиң қатламнинг чуқурликка жойлашишини ҳисоблаш эгилувчанлиги пасая боради ва I юзада унинг ҳаракати қамаиди (34- расмга қаранг).

Лойихаланаётган қатлам қалинлиги шундай бўлмоги лозимки, бу қалинликдан ўтаётган сув буғи шиббаланган қатламда тўхтаб, $t=t_1$, бўлганда тупроққа сингиб қолмасин. Шунда I юзада буғнинг эгилувчанлик даражаси унинг t ҳароратдаги юқори миқдорига тенг деб олинади, яъни $t=t_1$, бўлганида $P_1=P_2$. Бундай шароитда буғ түсқиң қатлам қалинлиги қуидагича топилади:

$$h = \frac{\mu(P_0 - P_1) \sum r_i}{P_1 - P_0}, \text{ м,} \quad (36)$$

бу ерда μ — қатламнинг буғ ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{м}/\text{м.с.мм}$. P_0 , P_1 , P_0 ва Σr_i ларнинг қийматлари 33-расмга асосан (29)–(31) ифодалар орқали ҳисоблаб топилади. Тушама таг томонидан таъсир қилувчи сув буғи энг тифиз қатлам остида тўпланади, яъни бу шундай чуқурликка тўғри келадики, унда ҳарорат тўлқини деярли сунади. Шунинг учун заминнинг юқори қисмида сув-ҳарорат тартибини яхшилаш учун буғ түсқиң қатламини шиббаланган чуқурлик $h_{\text{н.х}}$ дан юқорига жойлаштиromoқ лозим.

Буғ түсқиң қатламини қанчалик чуқурликка жойлаштиришни (34-расм) қуидаги tenglik бўйича топилади:

$$h' = 10\sqrt{a}, \text{ м,} \quad (37)$$

бу ерда a —йўл тушамасининг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{м}^2/\text{с}$. Шиббаланган қатламнинг тупроқ зич-

Материал турига ва иқлім шароитига қараб қурғоқчилик майдонларидаги түшама қатlam қалинлиги $h_3=02+0,6$ м оралығыда бұлади.

Буғ түсувчи қатlam

Қобиқ түрғунлигини ва замин тупроғи мустаҳкамлигini оширишдаги нафли усуллардан бири нам ва буғ түсқичли қатlam құллаш ҳисобланади. Бундай қатlamлар паст қисмдан күтариладиган томчи ёки буғ ҳолатидаги намни түсиш мақсадида қурилади. Ер ости сувлари чуқур бұлган жойларда (яғни $Z < h_a$) буғ түсқич қатлами, саёз жойларда эса (яғни $Z > h_a$) нам түсқич қатlamнинг қурилиши тавсия этилади (33-расмга қаранг).


Буғ түсқични лойиҳалаш

Ер ости сувлари чуқур жойлашганида икki ҳолатдаги намликтің тарқалишида уларни қай бирининг устунлиги аник бұлса, ўша ҳолат намлиги намоён бұлади. Аввал уқтирилганидек, сув-харорат тартиби билан буғ тарқалишида майда томчилардан пардасимон ҳолатға үтади. Бу вазиятта ҳарорат асосий омил ҳисобланади.

I ва II гидрогеологик гурухда айрим ҳолда буғ түсқич сифатида шиббаланган ёки ўта зичланган ғрунт қатлами ишилатилиши мүмкін. Юқори құрсақтың кам буғ үтказувчи қатlam танлаш орқали эришилади. Кам буғ үтказувчи материалларға ҳар хил пардалар, битум, сеймонлар билан ишлов берилған тупроқ қатlamлари; битум ва ёғ шимдирилған махсус ұрамали қофоз маҳсулотлари ва кимёвий яхлит матолар киради. Булар сув буғининг эркін ҳаракатига сезиларлы қаршилик қилиб, бутун түшама қалинлигига унинг әгилувчанлық вақтини қысқартыради. Бу билан түшама қатlamига үтүвчи намликтің камайтиради.

Буғ түсувчи қобиқни лойиҳалашда энг аввал сув-харорат тартибини изга солиш лозим, бунда тупроқ намлиги буғининг түйиниң даражасидан ошмаслиги лозим.

Бундай сув-харорат тартибига эришиш учун заминнинг зичланған фаол қатlamида сув буғидан томчи йиғилиб тупроққа сингмаслиги лозим. Мана шу талаб буғ түсқич қатlamнинг қалинлигини ҳисоблашда асосий мүлжал ҳисобланади. Буғ түсқичта қобиқ томонидан (0 юзада) $\phi = 100\%$ ли сув буғи таъсир қиласы.



34-расм. Буғ тұсқыч қатламнинг чуқурликка жойлашишини ҳисоблаш әгилувчанлиги пасая боради ва I юзада унинг ҳаракати камаиди (34-расмга қаранг).

Лойиҳаланаёттан қатлам қалинлиги шундай бұлмоги лозимки, бу қалинликдан үтәётган сув буғи шиббаланган қатламда тұхтаб, $t=t_1$, бұлғанда тупроққа сингиб қолмасин. Шунда I юзада буғнинг әгилувчанлик даражаси унинг т ҳароратдаги юқори миқдорига тенг деб олинади, яғни $t=t_1$, бұлғанида $P_1=P_2$. Бұндай шароитда буғ тұсқыч қатлам қалинлиги қуйидагича топилади:

$$h = \frac{\mu(P_0 - P_1) \sum r_i}{P_1 - P_0}, \text{ м,} \quad (36)$$

бу ерда μ — қатламнинг буғ үтказувчанлик коэффициенті, г/м.с.мм . P_0 , P_1 , P ва Σr_i ларнинг қыйматлари 33-расмга асосан (29)–(31) ифодалар орқали ҳисоблаб топилади. Тұшама таг томонидан таъсир қилувчи сув буғи энг тиғиз қатлам остида тұпланади, яғни бу шундай чуқурликка тұғри келадики, унда ҳарорат тұлқини деярли сұнади. Шунинг учун заминнинг юқори қисміда сув-ҳарорат тартибини яхшилаш учун буғ тұсқыч қатламини шиббаланган чуқурлик $h_{\text{н.ж}}$ дан юқорига жойлаштирумөк лозим.

Буғ тұсқыч қатламини қанчалик чуқурликка жойлаштиришни (34-расм) қуйидаги тенглик бүйича топилади:

$$h' = 10\sqrt{a}, \text{ м,} \quad (37)$$

бу ерда a —йўл тұшамасининг ҳарорат үтказувчанлик коэффициенті, $\text{м}^2/\text{с}$. Шиббаланган қатламнинг тупроқ зич-

лигини $K=1,2-1,10$ меъёридан кам намлиқда, талаб зичлигига эришиш учун тупроқ зичлигини ошириш ва йўл тўшама қалинлигини камайтириш мумкин. Буғ тўсқич қатлами сифатида амалда кўп қўлланиладиган ва арzon усуllibардан бири полимер пардасидир (23-жадвал). Бундай парда қопламанинг икки томонидан 1-1,5 м кенгликда ётқизилади.

23-жадвал

Полимер парданинг тавсифи	Полимер турлари		
	полиэтилен	поливинил хлорид	полиакриламид
Қалинлиги, мм	0,12-0,62	0,02-0,25	0,02-0,25
Солиширма оғирлиги, г/см ³	0,92	1,27	1,12
Иссикқа чидамлилги, °C	100	75	150
Совуққа чидамлилги, °C	-60	-30	-15
Узоқ муддатга чидамлилги	яҳши	яҳши	яҳши
Елимда ёпишиш қобилияти	ўртача	яҳши	ёмон
Қиздириб уланганда ёпишиш қобилияти	яҳши	жуда ёмон	жуда ёмон
Ишқор ва кислоталарга чидамлилги	жуда ёмон	яҳши	ўртача


Ишлов берилган тупроқ қатлами буғ тўсқич қатламининг қалинлигини ҳисоблаш услуби ((36) ифода) шиббанган тупроқ қатламининг қалинлигини топиш каби амалга оширилади.

Нам тўсқични лойиҳалаш

Замин тупроғининг майда томчилар таъсирида намланиши III ва (айрим ҳолларда) II гидрогеологик грухли жойларда ер ости суви таъсирида бўлади.

Йўл замини тупроғини майда сув заррачалари таъсирида намланишидан сақловчи нам тўсқич қатламлари ҳам буғ тўсқичга ишлатиладиган материаллардан қилинади.

Нам тўсқич қатламини, асосан, қобиқнинг музлаш қалинлигидан пастда жойлаштирилади (35-расм). Чунки бундай нам тўсқич тагида йиғиладиган сув музламайди ва замин тупроғининг ишлаш қобилиятини оширади.



35-расм. Нам түсқич қатламни жойлаштириш чуқурлигини ҳисоблаш

Нам түсқич қатлами қалинлиги 3—4 см бұлади ёки бир қаватты полимер ёзилади. Жойланиш чуқурлиги қиймати $h > h_m$ шартга жавоб бериши керак.

Бүг түсқич қобиқнинг бутун эни бүйлаб 30—40% қияликда, сув қочирилаётган тарафға қаратыб үрнатиласы.

Харорат түсқич қатламиши лойиҳалаш

Иқлими қуруқ шимолий туманлардаги майдонларнинг музлаш чуқурлиги 0,6 м га етади. Айрим жойларда эса 1 м гача боради. Бундай замин тупроғи турғунлигини таъминлаш учун музлашни ҳарорат түсқич қатламини қуриш йўли билан ўртача белгиланган h_t чуқурликкача камайтиришига ҳаракат қилинади. Энг аввал замин тупроғининг музлаш чуқурлигини ҳисоблаш зарур. Бунинг бир неча услуби бор. В. М. Сиденко услубида кўп қатламли йўл тўшамаси унинг ҳарорат хоссаларини инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Йўл заминида музлаш чуқурлиги h_m (36- расм) қўйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:


$$h_m = \sqrt{\frac{\lambda T}{\rho \cdot W \cdot \delta} \left[t_a - t_m + (t_m - t_r) \frac{R_m + R_0}{R} \right]}, \quad (38)$$

бу ерда λ — музлаган тупроқнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти (22-жадвалдан топилади), ккал/м.с.град; ρ — муз ҳосил бўлишдаги яширин ҳарорат бўлиб, 80 к.кал.кг.

га тенг; W — тупроқ намлиги бирликда; δ — тупроқ зичлиги, kg/m^3 ; t_m , t_r , t_a — тегишлича ҳаво, тупроқ ва намнинг музга айланиш ҳароратлари; R_0 — йўл тўшамасининг ҳарорат қаршилиги, град. $\text{m}^2\text{c}/\text{kкал}$; T — музлаш даври, с; R — умумий ҳарорат қаршилиги:

$$R = H'/\lambda_{od} + h_c/\lambda_c, \quad (39)$$

бу ерда H' — АММ тупроқ намлигини мунтазам кузатиш чуқурлиги бўлиб, 3,2 м га тенг; h_c — қиш давридаги майдон устидаги қорнинг ўртача қалинлиги, м; λ_c — қорнинг иссиқ ўтказувчанлик коэффициенти. Куйидаги W , λ , δ , t_m , t_r , λ_{od} , h_c , λ_c катталик қийматларининг T даврдаги ўртача миқдори аниқланади. Буларнинг миқдорларига боғлаб туриб h_m нинг ўртача (юқори ёки пастки) кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқлади. λ_c нинг ўртача миқдори: қорнинг янги ёғган даври учун 0,2 (қишнинг бошланиш даври); авжига чиқсан даври учун (қишнинг ўртаси) — 0,4 ва қорнинг эрий бошлаган даврида (совуқ даврнинг охири) — 0,5 га тенг. Музлай бошлаш ҳарорати t_a ни 24-жадвалдан олинади.



36-расм. Қобиқнинг музлаш чуқурлигини ҳисоблаш

23-жадвал

Тупроқ	$\zeta, ^\circ\text{C}$	Тупроқ	$\zeta, ^\circ\text{C}$
Ўрта йириклидаги қумлар	-0,4 дан 0,6 гача	Оғир чангси-мон тупроқ	-0,9 дан -1,4 гача
Енгил майда заррачали тупроқ	-0,2 дан -0,6 гача	Оғир чангси-мон тупроқ	-1,2 дан -2,0 гача
Енгил чанг заррачали қумли тупроқ	-0,3 дан -0,5 гача	Чангси-мон ёпишқоқлой-сизмон тупроқ	-1,2 дан -2,0 гача

Музлаш чуқурлигини ҳисоблаш услуги қуйидагиша:

- t_m , t_r нинг h' , h_c чуқурликдаги бир ойлик ўртача миқдорлари олинади;
- (7) ифода орқали R_0 ҳисоблаб топилади;
- (39) ифода орқали R ҳисоблаб топилади;
- 24-жадвалдан t қиймати олинади;
- W ва δ нинг ўртача миқдорларига қараб қобиқ тупроғи учун λ белгиланади;
- (38) ифода орқали тупроқнинг музлаш чуқурлиги аниқланади.

(38) тенгламадан фойдаланишда қуйидагиларни иnobatga олиш керак: Ечим T_i давр охиридаги музлаш чуқурлигини ҳисоблашга имкон беради. Бунда ҳаво ҳарорати t_m ва тупроқ ҳарорати t_r нинг музлаш бошланишидан то кўрилаётган (T_i) вақтгача бўлган даврдаги ўртача миқдорлари берилганд бўлиши керак. t_m ва t_r ларнинг ўртача миқдорлари қуйидаги жадвалда берилганидек бўлсин:

Ойлар	XII	I	II	III
t_m , °C	-5	-15	-10	-5
t_r , °C	8	6	4	2

Айтайлик, ушбу туманда тупроқ музлашининг бошланиш куни 15.XI. 15.XII да эса $T_i=30 \cdot 24=720$ с; 15.01 да — 1440 с. 15.02 да 2160 с; 15.03 да 2880 с. Мос равишда муҳит ҳарорати ҳам 15.01 да $\frac{-5+1-15}{2}=-10^\circ$; 15.02 да $\frac{-5+(-15)+(-10)}{3}=-10^\circ$; 15.03 да $\frac{-5+(-15)+(-10)+(-5)}{4}=-8,8^\circ$; ва шунингдек t_r учун ҳарорат ҳисоблаб чиқилади.

Мисол. Қобиқнинг музлаш чуқурлигини ҳисоблаш кепрак бўлсин.

Йўл тўшамаси қуйидаги қатламлардан иборат бўлсин:

5 см қалинликдаги асфальтбетон $\lambda = 0,9$ ккал/м.с. град;
25 см ли чақилган тош қатлами $\lambda = 1,8$. Қобиқ замин тупроғини енгил қумдан иборат, $t_m = -0,5^\circ\text{C}$. Замин тупроғининг керакли кўрсаткич (H , t_r , h_c) қийматлари 25-жадвалда берилган. (7) ифода орқали R_0 ни ҳисоблаб топамиз:

$$R_0 = \frac{0,05}{0,9} + \frac{0,25}{1,8} = 0,198 \frac{\text{град.м}^2 \cdot \text{с}}{\text{ккал}}$$

Замин тупроғи тавсифлари	Ойлар			
	XI	XII	I	II
Ҳаво ҳарорати, t_m , °C	-4,2	-5,7	-7,9	-5,2
Ноябрдан бошлаб ўртача ҳаво ҳарорати, t_m , °C	-4,2	-5,0	-5,9	-5,8
$H' = 3,2$ м чуқурлиқдаги тупроқ ҳарорати, °C	6,7	5,5	5,2	4,7
t_r нинг ноябр ойидан бошлаб ўртача ҳарорати, °C	6,7	6,2	5,8	5,5
Кор қопламининг қалинлиги, h_c , м	-	0,05	0,08	-
Корнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти, к.кал/м.с.град	-	0,25	0,35	-
Тупроқнинг зичлиги, δ , кг/м³	1450	1400	1380	1350
Тупроқнинг намлиги, W , %	20	22	25	25
Қобиқда музламаган тупроқнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти λ_s	1,15	1,20	1,25	1,30
Шунингдек музлаган тупроқ учун, λ_m	1,50	1,55	1,60	1,65
Заминнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти	1,30	1,35	1,40	1,45
Музлаш даври, С	720	1460	2208	2928

(39) ифода орқали R ни ҳисоблаймиз:

$$R = \frac{3,2}{1,3} = 2,46 \frac{\text{град.м}^2\text{с.}}{\text{ккал}}$$

(38) тенглама бўйича ноябрь ойининг охиридаги музлаш чуқурлигини ҳисоблаймиз:

$$h_m = \sqrt{\frac{1,5 \cdot 720}{80 \cdot 0,2 \cdot 1450}} = \left[-0,5 + 4,2 + (-4,2 - 6,7) \frac{0,1+0,195}{2,46} \right] = 0,33 \text{ м.}$$

Январ ойидаги музлаш чуқурлиги

$$h_m = \sqrt{\frac{1,5 \cdot 2208}{80 \cdot 0,2 \cdot 1380}} = \left[-0,5 + 5,9 + (-5,9 - 5,8) \frac{0,1+0,195}{2,65} \right] = 0,72 \text{ м.}$$

Бундай услугуб билан қиши даврининг хоҳлаган вақтидағи музлаш чуқурлигини ҳисоблаб топиш мүмкін.


Ҳарорат тұсқыч қатламини лойиҳалашнинг мақсади унинг қалинлигини ҳисоблаб топиш ва материалини танлашдан иборат. Ҳарорат тұсқыч қатлам қалинлигини ҳисоблаш учун аввал тұшама остидаги музлаш чуқурлигининг (h_{ϕ}) тақрибий қийматини аниқлаш керак. h_{ϕ} нинг қиймати 0,1; 0,2; 0,3 м ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам мүмкін. Агар тұшама қалин бўлиб ёки қобиқ заминини музлашдан сақдайдиган бошқа тадбирлар ишланган бўлса, у ҳолда $h_{\phi}=0$ деб қаралади. Ҳарорат тұсқыч қатлами h_{xt} қалинлиги I ва II гидрогеологик гурӯҳда 37-расмга биноан қўйидаги тенглама орқали топилади:

$$h_{X,T} = \lambda \frac{R}{t_{\tau} - t_{\mu}} \left[t_{\tau} - t_{\mu} - \frac{t_{\tau} - t_{\mu}}{R} (R_{\text{x}} + R_0 + \frac{h}{\lambda}) \right] \quad (40)$$

Гидрогеологик жиҳатдан шароити оғир жойлардаги йўллар учун:

$$h_{x,x} = \lambda \left\{ \frac{R [h_{\phi}^2 \cdot \rho \cdot W \cdot \sigma - \lambda T (t_{\tau} - t_{\mu})]}{\lambda_{\text{x}} \cdot T \cdot (t_{\mu} - t_{\tau})} R_0 - R_{\text{x}} \right\}, \quad (41)$$

бу ерда λ — ҳарорат тұсқыч қатламининг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти, к кал/м.с.град; R_{x} — тұшама қопламасининг ҳарорат ўтишига қаршилик коэффициенти, $0,1 \text{ m}^2 \text{c. grad/kkal}$; $R_0 = h_1, h_2, h_3$ қатламли йўл тұшамасининг ҳарорат қаршилик коэффициенти ($\text{m}^2 \text{c. grad./k.kal}$) бўлиб, (7) ифода орқали топилади; t_{τ} — музга айланишдаги ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$; t_{μ} — H чуқурлиқдаги тупроқ ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; ρ — музга айланишдаги яширин қувват, 80 ккал/кг; W — тупроқ намлиги, %; σ — қобиқ тупроғи зичлиги, kgr/m^3 ; T — музлаш даври; c ; h_{ϕ} — қобиқнинг ҳарорат тұсқыч қатлам остидаги тақрибий музлаш чуқурлиги, м; R — тұшама қатламларининг умумий ҳарорат қаршилиги ($R + R_0 + R_{\tau} + R_{\mu}$). Агар АММ нинг тажриба қисм тупроғи билан замин тупроғи бир жинсли бўлса, R қўйидаги ифода билан топилади:



37-расм. Ҳарорат түсқич қатлам қалинлигини ҳисоблаш

гилар қийматлари қыйидагича топилади: t_m, t_r лар T давридаги тегишлича H' , h_c чуқурлуклари учун ўртача миқдорлари олинади;

— T учун күзги ҳарорат ўзгарувіда тупроқнинг музлаб, ҳарорати $0,5^{\circ}\text{C}$ дан $1,0^{\circ}\text{C}$ га күтариленгенде кеттеган вақт қабул қилинади; h — АММ күзатуви ахборотидан, яғни 0°C ҳарорат тупроқни қанчалик чуқурға музлатышидан олинади ёки (38) ифода орқали топилади. Ҳарорат түсқич қатламларини тақрибий ҳисоблашда (40) ва (41) тенгламаларнинг оддий күринишидан фойдаланиш мүмкін, яғни:

$$h_{\varphi} = \lambda \cdot A. \quad (43)$$

$$R = \frac{h_c}{\lambda_c} + \frac{h_r}{\lambda_r} + \frac{H' - h}{\lambda'_r}, \quad (42)$$

бу ерда h_c — көр қатламининг ўртача қалинлиги; λ_c — T музлаш давридаги қорнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициенти; h — замин тупроғининг музлаш чуқурлиги, м; λ_r, λ'_r — музлаган ва эриган ҳолатдаги замин тупроғининг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициентлари, к.кал/м.с.град; H' — қабул қилинган чуқурлик, м.

Агар қор қатлами юпқа бўлиб, нотурғун бўлса, (42) ифодадаги h_c/λ_c миқдори 0 га teng деб олинади. (40) ва (41) тенгламалардаги бел-

Ҳарорат түсکич қатламини қуйидаги услубда танланади:

- аввал йўл лойиҳаланаётган туман учун об-ҳаво маълумотлари тұпланади;
- (7) ифода бўйича \tilde{R}_0 ҳисоблаб чиқилади;
- (42) ифода бўйича R ҳисоблаб чиқилади;
- тупроқ жинсига қараб t_1 қабул қилинади;
- ҳарорат түсқич қатлами остидаги заминдаги тақрибий музлаш чуқурлиги h_ϕ аниқланади;
- мавжуд маълумотларга асосан λ қабул қилинади;
- гидрогеологик шароитта асосан (40) ва (41) тенгламалар орқали ҳарорат түсқич қатламнинг қалинлиги (h_x) ҳисобланади;
- таннахи арzonлиги, қурилиши қийинлиги ва кўп йил хизмат қила олиши исботлангач, қатламнинг энг мақбул тури танлаб олинади.

Ҳарорат түсқич қатлами учун турли материаллар ишлатилиши мумкин. Буларга пенопластлар, бўрттирилган полистирол доналари, керамзит, перлит, атрополитлардан тайёрланган енгил бетонлар, ҳар хил қоришмалар билан ишлов берилган полистирол, енгил вазнили перлитнинг тупроқ билан аралашмалари, майдаланган қаттиқ ҳолатдаги пенопластларнинг чиқиндилари қўшилган ёнилғи куллари ёки унинг грунт билан аралашмаси; минерал қоришмалар билан маҳкамланган грунтлар. Булар ичидаги пенопластлар фойдаланишга энг қулай ҳисобланади. Улар юқори мустаҳкамликка, узоқ муддатга хизмат қила олиш ва совуққа чидамлилик қобилиятига эга. Шунингдек, полистиролли (ПС, ПСБ), поливинилхлоридли (ПВХ), полиуретанли (ПУ) полимер материаллари ҳам қўлланилиши мумкин. Сеймон, оҳак, сувда эриган битум эмульсияси, битум ёки қаттиқ пенопласт чиқиндилари, оташак* билан грунт аралашмалари энг нафли қатлам ва материаллар ҳисобланади. 26-жадвалда ҳарорат түсқич қатламида ишлатиладиган материалларнинг ҳарора т ўтказувчанлик коэффициентлари қиймати келтирилган

* Оташак — тошкўмирнинг куйишидан қолган шлак.

Материаллар	Ҳажмий вазни, кг/м ³	λ, ккал/м с.град	Солиши-тирма ҳарорат сиғими, ккал/кг гр	Эгилувчаник модули, МПа
Полистирол ПСБ	30—40	0,038	0,32	5,0
Полистирол ПВХ-1, ПВХ-3	100—200	0,045—0,05	0,35	80—200
Полиуретан ПУ, ППУ	50—100	0,045—0,05	0,32	—
Фенолформальдегид ФФ	200	0,05	0,33	70
Стиропорбетон	1000	0,20	0,35	500—800
Керамзитли бетон	1400	0,65	0,35	—
“Оташакли бетон	1600	0,50	0,27	300
50—қаттиқликдаги енгил бетон	900	0,20	0,18	500
75-қаттиқликдаги енгил бетон	1200	0,45	0,18	650
100-қаттиқликдаги снгил бетон	1400	0,60	0,18	800
Битум билан ишлов берилған аглопоритли қақылған тош	800	0,20	0,30	400
Битумга қориштирилған керамзит билан шағал аралашмаси	1100	0,55	0,27	500
Ишлов берилған енгил қақылған тошнинг битумга қоришмаси	2000	0,45	0,40	500
Перлиттинг тупроқли сеймон қоришмаси	1400	0,40	0,36	130
Тупроқ-сеймон +50%	1500	0,65	0,30	300
Сеймон оташак қоришмаси	1600	0,70	0,34	150
Оташак тупроқ аралашмаси	1950	1,00	0,23	200
Сүвда әриған битум, тупроқ ва сеймон қоришмаси	2000	1,00	0,22	300

Мисол. Ҳисоблаш учун зарур бўлган қуйида бериладиган маълумотлар олингач, заминнинг ҳарорат тўсқич қатлами қалинлигини ҳисоблаш сўралган бўлсин.

Тушама таркиби: 5 см ли асфальтбетон, $\lambda = 0,9$ ккал/м.с.град; 25 см ли қум-шағал аралашган қатлам, $\lambda = 1,7$.

Көбілік тупроғи намлиги $W=20\%$ чангсимон майдада құмли тупроқдан иборат, $\delta = 1,58 \text{ г}/\text{см}^3$. Ер ости суви юзасининг чукурлиги 0,8 м бўлиб, суғориладиган пахта майдони АММ кузатувига асосан IV турдаги сув-ҳарорат тартибли замин тупроғи ($W=25\%$, $\delta = 1,34 \text{ г}/\text{см}^3$) чангсимон майдада қумдан иборат.

Метеорологик маълумотларга асосан, Самарқанд виляти учун $t_m=0^\circ\text{C}$ дан ўтиш вақти 15 ноябр бўлиб, энг паст мұхит ҳарорати январ ойининг охирида кутилади, $T=2,5$ ойга тенг ёки $2,5 \cdot 30 \cdot 24 = 1800$ с. T давр ичиде $t_m=5^\circ\text{C}$; $H=3,2$ мда $t_c=9,8^\circ\text{C}$; $h_c=0,05$ м; $h=0,75$ м. Ҳарорат ўтказувчанлик коэффициентларини қуидагича қабул қила-миз:

$$\begin{aligned}\lambda_s &= 1,8; & \lambda'_s &= 1,55; & \lambda'_c &= 1,25; \\ \lambda_c &= 0,3; & t_c &= -0,5^\circ\text{C}; & h_\phi &= 0,2.\end{aligned}$$

(7) ифода орқали R_0 ни ҳисоблаб топамиз:

$$R_0 = 0,05/0,9 + 0,25/1,7 = 0,20 \text{ град } \text{m}^2 \cdot \text{с/ккал}.$$

(42) тенглама орқали R ни ҳисоблаймиз:

$$R = \frac{0,05}{0,9} + \frac{0,76}{1,55} + \frac{3,2 - 0,75}{1,25} = 2,61 \cdot \text{град} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{с/ккал}.$$

Ер ости сувлари йўл қопламаси сатҳига яқин жойлашган. Шунинг учун ҳарорат тўсқич қатлами қалинлигини (41) ифода орқали топамиз:

$$\begin{aligned}h_{x,t} &= \lambda \left\{ \frac{2,61 [0,2^2 \cdot 80 \cdot 0,2 \cdot 1580 - 1,8 \cdot 1800(-0,5+5)]}{1,8 \cdot 1800(-5-9,8)} \cdot 0,2 - 0,10 \right\} = \\ &= 0,58 \lambda\end{aligned}$$

Бўртиб чиқишига қарши ишловчи қатлам қалинлиги қуидаги қийматлар чегарасида қабул қилиниши мумкин: полистирол бўлагидан бўлса, $h_x = 0,58 \cdot 0,038 = 0,02$ м; полистирол ва полиуретан бўлакларидан бўлса, $h_x = 0,58 \cdot 0,4 = 0,02$ м, стиропорбетондан бўлса, $h_x = 0,58 \cdot 0,2 = 0,012$ м., ва перлит қўшилган сеймонгронт қоришмали бўлса, $h_x = 0,58 \cdot 0,40 = 0,23$ м.

Мисол. Айтайлик, I гидрогоеологик гурухдаги II тоифали йўл қисми учун ҳарорат тўсқич қатламини ҳисоблаш сўралсин. Тўшама таркиби: 22 см ли сеймонбетон, $\lambda = 1,3$, 25 мсм ли кўм-шағал аралашмаси қатлами, $h=0$. Ушбу шароит учун (40) тенгламани қўллаймиз. Аввал (7) ифода

орқали $R_0 = 0,22/1,3 + 0,25/1,7 = 0,32 \frac{\text{град.} \cdot \text{м}^2 \cdot \text{с}}{\text{ккал}}$. Ҳарорат тўсқич қатлам қалинлиги

$$h_{x,T} = \lambda \frac{2,61}{9,8+5} \left[-0,5 + 5 - \frac{9,8 \cdot 5}{2,61} (0,1 + 0,32) \right] = 0,37\lambda,$$

стиропорбетонли бўлса — $0,37 \cdot 0,2 = 0,07$ м; енгил ғовакли бетондан бўлса — $0,37 \cdot 0,2 = 0,07$ м; терлитли сеймон бетондан бўлса, $-0,37 \cdot 0,4 = 0,15$ м.

Суфориладиган туманларда йўл қобиги

Иқлими қуруқ туманларда йилига минглаб гектар ер, асосан Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг айрим жойларидағи чўл ва даштлари ҳисобига ўзлаштириляпти.

Чўл ва ярим чўл майдонларидаги йўл қобигини лойиҳалашда автомобиль йўлларининг асосий қисми суфориладиган туманлардан ўтишини инобатга олишни тақозоқилади.

Суфориладиган туманларда 50-йилларга қадар автомобиль йўлининг грунтли қобиги Ўзбекистон жумҳуриятида маҳаллий йўл тармоқларини куриш ва сақлаш учун вактинча техник шароитларига асосан курилган. Бу қўлланма Ўзбекистон автотранспорт илмий-текшириш институти томонидан суфориладиган туманлардаги шароитларни инобатга олиб тузилган. Унда илк бор иқлими қуруқ майдонлар замин қатлами, гидрогоеологик ва иқлим шароитлари ҳисобга олинган. Қўлланмада йўл қобигининг қалинлиги, кенглиги ва қўндаланг кесими ning ўлчамлари ер қатлам тузилиши, ҳаракат қатновининг энг оғир тури ва қопламанинг эни, тўшама чеккасининг минимал кенглиги ва йўлнинг ён ёқларидаги сув қочиргич ариқчаларининг қўндаланг кесим ўлчамларига боғлаб аниқланган (27-жадвал). Масалан, оғир вазнли (5 т дан ортиқ) транспорт


ҳаракати учун йўлнинг юриш қисмининг эни 6,0 м ни ташкил қилган, шунингдек кам юк кўтарувчи транспорт учун 5,5 м; арава ва моторли транспортлар ҳаракат қилувчи икки йўналишили йўл учун — 4,5 м; бир йўналишили ҳаракат учун (300 м дан кам бўлмаган масофада қарши йўналишда келаётган арава ва юк ташувчи автомобилларни ўтказиб юбориш учун қўшимча майдон қуриш шарти билан қабул қилинган) — 3,5 м олинади.

27-жадвал

Йўлнинг сиф тоифаси	Ҳаракат қисмининг эни, м	Замин қатлами устки қисмининг эни, м		
		Текис ва қия майдонларда		Тоғли майдонларда
		Ариқалари трапециодал кесимли	Ариқалари учбурчак кесимли	
4	6,00	10,0	9,0	8,0
	6,50	9,5	8,5	7,5
	4,50	8,5	7,5	6,5
	5,5	9,5	8,5	7,5
5	4,5	8,5	7,5	6,5
	4,5	8,5	7,5	6,5
6	3,5	7,5	6,5	5,5


Суғориладиган туманларда қуриладиган йўлларнинг ён ёқларида трапециодал кўндаланг кесимли ариқчалари бор вариантда лойиҳаланади, қўриқ ёки сув чиқмайдиган қиялик ерлардаги йўллар учбурчак кесимдаги ариқчалари бор вариантда лойиҳаланади.

Қопламанинг ёндош қисмларининг эни трапециодал кесимли ариқчаси бор жойларда 2,0 м, бурчак тарзли ариқчаси бор бўлса, 1,5 м белгиланган. Чангсимон лойли, чангсимон кумлоқ тупроқлардан ва сарғиш соз тупроқлардан ишланган кўтарма қиялклари 1 : 1,3; чангли кумлоқ тупроқлар учун 1 : 2; чангсимон майдона кумлар учун 1 : 2; қилинган тош ва шағалдан иборат тупроқлар учун 1 : 1,26 қабул қилинган.




B	9.50	8.50	7.50	6.50
h	0.50	0.45	0.40	0.35
f	0.17	0.15	0.13	0.12
a	1.50	1.35	1.20	1.05
a'	0.75	0.68	0.60	0.53
B ₀	0.50	0.20	0.90	2.60

38-расм. Чангли, күм тупроқли ва бирикмали тупроқларда йўлнинг кўндаланг кесими ва ўлчамлари



B	9.50	8.50	7.50	6.50
h	0.55	0.50	0.45	0.40
a	1.65	1.50	1.35	1.20
a'	0.83	0.75	0.68	0.60
f	0.22	0.20	0.18	0.16
B ₀	0.80	0.50	0.20	0.30

39-расм. Енгил ва ўрта чангли соз тупроқларда йўлнинг кўндаланг кесими ва ўлчамлари



B	9.50	8.50	7.50	6.50
h	0.60	0.55	0.50	0.45
f	0.26	0.23	0.20	0.18
a	1.80	1.65	1.50	1.35
a'	0.90	0.83	0.75	0.65
B ₀	1.10	0.80	0.50	0.20

40-расм. Оғир чангли соз тупроқларда ва шўрланган тупроқларда йўлнинг кўндаланг кесими ва ўлчамлари

Замин қобиғининг юзаси икки ёнга қаратиб қия қурилади. Қиялик қийматлари қумли ва чангсимон тупроқларда — 3—4%; енгил чангсимон соз тупроқлар ва сарғиш соз тупроқларда — 4—5%, оғир чангсимон, лойли ва шўр тупроқларда — 5—6% қабул қилинган (38—40 расмлар). Йўлнинг энига қараб унинг ўлчамлари тегишлича миқдорда ўзгариб боради. Маҳаллий аҳамиятга эга йўллар заминининг тик сатҳи (ложиҳа чизиги) ер юзасига нисбатан унча баланд бўлмаслиги қобиқ юзасида йиғилган сувни тез қочириш ва унинг қурилишини таъминлаш асосий имконият ҳисобланади. Қумли жойлардаги йўлларнинг лойиҳа чизиги деярли ер юзасига баробар ишланиб, йўлнинг юза бўртими, яъни ажратиш баландлиги юқоридан ўтади. Бу ерларда сув қочириш ариқчалари қурилмайди. Ер ости сувлари чукур бўлган ва доимий суфорилиб туриладиган майдонлардаги йўлнинг лойиҳа чизиги тупроқ аралашган енгил ва ўртача чангли кулранг лойсимон тупроқлардан ишланган заминнинг кўтарма баландлиги 10 см дан юқорида, оғир чангсимон лёсс тупроқларда илдиз қатламли ва шўр тупроқларда, агар ер ости сувлари саёз жойлашган бўлса, қуриладиган 4-синф даражасидаги йўлнинг лойиҳа чизиги 0,5 м дан юқорида ўтган бўлади, йўлнинг 6—5- синф даражалилари учун эса юқорида тушунтирганимиздек омиллар ўзгаришига қараб тегишли баландликда жойлашади.

Ер ости сувлари чукур жойлашган ерларда, тупроқ туридан қатъи назар йўлнинг лойиҳа чизиқлари қишиш ва баҳор фаслларида ишқулай ҳисобланган намлик таъсири йўл қопламаси остидаги табиий замингача етолмайдиган баландликда кўтарма ишланади. Бундай жойлардаги йўл қобиғининг қоши лойли тупроқларда — 0,75 м; қумларда — 0,8 м; қумсимон тупроқларда — 1,0 м; енгил, ўртача дараҷадаги чангсимон лёсс тупроқларда ва кул ранг лойсимон тупроқларда — 1,6 м; оғир лёсс тупроқларда — 1,8 м; ёпишқок, шўр ва чангсимон тупроқларда — 2,0 м баландликда ўтади.

Сув қочириш қийин бўлган юзаси текис ва ботқоқлануб қолган ёки кўлмак суви босиб турадиган жойларда лойиҳа чизиги йўл кўтармаси баландлигига ётади. Бундай

вазиятларда 4,5,6- синф даражали йўлларнинг кўтарма ба-
ландлиги ботқоқлашган юзадан 0,50 ва 0,25 м дан юқори,
ёзги даврда сув босадиган юзадан 0,25 м, куз ва қиши мав-
сумида эса 0,75 м дан кам бўлмаган миқдорда таъминлан-
ган бўлиши керак.

Ўзбекистонда юк ташувчи транспортнинг турлари ва
сони ҳамда суғориладиган туманлардаги сунъий суғориш
тармоқларининг жадаллик билан ўсиб бориши мавжуд йўл
тармоқларининг қайта ўзгартирилишини ва шунингдек
юқори тоифали мукаммаллашган қопламали йўллар
куриш заруриятини туғдиради. Суғориладиган туманларда
автомобиль йўлларини ўзлаштирилганига кўп йил бўлган,
замин тупроғи бошқа тоб ташламайдиган ерларда ёки кейин
ўзлаштириш мўлжалланган майдонларда жойлаштириш
керак.

Эскитдан суғорилаётган ерлардан йўл ўтказиш ва унинг
йўналишини танлашда кўп сонли муҳандислик масалалари
ниҳияни ҳал қилишга тўғри келади. Йўл ёки унинг тармоғини
жойлаштиришга иқтисодий нуқтаи назардан арzon, замин
тупроғи тоб ташлаши турғун, иқлим шароитига чидамли
ва қулай бўлиши инобатга олинади. Замин тупрогининг
тоб ташлаши асосий омиллардан ҳисобланиб, қобиқ ўлчам-
ларининг ўзгаришига ҳам таъсир қиласи. Йўлни ирригация
иншооти тармоқларига ёки режали экин даласига
нисбатан ёнма-ён жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўла-
ди, аммо амалда йўл йўналиши суғориш тармоғи йўнали-
шига камдан-кам мос келади, шунингдек бу муҳандислик
иншоотларининг ҳар бирига қўйиладиган талаб бир-би-
рига мутлақо тўғри келмайди. Ундан ташқари, йўл билан
очиқ сув узатувчи тармоқлар ёнма-ён жойлаштирилгани-
да, лотоклардан сув сизиб чиқиб, замин тупрогининг меъ-
ёрида ишлашига тўсқинлик қилувчи гидрогеологик шаро-
ит намоён бўлади.

Йўлни йирик сув қочириш иншоотлари бўйлаб жой-
лаштира олинса, ижобий қўрсаткичларга эга бўлинади,
яъни тайёр сув қочирғичларини ишлатиш натижасида йўл
курилишига ва ундан фойдаланишда кетадиган харажат
анчагина тежалади.

Суфориладиган туманларда йўл заминида ва қобиғида, намликнинг ошиши, қиши-баҳорда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ҳамда кўп ҳолларда ҳароратнинг катта қийматга ўзгариб туриши сабаб бўлади.

Суфориладиган ерларда, баъзида йўл қобиги учун жуда оғир бўлган гидрогеологик шароитлар намоён бўлади. Масалан, юза жойлашган ер ости сувларининг (ер сатҳидан 0,3—0,5 м чуқурлиқда), ёғингарчилик сувларининг, шўр ювиш (яхоб бериш) даврида дала майдонларида йиғилиб 0,5 м баландликкача кўтарилиувчи сувларнинг ҳамда эриганинг юрт сувларининг йўл атрофидаги ерга шимилиши натижасида замин ва қобиқнинг ишлаши учун оғир шароит (замин тупроғининг нотекис тоб ташлаши, тўшама заминининг ювилиши ва бошқалар) юзага келади.

Суфориладиган ерлардаги тупроқнинг таркибий миқдори чант заррачаларидан иборат бўлиб, улар 75—92% ни ташкил қиласди. Қумли тупроқлар таркибида ҳам майда заррачалар кўп учрайди. Бундай тупроқлар юқ кўтаришга чидамсиз, сув таъсирига ўзгарувчан ва ғовакларда сувнинг капилляр кўтарилиши 2,5—3,0 м гача бориши мумкин.

Суфориладиган кўпчилик туманларга ернинг устки (илдиз ўсан қатлам) қисми шўр тупроқдан ташкил топган. Шўрҳок ерларда асосан тузларга нисбатан сульфатлар билан шўрланган тупроқ учрайди. Амударёнинг катта пастқам майдонларида қуриладиган йўлларни лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари бор. Суфориш ишлари йўл тармоқларини ривожлантиришдаги ерни текислаш ишлари билан боғлаган ҳолда бажарилади, ҳар бир бажариладиган қурилиш-тиклаш ишларининг муддати ишлаб чиқилиб, улар бир-бирини тўлдириб бориши ва қўйилган талабга мос бўлмоғи керак.

Суфорилмайдиган ерларда йўл қобигини лойиҳалашда қўйидаги омиллар ечимнинг асосини ташкил қилмоғи лозим:

— катта майдонни эгаллаган шўр тупроқли ерлар. Бунда, биринчидан, ер ости сувлари таъсиридан тупроқнинг щўрланиш даражаси ўсиб борса, иккинчидан ер ости сувлари чуқур жойлашган тақдирда ҳам (10 м дан чуқур)

юқорида тушунтириб ўтилганидек, гидрогеологик тартибга асосан тузланиш мавжуд бўлади;

— гидрогеологик тартибга мос келмаган масалаларнинг келиб чиқиши, яъни суфориш иншоотлари ва мавжуд ер ости сувлари сатҳини тушириш тадбирлари заминнинг тоб ташлашига сезиларли таъсир этади: хавфли ҳолатни оддиндан белгилайдиган тахминий ҳисоблар тасдиқланмай қолади, ер ости сувининг сатҳи кескин ўзгаради. Булар йўл тармоғига маълум ўзгартиришлар киритишини талаб қиласи; йўл бўйича изланишлар, лойиҳалаш ва қуриш даврида сувориш тармоқларининг бўлмаслиги, бу омиллар пайдо бўлгач, йўлнинг бўйлама ва кўндаланг тарзларига, шунингдек қобиқ таркибига маълум ўзгартириш киритишиларни талаб қиласи. Масалан, сувориш тармоқларида умумсувориш режаларининг ёки йўл йўналишларида ҳолат ўзгаришлари учраб туради;

— йўл қобигини кўтаришга замин сифатида ишлатида-диган чўкувчан хоссага эга бўлган тупроқлар йўлдан фойдаланиш даврида кўп қийинчиликлар туғдиради.

Сувориладиган туманларда бундай тупроқлар катта майдонларни эгаллаган. Қобиқни кўтаришда ишлатилювчи бундай тупроқларнинг чўкувчанлик хоссаларини йўқотиш талаб қилинади. Йўл қурилишидаги бундай ишларни бажариш мураккаб ҳисобланади.

Сувориладиган туманлардаги йўл қобигини лойиҳалашда ҳар бир туманнинг муҳим томонларини инобатта олиш лозим. Асосий эътиборни қобиқ замини ва сув қочиргичлари масалаларининг аниқ ва тўғри ҳал қилинишига қаратилмоғи лозим. Қобиқни тўғри лойиҳалашда биринчи навбатда тупроқ турлари, гидрогеологик тартиб ва сув қочириш каби турлича мавжуд сабабларни аниқлаш талаб қилинади. Ер ости сувлари саёз ва уни қочириш қийин бўлган ва тупроғи шўр сувориладиган ўта текис юзали ерларда йўл қобиги тушама ости сатҳини ЕОСС дан бир оз баландрок ҳолатда лойиҳаланади. Йўл кўтармаси қобигининг ўлчамлари унинг саҳнидан олинадиган тупроқ ҳажмига мос келади. Ҳосил бўлган саҳн юзалари бўйича сув буғланади. Сув қочириш қийин бўлган ерларда сувнинг камайишини анашу юзалар бўйича буғланади деб қаралади.

Күттарма баландлигини ЕООС ва амалдаги энг паст күттарма ўлчамларидан фойдаланиб аниқланади. Керак бўлган ҳолатларда, тўшама замини қалинлигини сув сатҳи 20 кундан ортиқ ўзгармай туриб қолган юзага қараб аниқласа ҳам бўлади. Сув қочириш иншоотлари ва ён ариқчалари йўл заминида ер ости сувлари кўтарилиганда ва ёғин натижасида йигилиб қолган сувларни қочириб юбориш зарур бўлган вазиятларда қабул қилинади.

Намланадиган I тур шароити ва шурланмаган тупроқларда кўттарма қалинлиги энг кам ҳолатида қабул қилиниши мумкин. Лекин тўшама ости ернинг юза сатҳидан паст жойлашмай, сув қочириш чоралари ҳам таъминланган бўлиши шарт.

II ва III тур шароитидаги жойлардаги кўттарма ер сатҳига нисбатан паст жойлашган бўлса, тўшама остини қанчалик юқори кўтариш керак эканлиги 28-жадвалда келтирилган.

28-жадвал

Қобиққа ишлатилган тупроқ	Тўшама қалинлиги, м дан юқори		
	Тузсиз тупроқ	Оз ва ўртача тузли тупроқ	Шўр тупроқ
Ўртача йирик ва майдо кум, енгил йирик кум аралашган лойсимон тупроқ	0,2	0,3	0,4
Камроқ чангсимон, енгил кум аралашган лойсимон тупроқ	0,3	0,4	0,5
Оғир қумлоқ, ёпишқоқ кумоқ тупроқ	0,4	0,5	0,6
Чангсимон кум аралашган қумоқ, енгил чангсимон қумоқ тупроқ	0,4	0,6	0,7

Йўл тўшамаларини ишлатиш жараёнида ён атроф ерларини ўзлаштириш режалаштирилган бўлса, у ҳолда 28-жадвалда келтирилган рақамларни IV—V тур шароити жойидаги йўллар учун 1,3 га, I—III шароитидагилари учун эса 1,5 га кўпайтириш лозим.


III тур шароитидаги жойлар учун ЕОС нинг хавфли ҳолатида ёки йўл саҳнида узоқ туриб қолишида тўшама остини кўтариш миқдори 29-жадвалда келтирилган.

29-жадвал

Қобиққа ишлатилган тупроқ	Тўшама қалинлиги, м дан юқори		
	Тузсиз тупроқ	Оз ва ўртacha тузли тупроқ	Шўр тупроқ
Ўртacha йирик ва майда қум, енгил йирик қум аралашган лойсимон тупроқ	0,4	0,5	0,7
Чангсимон қум, снгил қум аралашган лойсимон тупроқ	0,7	0,9	1,1
Оғир қумоқ, спишқоқ қумоқ тупроқ	1,0	1,4	1,6
Чангсимон ва оғир қум аралашган қумоқ, енгил чангсимон қумоқ тупроқ	1,3	1,6	1,9

Сугориладиган ерлар учун ЕОСС хавфли ҳолат чуқуригини ($h_{u,x}$) ифода билан аниқлаш мумкин $h_u = h_{yr}/1+a \cdot C_v$, бу ерда h_{yr} — ЕОСС кўп йиллик маълумот асосида олинган ўртacha чуқурилиги м.; a — интегралли эгри чизиқнинг ўртacha ординатадан четланишини ифодаловчи коэффициент; C — вариация коэффициенти. ЕОС қочириш қийинлашган пастқам жойларда сульфат тузли шўр тупроқлардан кўтarma қуришдан аввал қобиқнинг турғунлигини таъминлаш мақсадида тўшама остини баланд кўтариб, ЕОСС дан 2,4 м юқорида жойлаштириш лозим. Йўл қобиғи ташиб келтириладиган тупроқдан тикланаётган бўлса, унинг баландлигини ўша тупроқ турига ва унга булган талабларга қараб танлаш керак. Фовакли сарғиш соғ тупроқлардан кўтarma тиклаш лозим топилса, унинг баландлигини кўтarma чўкиш қийматидан 1,1 — 1,15 марта ортиқ олмоқ керак.

Ҳозирги пайтдаги мавжуд йўл тузилишлари турлари ҳар хил бўлиб, 41-расмда келтирилган. Меъеридан четлашган фарқланувчи ҳолатдаги йўлнинг кесим тарзлари 41- а, б, г, д расмда акс этган. Маълумки, ер ости сувларининг кўтари-



41-расм. Мавжуд йўлларнинг кўндаланг қиёфалари. а, б, г, д — сув
қочириш таъминланмаган; в, е — зовурили кўндаланг қиёфалар

лиши күттарманинг ён томонидан намланиши таъсирида қобиқ ҳолати бўшашиб, турғунсиз бўлиб қолишига олиб келади.

ЕОС яқин жойлашган ерлар учун йўлнинг кесим тарзлари ичида ёнида зовури бўлгани энг тежамли ҳисобланади (41-расм). Зовури бор йўл тиклашдан мақсад, жойда ЕОС сатҳининг пасайиши эвазига қобиқ баландлигини оширишдир. Зовурлар ўрнидан олинган тупроқлар йўл қобиғига ишлатилиб, атроф текислиги бузилишига чек қўйилади. Атроф текис бўлса, қурилиш машиналаридан унумли фойдаланишга имкон беради.


Талаф этилишига қараб зовурлар йўлнинг бир томонида ёки ҳар икки томонида қурилиши мумкин. Кўпинча зовурлар, йўл ўқига нисбатан ЕОС оқиб келиши томонидан, яъни бир ёғидан қурилади.

Зовурлардан унумли фойдаланиш ўша тумандаги сув қочириш ишларини тўғри ташкил қилиш тартибига боғлиқ. Зовурлар нисбатан текис ёки бир оз қия (0,005—0,001) ерларда фойдали. Текис жойларда зовурлар балчиқланиши ва тозаланмаса, қамиш босиши ҳам мумкин. Зовурларни доимо тозалаб туриш лозим. Зовурлар ёнларини тик ишлаш хато иш ҳисобланади, чунки ЕОС таъсирида қияликлари ивиб ўпирилишига сабаб бўлади. Зовурни қазишда унинг ёнлари қиялиги замин тупрогининг ички ишқаланиш бурчагидан ошиб кетмаслиги керак.

Зовурли йўл анча қулай ҳисоблансада, доимий назорат қилиб туришни талаб қиласди. Зовурли йўлнинг камчиликлари: ЕОС ни пасайтириб, сувни қочиришни таъминлай олмайди; зовурнинг чеккалари қияликлари айтарли турғун эмас; йўлдан фойдаланиш даврида унинг атроф майдонларидан бемалол фойдаланиш учун ҳаракатланувчи транспортга имкон бўлмайди.



Суфориладиган туманларда йўлдан ва сунъий иншоотлардан фойдаланиш тажрибалари ва назарий ечимларга асосланиб йўл қобиғини тиклашнинг мукаммал услублари ишлаб чиқилган.

Йулларнинг жойига қараб жойлаштирилиши суфориши тармоқлари ва сув қочириш иншоотлари билан боғланган ҳолда берилган кесим тарзларининг мавжуд меъёрий қуринишлари 42—45-расмларда келтирилган.





42-расм. Саҳидан тупроқ олмасдан күтарилигандын құндаланған қиёфаси:

1—яширин сув қочирігінің зөвүр; 2—ер ости сувининг сатхы; 3—ер ости сувининг нокуладай қолат сатхидан түшама остини күтариш баландлығы




43-расм. Келтирилгандын тупроқдан күтарилигандын йүл қобигининің қундаланған қиёфаси (а), ён биқіндегі тупроқдан күтарилиб (б) күтартма бетон ариқ буйлаб жойлашган қобиқ



44-расм. Анхордан сингиб келиш натижасыда юқорилашиб үтган ер ости сувидан ташқаридаги анхор буйлаб жойлашған (а) ва анхор саҳидегі (б) йүл қобигининің қундаланған қиёфаси:

1—сингиб келувчи сувдан ташкыл топиб, юқори жойлашған ер ости суви; 2—ер ости суви сатхидан түшама остини жойлаштириш баландлығы; 3 — ер ости сувининг табиий күтарилигандын қолаты; 4—анхор



45-расм. Зовур билан бир вақтда тикланадиган йүл қобиғининг күндаланг қисфасы:

1—ер ости сувининг сатҳи; 2—очиқ зовур; 3—ер ости сувининг нокулей ҳолатидан түшамани жойлаштириш масофаси

Йүл күмилгандар тешеккүл құвур сув қочиргичлар ёки зовурлар йұналиши бүйлаб жойлаштирилганида ён биқинидеги иншоотлар үрнидан чиққан тупроқдан фойдаланмай қобиқни башқа материаллардан тиклаш қулайдыр. Бундай ҳолатда зовур ёки тешеккүл сув шимувчи құвурлар ёрдамыда ЕОСС ни пасайтиришни режага олиб құрмоқ керак. Құттармадан сув шимувчи құвур ўқигача бүлганса масофа 3,0 м дан кам бүлмаслиги керак (42-расм).

43-расмда кесим тарзи йүл күттармасининг темир бетонли сув ариқтарига ёндошиб үтган ҳоли берилған.

44-расмда күндаланг кесим йүлнинг ён-вери тор ҳолатда, ташиб келтирилганды тупроқ қобиғи күтарилған йүл, 43-б да эса янги үзлаштириләтганды майдонлардагы йүл берилған.

Юза сувини қочириш қийин бүлганса жойларда ва ён биқинидеги тупроқтарни олиш натижасыда ҳосил бүлганса хандақтарға сув түлиб қолиши күтиладиган ерларда йүл күттармасидан сунъий ҳовузгача бүлганса оралиқ 3,0 м дан кам бүлмаслиги керак.

Күттарма ҳолатидаги темир бетон ариқтар йүл күттармаси оралиғидаги масофа уларнинг меъёрида ишилаши ва улардан фойдаланыш қулайліктерини ҳамда улар үртасыда маҳаллий транспорт ҳаракат қатновини яхши йүлга қўйишни инобатта олиб белгиланади. Бу масофа 4 м дан кам бүлмаслиги лозим. Юза эса күттармадан сув элтувчи иншоот томон $i \geq 0,20$ қиялик билан текисланади. Йүлларни ариқ ва сунъий ҳовузлар яқинидан үтказишда ҳавзадаги намликтар сингиб борувчи юзасидан узоклаштирган ҳолда, қобиқни 44-расмдаги тарзда лойиҳалаш тавсия этилади. Бунда ҳавфли ҳолатни ер ости суви сатхининг чукурлиги белгилайди (44-а расм).

Йўл қобигидан энг яқин сунъий ҳовузгача бўлган масофа (Z) замин тупроғида намликтининг энг юқори капилляр кўтарилишидан, яъни 2,5—3 м кам бўлмаслиги зарур.

Хавфли ҳолатни сувнинг сингиб борувчи масофаси белгилайдиган бўлса ва йўл қобиги ҳовуз саҳни билан бир сатҳда ётса, 44-б расм тарзидаги йўл қабул қилинади. Бу ҳолда маълум майдонни тежаб қолса бўлади. Аммо, бу услуб кўтартмани баландроқ жойлаштиришни тақозо қиласи.

Қайси бир тарздаги йўл қабул қилинмасин, қуритиш ёки сувларни йўқотиш тармоқларини йўл қобигини қуриш жараёнида, йўл ёқасида 2,5—3 м ли зовур ёки очик ҳолатдаги темир бетон сув узаткич қўринишида қуриш ҳам мумкин. Бунда кўтарма билан зовур орасидаги масофа 3—4 м дан кам бўлмаслиги лозим. Бу ҳолатда кўтарма баландлигини ЕОСС хавфли чуқурчаси ва зовур билан ўртадаги масофага боғлаб белгиланади.

Кўтарма қияликлари ҚМК 2,05.02—85 кўрсатмаларидан тик бўлмаслиги керак, кўтарма биқинидаги ҳовуз қияликлари эса 1:1,5 дан кичик қийматда қабул қилинади. Зовур қияликлари эса ҚМК ПД—3—83 талабларига асосан қабул қилинади. Ҳовузлар билан кўтарма ўртасидаги майдон юзасида қиялик $i = 0,20$ таъминланиши керак. Имкони бор жойда зовур ва қуритиш иншоотларига томон йўналган 3% ли бўйлама қиялик таъминланиши лозим. Бундай қиялик таъминлана олмайдиган жойларда, кўтармани баландроқ лойиҳалаш ёки пардали нам тўсқичлар ишлаш ва бошқа чоралар қуриш лозим.

6. Шўр тупроқли заминдаги йўл қопламаси

Урта Осиёнинг 600 минг km^2 дан ортиқроқ майдонини тақирип шўр тупроқ эгаллаган. Шўр тупроқларнинг келиб чиқиши ва уларга таъсир этувчи омиллар турларига қараб улар ҳар хил қўринишида намоён бўлади. Шу тупроқларнинг кўпчилик турлари қуруқ ҳолида куч таъсирига чидамлилиги билан ажralиб туради, нам тегиши билан бўшиб мустаҳкамлигини йўқотади.

Шўр тупроқлар пастқам ерларда сувни қочириш қийин бўлган жойларда тарқалган. Кенглиги 75—100 м ва баландлик фарқи 1,5—2,1 м ли майдондаги сув босиб ёт-

ган ерларда сув қочириш умуман қийин бўлиб, бу ҳолат тақир шўр тупроқларни келтириб чиқаради. Суғориладиган туманларда шўрланган тупроқлар кўпинча яхлит бўлмай, бўлак-бўлак ҳолда учрайди. Бу ҳол маълум даражада сув қочиришинг яқин жойлашиши ва қиш-баҳор ойларидаги жадал шўр ювиш ишлари йўлни лойиҳалаш ва қуриш ишларини тубдан қийинлаштиради. Иқлими иссиқ даврнинг чузилиши ва шўр тупроқларнинг қуруқлигига маълум даражада куч таъсирига чидамлилиги, қўшимча ишлов бермасдан 8—9 ой давомида улардан йўл ишида фойдаланишга имкон берали. Аммо шўр тупроқлар сув қочириш қийин жойларда ва ёғингарчилик вақтида намланиб, куч таъсирига чидамсиз бўлиб қолганилиги учун уларни нам фаслларда йўлларга ишлатиб бўлмайди. Ўрта Осиёning катта қисмларида талабга мос тупроқларнинг, ҳатто иирик қумликларнинг камлиги турғун йўл қобиғини қуриш ва лойиҳалашда анча қийинчиликларга олиб келади. Лекин, ҳамма шўр тупроқлар ҳам ёғин таъсирида юмшайвермаслиги ҳам маълум. Масалан, қумли тупроқлар ва чангсимон қум аралашган лойли тупроқлардан қурилган йўллар, ҳатто ёғингарчилик кўп бўладиган январ-март ойларида ҳам ҳаракатни бемалол таъминлаб бера олади. Суғориладиган туманларнинг ёғингарчилик оз бўладиган майдонларида енгил чангсимон қумлоқ йўлларда йил давомида юриш мумкин. Чангсимон қумлоқ тупроқлардан ташкил топган шўр тупроқларга қум (ҳатто, майда чангсимон таркибиси ҳам) қўшилса, унинг юқ кўгариш қобилияти ортади. Шундай қилиб, «меъёри тупроқ қоришмасини» тупроқда ёпишқоқ зарралар ($0,005$ мм) этишмаган тақдирда ҳам, чанг зарралари миқдори ($0,05$ — $0,005$ мм) ортиқ бўлганда ҳам тайёрлаш мумкин экан. Шу имконият Ўрта Осиё йўл қурилишига ниҳоятда зарурдир. Кўпчилик шўр тупроқлар зичланишга монанд бўлиб, қурғоқчилик даврида йўл қобиғини кўтариш жараённада ортиқча намланишни талаб қилмайди.

Йўл қобигидаги тупроқ намлигининг фасл ўзгаришига қараб ўзгариб туриши турли жойларда турличадир. Яхши зичланган ва кўп шўрланган тупроқларда намлик кам ўзгариши кутилади.

Үрта Осиёда шўрланган тупроқлар тез ўзгарувчан иқлими майдонларда жойлашган: ёзда ёғингарчилик оз бўлиб, юқори ҳароратли куруқ кунлари кўп бўлади, январь-март ойлари эса ёғинга мўл пайтига тўғри келади. Баҳорнинг охири ва ёз ойларида (май-октябрь) ёғингарчилик кутилмайди. Шу даврда ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, мавсум бўйича тургун сақланади. Бундай шароитда тупроқнинг усти қуриб ҳаракат натижасида йўллардан чанг кўтарилади.

Куз даврида ёғингарчилик деярли оз бўлиб, йил давомидаги ёғин миқдорининг 15–20% ни ташкил қиласди. Бу пайтда ҳаво тиниқ ва булутсиз бўлади. Январ-март ойларида эса тунги ҳарорат 0°C дан паст, кундузи эса анча юқори бўлади. Тупроқ музлаши нотургун бўлиб, ҳар йили бир хилдаги ҳаво такрорланавермайди. Ўзгарувчан иқлим шароити тупроқнинг гоҳида қуриб, гоҳида намланишига олиб келади, бунинг натижасида кўп туманларда йўл бузилиб кетиб, ҳатто баъзан юриб бўлмас ҳолатига ҳам келади. Шўр тупроқларнинг юқори нам сифими ЕОСС га яқин туриши ва улар намланганида куч таъсирига чидамсизлиги йўл ишлари учун кўнгилсиз ҳолат ҳисобланади. Шўр тупроқлар секин аста қуриди. Шу даврда йўл устидаги юриб бўлмайди.

Умуман олганда турли-туман гурӯҳдаги морфологик кўринишларга эга (момиқ, пўстлоқ, пўстлоқсимон-момиқли, намланган ва ҳ.о.) бўлган шўр тупроқлар йўлга ишлатилганида ёзда ҳам, қишида ҳам албатта ҳаракат қийинлашувига сабаб бўлади.

Соз тупроқлар асосида қулрангсимон тупроқларнинг ташкил топиши жинсдан сувда эрийдиган тузларнинг, гипс ва оз миқдорда карбонатларнинг ажралиши билан намоён бўлади. Сарғиш тупроқларнинг ишқорланиш қуввати унинг хира қулранг томон ўтган сайин ортиб боради. Тоғ ости пасттекисликларидан тоғ олди ерлари томон ўтган сайин ёғин миқдори орта боради, ер юзасидаги буғланиш ҳам камая боради. Бунда асосий таъсир этувчи омил ҳарорат ва шамол ҳисобланади.

Тиниқ қулранг тупроқлар орасида шўрланганлари кўпроқ учрайди.

Қолдик тузли кулранг тупроқлар ернинг юқори юза қатламида 0,1% ли сувда кам эрийдиган тузларга бой (30-жадвал). Бу тузли қатlam 100—120 см гача бўлган чукурликда жойлашган бўлиб, айрим ҳолларда ернинг юза қисмida ҳам натрий сульфат тузи шаклида намоён бўлади.

Лёсс тупроқларининг кулранг тусли қатламларида сувда эрийдиган тузлари гипс ҳам ишқорланган шаклда учрайди.

Худди шу ҳол туз қолдиқли тиниқ кулранг тупроқларга ҳам тааллуклидир.

Кулранг тупроқлар катионларни кам ютгани учун гумусли ва минералли коллоидларга бой эмас. Оддий кулранг тупроқли ернинг илдиз ўсган қатламида катионларнинг алмашув йифиндиси 13—15 мг/экв ни ташкил этади, хираларида 100 г тупроқда бир оз кўп бўлиб, 17 мг/экв гача боради. Рангли енгил ва ўртача тиниқликдаги кулранг тупроқлар учун энг кам адсорбциялаш қобилияtlари түғри келади; илдиз ўсган ер қатламларида атиги 9—10 мг/экв га teng. Чуқурлашиб борган сари бу кўрсаткич аста камайиб боради ва илдиз ўсган қатlam остидаги тупроқнинг 100 г да 8—12 мг/экв бўлади.

Кулранг тупроқларнинг намланиши уни ташкил қилувчи зарраларининг, айниқса, ўта майдаги қисмининг миқдорига боғлиқ.

31-жадвалда даштли туманлардаги соғ тупроқлардан ташкил топган кулранг тупроқларнинг таркиби ва механик хоссалари келтирилган. Тузлари момик бўлиб кўринувчи шур тупроқда йуллар қиш ва ёзда юриш қийинлиги билан фарқланади. Улар таркибida асосан Na_2SO_4 , MgSO_4 тузлари кўплаб йифилган бўлиб, 30°C дан ортиқ ҳароратда ҳажми кенгайиб кристалл ҳолатига ўтади. Ёғин ёғиши натижасида намланган тупроқнинг ҳолати ўзгариб, юриб бўлмас даражасида юмшаб қолади. Улар кўпинча сугориладиган туманларда учрайди. Улар кичик майдонларни эгаллаб, шур тупроқли жойларда бамисоли доғ кўринишида тупроқ юзасида ёки зовурларнинг қўйи қисмida намоён бўлади. Бир майдоннинг шўрини жадал ювиш иккинчи майдондаги тупроқнинг шўрланишига олиб келади.

Шур тупроқли майдонлар сувда эрийдиган тузларнинг юқори концентратли манбай ҳисобланади. Тузлари момик

Түпнок түрш	Чукуранык, см	Зин холатдагы холтак	Уафий ишикорлата- нуулчалык, HCO_3^-	Cl	SO_4^{2-}	Ca^{2+}	Mg^{2+}	$\text{K}^+ + \text{Na}^+$
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Оддий күлранг түпнок	0—5 6—16 20—30 45—55 90—100 145—155 195—205 0—5 5—14 18—28 40—50 80—90 130—140 210—220	0,098 0,056 0,050 0,052 0,044 0,048 0,084 0,068 0,040 0,042 0,028 0,029 0,011 0,027	0,033 0,027 0,030 0,029 0,024 0,027 0,029 0,035 0,027 0,028 0,029 0,017 0,010 0,026 0,027	0,004 0,002 0,002 0,003 0,002 0,003 0,002 0,003 0,003 0,003 0,003 0,010 0,010 0,026 0,027	0,009 0,006 0,005 0,007 0,007 0,009 0,004 0,006 0,008 0,008 0,009 0,009 0,010 0,026 0,029	0,008 0,005 0,007 0,006 0,006 0,004 0,003 0,015 0,012 0,009 0,007 0,029 0,184 0,718 0,229	0,002 0,003 0,002 0,002 0,002 0,005 0,005 0,002 0,001 0,001 0,007 0,002 0,024 0,024 0,007	0,006 0,003 0,003 0,006 0,002 0,002 0,002 0,002 0,002 0,002 0,009 0,007 0,033 0,108 0,003 0,191
Типик күлранг шүр түпнок								

30-жадвалнинг давоми

148

I	2	3	4	5	6	7	8	9
Тузи сингиб ўтирган тиник кулранг тупроқ	0—5	0,060	0,050	0,004	0,006	0,006	0,005	Йўқ
	5—15	0,046	0,041	0,004	0,004	0,008	0,005	"—"
	20—30	0,050	0,030	0,003	0,012	0,014	0,004	"—"
	55—65	0,042	0,029	0,001	0,009	0,008	0,005	"—"
	90—100	0,052	0,027	0,004	0,014	0,006	0,002	0,009
	130—185	0,350	0,022	0,006	0,211	0,031	0,022	0,035
Хира кулранг тупроқ	0—4	0,160	0,044	0,004	0,004	Йўқ		
	1—14	0,078	0,021	0,008	Йўқ			
	25—35	0,088	0,029	0,004	"—"			
	50—60	0,022	0,029	0,004	"—"			
	100—110	0,030	0,029	0,004	"—"			
	150—160	0,032	0,028	0,004	"—"			
	215—225	0,038	0,043	0,003	"—"			

31-жадвал

Чукурлик, см	Қаттиқ заррачаларнинг оғирлиги, %							Ўта майдада заррача лар, %	Ташкил топганлик коэффициенти
	>0,25	0,25—0,1	0,1—0,05	0,05—0,01	0,01—0,005	0,005—0,001	<0,001		
0—6	2,0	3,6	22,7	59,6	2,1	8,2	1,9		
	0,5	2,6	22,7	46,8	8,5	10,7	8,2		
	1,5	1,0	0	12,7	-6,4	-2,5	-6,3	15,2	76
6—22	1,4	2,4	14,5	61,6	5,6	9,7	4,8		
	0,3	2,0	20,9	45,5	7,8	11,9	11,6		
	1,1	0,4	-6,4	16,1	-2,2	-2,2	-6,8	17,6	58
22—40	0,9	2,0	16,8	61,0	7,5	11,4	0,4		
	0,3	1,7	18,9	45,4	9,0	12,0	12,7		
	0,0	0,3	-2,1	15,6	-1,5	-0,6	-12,3	16,5	47
40—65	0,2	1,4	25,0	62,2	6,7	4,3	0,2		
	0,1	1,4	12,9	49,8	10,7	11,2	13,9		
	0,1	0	12,1	12,4	-4,6	-6,9	-13,7	24,6	98

бўлиб кўринувчи шўр тупроқлардан автомобиль йўлари ни лойиҳалаш ва қуриш учун жойнинг иқлими ва тупроқнинг хоссалари, ер ости сувининг тартибини, замин қатлами тузилишини ва сувда эрийдиган тузларнинг миқдорини ва муҳит шароитини синчилаб ўрганишни талаб этади. Йўл йўналишини танлашда унинг ўзгаришига шўр тупроқнинг таъсиридан қатъи назар, бундай жойларни айланиб ўтиш услуби асосида бажармоқ лозим.

Суфориладиган туманларнинг текис майдонларида ер ости суви саёс жойлашганида тупроқларнинг юза қисмida шўрланиш намоён бўлади. Шундай ҳол яна анча зич қатлами, сувни кам ўтказадиган жойларда ҳам учрайди. Бундай шўрланган тупроқлар шўрланган тақир майдонларни вужудга келтиради. Бундай тупроқли жойларда деярли ўсимлик ўсмай, ери қурғоқ ва юзи қаттиқ ҳолати билан ажраби туради. Бошқа шўрланган тупроқлар сувда эрийдиган тузларининг кам миқдорда эканлиги билан фарқланади.

Таркибидаги кўп миқдорда лойли заррачалари, тузлари ва коллоидли бўлакчалари борлиги ҳисобига шўрланган тупроқли тақир майдонлар юза қатлами, ҳатто кўп миқдордаги ёғин таъсирида ҳам оз ивийди. Шунинг учун унинг тагидаги тупроқ деярли куруқ бўлади. Ёғингарчилик пайтларида шўр тупроқлар тез ивийди, куч таъсирига чидамсиз бўлиб, ҳар қандай транспорт воситаси учун ҳам юриб бўлмас ҳолатида бўлади.

Турлича кўринишдаги шўр тупроқли тақир майдонлар Ўрта Осиёнинг ёғингарчилик кам бўладиган туманларида тарқалган. Шўр тупроқларнинг кимёвий таркиби турлича кўринишда бўлсада улар маълум қонуният асосида ташкил топгандир.

Курғочилик майдонларининг 23% ини хлорид тузли, 62% ини сульфат-хлоридли ва 15% ини хлорид-сульфатли шўр тупроқлар ташкил этади. Бундай тупроқларнинг йўл қобиғи учун энг мақбулини аниқлаш учун сувда эрувчан тузларнинг йил давомидаги ўзгаришини билиш зарур.

Маълум бўлишича, сувда эрийдиган тузларнинг энг кўп тўпланиши июль-август ойларига тўғри келар экан. Суфориладиган туманларда тупроқ тузларининг ҳаракат қонунияти бирмунча ўзгариб август-сентябрь ойларида юқори кўрсаткичга эга бўлади. Ўта шўр тупроқларда сувда эрий-

диган тузларнинг энг кўп йиғилиши сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади.

Йўл қобигини лойиҳалашдан аввал йилнинг турли вақтларида тупроқда тез эрийдиган тузларнинг тарқалишини билиш зарур. Енгил эрийдиган тузлар, асосан ер қатламининг 1,0 м гача бўлган чуқуригида тарқалган бўлади (32-жадвал).

Тузлар паст ҳароратда кам эрувчан хоссага эга бўлганлиги учун кўпинча ернинг қатлам юзасида қолади. Туз йиғилишига асосий манба ер ости сувлари ҳисобланади. Ер ости сувлари саёз ҳолда туриб қолиши шароитларида илдиз ўсан қатламнинг шўрланишидан сақлаш чоралари, яъни шўр ювиш ишлари, сув қочиргич иншоотларининг сифатли ишлашини ва ер ости сувини керакли чуқурикда жойлашишини таъминловчи тадбирлар амалга оширилади.

Тупроқнинг тузланганлик даражасини аниқлаш учун ҳаво қуруқ вақтда тупроқдан намуналар олиб текширилади. Намуналар ер юзасидан 0,23—0,35 м чуқурдан олинади. Агар намуна олиш вақти ёғингарчилик даврига тўғри келиб қолса, унда намуна олинадиган чуқурлик 0,3—0,6 м оралигига бўлиши лозим.

Тупроқдаги туз миқдори йўл қобигига ишлатиладиган тупроқ таркибидаги сувда эрийдиган тузларнинг ўртacha қиймати билан белгиланади. Тузланиш миқдори қуруқ тупроқ вазнининг қай миқдорини ташкил қилиши фоиз ҳисобида ўлчанади. Тузланиш даражаси 100 г қуруқ тупроқдаги миллиэквивалент миқдорда олинган Cl ионларининг CO_3 ионларига бўлган нисбати билан аниқланади.

Шўрланган тупроқларнинг тузланиш даражаси ва тузланиш ҳолати 33 ва 34-жадвалларда келтирилган.

32-жадвал

Тупроқ намунаси олинган чуқурлик, см	Сувда эримаган қолдик	HCO_3	Cl	SO_4	Ca	Mg	K + K
0—10	0,57	0,054	0,020	0,298	0,034	0,005	0,138
10—20	1,01	0,045	0,040	0,610	0,042	0,005	0,360

1	2	3	4	5	6	7	8
30—40	0,71	0,043	0,110	0,990	0,046	0,010	0,506
40—50	1,54	0,014	0,100	0,910	0,028	0,013	0,482
60—70	1,52	0,023	0,024	0,920	0,090	0,025	0,369
80—90	2,07	0,015	0,096	1,270	0,240	0,022	0,345
90—95	1,99	0,017	0,088	0,250	0,270	0,030	0,278
95—100	2,02	0,015	0,088	1,190	0,280	0,330	0,230

33-жадвал

Тузланиш даражаси	V йүл-иқтим майдонида енгил эрийдиган тузларниң тупроқ вазнига нисбатан ўртача умумий миқдори	
	Хлоридли ва сульфат хлоридли тузланиш	Сульфатли, хлорид-сулфатли ва содали тузланиш
Оз миқдорда	0,5—2	0,5—1
Ўрта	2—5.	1—3
Кучли	5—10	3—8
Ортиқиа	10	8

34-жадвал

Тузланиш ҳолати	Нисбати
Хлоридли	2,5
Сульфат-хлоридли	2,5—1,5
Хлорид-сулфатли	1,5—1,0
Сульфатли	1
Содали	—

35-жадвал

Тузланиш даражаси	Тупроқтарниң яроқлилиги
Оз миқдорда	яроқли
ўртача	—*
күп	кушимча тадбир-чоралар билан яроқли
юқори	яроқсиз

Тупроқ таркибидагы Cl^- ва SO_4^{2-} ионлари миқдорининг учдан бир қисмидан күпроқ CO_3^{2-} , HCO_3^- ионлари йиғилса, бундай тупроқ содали тузланиш дейилади.

Шўр тупроқлардан йўл қобиги учун фойдаланишдан аввал тупроқ тез эрийдиган тузлар билан қай даражада тузланганлиги текширилади (35-жадвал). Ўта шўр тупроқларни йўл қобигига ишлатилганида қобик турғунлигини таъминловчи ва кўтартманинг юқори қисми шўрининг ортишига қарши тусқич пардалар ва ер ости суви сатҳини пасайтирувчи чоралар кўриш зарур.

Ер ости сувлари яқин жойлашган туманларда йўл қобигини тиклашда тузи баланд тупроқлардан ҳам фойдаланса бўлади. Бундай ҳолда қобикни кўтариш учун маҳсус тадбирларни кўриш талаб қилинади.

Тузи баланд тупроқларни маҳсус кўринишдаги тупроқ деб ҳисоблаш тавсия этилади, уларни намланиш шартига қараб икки турли, яъни юзаки ва чукурда тўйиниб намлашиларга ажратилади.

Юзаки намланган тупроқлар оз учрайди. Улар ер ости сувларини қочириш имконияти бор ерларда мавжуд. Чукурда тўйиниб намланиш ер ости сувига яқин жойлашган бўлсада, сув қочириш имконияти бор муҳитда оғир турдаги тупроқда намоён бўлади. Одатда, чукурда тўйиниб намланиш ҳолатидаги тупроқлар кенг майдонни эгаллаган ва ернинг чукур қисмida ўрнашган бўлади. Шунга биноан, бундай тупроқлар автомобиль йўллари қобигининг табиий замини булиб, уни икки турга ажратиб қараш мумкин:

I турдаги шўр тупроқлар, 0,6 м чукурликкача қатламда намланишдан ҳосил бўлади. Бундай тупроқлардан йўл қобиги учун фойдаланишдан аввал намланган қатламини олиб ташлаб, сув ўтказмайдиган қатлам юзасига йўл қобигининг таг юзасини ётқизиш зарур.

II турдаги ўта шўр тупроқлар, намланишда чукур қатламда ҳосил бўлади. Бундай тупроқларнинг жойланиш чукурлиги 1,5—2,0 м гача боради. Тупроқлардан йўл қобигини лойиҳалаш ва тиклаш учун ёғин миқдори, унинг бошланиш ва сўниш даврини билиш зарур омил ҳисоблашади.

Қобиқ турғунылигини ошириш учун күтарма баландлигини пасайтириш керак. Бу усул нам тұсқыч қатлам ҳисобига бажарилиши керак. Нам тұсқынни кам буф үтказувчан (3×10 г/см.²), музлашга чидамли ва құзилиш қаршилиги юқори (100 кг/см) бұлған полиэтилен пардалардан ишлеш мүмкін.


Қайта тикланаетган йүлларда бундай намтүскіч үрнида мавжуд материалдардан битумга қоришириб ишланған қатламдан фойдаланиш мүмкін.

Иқлими қуруқ худудларнинг қатор туманларыда замин тупроқларининг сув орқали тузланиш тартибини үрганиш бүйича күпгина изланиш ишләр олиб борилди. Тупроқларга сувнинг шимимиши, туз миқдорининг үсіб бориши ва қобиқ мустаҳкамлигини оширувчи тадбир-чоралар тошиш ва тупроқтар тавсифларининг хавфли ҳолатларини асослаш бүйича ишлар қилинди.


Тупроғи нам туманларда иқлім, гидрологик ва гидрогеологик фаслий үзгаришларни күзата бориб, қобиқнинг тупроқ намлиги йил давомида аниқ қонуниятта буйсунған ҳолда фасллараро үзгариб бориши аниқланди, куз ва баҳор фаслларыда тупроқнинг намлиги күтарилса, ёз ва кузнинг бошланишида намлық камаяди (46 — 47 -расмлар). Бошқа омиллар қатори ер ости сувнинг күтарилиб бориши тупроқ намлигининг үсіб боришига бевосита таъсир қиласы да унинг сатхи чуқурлашган сайн намлық камаяди. Энг юқори намлық ер ости сувнинг сатхига тұғри келади. Тупроқ заррачаларининг зичлик үзгариши намлық үзгаришига тескари пропорционал ҳолда ривожланиб пасттаға томон ошиб боради. Ер ости сувларининг күтарилиб туриши шұр ювиш ва үсимликларни жадал сугориш, ёғингарчылық ва ҳаво ҳароратининг пасайиб боришига боғлиқ.

Шұрланған ерлардаги замин тупроғининг энг зич ҳоли йүл тұшамасининг ост қатламида бўлиб, ундан чуқурлашган сари зичлик миқдори камайиб боради (48 -расм). Соювқ пайтларда тупроқ намлиги оз үзгаради.

Шұр тупроқлардан күтарилган қобиқ турғунылиги ҳавонинг ҳарорат тартибига, намлыкнинг үзгаришига ва тузларининг эришига ҳам боғлиқ. Тупроқ намлигининг үзга-



46-расм. Йўлнинг назорат қисмида иқлим ва гидрологик ҳолатларининг фаслий ўзгариши



47-расм. Йўлнинг назорат қисмидаги тупроқ ҳолатининг фаслий ўзгариши



48-расм. Назорат жойларидаги тупроқ зичлигининг ўзгариб бориши
риши тузнинг микдори, зичлик ва ҳарорат даражасига
боғлиқ, яъни:

$$W(Z, T) = f(\mu, K_s, t) \quad (1)$$

бу ерда μ, K_s, t — мос равишда туз йифилиши, зичланиш
даражаси ва тупроқ ҳарорати.

Замин тупроғининг турғунлигини мустақамлик тав-
сифларининг ўзгариши асосан унинг намланиш даражасига
боғлиқ, яъни:

$$E_{\omega}, \varphi, C = f(W_{u_x}) \quad (2)$$

бу ерда E_{ω}, φ, C — мос равишда тупроқнинг нокулай ҳола-
тидаги эластиклик модули, ички ишқаланиш бурчаги ва
нокулай ҳолатидаги солиштирма илашиш кучи.

Йўл тушамасини сочилувчи материаллардан лойиҳа-
лашда унинг таркибидаги шўрланган лойли тупроқнинг
нокулай ҳолатидаги намлик қийматлари 36-жадвалда кел-
тирилган. I турдаги намланиш шарти учун ер ости суви
тушама тагидан 1,5 м чукурда ва II тур учун эса — 1,5 м дан
кам бўлмаслиги керак.

Тупроқнинг тури	Намланиш тури	Йўл тоифалари бузилиш ҳолатидаги намлик	
		I-II	II-IV
Чангсимон майда кум	I	0,75	0,70
	II	0,78	0,72
Оғир чангсимон майда кум	I	0,85	0,75
	II	0,90	0,80

Қобиқ турғунилигини таъминлаш чорасини излаш учун нам ўзгариш жараёнини текшириб кўриш лозим. Нам йиғилиш жадаллиги маълум миқдорда шўрланган тупроқларнинг нам ўтказувчанлик коэффициентига боғлиқ. Бу коэффициент замин тубида намланиш миқёсининг ўсиш тезлигини белгилайди.

Шўрланган тупроқларнинг нам ўтказувчанлиги (K) маълум вақт ичida намликнинг тупроқ бағрида шимилиб тарқалиш тезлигини ўрганишга асосланган услугуб бўйича аниқланган. Нам ўтказувчанлик (K) қўйидаги ифода орқали топилади:

$$K = \frac{1}{\pi \tau} \left(\frac{2\rho(100+W)}{d^2 \gamma_n (W_{\text{юк}} - W)} \right), \quad (3)$$


бу ерда τ — сувга тўйиниш вақти, с; ρ — намунага шимилган сув миқдори, г; d — қолипнинг ички диаметри, см; $W_{\text{юк}}$ — тупроқнинг юқори қатлам намлиги, %; γ_n — цилиндр ичидаги тупроқнинг табиий намлиги ўзгармаган ҳолдаги олинган ҳажм оғирлиги, г/см³.

Иқлими қуруқ майдонлардаги ҳар хил шўрланган тупроқларнинг физик-механик тавсиялари ва нам ўтказувчанлик коэффициентилари 37-жадвалда берилган.

Туманлар тупроқларидаги туз миқдорининг фасл ўзгариш қонунини қўйидагича ифодаласа бўлади:

$$\mu_t = \mu_y \pm 0,5 \Delta \mu \sin 2\pi \left(\frac{T}{T_0} \right), \quad (4)$$

Түзөллии даражасы	Оюш- чегар- сит, %	Солиши- торма массасын, г/см ³	Түпрок шибзалинган холлада		Заррачалар тарыбын, %		Нам үткәуелдик коэффициент, см/с	
			W, %	δ CT, г/см ³	Күм	Чайт	Балык	0,90
Шүр	24,0	2,19	15,0	1,84	31,40	63,90	4,70	9,1
Үргаца	24,2	2,15	13,6	1,65	13,37	79,27	7,36	14,5
Үгүйр	25,4	2,07	14,0	1,79	20,79	72,42	6,79	4,9
Жуда үткәр	25,0	2,05	14,7	1,76	20,00	73,50	6,50	8,1



49-расм. Турли даражадаги шүрләнгән тупроқлар учун $K_s=0,95$ ҳолатидаги E_dg , $t_g^F=f(W/W_{0.4})$ боғланишларни мужассамлаштирган график.


бу ерда μ_r — маълум T вақт ичидә қаралаётган чуқурликдаги тупроқнинг туз қиймати;

μ_y — тупроқдаги ўртача (кўп йиллик маълумотдан олинганд) туз миқдори;

$\Delta\mu$ — туз миқдори ўзгаришининг фасллараро фарқи;

T — 0 дан бошлаб ҳисоблангандага ўтган вақт;


T_0 — бошланишидан то тугагунича ўтган вақт.



50-расм. Турли даражада шүрләнгән тупроқлар учун $K_s=1,0$ ҳолатидаги $E_s, c \operatorname{tg} \phi = f(W/W_{0.4})$ боғланишларни мужассамлаштирган график

Олиб борилган изланишлар турли даражадаги тузли тупроқлар учун $E_s, \operatorname{tg} \phi, C = f(K_s, \frac{W}{W_{0.4}})$ ифодани тавсия этишга имкон беради (49-51-расмлар).

Жадал усулда сугориладиган туманлар ва ўзлаштириләтгән майдонлардаги йўл қобиги учун шүрләнгән тупроқлардан фойдаланишда қурилиш меъёрлари талаблари га риоя этиш лозим.



51-расм. Турли даражадаги шүрләнгән тупроқлар учун $K_t=1,05$ ҳолатидаги $E_{\text{эг}}, C_{\text{тга}}=f(W/W_{0.4})$ боғланишларини мужассамлаштирган график

Шүр майдонлардаги йўлнинг замин тупроғи тузининг миқдори ва таркиби, шунингдек ер ости суви сатҳининг ўзгариш қонуниятларини тикламоқ лозим.

Қобиқни шүр тупроқлардан тиклашни замин сувини қочириш тадбирлари билан амалга ошириш лозим. Агар йўл қобиғининг эни 10 м дан кам бўлсао, устида қопламаси бўлмаса ва сув қочириш чоралари тадбир сифатида

тавсия этилган бўлса, у ҳолда қобиқни юқори кўтармасдан қуриш ҳам мумкин.

Сув қочириш қийинлашган жойларда қопламали йўлларнинг тўшама остидан ер юзасигача зарурий қалинлиги 38-жадвалда тавсия этилган миқдордан кам бўлмаслиги керак.


38-жадвал

Тупроқлар	Йўл қобиғининг эни, м	
	10 м дан кам	10 м дан кўп
Ўтқир шўрланган чангсимон кум тупроқ	0,3	0,4
Ўтқир шўрланган чангсимон қумоқ тупроқ	0,4	0,5
Ўтқир шўрланган чангсимон соғ тупроқ	0,6	0,7
Ўтқир шўрланган қумоқ тупроқ (тупроқ таркибидаги 3% ини туз ташкил қилади)	0,8	1,0


Шўр тупроқли жойларда йўл ёнидаги ариқчалар ўз йўналиши бўйича $i = 0,005$ қияликка эга бўлиши керак. Кўча ёни саҳнидаги «ҳовузча»ларга $i = 0,002$ дан кам бўлмаган кўндаланг қияликлар таъминланган бўлиши керак (52-расм). Имкони бор жойларда шу миқдор атрофида ҳовуз томонга қаратиб бўйлама қияликлар таъминланган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Чангсимон кум тупроқ ва чангсимон қумоқ тупроқлардан ташкил топган ерлардаги бир йиллик ёғин миқдори 100 мм дан оз бўлса, йўл ёнидаги «ҳовузча»лардан сув қочириш учун қияликлар белгиланмаса ҳам бўлади. Ёғин миқдори юқори бўлган шароитларда, албатта, сув қочириш чорасини кўриш зарур. Агар қобиқ кўтарма ҳолатда куриладиган бўлса ($0,8$ м дан юқори), йўлнинг ён биқинида ҳосил бўлувчи кўлмак ҳовузчалар кўтармадан камидага $3-4$ м узоқликдаги масофада жойлашиши лозим (53-расм). Бундай ҳолда кўтарма қошидан ариқчаларгача бўлган масофа $1,8$ м дан кам бўлмаслиги керак.


Шўрланган тупроқ майдонларидағи йўл заминида ер ости сувлари саёз жойлашган бўлса, кўтарма қоши қиш ва баҳорги давр сув сатҳининг юзасидан юқорида бўлиши керак.



52-расм. Ариқча-ховузчали құндаланғ қиёфа



53-расм. Супача мінтақалы қобиқнинг күндаланғ қиёфаси




54-расм. Зовурли күримдаги күтарманинг күндаланғ қиёфаси


EOCC саёз булиб, узоқ муддат үзгармай туриб қоладиган жойлардаги йүл күтармаси ёнларида бўлиши тўғри ҳисобланади (54-расм). Бунда зовур қазиладиган ён йўлакнинг эни 3—4 м бўлиши керак. Ёз вақтлари бу йўлакдан маҳаллий ҳаракат қатнови учун ёки қурилиш материалларини сақлаш учун ишлатилади.

Зовурнинг чуқурлиги 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак. Иқлими қуруқ туманларда кўпроқ тарқалган шўр тупроқлардан кўтарилиган қобиқ ёғингарчилик даврида ҳам ўз тургунлигини бемалол таъминлай олади. Худди шундай күтарма сувориш даврида сувларнинг тасодифан зовурга куйилишига қарши шудгор этагида баландлиги 0,3—0,4 м бўлган күтарма қурилади.

Айрим ҳолларда бўндай күтарманинг намлиги кўтарилиб кетишининг олдини олиш учун синтетик ёки нархи



55-расм. Тақир шұр тупроқ жойларда йўлнинг кўндаланг қиёфаси



56-расм. Бўйтама сув қочиргич ариқли йўлнинг қобиги


арзон материаллардан 5—6 см қалинликда сув түсқич қатламини қуриш мумкин. Бундай қатламлар тўшама қопламасининг таг юзасидан 20—25 см чукурда жойлаширилди. Сув түсқич ишлатилган йўл кўтармаси баландлигини 0,75 м дан 1,0 м гача паст ишласа ҳам бўлади. Хлорид ва сульфат-хлорид тузлари (NaCl ; CaCl) тупроқлар ёзнинг куруқ даврида ҳам заррачалари ўзаро зич жойлашиб, кам сув ўтказувчан ҳолида бўлади.

Момик тусидаги хлорид натрий тузлари тупроқлар йўл қобигига ишлатиладиган бўлса, унинг 15—20 см қалинликдаги юза қатлами албатта олиб ташланиши керак.


Кўтарма учун ишлатиладиган шұр тупроқлар таркибида сульфид натрий миқдори 2 фоиздан ошмаслиги керак. Шұр тупроқлардан ишланадиган кўтарма асосан йилнинг иккинчи ярмида қурилиши лозим.

Шұр жойлардаги тупроқлардан баланд кўтарма учун таркибида гипс (CaSO_4) кўп бўлган 0,4—0,8 м чукурликдаги тупроқдан ишлатиш лозим. Гипсли тупроқ қобиқ турғунлигини оширади.

Тақир-шұр тупроқлардан йўл қобигига ишлатишда сув қочириш қийин ва сув ўтказувчи жой тупроқларининг юза қаттиқ қатламини ҳам олиб ташламай ишлатиш мумкин. Бунинг учун йўлнинг ён биқинида жойлашган ариқчалар ўрнидан чиққан тупроқ дала томонга 20—25 см ли кўтарма ҳолатида йўл бўйлаб жойлаширилиши лозим (53-расм).



57-расм. Тақир шұр түпнұсқалы жойларда күндаланғ жойлашган сув қочиргич ариқчалар



58-расм. Тақир шұр түпнұсқалы жойларда сувни йиғиб-қочиргич ариқчалар

Бу 20–25 см ли күттарма ёғингарчилик вақтида йўл қобиғини сув босишдан сақлайди. Бундай тупроқ күттармаларни майдон қиялиги 0,05–0,07 бўлганида узунлиги 2–3 км ли бўлакларда лойиҳалаш мумкин. Чўкувчан тупроқларда бундай күттармалар ёрилиб, сувнинг йўлини тўса олмай қолади. Бундай ерларда қўшимча бўйлама ариқчалар қуришга тўғри келади (56-расм). Бўйлама ариқчаларининг чуқурлиги 0,5–0,6 м бўлиб, тупроқ күттарма баландлиги 30–40 см бўлади. Гидрогеологик шароити ўта қийин жойлардан йўл ўтадиган бўлса, у ҳолда кўндаланг жойлашадиган сув қочиргич ариқчаларининг чуқурлиги 0,60–0,75 м бўлиб, тупроқлари икки томонга чиқарилиши кўзда тутилади. Бундай ариқчалар қиялик 0,06–0,08 бўлганида ҳам бемалол ишлай олади (57-расм).

Тақир шўр тупроқларда қаттиқ қопламали йўл лойиҳаланса, күттарма баландлиги 0,5 м дан баланд бўлмоғи керак. Сувни ёмон ўтказувчи шўр тупроқларда ёғингарчилик оз бўлганида ҳам (5–6 мм) сув кўп йиғилиб қолади. Йиғилган сувлар таъсирида ариқчалар ётган ер қиялиги 0,15%, сув йиғилиш масофаси 2,5–3,0 км бўлган тақдирда ҳам унинг икки ёни тез ўприила бошлайди. Орадан 2–3 йил ўтгач, бу ариқчалар чуқурлиги 1,5–1,0 м жарликларга ўхшаб қолади ва унда сув ҳаракати қийинлашади. Бундай аҳволдан қутилиш учун жойнинг ҳар 400–500 м оралиғидаги бўлагига сув қочиргич ариқчалари қилиниши талаб қилинади (58-расм).

Тақир шўр тупроқли ернинг юза қатламини ҳар томонлама чуқур ўрганиш чидамли йўл қобиғини лойиҳалашга имкон беради, бўйлама ва кўндаланг қочиргич ариқчаларининг тўғри қиёфалари танланади ва шу билан йўлнинг умумий сифати яхшиланади.

7. КЎЧУВЧИ ҚУМЛИ ТУМАНЛАРДАГИ ЙЎЛ ЗАМИНИ

Чўл жойларда кўпинча оғир қумлар учрайди. Шунингдек чўл майдонларининг лойли қатламлари ҳам учрайди. Умуман чўл тупроқлари ўзининг бутун хоссалари ва механик таркибига асосан кўпинча кум ва айрим ҳолларда лойсимон кум шаклида бўлади.

Йўл йўналишини танлаш пайтида ҳудуднинг чўл қисми туман майдони ҳисобланиб, ана шу майдондан йўл учун транспорт юришига яроқли қисми танлаб олинади. Белгиланаётган йўл йўналиши бўйлаб қумнинг таркиби бўйича катта чегарада туманларга бўлинади. Йўналиш танлаб бўлингандан сўнг бўйлама туманлаш асосида энг қулай йўналиш турлари аниқланади. Бунда ҳар хил турдаги қумларнинг ички қатлами тузилиши аниқланади (39-жадвал). Кўчувчи қумларда фақат йўлнинг ўзини лойиҳалабгина қолмай, балки йўлдан ташқари майдонлар тупроқ турғунигини ҳам лойиҳалашга тўғри келади. Бундай кенгликнинг эни 80—200 м оралиғида бўлади.

Кум заррачаларининг ўзаро эркин жойланиши зичланган ҳолидагилардан ва қаттиқ жинслардан тубдан фарқ қилиб, янги етилаётган қатламнинг ривожига сабаб бўлади. Бу фарқ ёғин таъсирининг чуқурлашувини, намланган ҳолатда сувнинг кўтарилишини чеклашга ва натижада нам чўкиш жараёнларини, маълум чуқурликда эса намлик манбаининг ташкил топишида ҳал қилувчи ўрин эгаллади. Чўлнинг кум қатлами ўзининг келиб чиқишидаги хусусиятларини белгиловчи муҳим томонлари ҳисобига мустақил генетик турга ажралади. Бунда икки тур мавжуд бўлиб, биринчиси чўлдаги лой аралашган қумлар, чўлнинг кўлмак атрофи қатламларини ташкил қиласди. Иккинчи тур эса 2,4 м чуқурликкача тупроқнинг намланишидан ривожланиб боради. Булар кўлмак бўлган юзалар ва чўл қумлик қатламлари кўринишида аниқ гавдаланиши эътиборлидир.

Кўлмак бўлган юза қатламларининг белгиларига тупроқнинг таркибида ўсимликларнинг майда-чуйда тана олди илдизларининг бўлиши, чўл қумларининг анча чуқур қатламлари таркибида ҳам ўта майда унумдор заррачаларининг мавжудлиги ва қатлам юзаси қиёфасининг яланночланиб қолганлиги киради. Бу тур остида илдиз ўстган қатламнинг бўлиши чўлдаги лой аралашган қум қатламига ҳам хосдир. Уларнинг юза қисмида бир неча сантиметр қалинликдаги бўлган соф қум қатлами бўлиб, шу юзадан унча юқори кутарилиб кетмаган мавжуд ўсимликлар кўриниб туради.

Улардан намуна олиш пайтида уқаланиб түшседа, эҳтиётлик билан қирқиб қаралса, айрим қатламлар мавжуд эканлигига ўзингиз ҳам гувоҳ бұласиз. Булар остида күпинча карбонатлы гипс билан қотган қатлам ётади. Унинг қалинлиги ўнлаб сантиметр билан қотган қатлам ётади. Унинг остида эса таркибида онда-сонда учраб қоладиган гипс ҳолатига энди айланған бұлакчалари бор юмшоқ қум қатлами жойлашын. Вақт үтиши билан гипс бұлакчалари сарғыш-тиниқ кофесимон күмнинг рангига құшилиб, аралашиб кетади. Құлнинг ҳали тусини ўзgartирмаган күл рангдаги күмли қатлами бундан истинос.

Күм, лойли қум, ҳатто лёсс қатламларыда лой заррачалари миқдори қанча бұлишидан қатын назар, уларнинг қатлами таркибида илдиз ўсан қатлам жинслардан тарқалған қум зарралари албатта учрайди. Майда құмдан ташкыл топғаң тупроқда илдиз ўсан қатламни ҳосил құлувчи йирик чанглар билан бойигани сезилади ва унда балчик ташкил құлувчи заррачалари эса жуда оз.

Күмли құлнинг ўсимлик ўсан қатлами унчалик боғламли ҳолатда бұлмасада (39-жадвал), лекин улар қониқарлы, айрим қолларда эса яхши физик хоссаларга эгадир (40-жадвал). Күм заррачалари уюmlар ташкил құлувчилар ҳисобланиб, улар қатламни сугориш пайтида сувда сузидан, қуриган пайтда пұстлоқ бўлиб күчишдан, замин ҳайдалған пайтида кесак бўлиб туришдан ва тупроқни ўта намланишдан сақладайди. Құлнинг илдиз ўсан қатламлари физик хоссалари бўйича бир хил эмас.

Құлнинг қумли қатламлари одатда енгил ишланувчан бўлади, қаттиқроқ ҳолатда намоён бўладиган қатламлари эса майда заррачалардан ташкил топған бўлади. Қаттиқ ҳолатда бўлишининг сабаби бундай тупроқда ора бўшлиғи оз бўлади. Лекин умумий ора бўшлиғи умум қатлам бўшлиғига мос келиб (7%), күм заррачалари зич жойлашади. Қумли тупроқларнинг гигроскопик намлиги $W_{\text{ю.н}} = 1,6 - 3.0\%$; ўсимлик ўсишини таъминловчы намлиги $W_{\text{ю.н}} = 3,0 - 4,5\%$ ва намлик сиғими $W_{\text{ю.н}} = 10 - 12\%$ бўлади. Қумли құлнинг ўсимлик қатламларининг емирилиши юқори бўлиб, 24 - 30% ни ташкил қиласы ҳамда юқори сув

Йўлнинг йўналиши бўйича майдонни туманлаш		Йўналиш турларини танлашда бўйлама туманлаш	Муҳим белгилари	Ҳосил бўлиш сабаби	Ўрни
Кумли ётқизиқтарнинг умумий кўриниши	Кум тепаликларининг тарзи	Кум тарзларининг тузилиши			
1	2	3	4	5	6
Йул бўйи йўналишида бўлаклардан ташкил топган	Дўнгликлар	Ўркачли	Мавжуд ёки йўқ бўлиб кетган қирғоқ бўйини чегараловчи кумли дўнгликлар	Шамол таъсирида пастқамлик кесими устига ўрнашиб олган	Фарбий Туркманистон
Бир текис	Кўчувчи кум гумбазлари	Тепалашиб боради	Айрим жойларida кумли дўнгликлар остидан аслий асоси кўриниб турди	Маҳаллий жинсларнинг кўриниб турган қисмига шамолларнинг паралел ўтиши	Ўзбекистоннинг Кизилкўм қисми
	Бир бўғинли	Кўчувчи кум гумбазлари	Майдонни шамол томонидан кўчувчи кум гумбазлари чегаралаб турди	Шамол таъсирида пастқам кесимга ўрнашиб олган	Туркманистоннинг Қорақум майдонининг жанубий кумли чегараси
			Эзилиб қолган пастқам ўсимликлар босгандан кўлам	Ўсимликнинг кумли майдонда нобуд булиши	Ўзбекистоннинг Кизилкўми

1	2	3	4	5	6
	Куббали дала	Бир текис	Дағал кўринишили кўп қиррали потекис шаклдаги кум қатлами	Ер ости суви сатҳининг пастлашуви билан қалин кум қатламининг қайта жойлашуви	Туркманистоннинг Қорақуми
		Ўркачсимон	Бир йўналишдаги тепаликнинг бироз кўтарилган дунгалакка ёндошиши	Бир томонлама йўналадиган тепаликларнинг асосий шамол таъсирида ёндошиши	Шунинг ўзи
		Юмалоқ куббалар	Ўсимликсиз, куббалар юмалоқ шаклда бўлади	Шамолга қарамай қарши томонида ер ости сувининг кўтариливи тезлашиши кутилади	Туркманистоннинг Қора-шара тумани
	Текис тарздаги	Суфорилтган	Куббалар остида намлик бўлади	Куббасимон майдонларда ер ости сувининг сатҳи кўтарилади	Жанубий Қозогистон
		Ясси ётқизилган	Пастқам жойлардаги хира доғли, намланган, бирхил тусдаги кумли текис юза	Қалқиб юрувчи оқимдан ажралиб туриб қолган шўр ер ости сувининг қолдиги	Кизил-Арвот туманидаги жанубий Қорақум
		Тўда	Кумли текисликда якка ҳолда кўтарилиб қолган кўринишида	Шамол таъсирида шохлар остида кумнинг йиғилиши	

1	2	3	4	5	6
Ёйилган	Гумбазлар күри-нишида		Кумли заминининг аниқ бўртим тарзи ҳолатида	Ҳар хил сабаб би-дан ташкил бўлган доғларнинг шамол таъсирида ўрин алмашуви	Туркманистон-нинг шимолий Коракуми
Толалар			Тўғри чизиқли бу-рама қияликли шамол йўналиши бўй-лаб қисқариб бо-рувчи толалар	Буртиқ чиққан жой-дан шамол йуна-лиши томон кум-нинг кулаши	Фарбий Туркма-нистон
Тўплам кўчма кум гумбазлари			Оғир ҳолатдаги кум-ларнинг чўкиб йи-ғилиши	Учиб юрувчи кум-ларнинг намланган юза устида йигили-ши	Жанубий Туркма-нистон

39-жадвал

Намуна олинган чуқурлик, см	% ҳисобида берилган қаттиқ заррачалар миқдори, мм								Тупроқ тури
	>0,25	0,25–0,10	0,10–0,05	0,05–0,010	0,010–0,005	0,005–0,001	<0,001	Йигинди	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
<i>Марказий Қизилқум</i>									
0–4	4,73		46,63	21,65	4,07	5,59	4,71	14,37	Лойли кум
4–14	4,59		45,60	22,25	2,02	5,75	2,32	14,69	"—"
22–32	5,64		51,65	15,66	2,45	6,12	5,23	13,80	"—"
41–51	6,42		60,52	10,30	0,73	4,22	4,91	9,86	Кумоқлашган кум
60–70	8,48		54,75	7,64	1,05	1,79	5,23	8,07	"—"
110–120	3,86		61,73	6,16	2,49	3,59	11,43	15,51	Лойли кум
200–210	3,93		76,53	6,78	1,34	2,44	7,20	10,98	"—"
250–260	3,17		72,69	4,46	0,93	2,22	7,13	10,28	"—"
<i>Қизилқумнинг жануби-гарби</i>									

39-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0—4	24,00	22,00	42,00	48,00	3,00	3,00	Йук	4,0	Зарралари ўзаро эркин ҳолдаги кум
4—10	20,00	26,00	44,00	2,00	5,00	1,00	2,00	8,00	Кучоқлашган кум
15—25	14,00	29,00	48,00	2,00	3,00	1,00	3,00	7,0	"—"
35—45	17,00	28,00	46,00	2,00	4,00	1,00	2,00	7,0	"—"
60—70	58,00	5,00	16,00	8,00	7,00	4,00	2,00	13,00	"—"
100—160	2,00	7,00	43,00	23,00	16,00	6,00	3,00	25,00	Енгил лёсс
<i>Қарши даشتни</i>									
0—7	20,80	18,40	39,50	12,00	1,20	3,70	4,40	9,30	Кучоқлашган кум
10—20	20,80	13,20	31,40	18,70	2,10	6,70	7,10	15,90	Енгил лёсс
30—40	22,50	15,70	39,20	14,70	2,00	1,10	4,80	7,90	Кучоқлашган кум
50—60	34,10	18,70	30,60	7,80	1,60	3,30	4,10	9,00	"—"
75—95	18,10	18,10	39,40	16,80	2,10	3,00	7,50	12,60	Лойли кум

40-жадвал

Намуна олинган чукурлик, см	Солиштирма оғирлиги, г/см ³	Ҳажм оғирлиги, г/см ³	Фоваклик ҳажми, %	Юқори гигроскопик намлик, %	Ўсимликни сўлиш намлиги, %	Қатлам намлиги, %
<i>Қарши даشتни</i>						
0—7	2,64	1,44	46	1,6	3,2	12,4
10—20	2,65	1,47	44	1,7	3,4	11,2
30—40	2,65	1,47	44	1,8	3,6	10,3
50—60	2,68	1,45	46	2,7	5,4	10,3
75—95	2,65	1,48	41	2,6	5,2	10,4

Күмті каттамарларнинг таркиби, %

Науна олынгыз чукурлар, см	Күрүк чүкнеди	Ишкөр				Фарк бүйнеш Na	
		CO ₂	HCO ₃	Cl	SO ₄		
<i>Марказий күнделүктүр</i>							
0—4	0,057	89%	0,340	89%	0,009	0,007	0,001
4—14	0,077	"—"	0,036	"—"	0,011	0,009	0,002
22—32	0,075	"—"	0,046	"—"	0,005	0,009	0,001
41—51	0,057	"—"	0,032	"—"	0,004	0,008	0,002
60—70	0,057	"—"	0,026	"—"	0,004	0,008	0,002
110—120	0,385	"—"	0,039	0,034	0,168	0,0051	0,012
200—210	0,160	"—"	0,034	0,024	0,022	0,006	0,002
250—260	0,122	"—"	0,039	0,016	0,020	0,005	0,002

үтказувчанликка (10 соатда 1300 мм) эга, намликтинг кўтарилиш баландлиги 80—100 см га тенг. Майдада заррачаларни ташкил қилган қисми сувда турғун бўлиб, тузи сульфатидир. Чўлнинг қум қатламида гипс жуда оз бўлиб, у фақатгина юза қисмидан 1 м чамаси чуқурликда учрайди. Ўсимлик ундириувчи моддалар жуда майдада қум таркибида кам учраши билан бирга жуда кам шимилиш хоссасига эгадир. Тупроқнинг балчиқли қатлам таркибининг асосий қисмини иллитлар, сўнг хлоридли минерал тузлар ташкил қиласди.

Сувда эрийдиган тўзлар (камдан-кам ҳолатда 1% дан ошади) 1,0 м гача бўлган чуқурликда жойлашган. Қатламдаги мавжуд тузларнинг кўпини сульфатлар ташкил қиласди (41-жадвал).


Кумли чўлларнинг ёзи жуда иссиқ бўлиб, ўсимлик қатламигининг буглатиши ёғин миқдорига нисбатан 7—9 марта кўп ва ҳаво ҳароратининг кун бўйи исиши билан боғлиқ бўлган намлик йўқолиши мавжуд. Қурғоқчилик бўладиган худудлардаги чўлларда ёғин асосан совуқ даврда ва баҳорда ёғади. Қуёшли кунлар йилнинг 280 кунини ташкил этади. Тез-тез бўлиб турадиган 10 м/с тезликдаги шамоллар чўлга хосдир.

Чўл қум қатламигининг 1,5 м чуқурликкача бўлган намлик ўзгариши 0,01—0,60 $W_{\alpha\gamma}$ ни ташкил қилиб оқувчанилиги 18 дан 27% гача боради (59- расм).

Йўл қобигини лойиҳалаш унинг йўналишидаги қумнинг намланиш тартибини чуқур ўрганишни тақозо қиласди. Бу талаб тупроқнинг гидрогеологик ўзгаришларига чамбарчас боғлиқдир. Кумнинг сув ҳарорат тартибини ўрганиш унинг юзасида транспорт қатнови вақтидаги турғунлигини, йўл қобигида ва унинг ён атрофидан шамол таъсирида қумнинг кўчишини ва шунингдек атрофни ўсимлик ўстириб ёки сув шимдириш усули билан қум ҳаракатини тухтатиш чораларини ҳал қилишда асосий омил бўлади.

Кумли жойлардаги йўл қобиги қўйидаги курсаткичлар билан ажралиб туриши лозим:

59-расм. Чүхүрлик бүйнч намыжийн угзарыг борши: жануби-тарбийн (α) на марказий Кээликум (б)



- жуда энсиз бўлиб, шамол таъсири вақтида қум зараларининг эркин ҳаракатига тўсқинлик қилмайдиган даражада ясси эгри бўлиши;
- мужассамлашган қум тўдалари ҳаракати жойларида унга тўсиқ бўлмаслиги;
- қопламага ёндош қобиқда учиб юрувчи қум заррачаларига ҳеч қандай тўсиқ, яъни шохчалар, йўл белгилари, бетон курилмалар бўлмаслиги;
- юқори даражали ер қимирлайдиган жойларда йўлнинг турғунлиги етарлича таъминланган ва сув шимилиши мумкин бўлган ҳолда унга йўл қўйилмайдиган чоралар кўрилган бўлиши;
- қум заррачаларини шамол енгил учириб кета олиши учун йўл четлари ва қобиқ қияликлари текис бўлиши;
- транспорт воситаси йўл қопламаси четига чиққанида у ерининг бузилиб, ҳолат ўзгаришига қарши пишиқ қатлам ишланган бўлиши;
- кўттарма қисми турғун ва шамол учириб кета олмайдиган қияликка эга бўлмоғи;
- тўшаманинг чўкишига сабаб туғдирмайдиган даражада кўттарма қатламини сифатли бажарадиган бўлмоғи;
- иложи борича, намликни оширишга сабабчи бўладиган сув буғининг пайдо бўлишини таъминловчи ҳар қандай манбани тезлиқда бартараф қилиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларнинг бўлмаслигини таъминлаш.

Бу талабларни таъминлаш жараённада турлича қарама-қаршиликлар намоён бўлади. Мисол учун: кўттарма қиялигини шамол учиришидан сақлаш учун ўсимлик ўстириш усули кўлланса, ўсимликнинг ўзи қум заррачаларини тутиб туришида катта омил бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун йўл қобигининг кўндаланг қиёфаларини лойиҳалаш пайтида қарама-қарши сабабларни солиштириш зарур.

Қум қатламларда йўлнинг сув қочириувчи ён биқин ариқчалари керак бўлмайди. Йўл ер билан бир сатҳда жойлашиб, фақат қоплама бўртими баландлиги ҳисобига ажраблиб туради. Шундай жойлаштирилганда шамол қумларни бемалол супуриб тозалаб турса олади ва йўл турғунлиги таъминланади. Бундай кўндалант қиёфада қобиқ қияликларини маҳкамлаш, уни ёмғир ювишидан сақлаш ва қоп-

лама четларидан күшимиңча чора-тадбирлар күриш ҳожати қолмайды. Аммо, худуднинг нотекислиги йўл турғунлигини таъминлашини чеклайди. Нотекис ер тузилиши, қумли жойларда ҳам айрим ҳолларда йўлнинг маълум қисмини кўтарма ҳолатида қуришни тақозо қиласди.

Кўчувчи қумли жойларда қумли тупроқдан кўтарма ҳолатида қурилган қобиқлар анча бепана булиб, юқори-роқ қилиб қурилганлари эса ҳатто автомобиль қатнови учун хавфли ҳисобланади. Кўтарма тўсиқсиз лойиҳаланганда қоплама қиялиги таъминланган кўчада транспорт воситалари ўз йўналишидан чиқиб кетиб қулаш ҳоллари учрайди. Шунинг учун ҳам кўтарма қияликлари анча ясси бўлмоғи лозим. Бундай ясси қияликлар қумли кўтарма жойларнинг зилзила кутиладиган жойларida ҳам қўлланилади. Ана шу ясси қияликлар қоплама қаршилигини оширади. Бу ҳол йўл қобиғини ва қоплама четлари энини қисқартиришга ҳам имкон беради. Умуман яссоланган кўтармалар йўл қобиғига ишлов берилган қисмининг текислигини таъминловчи қулийликларга сабаб бўлади. Кўтармани қуришда занжирсизмон қумли дўнгликлардан фойдаланиладиган бўлинса, у кўтарманинг баландлиги ёнидаги занжирли дўнгликтан баланд бўлмаслиги керак.

Кўчма қумликларда йўл саҳни ва унинг ёnlаридан қумни кўндаланг суриш ёки ҳандақ жойидан бўйлама суриб, сўнг кўтарма қурилади.

Кўтарма баландлиги 2 м гача бўлган 1:3—1:4 қияликларда қурилади, ундан ясси қияликларининг кум кўчиши йилда $10 \text{ m}^3/\text{м}$ дан юқори бўладиган I—II тоифали йўлларда таъминланади. Кўтарма баландлиги 2,0 м дан юқори бўлганида унинг ён қияликлари 1:2 нисбатда қурилади. Тупроқни фақат кўтарманинг ён биқинидаги саҳндан олиш кўзда тутилса, ҳосил бўладиган ҳовузчалар чукурлиги чегараланмайди ва у иш ташкил қилиш усулига боғлиқ бўлади.

Дўнгликлар билан ўраб олинган ёки улар билан чегараланган жойлардаги тақир ва шўр қумлардан ишланган кўтарма тўшаманинг ер ости сувлари сатҳидан унча баланд бўлмаслиги билан белгиланади. Бундай ҳолларда кўтарма заминининг тузилиши даражасини ҳам инобатга олиш зарур. Бундай вазиятда қумнинг кўчиб ўтиш шиддати ва


йўлнинг тоифасига қараб кўтармаларга 1:3—1:4 қияликлар белгиланади.

Кўчувчи қумли жойлардан қазиб ўтказилган йўлларнинг чуқурлиги 2 м гача бўлса, қобиқнинг қияликлари янада ётиқ, яъни 1:4—1:5 қилиб қурилади. Агар йўл заминининг чуқурлиги 2 м дан ортиқ бўлса, қиялик 1:2 ҳолатида олинади. Лекин, бу ҳолатда йўл чуқурлиги билан қобиқнинг эни ўртасидаги муносабат 1:10 дан кам бўлиши зарур. Кўчанинг эни 3 м дан катта бўлган ва қумни қазиб олиб ташланган масофаси 100—150 м гача бўлган жойларда супачалар қурилади (60-расм). Қумни қазиб олиб ташлаш вақтида ер осди сувини қочириш талаб қилинса ёки қор босиб қолиши кутиладиган жойларда йўл қобиғнинг ўзи бироз кўтариб (0,3—0,4 м баландликда) ва 1:4 қиялика ишланади (60-в расм).


Ўсимлик қоплаган, ясси тўлқинли ва кичик баландликлардан ташкил топган қумли жойлардан ўтган йўл қобиғи ер сатҳи билан баробар ёки унча баланд бўлмаган 0,3—0,4 м кўтарма тарзида лойиҳаланади. Заррачалари йирик ўртacha баландликдаги кум тепаликлардаги йўл қобиғини лойиҳалашда кўтарма ҳажмини йўлнинг ўйиладиган ўзани ҳажмлари билан teng қилиб бажарилади. Зарурият туғилган ҳолатда эса ён ерлар олинадиган тупроқнинг ҳажмини камайтириш мақсадида кўтармани қобиқقا тираб ҳам қуриш мумкин. Бунда қияликлар 1:2 ҳолатида бўлмоғи керак (61-расм). Ўсимлик ўсан қумликлардаги йўллар тор энли ҳолатида лойиҳаланади (61-в расм). Қор босиши кутиладиган туманларда эса йўл қобиғи бироз кўтарма шаклида лойиҳаланади (68-в расм).

Чўл ҳудудидаги шимолий туманларнинг иқлими қуруқ майдонларида жойлашган йўл қобиғининг кўтарма баландликлари ҚМҚ даги қор босмаслик талаблари бажарилган ҳолда лойиҳаланиши керак.


Қурилган йўл қобиғида автомобиль ва йўл машиналари ҳаракатини яхши таъминлаш учун тўшама қатламлари қумга ботиб кетмаслиги зарур. Шу мақсадда қумли қобиқ билан пастки тўшама ўрталиғига кўтарма ҳолида соз тупроқ, қум-шағал, чақиқ тош ва қум аралашмали ҳимоя қатлами қурилиши керак. Бундай қатламни қум ёки соз туп-



60-расм. Учар құмларда йүлнинг үйма ҳолатидаги күндалаңг қиёфалари:
а—2 м гача чуқурликда; б—2 м дан чуқур супачали; в—2 м дан чуқур күттарма қүриннишда



61-расм. Үсімлік билан қопланған құмлы жойларда йүл қобигининг күндалаңг қиёфалари:
а—күттарма; б, в—үйма.



62-расм. Ышшок түрлөрд топтап ташкан химов күтгөмөн ишлөгүнүүн тузилиши: *a* — күтармас; *b* — 2 м дийн чүкүркөрч үйма; *c* — күтарма холатылдык үйма кобик; *1*—химон каталы; *2*—үйшеме асоси; *3*—күтпема.

роқларни қоти्रувчи қоришма билан ишланган ҳолда қутариш мүмкин. Бундай материалларни мұхандис ечими орқали текшириб, таққослаш асосида ҳимоя қатламида құллаш лозим (42-жадвал).

Маҳаллий шағал-құмлардан ёки чақық тошлардан фойдаланылған тақдирда аралашма таркибида 0,05 мм ли заррачалар 10% дан кам бұлмаслиги лозим. Агар құм таркибида 0,05 mm ли заррачалар миқдори 15% дан күп бұлса, у ҳолда ҳимоя қатламины куриш шарт әмас. Яна иқлими қуруқ майдонларнинг шимолий қисмидә, қишиң вақтида, құмдан күтариған қобиқ музлаган тақдирда ҳам ҳимоя қатлами-ни куриш тавсия этилмайди.

Күчувчи үркак құмли ҳудудларда күтарма баландлығы 1 м дан юқори бұлиб, қияликларнинг юқори қисмидаги құм заррачаларини шамол учирив кетмаслиги учун 10—15 см қалинликда ёпишқоқ тупроқдан ёки шағал-құмли ёки чақық тош ва құм материалларидан ҳимоя қатлами ётқизилади (62-а расм). Күтарма баландлығы 1 м дан кам бұлса, қобиқ қияликларига ҳимоя қатлами қурилмайди.

Умуман йұлнинг атроф юзасини учар құмлардан сақлаб қолиши билан бирга қобиқ қияларидан құм заррачаларини шамол учирисидан сақлаш мақсадида у жойларга сүвда әритилған паст сифатли битум әмұльсиясини үсимдік уруғи билан аралаштирилған ҳолда сепилади.

62-б расмдаги қияликлар ён атрофларининг үсимдік үсгандың күчувчи құм босған жойларини ёпишқоқ тупроқ ёки бошқа материаллар билан қотирилади.

Үйма қисмда тұшама остидан соз тупроқли ҳимоя қатлами қурилади (62-в расм). Катта күчга ишловчи қопламалы йұлларни лойиҳалашда уннинг соз тупроқли ҳимоя қатламиның әгилувчанлик модули учун зичланиш коэффициентини 0,90—0,95% га теңг қилиб олинади (43-жадвал).

Қуруқ иқлими майдоннинг құмли тупроқларининг физик-механик тавсифлари (әгилувчанлик модули, илашувчанлиғи, ички ишқаланиш бурчаги) тупроқнинг намлиги, таркиби ва зичланиш даражаларига бөглиқ бұлиб, миқдор жиҳатдан катта оралиқда үзгәради. Шуннинг учун үларнинг қийматларини лаборатория шароитида аниқлаш лозим.

42-жадвал

Материал	қалыптык, см
Асосан лойсимон тупроқ ва оз миқдорда лёсс	10
Лёсслар ва чангсимон қум тупроқлар	15
Қум аралашған лойсимон тупроқлар	20
Қум-шагалли, чақиқ тош ва аралаш тупроқлар	10
Қотирилған лёсс ва қум тупроқлар:	
а) МГ—25/40; МГ—40/70; МГ—70/130 синфидаги 5% ли битум билан	10
б) Э1 қоришмадаги (0,03—0,6)% катионли ва (3—4)% ли битум билан	10
Қотирилған утар күмлар:	
а) 6—8% ли сеймон +3% оxaқ ёки суюқ шиша, ёки 8—10% сеймон билан	15
б) МГ—40/70; МГ—70/130+3% сеймон (5—10% сеймон чанги) ёки Э1 қоришмасидаги 0,015—0,03% катионли 4% суюқ битум билан	15
в) 5—6% ли аралашмаси билан	

43-жадвал

Химоя қатлами тупроғи (ашёлари)	Химоя қатлам тупроғи нинг эгилувчанлық модули, МПа
Енгил ва йирик қум аралашған лойли тупроқлар	<u>55</u> 60
Енгил соz тупроқлар, чангли ва оғир чангли қумли тупроқлар	<u>45</u> 50
Ёпишқоқ тупроқлар, оғир ва чангсимон оғир соz тупроқлар	<u>40</u> 45

* Касрнинг суратида — куруқ иқлимли ҳудудларнинг шимолий қисм учун, маражида эса — жанубий қисми учун

8. АВТОМОБИЛЬ ЙҮЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА ЭҲМ НИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШИ

Энг қулай лойиҳаларга тегишли мұхандислик масала-ларини ҳал қилиш күп мәхнатни талаб қиласы.

Автомобиль йүлларини лойиҳалашда ЭҲМ ва автоматлаштириш усулларини татбиқ этиш бир вақтнинг ўзида турли жабхаларда йўлга қўйила бошлади.

Автомобиль йўлларини лойиҳалашда ЭҲМ дан фойдаланиши илк бор 1970 йилларга тўғри келиб, қўл мәхнатини камайтириб иш унумини оширишга хизмат қилди. Бу йўналиш бўйича АҚШ ва Украина олимларининг излашилари эътиборга сазовордир.

Бу кунга келиб эса, замонавий компьютер пульгини бошқарған ҳолда ижодкор-конструктор ҳисоблаш ишларини одилона бажариб йўлнинг тегишли бўлакларини тўғридан-тўғри, қаршисидаги экранда кўп мәхнат сарфламай керакли қиёфа ва кесимларда кўриш имкони яратилди. Бундай улкан ютуқ соддалаштирилиб автоматлаштирилган лойиҳалаш, ёки қисқача АЛ номини олди.

АЛ тизимлари лойиҳаловчи мұхандисга йўл ва уни ташкил қилувчи иншоотларнинг моделларини яратишда, уларни турлича ҳолатларда режалаштириш ва бўлакларга ажратиш, бўлакларни эса катталаштириш ва кичиклаштириш, бўлакларнинг ўзаро ўхшашикларини аниқлаш кабиларни мавжуд шароитларда текшириб кўриш ва маъқулини танлаб олишга имконият яратди. Курилаётган сунъий иншоотларни лойиҳалашда эса, уларга транспорт томонидан таъсир этувчи кучлар, кучли бўрон ва ён атрофидаги гидрогеологик таъсирни ҳам ЭҲМ экранида синаб кўриш имкониятига эга.

ЭҲМ бошқа йўналишларни қулайликлар яратилиши каби йўлларни лойиҳалашда ҳам улкан афзалликларга эга экан, буни биринчи галда, АЛ тизимларини мукаммаллаштириш оқибати деб қарамоқ лозим.

Киев автомобиль йўллари олийгоҳида (проф. Я. В. Хомяк раҳбарлигига) таянч нуқталар услубида автомобиль йўлларини автоматлаштириб лойиҳалаш йўлга қўйилмоқда. ЭҲМ ёрдамида ернинг бўйлама қиёфасига йўлнинг йўна-

лиш ўқи бўйича лойиҳа кўримлари туширилади. ЭҲМ да ҳисоблаш учун йўл қиёфасининг таянч нуқталари, ер юзасининг координатлари (тупроқ ишининг ҳажмини аниқлаш учун), йўл қобигининг ўлчамлари белгиланади. Масалан, ПК ва улар орасидаги нуқталаргача бўлган масофа, тупроқ ишининг ҳажми, зарурий лойиҳа нуқталари, қияликнинг бир хил сатҳ чизиқларининг туташиши ва бошқалар ташкил қиласди.

Таянч нуқталар усули билан йўлнинг бўйлами қиёфасини лойиҳалаш қуйидагича бажарилади. Лекало ва чизғич ёрдамида таққослаш учун йўлнинг кўндаланг қиёфалари чизилади. Шу туширилган лойиҳа чизиқларida таянч нуқталарининг координатлари аниқланади. Уларга кўндаланг эгриликнинг юқори нуқтаси киради. Агар эгриликнинг юқори нуқтаси лойиҳа чизигидан ташқарида ётса, у ҳолда ўша нуқтанинг координатлари албатта ёзиб олинади. Бошқа чизиқларни ва уларнинг координатларини топишни алгоритм аниқлайди. Ҳисоблаш вақтида, тартибли равишда ёнма-ён ётган бўлаклар туташтириб борилади. Масалан, биринчини иккинчиси билан, иккинчини учинчиси билан ва шунинг каби охиригача давом эттирилади.

Лойиҳа чизигини туташтиришнинг тўртта тури мавжуд: доимий қияликнинг қисми ва тик эгри чизиқ (63-а расм); тик эгри чизиқ ва доимий қияликнинг бўлаги (63-б расм); қўшилувчи тик эгри чизиқлар (63-в расм); доимий қияликнинг қўшилувчи икки бўлаги (63-д расм).

Ҳар бир туташмани ҳал этиш учун учта қиймат аниқланади: x , i , H_0 .


Биринчи турдаги туташмада

$$i = \sqrt{l \frac{2}{2} + 2R_2 / H_0 - H_2}; \quad (1)$$

$$x = \frac{i_l + \sqrt{i_l^2 + 2R_2 / H_0 - H_2}}{R_2}; \quad (2)$$


$$H_0 = H_0 + i \cdot x \quad (3)$$

Иккинчи турдаги туташмада



ШАРЛАН БЕЛГИЛДІР:

δ – ТАРЫМАК НҰХТАЛАР
θ – БИЛАКСЫЗЛЫК ТҮГЭШГЕҢ
ЖОЙН



63-расм. Лойда чызкын бүлактарининг тұташын холаллары

$$i = \frac{(l_2 - l_1) \sqrt{(l_2 - l_1)^2 + 2(H_2 - H_1)R_1}}{R_1}, \quad (4)$$

$$x = l_2 - \sqrt{(l_2 - l_1)^2 + 2(H_2 - H_1)R_1}, \quad (5)$$

$$H_0^1 = H_0 + \frac{x(2l_1 - x)}{2R_1}. \quad (6)$$

Учинчи турдаги туташмада

$$i = \frac{l_2 - l_1}{R_2 - R_1}; \quad (7)$$

$$x = \frac{R_2 l_1 - R_1 l_2}{R_2 - R_1}; \quad (8)$$

$$H_0^1 = H_0 + \frac{x(2l_1 - x)}{2R_2}. \quad (9)$$

Тұртінчи турдаги туташмада

$$i = \frac{H_1 - H_0}{l_1}; x = l; H_0' = H_1 \quad (10)$$

Бұлакдаги оралиқ нүкталар учун лойиҳа белгилари қындағычы топилади:

Доимий қиялик бұлаги учун

$$H = H_0 + ix'; \quad (11)$$

бу ерда X — бұлакнинг бошланиш жойидан күрилаётган масофа, тик әгрилиқда


$$H = H_0 + \frac{x'(2l - x)}{2R}. \quad (12)$$

Ишчи белгини ифодаловчы h_u ни топиш:

$$h_u = H - H_K, \quad (13)$$

бу ерда H_K — күрилаётган ернинг белгиси.

(1) — (13) ечимларда қуйидеги шартлы белгилар қабул қилинган: H_0 — бұлакнинг бошланиш жойидеги лойиҳа белгиси; x — бириңчи бұлакнинг бошланишидан туташын нүктасигача бұлган масофа; i — туташын жойидеги қиялик; l_1 ва l_2 — бириңчи бұлак бошидан бириңчи ва иккінчи таянч нүкталаригача бұлган масофа; H_1 ва H_2 — бириңчи ва



64-расм. Күттарма ҳолатидаги тупроқ қобигининг күндаланг қиёфали күримлари

иккинчи нүқталарнинг лойиҳа белгилари; R_1 ва R_2 — биринчи ва иккинчи бўлакларнинг радиуслари.

Ушбу усулдаги ечим режасига бўйлама тарзининг маълум нүқталаридаги кўндаланг кесим қиёфалари учун тупроқ ишининг ҳажмларини ҳисоблаш ҳам кирган: текис — синмаган ҳолдаги кўтарма ($64-a, b$ расм); бир ёки икки марта синган кўтарма ($64-e, g, d, e$ расм)ли ҳолатлар учун.

Замин ҳажми қўйидагича ҳисобланади:

$$Q = F \cdot l, \quad (14)$$

бу ерда Q — изланаётган ҳажм, m^3 ; l — икки аралаш кесимлар орасидаги масофа; F — тупроқ қобиғининг кўндаланг кесимидағи ўртача юза. У ушбу ифода орқали топилади: $h = h_{n1} + h_{n2}/2$, бу ерда h_{n1} ва h_{n2} — аралаш ишчи белгилари.

9. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ ТЎШАМАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИ ВА УЛАРИИ ЛОЙИХАЛАШ ШАРТЛАРИ

Автомобилларнинг оғирлиги унинг филдираги орқали йўлга ўтади. Оғирлик таъсирида филдиракда бироз ҳолат ўзгариши намоён бўлиб, асосан йўлнинг юза қисмидаги ҳолатни ўзгартиради, яъни $\Omega \text{ см}^2$ ўлчамидағи юза (из) ҳосил қиласди. Бу юза орқали Q кг таъсир қопламага ўтиб, $P = Q/\Omega \text{ МПа}(\text{кг}/\text{см}^2)$ сиқилишдаги кучланишни намоён қиласди. Филдиракнинг қаттиқлиги муносабати билан изнинг юзаси ва ўқи бўйича босим бир хилда бўла олмайди. Шунинг учун ҳисоблашда кучланишнинг ноқулай ҳолати $P_{n,x}$ қўйидагича топилади:

$$P_{n,x} = 1,1 P, \text{ МПа.} \quad (1)$$

Ҳисобни енгиллатиш учун филдирак изининг юза майдонини айланага мос деб қабул қилиб, унинг диаметри қўйидаги тенглик орқали топилади:

$$D = 1,08 \sqrt{\frac{Q}{P}}, \text{ см} \quad (2)$$


бу ерда Q — филдиракка таъсир қилувчи куч, кг. Бу куч машина ўқига тушаётган кучнинг ярмига тенг бўлади. Туша масиз йўлдан ўтаётган машина филдираклари тупроқни зич-

лаб, уни қисман чүкүр изли ҳолат ўзгаришига олиб келади. Оқибатда, ҳаракатта қаршилик ортaborади, йўл юзасининг текислиги бузилади, машиналар тезлиги эса камаяди. Керакли тезликни таъминлай оладиган ҳаракат қулаийликларини яратиш ва ҳаракат қаршилигини камайтириш учун йўлнинг ҳаракат қатновини таъминловчи қисми мустаҳкам, ҳаракатдаги фиддирак таъсиридан ҳолатини кам ўзгартирувчи тўшама билан қопланади.

Маълумки, ишлатиладиган тўшама материаллар ёпишқоқлик, эгилувчанлик ва пластиклик хусусиятларига эга бўлади. Айниқса, тўшама қатламларининг меъёрида ишлашига жуда катта таъсир қилувчи тўшама остидаги қобиқ тупроғининг ҳолати ўта ўзгарувчан бўлади. Йўлнинг тўшамасига уни бузиб юбормайдиган даражадаги куч таъсир қилганида тўшамада эгилишлар ҳосил бўлади. Тўшаманинг P куч таъсиридаги эгилишидаги (λ) эгрилик боғланишлари 65-расмда келтирилган. Эгриликда учта майдон белгиланади: нольдан P гача оралиқдаги ҳолат ўзгариши деярли куч таъсирига мутаносиб бўлиб, A нуқтасидан B нуқтасигача бўлган деярли тўғри чизиқ ҳолатидаги биринчи майдонни ҳосил қиласди. Куч таъсири P_1 дан P_2 гача ортиб борганда кучга нисбатан ҳолат ўзгариши тезлашади — материалда пластик ҳолат ўзгариши B нуқтасидан C гача бориб, иккинчи майдонни ҳосил қиласди.

Учинчи майдонда, C нуқтасидан сўнг ҳолат ўзгариши тубдан орта бориб, материалда силжишлар намоён бўлади ва қатлам тез бузилади. Агар таъсир кучини P_2 дан кам оралиқда олиб ташланса, ҳолат ўзгариши камая бориб, у $a-b$ эгрилиги бўйича намоён бўлади. Йўқолиб борувчи ҳолат ўзгариши λ_3 эгилувчанлик номини олади. Уларнинг миқдори кучланишга мутаносиб бўлади. Ҳолат ўзгаришидаги қолган қисм λ_0 навбатдаги кучлар таъсири ва уларнинг йўқолиши натижасида миқдори йифила бораверади. Айнан, шу λ_0 миқдор йифила бориб маълум чегараловчи даражага етганида тўшамада ёрилишлар пайдо бўлади ва у бузилади.

Умуман олганда, ҳолат ўзгаришлари эгилганлик ўлчами (ε) нинг фиддирак изининг диаметрига бўлган нисбати билан ифодаланади:



65-расм. Тупроқнинг P , МПа юк таъсири остида λ чўкишини ифодаловчи AC эгрилиги, ab чизиги юк олингандан сунгги эгилувчанликнинг тикланиши

$$\lambda = \frac{\epsilon}{D}. \quad (3)$$

Кучланиш миқдорининг у келтириб чиқарган нисбий ҳолат ўзгаришига муносабатини эгилувчанлик модули деб аталади:

$$E_s = \frac{P}{\lambda_s} = \frac{P \cdot D}{\epsilon_s}. \quad (4)$$

Кучланишнинг тўлиқ ҳолат ўзгариши (λ_{ty})га нисбатини ҳолат ўзгариш модули деб аталади:

$$E_{x,y} = \frac{P}{\lambda_{ty}} = \frac{P \cdot D}{\epsilon_s + \epsilon_{kol}}. \quad (5)$$

Эгилувчанлик модули доимий миқдорга эга ва материалнинг қаттиқлигини белгилайди. Ҳолат ўзгариш модули эса куч миқдорига боғлиқ бўлиб, у автомобиль фиддирагидан тушадиган босим P_2 миқдоридан юқори бўлмаган куч таъсирида аниқланади.

Йўл тўшамаларини таснифлаш. Табиат таъсиридан қатъ назар, тез, қулай ва хавфсиз автомобиль ҳаракатини таъминлаш учун йўлнинг қатнов қисмида йўл тўшамаси курилади. Йўл тўшамасида қуйидаги қатламлар фарқланади:

Қоплама — доимо мұхит таъсири остида булиб, тұғридан-тұғри автомобиль гидираги билан таъсирлашувчи юза ва тик күчларни қабул қилувчи юқори қатlam. Қопламанинг юқори қисми транспорт воситаларининг гидираклари таъсиридаги ишқаланишга чидамли, едирилмайдиган хоссага эга бир ёки икki қатlamдан ташкил топиши мүмкін.

Асос — автомобиль гидиракларидан тушаётган таъсир күчларни қопламада бироз сұндириб йүлнинг қобиғига үтказувчи тұшама қисмидір. Модомики, ҳаракат таъсиридан күч чукурлашған сары сұниб борар экан, шунга биноан асос қисм түрлича хоссаларға эга бұлған материаллардан ташкил тоғиб, икki ёки ундан ортиқ қатlamлардан тузилиши мүмкін. Асос остидаги қобиқ тупроғи намлық ортиши кузатиладі-ған жойларда асоснинг тағ қисмлари сувни үзида тұпламай, уни тез үтказиб юборувчи қатlamдан иборат булиши лозим.

Тұшама мустақамлигини таъминловчи асосий шартлардан бири күч таъсири остида пастки қатlamларнинг ҳолат үзгариши юқори қатlamнинг ҳолат үзгаришидан юқори бұлмаслиги лозим. Шунинг учун бу қатlamларнинг қалинligини топиш пайтида тұшама қатlamлари каби тупроқли қобиқнинг ҳам мустақамлик ва ҳолат үзгарувчанликларни ҳисобга олиш керак.

Тұшамаларни ташкил қилувчи материалларнинг хоссаларига күра улар уч турға бўлинади:

Бикир, бунда материал юқори эгилувчанликка эга бўлади. Бунга сеймон бетондан ташкил топиб, эгилувчан асосда жойлашған қаттиқ қатlam киради. Шу қатlamда, транспорт ҳаракати натижасида асосий күchlaniшлар ва эгилишдаги ҳолат үзгаришлар рўй беради;

Ярим бикир, бунда эзилиш вақтидаги күchlaniшдан ташқари, күч таъсири остида эгилишдан тортувчи күchlaniш ҳам намоён бўлади. Буни чақилган тош ва қумли шағалларни органик ва ноорганик боғловчи материаллар билан ишлов берилган юқори қатlamлар ташкил қиласи;

Нобикир, бунда йўл күч таъсиридаги эгилувчанликка қаршилик кўрсата олмайди, юқ таъсиридаги күчни пастки қатlamга асосан ички ишқаланиш билан үтказади.

Тұшамаларнинг ҳисобий муддатгача ишлай олишида сув-ҳарорат ҳам катта таъсир кўрсатади.

Автомобиль йўллари тўшамаси тузилишини сув-ҳарорат тартибини инобатга олиб лойиҳалаш

Кўп қатламли йўл тўшамасида ҳар бир қатлам маълум даражадаги хизмат шароитлари (юк таъсири, сув-ҳарорат тартиби) ҳолатида бўлади. Бу билан қатламларнинг ишлай олиш қобилияти кўрсаткичлари аниқданади. Бу кўрсаткичнинг ўсиб бориши қатламда пластик-ёпишқоқлик ҳолат ўзгаришини, йўл қопламаларида эса қолдиқли ҳолат ўзгаришини (нотекисликларни) келтириб чиқаради.

Маълумки, йўлнинг кесими бўйича чукурлашган сари қатлам мустаҳкамлиги камая боради. Шунинг учун тўшаманинг пастки қатламларига маҳаллий, мустаҳкам бўлмаган материаллар (тупроқ, чақилган тош-тупроқ аралашмаси, қум ва бошқалар) қўлланилади. Унча мустаҳкам бўлмаган материаллар кўпчилик ҳолда, сув таъсирига чидамсиз бўлиб, йил давомида ўзининг физик-механик хоссаларини ўзgartириб туради. Бундай ҳолатда айrim қатламларнинг ишлай олиш қобилияти ўрганилаётганда, умман кўп қатламли тўшаманинг қисмлари каби фақат механик куч таъсиринингина эмас, балки сув-ҳарорат тартиби таъсирини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Шунинг учун сув-ҳарорат тартибини режага солувчи муҳандислик ечимига эга йўл тўшамаси қатламлари лойиҳалашдаги асосий тадбир-чоралардан биридир. Кўп қатламли йўл тўшамасининг тузилишидаги сув-ҳарорат тартиби уларнинг буғ ўтказувчанлиги, нам ўтказувчанлиги, ҳарорат ўтказувчанлиги ва қатламларни тартиб бўйича жойлашувига боғлиқ.

Ёгингарчилик таъсирида сув ўтказмайдиган қопламали йўл тўшамаларидан сув-ҳарорат тартиби шартларига асосан зич ва кам ҳарорат ўтказувчи қатламларни тўшаманинг энг пастки қатламида жойлаштириш лозим. Қопламага яқин қилиб тўшаманинг юқори буғ ва ҳарорат ўтказувчан, яъни юқори механик мустаҳкамликка эга бўлган қатламини жойлаштириш лозим. Бу тўшамани лойиҳалаш талабига жавоб беради.

Қатламлар шундай тартибда жойлаштирилса, буғ ва ҳароратнинг ўзгариши тўшаманинг тупроқ билан яқин

юзасида, муҳит совуқ пайтида намликтининг жуда кам йиғилишига олиб келади. Йўл тўшамасида зич қатламни қобиқдан бошлаб жойлаштириш лозим. Буғ таъсирига тусиқ қатламни бундай қилиб жойлаштиришда сув буғи тўшама қатламларига оз миқдорда сингади ва эгилувчанилиги жуда оз даражада бўлади.


Буғ тўсқич қатлам тўшаманинг юқори қатламига жойлаштирилса, сув буғининг кўп қисми ўша қисмда чўкиб йигилаверади. Табиийки, бундай тўшаманинг сув-ҳарорат тартиби сезиларли даражада ёмонлашади. Тўшама қатламларининг мустаҳкамлигини таъминловчи намланишга қарши чоралар албатта муҳандислик ечими ва тежамли ҳисоб асосида олиб борилиши лозим.

Намланиш шартларига асосланган ҳолда йўл тўшамасининг учта моделини ажратиш мумкин (66-расм).

Қопламаси терма тошлардан курилиб, ёғин сувларини ўтказувчи ва асосининг таг қисми ғовак материалдан курилган тўшама А моделига тааллуқлидир. Бу ҳолда чегараланувчи таг қатлам сувни ўтказиш вазифасини бажаради. Тўшаманинг турғунлигини таъминлаш учун бу қатлам намланишга чидамли материалдан курилади.

Сув ўтказмайдиган қопламали (асфальтбетон, устига ишлов берилган сеймон бетон) ва чегараланувчи таг қатлами ғовак, сув ўтказувчан бўлса, Б моделига монанд бўлади. Бу турдаги йўлларда кенг миқёсда ғовак материаллар (кум, чақилган тош, шағал, қумли шағал, куюнди ва х. к.) ишлатилади.

Ер ости суви яқин жойлашган жойларда $h < Z$ ғовак (сув ўтказувчи) қатламлар ўзини оқлайди. Агар $h > Z$, яъни ЕОС чуқур жойлашган бўлса, у ҳолда бундай қатлам ўз вазифасини ўтай олмай, сув ҳаракати тартибини ёмонлаштиради. Шу муносабат билан ЕОС чуқур жойлашишидан сув ўтказмайдиган қопламали йўл тўшамаларида қумли ва шунга ўхшаш ғовакли қатламларни қуриш талабга мувофиқ бўлмайди. Ғовак чегараланувчи қатлам бу ўринда сув буғини тўпловчи тусиқ вазифасини ўтайди холос. Совуқ пайтида пастдан юқорига қараб буғининг салмоқли ҳаракати намоён бўлади. Сув буғи ғовакли қатламдан ўта туриб, унда чўкади, қишида эса музга айланади. Чегараланувчи қатлам ғоваклари юқори бўлиб, ҳаво совиб, қиши чўзилиб



66-расм. Йүл түшмасыннин сүн-хорораттын моделі: *(а)*—жокори ва остидан сув ўтказмайдыткан А моделі; *(б)*—остидан сув ўтказуучы Б моделі; *(в)*—сув ўтказуучы В моделі; *(г)*—чегаралануучы катлам; *(д)*—ёрги; *(е)*—пілмаланын төзөлини

кетса, шу даражада муз йиғилиши күп бўлади ва бу ҳол ба-
ҳор фаслида қобиқ тупроғини намлатиб юборади. Тушама-
нинг сув ўтказувчи қатламида юқори намлик сақланади.
Улар сувни қочириб, қобиқни қуритишга кўмаклашади.
Аммо тушамада сув сақлаш қобилиятига эга қатламнинг
бўлиши ҳаракат қатнови таъсиридан юқори кучланишда
бўладиган майдонда тушама турғунлигини пасайтирувчи
вазиятни вужудга келтиради.

Лойиҳалашдаги энг яхши тадбир, говакли сув ўтка-
зувчи қатламда сувнинг йиғилмайдиган ҳолидир. Шунинг
учун нам тўсқич пардани сув ўтказгич қатлами олдига
курган маъқул. Фақатгина иқтисодий нафлиги муайян
ҳолдагина бундай қатламни қопламага яқин жойлашти-
риш мумкин.

Сув ўтказувчан қопламали зичланган чегараланувчи
қатлами бўлган йўл тушамалари В моделига тааллуклидир.
Бу модел замонавий йўл тушамалари учун тавсия этилади.
Бундай қатламли тушамалар энг юқори турғунликка эга,
чунки қатламга юқоридан ва пастдан сув сингмайди.

Чегараланувчи қатламни зичланган материал (ишлов
берилган тупроқ) дан қуриш зарур. Бу тўсқич қатлами-
нинг қалинлиги эса ҳисоблаб топилади. Тушамада зичлан-
ган чегараловчи қатлам мавжудлиги ундан сувнинг паст-
дан юқорига қараб суюқ ҳолда силжишига йўл қўймайди.
Шунинг учун ЕОС чукур жойларда тушаманинг чегара-
ловчи қатламини битум, сеймон, оҳак, сульфат-спиртли
бўтқа ёки улар аралашмасига тупроқ қўшиб қуриш мум-
кин. Кумли асос қатлами ўрнига бундай қатламларни
қўллаш йўл тушамасининг сув-ҳарорат тартибини яхши-
лабгина қолмай, қурилиш иш жараёнини енгиллаштира-
ди ҳам. Тушаманинг кумли қатламидан юқорида жойлаш-
ган қатламни зичлаш анча қийинлик тугдиради, айрим
ҳолда мумкин бўлмас даражага олиб келса, ишлов берил-
ган тупроқ қатламида бу иш осон кўчади.


В моделидаги тушамани қуришда қоплама ва чегара-
ловчи қатлам оралиғидаги материаллар сув ўтказмайдиган
ўрамада жойлашгандек бўлади. Бу ҳол тушама қатламла-
рида сув таъсирига чидамли, совуққа чидамсиз ва унча
қаттиқ бўлмаган материалларни қўллашга имкон беради.

Совуққа чидамсиз материаллар юк таъсирида күпроқ үзгари, күпроқ намланади. Пастки қатламларнинг ишлай олиш қобилияти юқоридагиларга нисбатан кам. Йўл тұшамасида таъминланган бошланғич мустаҳкамлик қатламларнинг турлича бүг, сув, ҳарорат ўтказувчанниклари ва қатламларнинг турлича жойлашуvida қобиқ тупроғининг сув-ҳарорат тартиби ва унинг мустаҳкамлиги йўлдан фойдаланиш даврида тубдан үзгари. Бу ҳол йулнинг ҳамма қатламлари мустаҳкамлигига таъсир қилиб, намланиш кўрсаткичлари турлича бўлади (67-расм).

Чегараловчи қатлам қобиқ юзасидаги мустаҳкамликка, намлик чизиги қиёфасига таъсир ўтказади. ЕОС чуқур жойлашган ҳолларда чегараловчи қатлам (кум, шагал, чақилган тош, куйған тоғ жинслари кабилар) E_{∞} ни зичланган чегараловчи қатлам (битум қоришмали тупроқ, сеймон қоришмали тупроқ)ли йўл тұшамасига нисбатан 50–70% камайтиради.

Йўл тұшамасини лойиҳалашда қатламларни жойлаштиришда ғовакларнинг ортиб бориши юқоридан пастга қараб таъминланиши лозим. Бунда, иложисиз ҳолда чегараловчи қатлам ғовакли бўлади. Бу эса тұшамада сув ва мустаҳкамлик тартибини ёмонлаштиради. Бу тартибда лойиҳалаш замонавий тұшамалар учун эскириб, фақатгина сув ўтказувчан (терма йўнилган тошли, чақилган тошли, терма ясси тошли) қопламаларга хосдир. IV ва V майдон шароитларига қўйидагилар тавсия этилади.

Кўп қатламли йўл тұшамасининг устки қисми тез ҳарарат қила олиш қобилиятига эга сув буғининг жадал тарқалишини сўндирувчи қатлам билан ўралган бўлиши керак (67-расм, III). Бундай қатлам қалинлиги юқорида уқдирилган услубда ҳисобланади. Бу ҳолда тұшаманинг ўрта қисмини жуда мустаҳкам бўлмаган ва сув таъсирига кам чидамли йўл курилиш материалларидан қилиш мумкин. Энг юқори наф берадиган 4-қатламга маҳаллий соз тупроқ йўлни куриш пайтида меъёридаги намлигидан 10–20% кам ҳолатида ўта зичланса, энг юқори мустаҳкамликка эришилиб, йўлдан фойдаланиш жараёнида буг түсик қатламга эга бўлиб, намлик ортмайди. Сув-ҳарорат шароитини ҳисобга олиб қатламни бу тартибда ташкил қилиши



67-расм. Түрлің тұнама калтамлары намылттыннан (W) чукурлук бүйінде үзілгіш: 1—гөвакли калтам; 2—эң калтам; 3—бүгін кам үтказулаң калтам; 4—үралған калтам; 5—бүт түсік

тұшаманинг мустақамлигини ошириб, таннархини пасайтиради.


Сув-харорат шароитини ҳисобға олган ҳолда у ёки бу қатламларни одилона жойлаштиришда қатламнинг қалинлигини түғри аниқтай олиш ва катта кенгликда сув-харорат тартибини ($W=0,5-0,8$), мустақамлық тартибини ($E_s=17,5-80$ МПа) үзгартыруш мүмкін бўлади. Замонавий йўл қопламалари ёғин таъсирида ҳам сув ўтказмайдиган бўлиши керак.

Қопламаларнинг мунтазам равишда қизиши ва совущи, намланиши ва қуриши асосан мұхит таъсиридан бўлиб, унга қўлланилган материал таркибининг бузилишига ва жуда кичик ҳолатдаги ёриқларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ҳолатнинг тез-тез такрорланиб туриши материалларда турлича ҳарорат ва намлика эга эгилувчан пластик кучланишларни намоён қиласи.

Иштағалиш қисмини ҳамда ΔI , ΔW градиентларидағи юқори кўрсаткичларни топиб, улар орқали эса ҳолат үзгаришлар ва кучланишларни ҳисоблаш зарур. Агар $\epsilon < \epsilon_c$ бўлса, қопламанинг ёрилишга чидамлилик шарти бажарилади. Бу ерда ϵ нам ва ҳароратнинг үзгариши муносабати билан қопламанинг чўзилган жойидаги юқори нисбий үзгариши.

68-расмда сув-харорат тартибини ҳисобға олиб лойи-ҳаланган йўл тұшамасининг қатламлари кўрсатилган.


Тавсия этилган кўринишдаги ҳарорат тұсқич h_2 қатлами музлаш чуқурлигини камайтиришда, айни ҳолда бўртишга қарши чора керак бўлганида қўлланилади. Нам тұсқич h_1 қатламини ЕОС яқин жойлашганида тұшама остидан бир оз чуқурга ўрнатилади. Бундай қатламнинг мавжудлиги суюқ ҳолдаги сувнинг қобиқнинг фаол қисмига (h_0 , қатламидан юқорига) сингиб боришига йўл қўймайди. Бунда ортиқча сувни чиқарып юборишда маҳсус сувни йиғиб ўтказиб юборгичлар қуришга ҳожат қолмайди. Агар йўл қобиғи кўтарма ҳолатида кўрилса, нам тұсқич орқали тұшама қатламини куритиш услубини қўллаш керак. Тұшама йўлнинг ўйим жойидан ўтган бўлса, аксинча, сувни йиғиб ўтказиб юборгичлар тадбирини қуриш лозим. Ҳаракат қатновидан тушадиган тик йўналишли кучнинг асосий қисми h_0 , h_1 , h_2 қатламларга түғри келади. Модомики, намланиш пастдан



68-расм. Сув-ҳарорат тартибини ҳисобга олиб лойиҳаланган йўл тўшамасининг қатламлари: 1—музлаш чегараси; 2—тўйинган сув буғининг эгилувчанлик чизиги; $h_1 = W_m$ ҳолатида $K_j = 0,98 - 1,0$ гача зичланган тупроқ; h_1 —буф тўсқич қатлам; h_2 —ҳарорат тўсқич; h_3 —сув ва совуққа кам чидамли қатлам; $h_4 - h_5$ тўшама асосининг қатламлари ва қопламаси; h_r —сув тўсқич қатлам

таъсир қиласр экан, бу қатламларни сув-ҳарорат тартиби таъсирига ҳам ҳисоблаш зарур. h_0 қатлами пастдан таъсир қилувчи сув буғининг сингишини оз микдорда пасайтиради ва суюқ ҳолатда сингишини тўсади. Унинг қалинлигини 5-банддаги (29) формула орқали топиш мумкин.

Буф тўсқич h_1 қатлами сув буғини ҳароратли сингиб боришини бутунлай чегаралаб кўяди. Қобиқ тагидан намнинг h_3 қатламига (ҳарорат тўсқич бўлмаганида) таъсири бўлмагандан буф тўсқич қатлами ҳисобланади. h_1 қатлам қалинлиги 5-банддаги (36) ифода орқали топилади. h_3 қатламини музлашга кам чидамли ва унча мустаҳкам бўлмаган материалдан қуриш мумкин. Аммо қулайи, бу қатламни зичланган тупроқдан қуришдир. Тупроқни зичлашни



69-расм. Зичланган тупроқ қатлам қалинлигини унинг қурилиш вақтидаги намлиги ва қабул қилинаётган $E_{н.к.з.}$ га боблаб топиш учун номограмма (узлуксиз чизиклар — оғир соз тупроқлар ва чангли қум тупроқлар учун қирқимилари — оғир чангсимон соз тупроқлар ва ёпишқоқ тупроқлар учун).

$W_k < W_{н.к.з.}$ ва $K_3 > 1$ бўлганида бажариш лозим. Бу ерда W_k — зичланадиган месъёридан камроқ бўлган намлик.

Соз тупроқлар учун $W_k = 0,45 - 0,60 W_{н.к.з.}$, $K_3 = 1,0 - 1,05$. Бунда тўшама қатлами билан чегараланувчи тупроқли юзасининг зичлиги орта боради. Ҳолат ўзгариши ортиб 30—50, эгилувчанлик модули эса 70—130 МПа га етади.

Тупроқнинг $K_3 = 1,02$ зичланадиги қатлам қалинлигини 69-расмдаги нокулай ҳолатли тенглаштирилган эгилувчанлик модули $E_{н.к.з.}$ ни «қобик-буғ тўскич-зичланган тупроқ» ва зичланадиган тупроқнинг намлик кўрсаткичига боғланиши кўринишида аниқлаш мумкин. h_4 қатлами h_3 қатламини юқорида суюқ ва буғ ҳолатидаги намланишдан сақладайди. Шунинг учун бу қатлам h_2 қатлами сингари зичликка эга бўлиши керак.

Кейинги вақтда юқори тоифали йүлларнинг ҳаракат қисми мустаҳкамлигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тұшама ёнларидан 0,75—1,0 м кенгликда мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда. Тұшама четларидаги қопламалар тұшамадагидан ҳароратли қаршилиги билан фарқ қылса, йүлнинг күндаланғ кесими бүйича намликтиннинг силжишига ижобий таъсир қиласы. Бу эса тұшама минтақасидаги мустаҳкамликнинг бузилишига олиб келади.

Тұшаманинг ҳарорат таъсирига қаршилиги R орта бориши билан қатламдаги музлаш чуқурлиги сув буғининг ҳароратли тарқалиши асосида камая боради (68-расм). $R = R_1$, бұлганида йүлнинг қатнов қисми бир хилдаги ҳарорат қаршилигига эга бұлади. Бу ҳолда ҳарорат ва намликтиннинг йүлнинг күндаланғ йұналиш бүйича ҳаракати деярли нағоюн бұлмайды.

Тұшаманинг ҳарорат қаршилиги ён томонидаги қотирилган минтақа ҳарорат қаршилигидан катта бұлади. Бу тұшама қатламларининг ҳароратни кам үтказишини, тұшаманинг қалинлиғи эса ён минтақаси қалинлигидан катта эканлигини күрсатади. Бундай шакл ҳозирги вақтда оддий ҳол ҳисобланади, чунки тұшама ён минтақаси қалинлиғи одатта 10—15 см дан ошмайды.

Йүлнинг бир жойининг үзіда, бир хил чуқурлигіда паст ҳарорат асосан музлаш тезлигі ва чуқурлигі ён минтақа тұшама қисмінде қараганда күпроқ бұлади. Ҳарорат ҳаракати ва намлык йүл ўқи бүйлаб йұналған бұлади. Бундай шароитда лойиҳаланған йүл қатламларыда сув-ҳарорат тартиби яхшиланади.

Тұшаманинг ҳарорат қаршилиги қотирилган ён минтақаның нисбатан кам бұлади. Тұшама остидаги қобиқнинг музлаш чуқурлигі қотирилган ён минтақадагидан күп бұлади. Бунда ҳарорат ва намлык йұналиши ён минтақадан йүл томон бұлади. Бу тұшама қатламларидаги сув тартибини ва тұшаманинг мустаҳкамлик ҳолатини ёмонлаштиради.

Хозирғи вақтда тұшама қалинлиғи ён минтақа қалинлигидан оптикалық бұлиши расмий ҳол. $R_1 > R_2$ шартини бажарайш учун қуйидаги шартлы ечимни сақлаш лозим:

$$\frac{h}{\lambda} + \frac{H-h}{\lambda} < \sum \frac{h_i}{\lambda_i}, \quad (6)$$

бу ерда λ — тұшама ён мінтақасыннан қотирилған қисмидегі ҳарорат үтказувчанлик коэффициенті; λ_t — қотирилған ён мінтақа остидаги тұпроқнан ҳарорат үтказувчанлик коэффициенті; h — маълум қалыптастырылған тұшама қатламларыннан нам үтказувчанлик коэффициенті.

Бу ечим орқали тұшама ён мінтақасындағы қотирилған қатламни лойиҳалашда материал танлаш мүмкін.

10. ЙҮЛ ТҰШАМАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ИҚТІСОДИЙ МУҲАНДИСЛИК ҲИСОБЛАРИ

Йүл тұшамаларини лойиҳалашда мөйөрли усулни синчиклаб иқтисодий-муҳандислик асослаш оғир масалалардан ҳисобланади. Тұшаманың ҳисоблаб топилған лойиҳа нархини 1% га камайтиришнинг ўзи ҳар 100 км йүлда уннан қийматининг 20—70% миқдорида тежалишига сабаб булади.

Йүл тұшамасынни замонавий усулда лойиҳалашда арzon нархга тушадиган иқтисодий усул қабул қилинади. Аммо, бундай ечим күпинча ўзини оқтай олмайди.

Йүл тұшамаларини иқтисодий-муҳандислик ёндашиш йүли билан лойиҳалашда уч погонали ҳисоблаш тавсия этилади: талаб қилинганды мустаҳкамлықни иқтисодий-муҳандислик ечимида асослаш; тұшама қатламларини иқтисодий-муҳандислик ечими арzon нархли ҳолатини асослаш; тұшаманың сув-ҳарорат тартибини аҳамиятли бошқариш ҳисобига таннархини арzonлаштириш.

Йүл тұшамасыннан талаб қилинганды мустаҳкамлыгини иқтисодий-муҳандислик ечимида асослаш

Талаб қилинганды мустаҳкамлықни иқтисодий-муҳандислик ечимида ҳисоблаб белгилаш керак. Бунда тұшаманы ташкил қилувчи қатламларини асосий күрсаткыч деб ҳисоблаш лозим.

Тұшама қатламлари алмаштирилса, уннан мустаҳкамлыги ва қаржатлары ҳам үзгәради. Халқ хужалиғи учун энгюқори иқтисодий самараға ишлаш мүддати давомида сарф-қаржатлар оз сарфланған мустаҳкам тұшама орқалигина еришилади.

Сарфланган харажатлар (X_k) қуйидагиша топилади:

$$X_k = \frac{\sum K + \sum \mathcal{E}}{T_m}, \quad (1.10.1)$$

бу ерда $\sum K$ — автомобиль йүлини қуришдаги ва юк ташишни ташкил қилишдаги автомобиль транспорти учун жами капитал харажат улуши; $\sum \mathcal{E} - T_m$ йил давомидаги ҳисоб муддатини үтайдиган йүл түшамасидан фойдаланиш, юк ва йоловчилар ташишдаги жами харажатлар. Жами капитал харажат улуши қуйидагиша топилади:

$$\sum K = \sum_{t=1}^{T_m} K_a + \sum_{t=1}^{T_m} K_r + \sum_{t=1}^{T_m} K_s, \quad (2)$$

бу ерда $\sum_{t=1}^{T_m} K_a$ — T_m йил давомидаги йүл қаршилигига сарфланган жами капитал сарф-харажат улуши, сүм; $\sum_{t=1}^{T_m} K_r$ — T_m йил давомида юк ва йоловчиларни ташишни уюштириш учун автомобиль транспортига сарфланган жами капитал сарф-харажат улуши; $\sum_{t=1}^{T_m} K_s$ — T_m йилда аралаш тармоқтарга сарфланган жами капитал сарф-харажат улуши, сүм.

Жами капитал сарф-харажат улуши лойиҳа нархи бўйича ёки қурилиш учун йириклиштирилган нархдан ажратилади. Бунда йўлнинг ҳамма қисмлари учун сарфланаётган (қобиқ, тўшама, сунъий иншоотлар) харажатлар инобатга олиниши лозим. Йўл қурилишида асосий маблағ сарфи тупроқли қобиқ билан тўшама қисмига тўғри келиши туфайли биринчи погонада жами капитал сарф улушкини қуйидаги содда ифода орқали топиш мумкин:

$$\sum_{t=1}^{T_m} K_a = K(K_0 + K_k), \quad (3)$$

бу ерда K_0 — тўшаманинг лойиҳавий нархи, сүм; K_k — қопламанинг лойиҳавий нархи, сүм; K — йўлнинг тоифа-

сини белгиловчи коэффициент (III тоифали йўл учун 1,176 ва II тоифали йўл учун 1,159 га тенг).

Агар йўл бир неча йил давомида қурилса, капитал сарфи улуси қурилишнинг охирги йилига келтирилади. Уни қўйидагича топилади:

$$K_k = K_1 (1 + E_n)^{t_k - 1} + K_2 (1 + E_n)^{t_k - 2} + \dots + K_{m-1} (1 + E_n) + K_m, \quad (4)$$

бу ерда K_1, K_2, \dots, K_m — биринчи, иккинчи ва охирги йиллардаги қурилишдаги капитал сарфи улуси; t_k — қурилиш вақти, йил; E_n — капитал жамғариш улушининг иқтисодий нафини меъёровчи коэффициент, келтирилган кўрсаткичда унинг миқдори $E = 0,08$ га тенг.

Автомобиль транспорти билан юк ва йўловчилар ташиша ташкилий ишлар учун капитал сарф улуси K_t қўйидагича топилади:

$$K_t = \sum \frac{P(S_a + S_T)}{365\rho t_s Q Y} \left[\frac{Z}{V_i \beta} + I_6 \right], \text{ сўм} \quad (5)$$

бу ерда P — 1 йилда ташиладиган юк, т; S_a — битта автомобиль учун сарфланадиган капитал маблағ улуси, сўм; S_T — битта автомобиль учун транспорт сақланадиган жой қурилишига сарфланадиган капитал маблағ улуси, сўм; Z — ўртача юк ташиш масофаси, км; ρ — хўжаликдаги транспортлардан фойдаланиш коэффициенти; t_s — автомобилларнинг ишлаш вақти, соат; Q — автомобилнинг юк кўтариш қобилияти, т; Y — транспортнинг юк кўтара олиш кучидан фойдаланиш коэффициенти; V — автомобилнинг ўртача тезлиги, км/соат; β — юриб ўтилган масофадан фойдаланиш коэффициенти; I_6 — юклаш ва тушишдаги бекорчи вақт, соат.

K_t кўрсаткич автомобилнинг ўртача тезлиги V га узвий боғлиқ, чунки бутун керак бўладиган транспорт миқдори айнан шу кўрсаткичга боғлиқ. V миқдори эса кўп сабабларга: йўлнинг режадаги ва бўйлама қиёфаларига, автомобилнинг созлик ҳолатига, тушаманинг мустаҳкамлигига, қопламанинг ҳолати кабиларга боғлиқ.

Харьков ва Тошкент автомобиль йўллар институти томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ҳаракат тезлигига сезиларли таъсир кўрсатувчи тўшаманинг мустаҳкамлиги ва қопламанинг текислиги ўртасида узвий боғланиш мавжудлиги аниқланди.

Автомобилларнинг рухсат этилган тезлиги билан тўшаманинг мустаҳкамлиги ва текислигини ифодаловчи эгилувчанлик модули эквиваленти (E , МПа) ўртасидаги боғланиш қўйидагича бўлади:

$$V = (A + BE_s), \text{ км/соат}, \quad (6)$$

бу ерда A ва B — ўзгармас миқдорлар. I ва II даражали ер тузилиши шароитидаги юқори тоифали йўллар учун $A=16,7$; $B=0,0166$.

Ташкил қилувчилардан учинчиси ΣK аралаш тармоқларга сарфланган жамғарма улуши ҳисобланади. Булар юқ сақлаш жойлари курилишларига сарфланадиган харажатларни инобатга олади. Бунинг таъсири унча катта эмас. Бу харажатни тўла-тўқис ҳисоблаш қийин бўлиб, биринчи поғонада инобатга олинмаса ҳам бўлади.

Фойдаланишдаги жами харажатлар йўлдаги $\Sigma \mathcal{E}_t$ ва транспортдаги $\Sigma \mathcal{E}_s$ ташкил қилувчилардан иборат:

$$\Sigma \mathcal{E} = \Sigma \mathcal{E}_s + \Sigma \mathcal{E}_t \quad (7)$$

Йўлдаги ташкил қилувчилар уни сақлаш ва таъмирашни инобатга олади. Ўрта Осиё автомобиль йўлларининг 1 км ни сақлаш ва таъмирашдаги ўртача йиллик харажатлар 44-жадвалда келтирилган. (Бунда миқдорлар мисол тариқасида (1990 йил) берилган, шу боис куриладиган йилга тегишли мувофиқлаштирувчи коэффициентлар қўллаш лозим.)

44-жадвал.

Коплама тури	1 км йўлни сақлаш ва таъмираш учун ўртача 1 йиллик харажатлар, минг сўм		
	Давлатлараро йўллар	Республика аҳамиятидаги йўллар	Вилоят аҳамиятидаги йўллар
Асфальт бетонли Битум билан ишлов берилган Кум-шагалли (тош)	1,94	1,24	0,97
	2,35	1,56	1,18
	1,47	1,37	1,13

Транспортдаги ташкил қилувчилар $\Sigma \mathcal{E}_t$ автотранспортга тааллукли ташкилотларнинг юк ташишдаги харажатларини инобатга олади. Уни ҳар хил ечим усулида топиш мумкин.

Транспортдаги ташкил қилувчиларни 1 км йўл учун қўйидагича топиш мумкин:

$$\mathcal{E}_t = 365 \cdot N \cdot \beta \cdot \gamma \cdot q_k \cdot Z \cdot 10^{-5} \cdot a, \text{ сўм},$$

бу ерда N — бир кунда ўтган юк ташиш транспорт воситасининг миқдори; β — ишлаш қобилиятидан фойдаланишни ифодаловчи коэффициент; q_k — шу транспорт воситаларининг ўртача юк кўтара олиш қобилияти, т; γ — юк кўтара олишдан фойдаланишни ифодаловчи коэффициент; a — 1 км қоплама устидан 1 т юкни ўtkазиш учун автотранспорт ташкилотининг ўртача харажати, тийин; Z — ташиш масо-фаси, км. Бу ечимдаги β, γ, q_k миқдорларини эса республикадаги автотранспорт бўйича келгуси ўсишни ҳисобга олган ҳолда ўтган йилги ахборотларга асосланниб режалаштириладиган ҳужжатлардан олинади. Ўзбекистон учун бу кўрсаткичларнинг ўртача миқдори қўйидагиларга тенг: $\beta = 0,54$; $\gamma = 0,94$; $q_k = 3,1$. Бир тонна юк ташиш учун автомобиль транспортидаги харажатларни унга тааллукли автотранспорт ҳужаликларидан олиш лозим. Ўрта Осиё Республикалари учун 1 т. юкни ташишдаги a нинг автотранспорт ҳўжаликлари бўйича ўртача миқдори 45-жадвалда келтирилган.

45-жадвал

Қоплама тури	α , тийин	Қоплама тури	α , тийин
Сеймон бетоили Асфальт бетонли Битум билан ишлов берилган тош йўл	4,2 4,4 4,6	Кум-шағалли тошли Холати яхшиланган тупроқли	5,4 5,6

Йўлдан фойдаланишдаги харажатларни ҳисоблашда, унданаги йиллик ўсиб бораётган юк миқдорини ҳисобга олиш зарур. Одатда йўлни босқичма-босқич лойиҳалаш жараёнида юк ташишнинг мавжуд ва келгусидаги ўсиб боришини аниқ инобатга олиш ўта қийин. Шунинг учун юк ташишни тўғри чизиқли ўсиб бориши бўйича ёки қийин ечимили усул билан қабул қилинади. Биринчи ҳолда N_n — t йилдан

сүнг йўлни фойдаланишга топширгандаги юк ташиш миқдори бўлиб, куйидаги ечим бўйича топилади:

$$N_n = N_0(1+n),$$

бу ерда N_0 — йўлни фойдаланишга топшириш пайтидаги ундаги юк ташиш миқдори, n ; n — йил давомида юк ташишининг ўсиб бориши, юздан бир қийматда. Иккинчи ҳолатда эса куйидагича топилади:

$$N_n = N_0(1+n)^t.$$


Транспортни ташкил қилувчилар ҳисоби автомобиль саройидаги юк ташишга мўлжалланган воситалар ёрдамида ташиладиган юк миқдори орқали аниқланади.

Фойдаланишдаги харажатлар \mathcal{E} (7) ифода орқали топилади ва у биринчийилда йўлдан фойдаланишдаги кўрсаткич ҳолига келтирилади:

$$\sum_{t=1}^{T_c} \mathcal{E}_t = \sum_{t=1}^{T_c} \frac{\mathcal{E}_t}{(1+E_n)^t} = \mathcal{E}_0 + \frac{\mathcal{E}_1}{1+E_n} + \frac{\mathcal{E}_2}{(1+E_n)^2} + \dots + \frac{\mathcal{E}_{T_c}}{(1+E_n)^{T_c}}, \quad (8)$$

бу ерда \mathcal{E}_t — йўлни фойдаланишга топширгандан сўнг t йил ўтгандан кейин ундан фойдаланишга кетган харажатлар, сўм; E_n — тармоқлар учун қабул қилинган иқтисодий нафни меъёровчи коэффициент ($0,12—0,15$).

Юқоридаги ҳисобларни бажариш натижасида (1) ифода бўйича келтирилган харажат X_k нинг йўл тўшамасининг E эквиваленти эгилувчанлик модулига боғлиқ чизмасини чизиш мумкин (70-расм). Бу чизманинг ётиқ қисмидаги ўқида ҳар хил тоифали йўл тўшамалари учун энг кам рухсат этилган эгилувчанлик модуллари миқдори топилади. 70-расмда $E_{03}I$, $E_{03}II$, $E_{03}III$ тартибли равишда I, II, III тоифали йўллар учун эквивалентли эгилувчанлик модулларининг энг оз миқдорига мос кўрсаткичи келтирилган. Эквивалентли эгилувчанлик модул миқдорининг ҳар бирига маълум даражадаги келтирилган харажат мос келади. Олинган X_k миқдорларини текис йўналган эгри чизик билан бирлаштирилса, иқтисод бўйича тежамли куриш учун $X_k = f(E)$ боғланиш графигига эришиш мумкин. Бунда 70-расмда келтирилганидек, 1, 2, 3 сонлари билан белгиланган учта вазият бўлиши мумкин. Биринчи вазиятда



70-расм. Табб қылланган модулни мұнайыншык-иктисолий асаслаш шақы (бірнеші нағылдағы үсіблар): 1,2,3 — көлти-риятан харәжаттарин тұзама катализаторинң экспланенттері Е_з-тағы болғаның үтаришиданнан мұнкин бүлған түрләр

$X_k = f(E_k)$ энгоз миқдорга эга бўлади. (1-эгрилик). Бу кам миқдорга мос E_{01} эгилувчанлик модули эквиваленти оз миқдордаги келтирилган харажатлар $X_{k,03}$ ни таъминлайди.

Йўлнинг тўшамаси E_{01} модули миқдорига тўшаманинг эквиваленти эгилувчанлик модулини кўпайтириш келтирилган харажатни камайтиришга олиб келади (2-эгрилик). Бундай вазият, ҳаракат қатновида оғир юкка мўлжалланган транспортнинг кўп бўлган ҳолига тўғри келади. Бу ҳол кейинги юқори даражали йўлнинг эквиваленти модулининг паст кўрсаткичини (II даражали йўл учун E_{03}) ёки юқори мустаҳкамликнитаъминловчи тўшамани қуриш учун ажратиладиган маблағ билан таъминлашни талаб қиласди. Учинчи ҳолатда эса, эквивалентли модулнинг ортиб бориш билағ (3-эгрилик) келтирилган харажатлар ҳам ўсиб боради. Қурилаётган тоифадаги йўл учун рухсат этилган модулнинг озини қабул қилиш лозим (70-расмдаги II тоифали йўл учун $E_{03,II}$).

Тўшаманинг эгилувчанлик модулининг ушбу усуlda тоилиши тўшаманинг кам миқдорли иқтисодий самарасини таъминлайди. Таққосланувчи бошқа тўшамалар ҳам мана шу эквивалентли эгилувчанлик модулига ҳисобланиши лозим.

Тўшаманинг лойиҳавий энг кам нархини иқтисодий-муҳандислик бўйича асослаш

Тўшаманинг тенг мустаҳкамлика эга бўлган бир нечта турлари лойиҳаланади ва улар ўзаро иқтисодий-муҳандислик бўйича таққосланади. Ҳамма турлар бир хилдаги мустаҳкамлика эга бўлгани сабабли, яъни уларнинг ишлаш муддати ва улардан фойдаланишдаги кўрсаткичлари бир хилда бўлганлиги муносабати билан ҳисоблаш ишлари енгиллашади.

Сув-ҳарорат тартибини бошқариш ҳисобига таннархни камайтиришдаги иқтисодий ҳисоблар

Йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги кўп ҳолда, айниқса, йил давомидаги фаслий намлик ўзгаришига боғлиқ қонуниятга асоссан йўл заминининг мустаҳкамлигига боғ-

лиқ. Замин тупроғининг намлик ва мустаҳкамлиги фақатгина йилнинг фаслларидағина ўзгариб қолмай; узоқ муддат орасидаги даврда ҳам ўзгариб, маълум бир вақтда нокулай ҳолатда бўлади. Айнан, ана шу ҳолатга боғлиқ рашишда йўл тушамаси қалинлиги ҳисобланади. Тушама қалинлиги N йил мобайнидаги тупроқли асос боғлиқ бўлган ϕ , C , $E_{n,x}$ кўрсаткичлар миқдорига кўра ҳисоблаб топилади.


Тупроқнинг нокулай ҳолатини танлашда $T_{n,x}$ оралиғидаги кунлар N йил даври ичидаги мавжуд бўлган нокулай n -йилдаги баҳорги ёки кузги тупроқнинг нокулай намлиги $W_{n,x}$ ва модули $E_{n,x}$ ҳисобланади. Назарий ишончли қонуниятга асосланган қобиқ тупроғининг нокулай ҳолатини ифодаловчи бундай услугуб N йил ичидаги 1 маротаба намоён бўладиган $E_{n,x}$ ва $W_{n,x}$ ни таъминлайди. Ҳозир, кўпчилик давлатларда ушбу услугуб билан йўл замини тупроғининг намлиги ва мустаҳкамлиги нокулай ҳолатли кўрсаткичлари асосланмоқда.

Аммо бундай услугуб билан тупроқнинг нокулай ҳолати бўйича тушама қалинлигини ҳисоблаш, айниқса, ёз ва қиш даврларида мустаҳкамлигининг ортиб кетишига сабаб бўлади. 365 кунлик йил даврида $T_{n,x}$ ли кун қобиқ тупроғининг мустаҳкамлик $E_{n,x}$ миқдори юқори бўлади, бундан келиб чиқадики, йўл тушамаси талаб қилинган $E_{t,k}$ миқдордан юқори кўрсаткичда бўлади. Замин тупроғининг нокулай кўрсаткичи тушаманинг хизмат қилиш муддатидаги N йил ичидаги 1 маротаба содир бўлади. Бундай ҳолда юқори кўрсаткичли мустаҳкамликнинг умумий давом этиши $(365 - T_p) \times (N - 1)$ кунга тенг.

Олиб борилган ҳисоблар йўл тушамасини мавжуд услугуб билан лойиҳалаш иқтисодий асосланганлигини кўрсатади.

Йўл тушамасининг ҳолатини яхшилаш ва унинг мустаҳкамлигидан одилона фойдалана олиш учун унинг тупроқли асосининг намлиги $W_{n,x}$ вақт оралиғидаги $T_{n,x}$ ва унинг мавсум мобайнинда тенглигини таъминлаб турувчи сув-ҳарорат тартибини бошқариш лозим.

Тупроқнинг мустаҳкамлиги ва намлиги орасида маълум боғланиш мавжуд. Турлича иш жараёнлари ва конструктив тадбирларни қўллаб, замин тупроғи намланишини



71-расм. Сүв-харорат гартибини и набатта олиб мөрдлэти тушама қатламиини асослаш шакли (учитчи погона хисоби)

камайтириш ҳисобига түшама қалинлигини камайтириш ва нархини арzonлаштириш мүмкін.

Сув-ҳарорат тартибини бошқариш ҳисобига қобиқ тупроғининг мавсумий намлигини W (айниңса, күрилаётган туман учун белгиланган $W_{\text{н.х}}$ дан кам бўлган намлигини таъминлаш имконияти яратилади. $W_{\text{н.х}}$ нинг миқдори қанчалик кам олинса, қабул қилинаётган қатлам ечимлари ва унга хос иш жараёнлари асосли ва ишончли лойиҳаланиб, қурилишнинг таннархи C_2 ҳам қимматлаша боради (71-расм).

Сув-ҳарорат тартибини яхшилай бориб ва W ни камайтира бориб $E_{\text{н.х}}$ ҳолатидаги тупроқли асоснинг модулини ошириш ва түшамасининг қалинлиги H ни камайтириш мүмкін. Бунда қурилишга ажратилган лойиҳа харажатлари нархи C_1 камая боради (46-жадвал).

Талаб қилинадиган биргина түшама модули $E_{\text{н.х}}$ га сув-ҳарорат тартибини бошқара туриб турлича тупроқ асоснинг модули E ни ва шунга асосан тенг мустаҳкамликдаги ва турлича H қалинликдаги йўл түшамаларини танлаш мүмкін.

Йўл түшамаси қатламларининг умумий лойиҳа нархи C түшаманинг H қатламли лойиҳа нархи C_1 ва тупроқли заминда сув-ҳарорат тартибини бошқариб қуришдаги C_2 харажатлардан ташкил топади.

Тупроқнинг маълум бир W_0 намлик ва E_0 модули ҳолатларига йўлнинг қатламлари тенг мустаҳкам ва йўл қатламлариаро күриладиган тадбирлар услуги билан қобиқ тупроғи намлигининг камайишига эришиб, мустаҳкамлигини ошириш, түшама қалинлигини камайтириш ва сезиларли даражада нархини камайтириш мүмкін.

Мисол тариқасида 46-жадвалда йўл қобигида соз тупроқнинг нисбий намлиги билан ҳолат ўзгарувчан модули, II даражали йўл учун түшама қалинлигини ($E_{\text{н.х}} = 60 \text{ МПа}$) ва икки минтақали қоплама йўлнинг ўртача 1 км нархи ўрталаридаги боғланиш келтирилган.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, сув-ҳарорат тартибини бошқариш ҳисобига тупроқли асоснинг мустаҳкам түшамалари күрилаётганда энг тежамли $C_1 + C_2 = C_{\text{кам}}$ ҳолат бўлади. Айнан шу кўримда тупроқнинг ҳолатини

Кұрсаткичлар	Нисбий намлиқ, фоиз						
	0,50	0,55	0,60	0,66	0,73	0,82	0,95
Тупроқтің умумий тоб ташлаш модули, $E_{нх}$, МПа	35	30	25	20	15	10	5
Йүл түшамаси-нинг қалинлигі, H , см	10	20	30	40	55	70	100
1 км йүлнинг ўртача лойиха нархи, минг сүм*	70	90	115	150	210	300	520

меъёридаги ноқулай ҳолати деб айтиш мумкин, йүлнинг қатламлары (түшама-тупроқлы қобиқ) ни эса меъёрги деб оламиз.

Меъёрги йүл қатламлары (H_0 қалинлигидеги түшамаси билан) мустақамлик шартыга асосан түшаманинг бутун хизмат қилиши мобайнида ва муайян шароитларда (юк таъсири, сув-ҳарорат тартиби, йүл қурилиши материаллари, иш бажарилиши ва унинг ташкил қилиниши тартиби) кам қийматлы лойиха нархига эга бўлади.

Иккинчи босқичдаги түшаманинг нархи C_n нинг учинчи босқичда эришилган $C_{кам}$ нархига нисбати билан эришилган түшаманинг лойиха нархининг пасайиши қуидагича топилади:

$$K_1 = \frac{C_{кам}}{C_n} \cdot 100\%.$$

Тупроқлы қобиқнинг ноқулай ҳолатига нисбатан йүл түшамасини лойихалаш ҳозир қабул қилинганига асосан юқори иқтисодий самара бермайди. Шунинг учун, түшама қалинлигини ҳисоблаш тупроқлы қобиқнинг ноқулай ҳолат құрсаткичи бўйича эмас, балки муайян табиий эквивалент ва арzonлашган лойиха нархини таъминловчи, тупроқнинг меъёрги ҳолатини ифодаловчи W , E_n бўйича

*1988 й нархидан берилган

амалга оширилиши лозим. Учинчи босқичда иқтисодий ҳисоб тартиби қуидагида бўлиши мумкин.

Лойиҳалаш учун арzon нарҳда қабул қилинган иккинчи босқичда $H_{n,x}$ тўшама қалинлиги, $E_{n,x}$ тупроқ мустаҳкамлиги танлаб олинади. Сув-ҳарорат тартибини қулагаштирувчи ва таъминловчи тадбирларнинг бир неча тури лойиҳаланади. Тупроқ мустаҳкамлиги учун олинган янги миқдорларга ($E > E_{n,x}$) янги тўшама қалинлиги ($H < H_{n,x}$) ҳисоблаб чиқилади ва тупроқ қисмининг сув-ҳарорат тартиби C_2 ни бошқарувчи ва тўшаманинг қурилиши учун харажатнинг C_1 лойиҳа нархи топилади. Сўнг эса, тўшама қатламларининг меъёрдалигини ифодаловчи K_1 кўрсаткич ҳисоблаб чиқилади.

Таққослаш ҳисобларининг кўрсатиши бўйича учинчи босқичдаги муҳандис-иқтисодий лойиҳалашда йўл тўшамасининг нархи 25—30% камаяди.

11. НОБИКИР ВА ЯРИМ БИКИР ЙЎЛ ТЎШАМАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ УСЛУБИ

Нобикир ва ярим бикир йўл тўшамаларини лойиҳалаш услуги кўп йиллик назарий синовли изланишларга асосланган бўлиб, Россия ва Украина автомобиль йўллар институтлари, илмий-текшириш институтлари ва Тошкент автомобиль йўллар институти лаборатория синов жойларида бажарилган ишларга асосланган.

Ушбу тўшамалар I—III тоифали йўл тўшамаларига мўлжалланиб, кам намланувчи туманлар (III—V йўл иқлим майдонлари) учун ва I—II турда намланадиган жойлар учун ишланган.

Услублар ичida Харьков автомобиль йўллар институти тавсияси ўзгача бўлиб, мукаммаллашган ҳолда, турли автотранспорт воситаларининг тушамага таъсири, айниқса сув-ҳарорат тартиби, тушаманинг ишончли ишлаши, материалларни одилона қўллай билишни таъминлаш, шунингдек, тушама ва тупроқли қобиқ қатламларини иқтисодий нуқтаи-назардан боғлаб олиб борилади.

Тўшамани лойиҳалаш қуидаги тартибда амалга оширилади.

Йўлнинг тоифасига боғлиқ ҳолда, ҳаракат қатнови ва ташкил қилувчилари асосида қоплама тури танлаб олинади, унга мос талаб қилинган $E_{t,k}$ ва нокулай ҳолатли $E_{n,x}$ тушама қатламларининг эгилувчанлик модуллари аниқланади. Қоплама юзасининг модулини нокулай ҳолат миқдори ва қобиқ тупроғи E_0 кўрсаткичи асосланади, сўнг йўл тушамаси қалинлиги H ҳисоблаб чиқилади. Бунга асосан йўл тушамасининг қатламлари тузилади, яъни модуллар тасвири тузилади, тушама учун материаллар танланади ва булар учун турлича нокулай ҳолатли миқдор модуллари аниқланади, қабул қилинган материалларнинг модуллари тасвири ҳисоблаб чиқилган модуллар тасвирига жойлаштирилади. Тушама қатламларига сарфланадиган турлича маблағ миқдорига қараб таққослаш услуги билан меъёридаги қатламли тушама танлаб олинади. Шу тартибда тушама қатламларини иқтисодий муҳандислик ечими бўйича лойиҳалашни давом эттириб, охири, нархини арzonлашибтиришга эришилади. Қобиқ тупроғининг мустаҳкамлигиги ошириш тадбирлари ишлаб чиқилади. Бунинг учун йўл қобигининг юқори қисмида сув-ҳарорат тартибини $E_{n,x}^3$ нокулай ҳолатли модуллари миқдори билан боғлаб бошқариш ҳисобига 2—3 хил кучлантириш тадбирлари кўрилади. Қабул қилинган E' ва E'' миқдорлари учун тушама ҳисоблаб чиқилади ва шунга асосан лойиҳаланади. Йўл тушамаси қатламларининг меъёри қабул қилинган охирги тури келтирилган харажатлар бўйича муҳандислик-иктисодий ҳисоблар билан асосланади. Бундай услугуда тушама қатламларини лойиҳалаш йўл қурилишига сарфланадиган харажатларни самарали усул билан фойдаланишни таъминлайди. Бу билан лойиҳалаш бир оз чўзилсада, аммо, бу вақтдаги харажатлар эришадиган иқтисодий самараси бўйича қисқа вақт ичиди ўзини тўла оқлади.

Тушаманинг талаб қилинган эквиваленти эгилувчанлик модулини ҳисоблаш учун йўлдан 10—15 йилдан кейин ўтадиган ҳаракат миқдори аниқланади. Йўл даражасига боғлаб ҚМК бўйича ҳисоблаш учун автомобиль танланади. Жами қатнайдиган автомобиль воситаларини ҳисоблашга мосланган коэффициент K_k ҳисобланади:

$$K_k = \frac{N_k}{N}$$

бу ерда N — мавжуд ҳаракат қатнови сони; N_k — бир құрсаткічка келтирилған ҳаракат қатнови сони.

K_k ни 47-жадвал ёрдамидан ҳам топиш мүмкін.

47-жадвал

Үққа тушадиган юқ, т	$p \cdot D., \text{ МПа}$	Коэффициент миқдори, K	Үққа тушадиган юқ, т	$p \cdot D., \text{ МПа}$	Коэффициент миқдори, K
4,0	100	0,02	9,5	180	0,68
6,0	140	0,10	10,0	195	1,0
6,5	150	0,20	12,0	220	2,0
7,0	160	0,35	33,0	310	30,0
9,0	170	0,50			

Бу жадвалда үққа тушадиган күч 33 т ни ташкил қилувчи автомобиль учун күнлик қатнов 25—30 дан ортасындағы ҳисобида олинган.

Тұшаманинг талаб қилинған тенглаштирилған әгилувчанлик модули E_{t_K} ҳисоблаб чиқилади ёки 72-расмдаги номограмма орқали топилади. Йүл тоифасига боғлаб туриб ишончлилік коэффициенти K_u қабул қилинади. K_u миқдорини I тоифали йүл учун 1,25; II тоифали йүл учун—1,27; III тоифали йүл учун —1,30 қабул қилиш тавсия этилади.

Турли тоифадаги йүллар учун йүл тұшамасининг тенглаштирилған нокулай ҳолати әгилувчанлик модули қуйидаги ҳисоблаб топилади:

$$E_{u,x} = E_{t_K} \cdot K = E_{t_K} \left(1 + \frac{\sigma_1}{E_{t_K}}\right), \quad (1)$$


бу ерда K_u — ишончлилік коэффициенти; σ ва E_{t_K} нокулай ҳолатдаги йүлнинг мустаҳкамлыгини текшириб қўриш натижасида аниқланади.

Тенглаштирилған ҳисобли миқдорларни аниқлаб олишдаги құрсаткічлар натижасидан қатын назар йүл тұшамасининг тенглаштирилған әгилувчанлик модуллари $E_{u,x}$ ҳар хил йүл тоифалари учун қуйидагича бўлади, МПа:

1-тоифали йүл учун — 230;

2-тоифали йүл учун — 200—160;

3-тоифали йүл учун — 160—150.



72-расм. Келтирилган ҳаракат қатновига боғлиқ түшаманинг талаб қилинган эгилувчанлик модулини, E_k , МПа

Йўл тоифаси, унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, транспорт турлари, ҳаракат қатнови ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда қоплама тури танланади. Қопламани қаттиқ ва сув қайтаргич материаллардан қурилали. Унинг юзаси қўтирилганда, пастки, ости қатламлари билан яхши илашишликка эга бўлиши керак.

Намланиш шарти, музлаш чуқурлиги, қобиқ тузилиши ва маҳаллий материалларнинг мавжудлигига қараб түшаманинг таг-чегараловчи қатлами танланади.

Ер ости сувлари чуқур жойлашган бўлса, зичланган чегараловчи қатламдан ер ости сувлари юза жойлашган ерларда эса ғовакли сув ўтказувчи (кумли, қум-шағалли, чақилган тошли) қатламлардан фойдаланиш лозим.

Йўл жойлашадиган майдонларни, намланиш шартларини, тупроқ турларини чегараловчи қатлам материалларини инобатга олиб тупроқли қобиқнинг ноқулай ҳолатли кўрсаткичлари аниқланади.

Ноқулай ҳолатли эгилувчанлик модулини танлашдаги бу услубда тупроқларни қуйидагича таснифлаш қабул қилингандай (48-жадвал).


49-жадвал

Тупреклар группат	Номи	Окружаник чагасы, %	Будақланыш сони, %
A	Метр таркибни күм тупрек	23 дан кам	23 дан кам
B	Чамгасынан күм, чамгали ва оғир күм тупрек, сиңил соз тупреклар	23-32	5-8
C	Оғир соз тупреклар чамгали күмтупреклар, оғир чамгали күмтупреклар	32-44	8-17
D	Етишик тупрек, оғир чамгали соз тупреклар	44	17


Жойнинг намланиш тури ва тупрекларниң гурухлари-
га караб аниқланган эгилувчанлик модулларининг ноку-
лай ҳолат кўрсаткичлари 49-жадвалда келтирилган.

49-жадвал


Намланиш билин фарқлан- ган жой- ниг турни	Тупрек- ларининг группат	Эгилувчанлик (тоб ташлашлик) модули, МПа, майдонлар бўйича		
		III	IV	V
I	A	60-65	65-70	75-80
	B	55-60 25-30	62,5-64,5 30-35	72,5-80 35-43,5
II	A	45-50 20-22,5	52,5-57,5 22,5-30	62,5-67,5 30-35
	B	30-35 15-17,5	37,5-42,5 17,5-20	45-47,5 22-25
III	A	45-52,5	60-65	67,5-75
	B	50-55 23-27,5	557,5-62,5 27,5-32,5	62,5-67,5 32,5-37,5
IV	A	40-42,5 20-22,5	45-50 22,5-25	50-57,5 25-30
	B	27,5-30 12,5-15	32,5-37,5 15-17,5	35-42,5 17,5-22,5



73-расм. Талаб қилинган (нокулай ҳолатли) букилишни ва нокулай ҳолатдаги ҳаракат қатновига боғлиқ (кунлик) НР автомобилига келтирилган йўл тушамасининг эгилувчанлик модулини аниқлаш графиги: 1—мукаммал турдаги қопламаларда; 2—енгил турдаги қопламаларда; 3—ўтқинчи турдаги қопламаларда



74-расм. $E_r/E_k = 0,2$ ҳолатида нобикир йүл түшамасини ҳисоблаш учун номограмма



75-расм. $E_r/E_k=0,4$ ҳолатида нобикир йўл тушамасини ҳисоблаш учун номограмма

50-жадвал

$m = \frac{E_0}{E}$	Ординаталар бўйлаб қалинликнинг юздан бир улушида			
	0,25	0,50	0,75	1,00
	Абсциссаларда $E_x; E_t$			
2	1.19	1.42	1.67	2.0
3	1.30	1.73	2.28	3.0
4	1.41	1.99	2.83	4.0
5	1.50	2.24	3.35	5.0
6	1.57	2.45	3.89	6.0
7	1.65	2.65	4.30	7.0
8	1.68	2.82	4.75	8.0
9	1.73	3.00	5.19	9.0
10	1.78	3.16	5.62	10.0
11	1.83	3.31	6.12	11.0
12	1.86	3.47	6.45	12.0
13	1.90	3.60	6.83	13.0
14	1.94	3.77	7.32	14.0
15	1.97	3.87	7.62	15.0
16	2.00	4.03	7.95	16.0
17	2.01	4.12	8.36	17.0
18	2.06	4.25	8.72	18.0
19	2.09	4.36	9.12	19.0
20	2.11	4.46	3.44	20.0

49-жадвалда каср суратидаги рақамлар тупроқнинг эгилувчанлик модул миқдори түшама асосининг зичланган қатламлари учун (ишлов берилган тупроқлар), маҳражида эса асосда қўшимча қатlam сифатида ғовакли (кум, шағал, қум-шағалли, чақилган тош) материаллар бўлган ҳолати учун берилган. Кичик миқдорлар кўрилаётган майдоннинг шимоли-тарб, катталари — жануби-шарқ туманларига тааллуқлидир. 48-жадвалдаги йўл-иклимли майдонларни таснифлаш ва жойларнинг намланишини турларга ажратиш ҚМҚ бўйича қабул қилинган.

Аввал, юқори қатlam ва тупроқли қобиқ билан чегараланувчи түшама қатламишининг модул миқдорлари танланади. Йўл түшамасининг талаб қилинган H қатламини 73—75-расмлар орқали ҳисоблаб чиқилади ва лойиҳаланади. Бунинг учун йўл түшамасининг эгилувчанлик модулининг тасвири 50-жадвал ёрдамида тузилади.

Модулларнинг ҳақиқий тасвирини назарий чизма тасвирига мос қилиб жойлаштироқ лозим. Тұшамани бундай лойиҳалаш натижасыда қатламлардаги материалларнинг мустаҳкамлигидан унумли фойдаланилади. Күп қатламли тұшамаларнинг оралиқаро әгилювчанлик модуллари 2,5—3,0 үлчам бирлигидан ортиқ фарқланмаслиги лозим. Акс ҳолда бикирроқ қатламда тортишга ишловчи күчланиш зұрайди.

Йүл тұшамаларини ұсаблаш учун айрим материалларнинг әгилювчанлик модул миқдорлари қуидагиша:

Материал	Әгилювчанлик модули, МПа
Күм: шағалли	140—160
йирик	120—140
уртача	100—120
майда	80—100
(күйган қояндан чиққан) қүм	80—100
охаксимон тошлар	75—175
30—40% чақылған тош аралашған лойлы тупроқ	
30—40% ли	100—125
40—50% —	125—150
50—60% —	150—175
<20 мм йирикликтегі шағал:	
30% дан күп	190—200
15—30%	140—165
20 мм дан йирик, сараланмаган,	
3-қаттықликка эга бұлған чақық тош:	
30% дан күп	220—250
15—30%	165—190
1-2-қаттықликдегі сараланған чақық тошларни йүл қоплама ва тұшама қатламларыда понасимон шактда жойлаштирганда	360
Шүпнің үзи, бироқ 3-қаттықликдегиси	300
Металл әрітиш печи чиқындылары (сараланмагани)	165—190
Шуннің үзи, сараланиб ичига күонди уни қүшилганида	270—360
Органик бөглевчилар билан ишлов берилған тупроқтар:	
А гурұқ	240—270
Б гурұқ	210—270
В гурұқ	180—240

1	2
Чақилған төш аралашмали тупроқтарнинг органик боғловчилар билан ишлов берилгани	250—300
Шунинг ўзи, бироқ сеймон билан ишлов бе- рилгани	360—420
1—2-қаттиқтадаги шағал ва чақилған тошлар- дан сараланган қоришмалар:	
органик боғловчилар билан аралашти- рилгани	450—600
суюқ боғловчилар билан аралаштирилгани	350—400
сеймон билан аралаштирилгани	470—350
2-қаттиқтадаги чақилған тошли қатламга органик боғловчисини шимдириш усули билан қурилгани	550
шунинг 3-қаттиқтадагиси	380
1-3-қаттиқтадаги чақилған тошларга органик боғловчилар билан аралаштирилгани	500
шунинг 3-қаттиқтадаги чақиқ тошлары	440
Чақиқ төш күп құшилған иссиқ асфальтбетон қорышма турлары:	
йирик донали	750—1500
уртача йирик донали	720—800
майда донали	700—750
совуқ асфальтбетонлы	800—1500
қайноқ асфальтбетонлы (говакчалари тұл- дирилмаган)	700—800
Йүл тұшамасининг қатлам қалинликлари қуйидеги миқдорлардан кам бұлмаслиги лозим, см:	
Қайноқ ва иссиқ ҳолатда ётқизиладиган ас- фальтбетон:	
бир қатламлы	4
икки қатламлы	7
совуқ асфальтбетон	2
Тупроқ, шағал, чақиқ тошларни боғлов- чилар билан аралаштирилған қорышма	3—4
чақиқ тошларга боғловчи шимдириш усули билан амалға оширилгандан	4—7

1	2
шагал-кум, чақиқ тошларга йўлнинг ўзида боғловчилар билан аралаштирилгани	5
тупроқларни органик боғловчилар билан жоинда аралаштирилгани	6
шунинг ўзисе ймон, оҳак билан аралаштирилгани	10
боғловчисиз чақиқ тош ва кум-шагалли: қумли асос устига ётқизилганида	15
чақиқ тош мустаҳкам қатлам устига кўйилганда	8
кум-шагал кўйилганда	10
тупроқ билан чақиқ тош аралашмаси	6—7

Келгуси ҳаракатга мўлжалланган транспорт тури ва ҳаракат микдоридан келиб чиқиб, қоплама тури ва тӯшаманинг асосига яроқли материаллар танланади. Қиммат материалларни иложи борича кам қалинликда олиб, боғловчилар билан жойлаштириладиган қатламлар эса букилишга ҳам текширилади. Тӯшама қатламиариаро эгилувчанлик модуллари текширилиб, энг арzon бўлган остики қатлам қалинлиги аниқланади. Қабул қилинган қатлам нархи жиҳатидан афзал бўлмай қолса, у ҳолда қалинлиги ўзгарган кўшимча қатламлар танланиб, ўзаро таққосланади.

Юқорида уқдирилган йўл тӯшамаларига таалуқли маълумотларга эга бўлиб, йўл тӯшамаси қуидаги ёндашувда лойиҳаланади.

Йўл тӯшамасини ва заминнинг мустаҳкамлигини ҳисоблашга қулиялаштириб келтирилган маълум оғирликдаги юқ ортилган автомобильнинг (НР) фиддираги остидаги қопламада рухсат этилган эзилиш микдори аниқланади. Москва автомобиль-йўллар институти тавсиясига биноан талаб қилинган меъёри ёки нокулай ҳолатли эзилиш микдори 73-расмдан НР юкка келтирилган умумий автомобилларга боғлаб тавсия бўйича юқорида пастга қараб ёки автомобилларнинг бир кундаги ҳаракат микдорини ўша юкка боғлаб тасвирдан пастдан юқорига қараб аниқланади. Йўл қопламасининг турлари 51-жадвалда келтирилган.

51-жадвал

Қоплама түри	Материаллар номи	Келтирилган ҳаракат қат-нови чегара-си, ав-ль/ кунда	Хисоб-даги юк	Хизмат қилиш мурдаты, йил
Мукаммал-лашган капиталлы	Асфальтбетон: қайноқ иссик совуқ	100 дан күп 100–350 100–250	НР	15
Мукаммал-лашган ен-гил	Кора мойли чақиқ тош: курилмада аралаштирил- ган, қайноқ курилмада аралаштирил- ган, совуқ йүлда аралаштирилган, совуқ	500–2000 300–1000 200–600	6т/үккә	10
Үткинчи	чақиқ тошли күм шағаллы боғловчи билан аралашган тупроқ	500 дан кам 300 дан кам 500 дан кам	<6т/үк- ка	5

Рухсат этилган умумий букилиш бүйіча йўл тўшамасининг талаб қилинган эгилувчанлик модули аниқланади.

Тўшаманинг юза қисмини ташкил қилган қоплама автомобиль фиддирагидан тушадиган таъсир кучини биринчи бўлиб ўзига қабул қиласди. Бу таъсир автомобиль вазнидан тушадиган тик кучланиш ва тортиш ҳамда тезлигининг пасайиши таъсиrlаридан ётиқ кучланишларни ташкил қиласди. Бундан ташқари қопламага ҳарорат ва ёғингарчилик сувлари таъсир этиб тўшамада кучланишлар таъсирининг ўзгаришига ва намланишнинг ортишига олиб келади. Айниқса сезиларли таъсир ҳароратнинг пасайиши ёғингарчилик билан бир пайтда содир бўлишига (0°C дан ўтиш даврига) тўғри келиб, сув йўл тўшамаси оралиқларига сингиб боради. Совуқ таъсирида эса сув музлаб, ҳажмини кенгайтиради ва шу сабабли тўшамада ҳолат ўзгаришига олиб келади.

Қопламадан пастки қатламлар эса ундан озроқ миқдорда сув-ҳарорат таъсирида булиб, тушаётган кучланишларни сұндириб, каттароқ юзага тарқатади.

Шунинг учун ҳам йўл тўшамасини лойиҳалашда қаттиқ ва қиммат қатламни тўшаманинг юқори қисмиде жойлаштириб, арzonроқ ва мустаҳкамлиги озроғини пастга жойлаштирилади.

Боғловчилар билан ишлов бериб қурилган тўшама қатламлари юк таъсири остида букилади ва остки қисмиде букилишдан тортилиб кучланиш ҳосил бўлади. Кўпчилик материаллар сиқилищга қараганда чўзилишга чидамсиз бўлгани учун остки қисмиде ёриқчалар ҳосил булиб, туша-ма бузилишига олиб келади.

Қопламанинг едирилишга чидамлилигини ошириш учун унижатта мустаҳкамликка эга бўлган ва сифатли материаллар қоришмаси (чақиқ тош ва ёпишқоқ битум) дан курмоқ лозим.

Юқорида уқдирилганидек, қопламани танлашда йўлдан ўтадиган ҳаракат қатнови ва қопламага таъсир этувчи юкдан келиб чиқиш лозим (49-жадвал).

Тўшама асоси устки қисмининг букилиши қоплама букилишидан ҳам оз бўлиши керак. Чунки қопламага ишлатилган боғловчи материал ҳарорат пасайган сари қаттиқлашиб, қатламнинг эгилувчанлик модули орта боради. Тўшаманинг остки қисмини маҳаллий материалдан унумли фойдаланиб танлаш керак.

Қоплама юзида кўтириликни таъминлаш учун қўшимча юза ташкил қилувчи маълум ўлчамли ўта мустаҳкам чақиқ тошлардан қатлам қурилади. Йўл тўшамасининг умумий қатлами кўп бўлмаслигига эришмоқ лозим.

I—III йўл-иклимли майдонларда йўл тўшамаси ғовакли қатламга эга бўлса, унда сув қочиришни таъминлаш учун маҳсус қурилма ёки қатламни йўлнинг бутун эни бўйича қурмоқ лозим.

12. НОБИКИР ВА ЯРИМ БИКИР ЙЎЛ ТЎШАМАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Юқорида уқдирилган талабларни бажарган ҳолда, эгилувчанлик модулининг нокулай миқдори 52-жадвалда кўрсатилганидан кам бўлмаслиги лозим.

Йўл тоифаси	НР юкка ҳисоблашга мўлжалланган автомобиллар миқдори	Талаб қилинган эгилувчанлик модулининг энг кам миқдори, Қоплама турлари		
		мукаммалашган капитал	мукаммалашган енгил	ўткинчи
I	1000	230	—	—
II	300	200	165	—
III	150	180	150	—
IV	50	—	125	90
V	20	—	100	75

Бир хил юк таъсирида бир хил ҳолат ўзгаришдаги йўл тўшамасининг қатлам қалинликлари билан унинг материаллари эгилувчанлик модули ўртасидаги боғланишни қуидаги ифода орқали тушунтириш мумкин:

$$h_2^3 E_2 = h_1^3 E_1 \text{ ёки } h_2 = h_1 \sqrt[3]{\frac{E_1}{E_2}}. \quad (1)$$

Бундай икки қатлам — бири h_1 қалинликдаги E_1 эгилувчанлик модули билан, иккинчиси h_2 қалинликдаги E_2 эгилувчанлик модули ўзаро тенгглаштирилган дейилади.


Йўл тўшамасининг қатламлар қалинлигини ҳисоблаш асосига, босим кўчиб ўтиш қонуниятига ва автомобильъ фиддирагидан тушадиган юкнинг h_1 қалинликдаги қатламдан материалнинг E_1 эгилувчанлик модулининг E_0 модули ярим бўшиликқа ўтиши олинган. Бу қонуният эгилувчанлик назариясидан келтириб чиқарилган бўлиб, 76-расмда номограмма билан тасвирланган.

Номограмма тўртта миқдорни, яъни E_0 ни ярим бўшиликда жойлашган юқори қатламдаги h ва E_0 ҳамда ҳамма қатламнинг тенглаштирилган умум эгилувчанлик Еум модулини ифодалайди.


Бутун қатламлар тизимининг умумий тенглаштирилган эгилувчанлик модули орқали p , МПа юк таъсирини D диаметрли юзага тушиб E_1 модулли h_1 қатламни E_0 модулли ярим бўшиликда бир хилда чўкиш тасвирланади (77-расм).

Ҳисоблаш тартибини мисолда кўриб чиқамиз.

Мисол: Айтайлик, автомобиль йўли V йўл-иклими майдонда қурилади. Йўл қобиғи учун лёсс тупроқ ишла-



76-расм. Нобикир күл түшмаларини хисоблаш үчүн номограмма



77-расм. Нобикир йўл тўшамаларини ҳисоблаш

тилади. Сув қочириш ишлари таъминланган. Лёсс тупроғининг физик-механик тавсифлари — $E_{y_m} = 34$ МПа; $\varphi = 18^\circ$; $C = 0,019$ МПа. Ҳисобдаги юк таъсири $H = 10$.

Тұшаманы II тоифали йүл учун «А» гурухдаги юк таъсирига ҳисоблаймиз. Ҳаракат қатнови маълумоти 53-жадвалда берилген.

53-жадвал

Машиналар тури	І үққа тушадиган статик юк, т	Кутиладиган ҳаракат қатнови, авт./кун	минтақага тушадиган ҳаракат қатнови, авт./кунига	келтирилган коэффициент миқдори	автомобилни ҳисоблашга мослаштирилган ҳаракат қатнови, авт./кунига
ГАЗ—15А	3,75	750	525	—	0
ГАЗ—53	5,6	659	461,3	0,1	46,13
ЗИЛ—130	6,9	3,15	220,5	0,36	79,38
МАЗ—500	10	817	571,9	1,00	571,90
КРАЗ—257	9,2x2	49x2	34,3x2	0,68	46,6
ЛАЗ—659Б	7,2	12	8,4	0,18	4,91
ГАЗ—24	0,975	435	304,5	—	0
Жигули	0,64	500	350	—	0
$\Sigma = 749$					


1. Йүл тұшамасининг талаб қилинган әгилувчанлик модулини 73-расмдаги номограммадан аниклаймиз: $E_y = 220$ МПа.

Уни ВКМ 46—83нинг 2-жадвалидаги миқдори билан солиширамиз.

II тоифали йүлнинг мукаммалашған қоплама тури учун $E_{y_m} = 185$ МПа. Солишириб, $E_y = 220$ МПа ни оламиз.

Үрта Осиө шароитини инобатта олиб, ВКМ 46—83 нинг күрсатмасига асосан E_y миқдори 15% камайтирилади, яъни

$$E_y = 220 - (220 \cdot 0,15) = 187 \text{ МПа.}$$



78-расм.

Маҳаллий қурилиш материалларини ҳам инобатта олиб E_{ym} га боялаб йүл түшама қатламларини танлаймиз (78-расм).

Хисоблашда асфальтбетон қориши қатламлари бир қатлам деб олинади, яъни $h=8$ см.

Қумли қатлам қалинлигини топиш талаб этилади.
а) Қатламларни икки қатламли ҳолатта көлтирамиз:

$$E_{t_K} = E_{ym} = 187$$

$E_t = 1000$	$h_1 = 8$
$E_{ym} = ?$	

$$E \text{ тупроқ} = 34.$$

$$\frac{h_1}{D} = \frac{8}{33} = 0,24; \frac{E_{ym}}{E_t} = \frac{187}{1000} = 0,19 \text{ га эга бўлиб, чизмадан}$$

$$\frac{E'_{ym}}{E'} = 0,14 \text{ ни топамиз. Бундан}$$

$$E_{ym} = 0,14 \cdot 1000 = 140 \text{ МПа.}$$

б) Бир қатлам пастга тушамиз.

$$E_{ym} = 140$$

$E_1 = 1000$
$E'_{ym} = ?$

$$h_2 = 12 \text{ м. } \frac{h_2}{D} = \frac{12}{33} = 0,26.$$

$$E_{\text{тупроқ}} = 34. \quad \frac{E''_{ym}}{E_2} = \frac{140}{600} = 0,24.$$

$$\text{Расмдаги номограммадан } \frac{E''_{ym}}{E_2} = 0,15.$$

Бундан

$$E''_{ym} = 0,15 \cdot E_2 = 0,15 \cdot 600 = 90 \text{ МПа.}$$

в) Кейинги қатлам

$$E''_{ym} = 52.$$

$E_3 = 200$
$E''_{ym} = 34$

$$h_3 = 20 \text{ м, } \frac{h_3}{D} = \frac{20}{33} = 0,60,$$

$$\frac{E''_{ym}}{E_3} = \frac{90}{200} = 0,45.$$

II. Йүл түшамаси қатламларининг эгилувчанлик модуларианиң аниқлаш.

ВҚМ 46—63 нинг 3-қўшимчасидаги 1-жадвалдан
 $t = +20^\circ\text{C}$ бўлганида

$$E_{1-\text{қатлам}}^{e/b} = 1000 \text{ МПа; 3-жадвалдан эса}$$

$$E_{2-\text{қатлам}}^{\text{корачак тош}} = 600 \text{ МПа; } E_{3-\text{қатлам}}^{\text{кум шагал}} = 200 \text{ МПа,}$$

$$E_{4-\text{қатлам}}^{\text{кум}} = 80 \text{ МПа.}$$

$$E_{\text{тупр}} = 34 \text{ МПа; } \varphi = 18^\circ; C = 0,019 \text{ МПа.}$$

$$E''_{ym} = 52.$$

$$\text{Топамиз: } \frac{E''_{ym}}{E_4} = \frac{52}{80} = 0,55,$$

$$E_4 = 80 \quad h_4 = ? \quad \frac{E_{\text{мур}}}{E_4} = \frac{34}{80} = 0,42.$$

$$E_{\text{тупрок}} = 34.$$

77-расмдаги номограммадан $h_4 : D = 0,76$.

Бундан $h_4 = D \cdot 0,76 = 33 \cdot 0,76 = 25,08$, $h_4 = 25$ см деб қабул қиласиз.

Йүл түшамасининг умумий қалинлиги

$$H = \sum h = 8 + 12 + 20 + 25 = 65 \text{ см.}$$

Шундай қилиб, ҳамма қатламлар қалинлиги аниқланди.

Асфальтбетон қопламаларини жойлаштиришда пастки ва устки қатламлар ўртасидаги боғламлик таъминланган деб оламиз, чунки юқори қатлам пастки қатлам юзида силжиши мумкин эмас.

Йүл түшамининг юзида ва йүл түшамасининг кам боғланган қатламларида силжиш бўйича ҳисоблаш.

Йүл түшамасини силжиш бўйича ҳасоблаганда йўл қобигининг юқори қисми ва кам боғланган түшама қатламлари текширилади. Айнан шу қатламларда кучланиш ҳолатидаги нуқталар бўйича тифиз ҳолатли тенглик шарти куйидаги боғланишда намоён бўлади:

$$\tau_{y,k} + \tau_{t,b} \leq K',$$

бу ерда $\tau_{y,k}$ — вақтинчалик юқ таъсиридаги уринма кучланиш; $\tau_{t,b}$ — түшама вазни таъсиридаги уринма кучланиш; K' — йўл түшамасини ишлаш шароити ва унинг қатламлари ҳар хиллигини инобатга оловчи мужассамлашган коэффициент.

Ечимда $\tau_{y,k} \leq \tau_{p,z}$. $K' = \frac{K_1 \cdot K_2}{n \cdot m} \cdot \frac{1}{K_\phi}$; бу ерда $\tau_{y,k}$ — юқори уринма кучланиш; $\tau_{p,z}$ — рухсат этилган уринма кучланиш; $n = 1,15$ — автомобильнинг меъёридан ортиқ юкланганилигини кўрсатувчи коэффициент; $m = 1,15$ — түшамада қумли қатламни инобатга оловчи коэффициент; $K_1 = 0,6$ — юкнинг қайта таъсири кучини ифодаловчи коэффициент; $K_2 = 1$ — фойдаланиш коэффициенти; $K_\phi = 0,80$ — ҳаракат қатновини ифодаловчи коэффициент.



Хисоб ишини бажариш учун күп қатламли түшама ва қобиғини иккі қатlam күринишига келтирамиз:

$$E_{\text{прут}} = 34 \text{ МПа}; \quad \phi = 18^\circ; \quad C = 0,19 \text{ МПа}.$$

Түшама қатламларини рухсат этилган эгилишдаги чүзилішга ҳисоблаш. Ҳисоблаш шакли 79-расмда тасвирланған.

Қатламлаб ҳисоблаш

$$E_{\text{т.к}} = E_{\text{ум}} = 187 \text{ МПа}.$$



$E_{\text{түпнок}}; \varphi; C; M$

79-расм.

$$E_{\text{түпнок}} = 34 \text{ МПа}$$

$$\varphi = 18^\circ; C = 0,019 \text{ МПа}$$

Расмдаги номограммадан $E''_{\text{т.к}} : E_3 = 0.26$

$$\text{Бундан } E''_{\text{т.к}} = 0.26 \cdot E_3 = 0.26 \cdot 200 = 52 \text{ МПа}$$

Остки қатлам қалинлигини топамиз. Бунинг учун юқори қатламга түшаманинг барча қатламлари қабул қилиниб,

қыйисига эса қобиқнинг поёндоғы тупроқ қисми олина-ди.

Тұшама қатламлари бүйіча әгилувчанлик модулларининг уртача миқдори күйидеги ифода билан ҳисоблагаб топлады:

$$E_{yp} = \frac{h_1 E_1 + h_2 E_2 + h_3 E_3 + h_4 E_4}{h_1 + h_2 + h_3 + h_4} = 3153 \text{ МПа.}$$

Сүнг эса $\frac{E_{yp}}{E_t}$ ва $\frac{H}{D}$ нисбатлари аниқланади. Бу ерда

$$H = h_1 + h_2 + h_3 + h_4;$$

$$\frac{E_{yp}}{E_t} = \frac{315}{34} = 9,7; \quad \frac{\tau_{акп}}{P} = x;$$

$$\frac{H}{D} = \frac{65}{33} = 2; \quad \frac{\tau_{акп}}{P} = 0,012;$$

$$\tau_{акп} = P \cdot x = 0,012 \cdot 0,6 = 0,0072 \text{ МПа.}$$

ВҚМ 46—83 даги 10-расм номограммасыдан

$$H=65 \text{ см}; \quad \phi=18^\circ; \quad C=0,019 \text{ МПа}$$

бұлғанида $\tau_{m.e}=0,0009$. Бунда

$$\tau_{акп.} = \tau_{акп} \pm \tau_{т.в.} = 0,0072 - 0,0009 = 0,0063 \text{ МПА.}$$

$$\begin{aligned} \tau_{акп.р.з} &= \frac{K_1, K_2}{m \cdot n} \cdot \frac{1}{K_\phi} \cdot C = \frac{0,6 \cdot 0,8}{1,15 \cdot 1,15} \cdot \frac{1}{1} \cdot 0,019 = \\ &= 0,0068 \text{ МПа.} \end{aligned}$$

Таққослашдан маълум бўлишича $\tau_{акп.р.з} > \tau_{акп} = 0,0068 > 0,0063$ талаб қилинган шарт бажарилган. ВҚМ 46—83 даги 7-расмда келтирилган номограммадан

фойдаланиб ва $\frac{H}{D}; \frac{E_{yp}}{E_{ym}}; \phi^\circ$ миқдорларига эга бўлиб,

$$\frac{\tau_{акп}}{P} = x = 0,022 \text{ ни ҳосил қиласиз.}$$

$$\text{Бундан } \tau_{акп} = P \cdot x = 0,6 \cdot 0,022 = 0,0132 \text{ МПа.}$$

Шунингдек, 10-расмдаги номограммадан H ва $\tau_{\text{т.з.}} = 0,0005$ миқдорларидан келиб чиқиб, топамиз:

$$H = h_1 + h_2 = 12 + 8 = 20 \text{ см.}$$

Бунда

$$\tau_{\text{ю.к.}} = \tau_{y,k} + \tau_{m,a} = -0,0005 + 0,0132 = 0,0127 \text{ МПа.}$$

Бу ҳолда рухсат этилган юқори күчланиш миқдори:

$$\tau_{\text{ю.к.р.з.}} = 0,065 \cdot \frac{0,8 \cdot 0,6}{1,15^2} = 0,0234 \text{ МПа.}$$

Талаб қилинган $\tau_{\text{ю.к.р.з.}} > \tau_{y,k}$ тенгсизлик курсаткичи ҳам бажарилған, яғни $0,0234 > 0,0127$. Демак, ушбу шартлар талаби бүйича түшама түғри лойиҳаланған.

Йўл түшамасининг яхлит қатламини эгилиш пайтидаги чўзилишга ҳисоблаш

Бунинг учун тортилишдаги күчланиш билан рухсат этилган эгилишдаги чўзилиш муносабати, яғни $\sigma_k \leq R_{3g}^{p,3}$ ни текшириб кўрамиз

Ҳисоблаш тартиби

$$E'_{yp} = E_1 = 1000 \text{ МПа}; \quad E''_{ym} = 52 \text{ МПа};$$

$$\frac{E'_{yp}}{E_3} = \frac{1000}{600} = 1,7; \quad \frac{E_3}{E''_{ym}} = \frac{600}{52} = 11,5; \quad \frac{h}{D} = \frac{40}{33} = 1,2$$

14-расмдаги номограммадан $\sigma_k = 0,11$.


$$\sigma_k = 1,15 \cdot P \cdot \sigma_k = 1,15 \cdot 0,6 \cdot 0,11 = 0,078 \text{ МПа},$$

$$R_{3g} = k \cdot R_{(жаде.)} = 1 \cdot 0,35 = 0,35 \text{ МПа.}$$


$\sigma_k < R_{\text{эг}}$, яъни $0,078 < 0,35$. Демак, яхлит қатламни эгилиш пайтидаги чўзишишга ишлай олиш шарти ҳам захираси билан бажарилган.

Йўл тўшамасидаги қум қатламининг силжишга турғунлигини аниқлаш

80-расмдаги номограммадан фойдаланиб, қумли қатламдан юқорида жойлашган йўл тўшамаси қатламлари нинг умумий ўртача эгилувчанлик модулини аниқлаймиз:



80-расм. Юқори қисмда жойлашган қатламларнинг эгилувчанлик модулини аниқловчи номограмма



81-расм. Кумли катламининг силжишига карши тургунлигини текширувчи номограмма. Энриликдати сонлар кумниг уртacha эгилувчалик модули мидори

$$\frac{\Sigma h}{D} = \frac{8+12+20}{33} = 1,21; \quad \frac{E_n}{E_{\text{ум}}} = \frac{52}{187} = 0,28.$$

$$\text{Номограммадан } \frac{E_n}{E_{\text{ост}}} = 0,09 \text{ ва } E_{\text{ост}} = \frac{E_n}{0,09} = \frac{52}{0,09} = 700.$$

81-расмдаги номограммадан силжишга қарши турғунлик қатлами қалинлигини анықтаймиз:


$$\frac{E_n}{E_{\text{ост}}} = \frac{80}{700} = 0,11$$

ва талаб қилинаётган $h:D = 0,90$. Бунда $h = 0,90 \times 33 = 29,7$ см. Бу миқдор юқори қатламлар қалинлиги йиғиндисидан кам бўлиб, $8+12+20=40$ см турғунликни таъминлаш щартини бажаради.

13. БИКИР ЙЎЛ ТЎШАМАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ

Бикир йўл тўшамаларига сеймон-бетон ва темир-бетонли қопламалар киради. Сеймон-бетонли қопламалар сеймон-бетонли қоришмаларни йўлнинг ўзида тайёrlаб қўйиш усули билан ёки завод (махсус жойлар)да қолипдан чиқарилган бетон бўлакларидан қурилади. Биринчи ҳоддагиси қўйма қоплама дейилади ва улар махсус пўлат симли тўрлар билан ёки уларсиз қурилиши мумкин. Иккинчи ҳоддагисини йиғма шаклидаги қоплама деб аталади ва улар оғирлиги ва ўлчамлари билан турлича бўлиб, асосан пўлат симлар билан тайёrlанади. Уларни йўлга ташиб келиб, йўл минтақасига жойлаштирилади. Жойлаштириш жараёнида чиқарib қолдирилган симлар ўзаро пайвандланади.

Бетонли қоплама юқори бикирликка, текисликка эга бўлади ва ҳаракатдаги транспорт ковушини ўзининг юзаси билан яхши илашишини таъминлайди. Бундай қопламанинг кўп тарқалган турига қўйма бетонлиси киради. Ҳароратнинг ўзгариши натижасида бетон ўз тавсифини ўзгартиради. Йўл тўшамаси эса узун ва ҳар хил энга эга бўлгани учун рўй бериши мумкин бўлган турлича ёрилишларнинг олдини олиш учун бетон қоплама бўйлама ва кўндаланг чоклар билан бир хил ўлчамди яхлит бўлаклар-



82-расм. Күйма сеймон-бетон копламали йүл түшемасининг тузилиши: a —коплама чеккасини маҳкамловчи мингтака; θ —харахатни тълминловчи қисм; c —йүл чекаси; 1—сеймон-бетон; 2—харахатни тълминловчи қисм; 3—чакилган тош ёки сеймон аралаштирилган тупрок; 4—кум; 5—кобик тупроғи

га ажратилади. Ҳарорат таъсирида бетон қопламанинг иссиқдан кенгайиши ва совуқдан торайишига имконият яратувчи чокни — тоб ташлаш чоки деб юритилади. Ҳароратнинг пасайиши натижасида яхлит бўлакларнинг сиқилишига имконият яратувчи чокни эса сиқилиш чоки дейилади. Чоклар қоплама қурилганидан ва қоришмани зичлаб бўлингандан сўнг қатламни қирқиши йўли билан бажарилади, ҳосил бўлган бўшлиқ маҳсус қоришма билан тўлдирилади.

Бетон қопламани қуришда асосий эътиборни йўл қобигининг ҳолати ўзгармаслигини таъминлашга қаратмоқ лозим. Чунки қобиқ ҳолатининг озгирина бўлса ҳам, ўзгариши бетонли яхлит қатламаларнинг ўрин эгаллаш ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўлади, баланд-пастликлар ҳосил бўлиб, транспортнинг мўлжалдаги ҳаракат қатновини чегаралайди.

Сеймон-бетон қопламасидан ташкил топган йўл тўшамасининг қатламлари тубандагича бўлмоғи лозим:

— қоплама турли симлардан ва уларсиз қурилади (82-расм. I);

— ҳаракатдаги қатновдан тупроқли заминга тушадиган вазн оғирлигининг таъсирини пасайтирувчи ва ҳарорат ўзгариши таъсирида яхлит бўлакларнинг едирилишини камайтирувчи, шунингдек қоплама чоклари орқали тупроқнинг сиқиб чиқарилишига қарши чидамли тўшама асоси З. Бу асосни чақиқ тош, шағал, куюнди, боғловчилар билан ишлов бериллиб мустаҳкамланган тупроқлардан қурилади. III ва II тоифали йўлнинг қатнови камроқ бўладиган ва табиий шароити қулай бўлган, яъни асоснинг намланиши кутилмайдиган жойларида асосни қумдан ҳам қуриш мумкин. Асоснинг юзасига ҳарорат таъсирида силкинишдаги кучланишни пасайтирувчи боғловчи аралашмали 3 см қалинликдаги қум ёки ишлов берилмаган 5 см ли қум қатлами 2 қурилади.

Асоснинг энини, сеймон бетонли қопламанинг ҳарикки томонидан 0,5 м дан кам бўлмаган йўлка қолдириб қурилади.

Боғловчи билан ишлов берилган тупроқли асоснинг қалинлиги 14 см дан ортиқ, чақиқ тош, шағал, куюнди-

дан ташкил топган қатламлар эса 15 см дан ортиқ, қумли ва лойсимон қатлам эса 54-жадвалдаги миқдордан кам бўлмаслиги керак.

54-жадвал

Йўл қобигини ташкил қилган тупроқлар	Йўл-иқлими майдонлар				
	II	III	IV	V	
	Ўрта ва йирик қумли асоснинг қалинлиги, см				
I	2	3	4	5	
Кум	15	10	10	10	
Кумлоқ (супесь)	25	20	15	10	
Кумоқ (суглинок)	30	25	20	15	
Чангсимон лёсс, лой	35	25	20	20	




I—III иқлими майдонларда ва шунингдек IV ва V иқлими майдонларнинг намгарчилик ерларида йўл тўшамаси асосида, қўшимча 4-қатлам ётқизилиб, у музлашдан сақловчи ва намни ўтказиб юборувчи қатлам вазифасини ўтайди.

Йўл қопламасининг яхлит бетон бўлаклари бутун эни бўйича тенг қалинликка эга бўлиб, ҳисоблаб топилади, лекин 55-жадвалдаги миқдордан кам бўлмаслиги лозим.


55-жадвал

Тўшама асосининг турлари	Бетонли қоплама қалинлиги, см		
	Йулнинг тоифаси		
	I	II	III
Боғловчи қоришмалар аралаштирилган тупроқли, чақиқ тошли, шағалли	22	20	18
Кумли	—	22	20

Ҳарорат таъсиридан келиб чиқувчи кучланишни камайтириш учун қопламада бўйлама ва кўндаланг чоклар қурилади. Қоплама эни 4,5 м дан катта бўлганида бўйлама чок тайинланади. Бу чок тоб бериш чокига ўхшаш бўлади. Кенгайишта ишлайдиган чоклар қоплама энига, қурилиш вактидаги муҳит ҳароратига ва қоплама остидаги асос турига



3-расм. Чокларнинг тузилиши: а—кенгайишдаги; б—сигилишдаги; в—алдамчи сиқилиш чоки. 1—сеймон бетон; 2—пўлат даста; 3—дастани битум билан ёғлаш; 4—чокни маҳсус қоришма билан тўлдириш; 5—ёғоч пайраҳали қатлам; б—кайдиргич; 7—кайдиргич қирипиди ёки каноп жуни билан тўлдириш



84-расм. Құйма бетон қоплама чокларында қозықларнинг жойлашуви:
A ва B — қопламаның чеккасида сим бұлакларининг жойлашуви.
Z — кенгайиш чоклар оралығидаги масофа; 1—сиқилиш чоклар оралығидаги масофа;
2—кенгайыша ишлайдиган чок; 3—сиқилишга ишлайдиган чок; 4—қозықлар.

боғлиқ булиб, 20 м дан 72 м гача оралығида күрилади. Чокнинг кенглигі 20—30 мм оралығида бұлади. Сиқилиш чокларини кенгайиш чоклари оралығида 5-6 м масофада жойластирилиб, эни одатда 10 мм бұлади. Чокларнинг тузилиши 83-расмда, уларни жойластыриш эса 84-расмда келтирилген. Кетма-кет жойлашган қоплама бұлакларини транспорт воситалари ҳаракати даврида қирра жойларини тенг равище бирга ишлаши учун пұлат қозықлар билан боғланади. Бүйлама ва сиқилиш чокларында қозық диаметри 18 мм, кенгайиш чоклари бұлак қалинлигига боғлиқ булиб, 20 дан 25 мм ли арматура ишлатилади. Қозық узунлиги 50 см, бүйлама чокда эса 75 см га тенг. Қозықнинг бир томони бетонга киритилиб, қоплама бұлагининг эркін силжиши учун иккінчи томони бемалол сирғаниши керак. Жойластыриш пайтида қозықнинг иккінчи томони ҳам бетонда қотиб қолмаслиги учун уч қисми 0,3 мм қалинликта битум қорищмаси билан суркалади ва унга

металл қалпоқча кийдирилади. Қалпоқчадан қолган 20—30 мм ли қисми майда таxта қириндиси ёки сунъий янчилган түкима билан тұлдирилади. Бүйлама чоклардагы қозықларни түсікласыз ұрнатылади.

Қоплама құмли асосга ұрнатылғанда қоплама бұлаги-нинг чеккалари диаметри 12 мм бұлған 2 қатор дағал қиёфали пұлат сим билан ұрнатылып, уларнинг остки юза қисмидан 5 см юқорига ва ташқи қисмидан 10 ва 30 см ичкарига жойлаштирилади.

Бетонли құйма қопламаларни ҳисоблаш

Автомобиль йұлларыда құлланиладын бетонли қопламалар тұғри бурчаклы яхлит бұлаклардан қурилиб, эни-ни қаралат қатнови минтақасынан тенг қилиб олинади, узунлиги эса ҳаво ҳарорати таъсирида намоён бұладын кучланишга ҳисобланади.

Бикирли тұшама қопламалари асосан қуидеги учта ҳолатта текшириб ҳисобланади.

а) ишлай билиш қобилиятiga, яъни мустаҳкамлик ва турғунликка;

б) ҳолат үзгариши бүйича;

в) әриқтар пайдо булиши бүйича.

Бетон бұлагини ёрилишга қидамлилігі қатламнинг яхлитлігіні таъминловчы булиши туфайли ҳолат үзгариши бүйича текширилмайды.

Ҳисоблашдаги таянишлар:

ҳисоблашда мөһөрли автомобильдан қопламага тушадын юк таъсири Н—18; Н—30 деб қабул қилинади (56-жадвал).

56-жадвал

Н—30 юк таъсиридеги күрсаткычлар	микдори
Юкленген ҳолатдеги автомобиль вазни	— 30 т.
орқа үқига тушадын таъсир кучи	— 12 т.
орқа үқлары сопи	— 2
орқа үқлары оралиғидеги масофа	— 1,6 м
орқа үқидеги фидираклараро масофа	— 1,9 м
орқа қияллук кенглигі	— 0,6 м
қаралат томон бүйича қоплама билан қияллукнинг туташиш узунлиғи	— 0,2 м

Бикир қопламани ҳисоблашда бетон бұлаги юк таъсири-даги босимни кенг юзага тарқатишини ҳисобға олмоқ ке-рак. Шунинг учун бундай қоплама тағидаги тупроқ бөшқа турдаги йүл түшамаси ости тупроғига нисбатан умумий тоб бериш модули юқори бұлади. Шу сабабли бикир қоп-ламаларни ҳисоблашда тупроқнинг әгилювчанлик модули 3—4 марта юқори қабул қилинади.

Баҳорги нағланишдаги ноқулай шароитда йүлнинг түшама ости тупроғининг әгилювчанлик модулини 57-жад-валдан олинади.

57-жадвал

Тупроқ	Эгилювчанлик модули, МПа	
	Йүлнинг иқлимий майдонлари	
	II—III	IV—V
Йирик ва ўртача йириклидеги 1,0 м дан қалин құм қатламы	100	100
1,0 м дан қалин бұлған майда донли құм қатлами	80	80
Лесс ва лойсімон тупроқ	40	60
Чангсімон тупроқ	20	40

Бетон бұлакларининг нисбий әгилишини инобаттаға олишда қобиқ тупроғининг әгилювчанлик модули қуйидағи ифода орқали ҳисоблаб топилади:

$$E_T = \frac{1150}{P_k} \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4, \text{ МПа},$$

бу ерда P_k — ҳисобланған автомобильнинг юк күп түшган фидирагидаги күч таъсири, т; K_2 — бетон қопламага таъ-сир қилаёттан фидиракнинг юзасини ифодаловчи D диа-метрли изни ҳисобға олувчи коэффициент, у 58-жадвалдан олинади.

58-жадвал

D, см	26	28	30	32	34	36	38	40	45	50	55	60	65
K ₂	0,963	0,967	0,970	0,973	0,975	0,978	0,980	0,983	0,987	0,995	1,0	1,005	1,01

K_3 — бетон қоплама қалинлеги (h) таъсирини инобаттаға олувчи коэффициент, 59-жадвалдан олинади.

59-жадвал

$h, \text{ см}$	14	16	18	20	22	24	26	28	30
K_3	0,65	0,80	0,90	1,0	1,16	1,33	1,50	1,65	1,83

K_4 — тупроқ тури, майдон иқлими ва жойнинг намланиш турини инобатга олувчи коэффициент, у 60-жадвалдан олинади.

60-жадвал

Тупроқ	Йўл-иқлими майдон			
	II	III	IV	V
Ўрта донали қум	3,34	3,34	4,0	4,0
Майдо донали қум	2,0	2,0	2,67	2,67
Майдо қум; қумли тупроқ, меъёр таркибли тупроқ	1,6	2,0	2,26	2,95
Чангли қум, майда донали қумдор тупроқ	1,2	1,6	2,0	2,18
Лёсс ва оғир вазнили лойсимон тупроқ	1,07	1,47	1,73	2,0
Чангли тупроқлар; қумоқ тупроқ, лёсс тупроқ	1,0	1,33	1,6	1,67

ЕОС қобиққа яқин жойлашиб, узоқ туриб қолиши кутиладиган туманларда K_4 миқдори 30—40% га, яхоб бериш вақтида сув кўтарилишини инобатга олиб, яна 30—40% га камайтирилади.

Мисол: Тошкент вилоятининг мунтазам сүфориб туриладиган жойида II тоифали йўл лойиҳаланиши мўлжалланган. Йўл замини лёсс тупроқдан. Бетон тури — М-400. Сеймон-бетон қоришма ётқизиш вақтидаги мұхит ҳарорати 25°C дан юқори. Яна қуйидагилар маълум:

- филдиракка тушадиган ҳисобий юк таъсири 6,0 т.;
- филдирак изининг қопламадаги эни $D=39$ см;
- қоплама V йўл-иқлими майдонда қурилади;
- бетон қопламаси қалинлиги $h=24$ см.

58-60-жадваллардан фойдаланиб $K_2=0,982$; $K_3=1,33$; $K_4=2,0$ га эга бўламиз.

Маҳаллий шароитни ҳисобга олиб $K_4=2,0-0,6-0,6=0,72$.

Энди қобиқ тупроғининг эгилувчанлик модулини топамиз:

$$E_r = \frac{1150}{60} \cdot 0,982 \cdot 1,33 \cdot 0,72 = 180 \text{ МПа.}$$

Бетон қопламанинг нокулай ҳолатда эгилиб ишлашдаги чўзилишга қаршилигини аниқлаймиз:

$$P_{\text{э.ч}} = R_{28} \cdot \rho \cdot K_6, \text{ МПа.} \quad (2)$$

бу ерда R_{28} — эгилиб ишлашда чўзилиш ҳолатидаги бетон мустаҳкамлигини ифодаловчи қўрсаткич бетон турига боғлиқ бўлиб, 61-жадвалдан олинади.

61-жадвал

Бетон маркаси	100	150	200	250	300	350	400	500
R_{28} , МПа	2	2,5	3,0	3,5	4,0	4,5	5,0	5,5

ρ — куч таъсири такрорланишини инобатга оловчи коэффициент, 0,55—0,60; K_6 — бетон таркиби бир хилдалигини ифодаловчи коэффициент, 0,60—0,70.

Мисол: $M=400$; $\rho=0,6$; $K_6=0,7$ берилган. $R_{28}=5,0$ МПа (61-жадвалдан).

Бетон қопламанинг нокулай ҳолатида эгилиб ишлашида чўзилишидаги қаршиликни (2) ифодага асосан аниқлаймиз:

$$P_{\text{э.ч}} = 5,0 \cdot 0,60 \cdot 0,70 = 2,1 \text{ МПа.}$$

3. Машина гидрагидан тушадиган ($P_{\text{н.ч}}$) нокулай ҳолатдаги юк таъсирини аниқлаймиз:

$$P_{\text{н.ч}} = n \cdot K_g \cdot P_f, \text{ кг} \quad (3)$$

бу ерда $n=1,1$ машинанинг ортиқча юкланишини инобатга оловчи коэффициент; $K_g=1,2$, юк таъсирининг динамиклигини ифодаловчи коэффициент; P_f — ҳисоблашга мўлжалланган қўшалоқ фидиракка таъсир этувчи автомобиль вазни, кг.

Ҳисоблашда, ўқса тушадиган юкни 12000 кг деб оламиз. Унда, қўшалоқ фидиракка тушадиган юк

$P = 12000 : 2 = 6000$ кг. (3) ифодага биноан $P_{\text{н.х}} = 1,1 \cdot 1,2 \cdot 6000 = 7920$ кг.

Бетоннинг мустаҳкамлик ҳолини 62-жадвал орқали топамиз.

62-жадвал

Тасвифлар	Шартли белгилар	Бетон маркаси			
		200	300	400	500
Үқ бўйича сиқилишдаги мустаҳкамлик	R_u	9	14	19	23
Эгилишдаги сиқилишга қаршилик	R_{sc}	11	17	23	28
Чузилишга қаршилик	R_s	0,72	1,05	1,25	1,4
Умумий тоб бериш модули	$E_{c,q}$	21000	27000	31000	34000

Бетон қопламада қўлланиладиган материаллар учун Пуассон коэффициенти μ 63-жадвалда келтирилган.

63-жадвал

Материал	Пуассон коэффициенти	
	μ_x	μ_y
Бетон	0,15	—
Кум	—	0,25
Чангли қумлар, қумли тупроқ .	—	0,30
Лёсс ва лойли тупроқ	—	0,40
Чангли тупроқ, чангли қум	—	0,35

4. Қоплама билан илашувчи ғилдирак изининг диаметри (D) аниқланади.

Орқа қиялик кенглиги 0,6 м ва ҳаракат томон бўйича қоплама билан қияликнинг туташганидаги узунлик (0,2 м) нинг кўпайтмасидан ҳосил булган юза F топилади:

$$F = 60 \cdot 20 = 1200 \text{ см}^2$$

Бунда $D = 2 \cdot \sqrt{\frac{F}{\pi}} = 2 \cdot \sqrt{\frac{1200}{3,14}} = 39 \text{ см.}$

Келтирилган айлананинг радиуси

$$r = \frac{D}{2} = \frac{39}{2} = 1,95 \text{ см.}$$

5. Бикирлигига боғлаб, түшама асосининг тури ва онийликдаги нокулай ҳолатда ишилашини инобатга олиб, бетон қопламанинг қалинлигини аниқлаш.

Бетон қоплама бұлаклари йүл узунлиги бүйича чексиз үлчамга эга бұлғаны учун О. Я. Шехтер ечимига асосан бетон бұлакнинг цилиндрли бикирлик ҳолатини қуидаги ечим орқали топамиз:

$$a = \sqrt[3]{\frac{6 E_r (1 - \mu_r^2)}{E_b h^3 (1 - \mu_r^2)}}, \quad (4)$$

бу ерда

$$\sqrt[3]{\frac{1 - \mu_r^2}{1 - \mu_t^2}} = 1,$$

$$a = \frac{1}{h} \sqrt[3]{\frac{6 E_r}{E_b}}. \quad (5)$$

КМҚ тавсиясига асосан бетон қопламаси қалинлиги $h=24$ см., ҳисоблаб топилған қобиқ тупроғининг эгилувчанлик модули $E=180$ МПа ва бетон қопламасининг умумий тоб бериш модули (62-жадвал) $E_b=31000$ кГ/см² бұлганда

$$a = \frac{1}{h} \sqrt[3]{\frac{6 E_r}{E_b}} = \frac{1}{24} \sqrt[3]{\frac{6 \cdot 180}{31000}} = 0,0135.$$

6. Вақтингачалық юқ таъсиридан нокулай ҳолатда айланы бүйича « r » радиусли қоплама қисмидаги оний эгилувчанликни топамиз:

$$M_{n.x} = \frac{C \cdot P_{n.x} (1 + \mu_r)}{2 \pi \cdot a \cdot r}, \text{ МПа.} \quad (6)$$

бу ерда $C-a \cdot r$ күпайтмасига боғлиқликни инобатта олувчи коэффициент (64-жадвал); $P_{n.x}$ — құшалоқ орқа икки фидирикка түшувчи күч; a —бетон қопламанинг цилиндр кесимли бикирлигига боғлиқ миқдор, 0,0135;

7. « C » миқдорини яқынлаштириб топиш усули билан ($a \cdot r$) ҳисоблаб топилғандан сүнг аниқланади (64-жадвал).

σ_r	0,05	0,1	0,2	0,3	0,4	0,6	0,8	1,0	1,2	1,6	2,0
C	0,091	0,147	0,220	0,275	0,313	0,352	0,367	0,365	0,358	0,309	0,263

Бунда $a r = 0,0135 \cdot 19,5 = 0,263$ бўлганда 64-жадвалдан интерполяция йўли билан $C=0,255$ га мос.

$$M_{n,x} = \frac{0,255 \cdot 7920(1+0,15)}{2 \cdot 3,14 \cdot 0,263} = 160,1 \text{ МПа}. \quad (6)$$

8. Зарурий бетон қоплама бўлагининг қалинлиги (h) ни қуидаги ифода орқали топамиз:

$$h = \sqrt{\frac{6 \cdot M_{n,x}}{b \cdot m \cdot R_{3,4}}} \text{ см}, \quad (7)$$

бу ерда b — қоплама бўлагининг эни, 1 м га тенг деб олинади; m — қопламанинг ишлаш шароитини кўрсатувчи коэффициент, 0,8.

$$h = \sqrt{\frac{6 \cdot 160,1}{1 \cdot 0,8 \cdot 2,1}} = 23,95 \text{ см}.$$

9. Ҳарорат ўзгариши натижасида бетонли қоплама бўлагининг узунлиги ўзгаради, яъни торайиб-кенгаяди. Бу қопламанинг тупроққа ишқаланишдаги қаршиликни енгизимишни ифодалайди.

Бетон қопламаларда ҳарорат таъсирини камайтириш учун ҳар 18—36 м оралиқларда кенгайиш чоклари, ҳар 6 м да эса сиқилиш чоклари қурилади.

Қоплама ости тупроғининг силжишига қарши умумий қаршилиги (S) (8) ифода орқали топилади:

$$S = b \cdot l(h \cdot \gamma \cdot t g \varphi + C) \text{ кг}, \quad (8)$$

бу ерда l — сиқилиш чоки оралиғидаги бетон қопламанинг ярим бўйи, 300 см; h — бетон бўлагининг қалинлиги, 24 см; γ — бетоннинг ҳажмий вазни, 0,0024 кг/см³; $t g \varphi$ — ички ишқаланиш бурчак коэффициенти; C — тиркалганлик кучи, МПа.

$t g \varphi$ ва C миқдорлари 65-жадвалдан олинади.

Қатламлар	C	$\operatorname{tg}\phi$
Лёсс тупроқ	0,007	1,0
Юпқа қум қатлами	0,003	0,7
Пергаментли қатлам	0,005	0,9
Оташакти	0,009	0,8
Чақық тошли	0,002	1,2

Чүзилиб ишлаш ҳолидаги кучланиш $\sigma_k(9)$ ифода орқали топилади:

$$\sigma = \frac{S}{b \cdot h} (1 \pm 3), \quad (9)$$

бу ерда (+) белги қопламанинг остки толалари ишлаганини, (-) белги эса юқоридаги толалари ишлаганини кўрсатади. Бу ҳолда, пастки юзаси чўзилаётган қопламадаги кучланиш қўйидагича топилади:

$$\sigma_k = \frac{S}{b \cdot h} (1 + 3) = \frac{4S}{b \cdot h}. \quad (10)$$

Вақтинча юк таъсиридаги кучланиш билан ҳарорат таъсиридаги кучланиш бир вақтда намоён бўлса, улар қўшилиб умум кучланишни ҳосил қиласди:

$$\sigma_{ym} = \sigma + \sigma_k = \frac{6 \cdot M_{n,k}}{b \cdot mh^2} + \frac{4S}{b \cdot h}. \quad (11)$$

Агар $\sigma_{ym} < R_{n,u}$ шарти бажарилса, бетон қоплама бўлакларининг мустаҳкамлиги таъминланган ҳисобланади.

Мисол. Қўйидагилар маълум бўлганида σ_{ym} ни аниқлаш талаб қилинади:

$$\begin{aligned} b &= 100 \text{ см}, & \operatorname{tg}\phi &= 0.7, \\ l &= 300 \text{ см}, & C &= 0,003 \text{ МПа}, \\ h &= 24 \text{ см}, & & \\ \gamma &= 0,0024 \text{ кг/см}^3, & M_{n,k} &= 150 \text{ МПа}. \end{aligned}$$

10. Тупроқли асоснинг силжишга қаршилигини (8) ифодага биноан аниқлаймиз:

$$S = b \cdot l (h \operatorname{tg}\phi + C) = 100 \cdot 300 (24 \cdot 0,0024 \cdot 0,7 + 0,003) = 210,96 \text{ кт.}$$

11. Ҳарорат пасайганида бетон қоплама бўлакларининг ҳарорат таъсиридаги кучланиши:

$$\sigma_k = \frac{4S}{b \cdot h} = \frac{4 \cdot 210,96}{100 \cdot 24} = 0,35 \text{ МПа.}$$

12. Вақтингча юк таъсиридан чўзилишдаги кучланиши аниқлаймиз:

$$\sigma = \frac{6 \cdot M_{\text{н.х}}}{b \cdot m \cdot h^2} = \frac{6 \cdot 150}{100 \cdot 0,8 \cdot 24^2} = 0,0108 \text{ МПа.}$$

Бундан $\sigma_{ym} = \sigma + \sigma_k = 0,0108 + 0,35 = 0,3608 \text{ МПа.}$

$$R_{3,u} = 2,1 \text{ МПа} \gg \sigma_{ym} = 0,3608 \text{ МПа.}$$

Шарт тұла-тұқис бажарилди. Демак, қоплама мустаҳкамлиги таъминланган.

Бетон қоплама бўлагининг ўлчамларини хисоблаш

Қопламанинг тобланиш чокларига ёндашган бетон бўлаги узунлигини (α) асос қатламининг қаршилиги бўйича аниқлаш.

$$\alpha = \frac{R_{28} \cdot h}{1,4(h \cdot \gamma \cdot l g \phi + c)}, \quad (12)$$

бу ерда R_{28} — 28 кундан сўнгги сеймон-бетоннинг эгилиб ишлашидаги чўзилишига монанд мустаҳкамлик қиёми. Ҳисоб ишларида унинг қиймати режали мустаҳкамлик миқдорининг 0,30—0,35 қисмига тенг деб олинади. Кўрилаётган ечимда М—400 бетон учун $R_{3,4}^{28} = 5 \text{ МПа}$ (62-жадвал).

$$\alpha = \frac{0,35 \cdot 0,24}{1,4(24 \cdot 0,00024 \cdot 0,7 + 0,003)} = 3673,5 \text{ см ёки } 36 \text{ м.}$$

Демак, кенгайишга ишлайдиган чоклар оралиғидаги бетон қоплама бўлагининг узунлиги 36 м, сиқилишга ишлайдиган чоклар оралиғини 6,0 м деб қабул қиласиз.

Иш жойида бетон қориши масинини ётқизиб қоплама куришда унинг миқёсларини ҳарорат таъсирига боғлаб танлаш 66-жадвалда берилган.

Ҳарорат таъсирига ишлайдиган чок	Қоплама қатламининг миқёслари, м		
	Бетон қоришмани ётқизиш вақтидаги мұхит ҳарораты, °С		
	-5°Сдан +10° гача	+11°С дан +25°Сача	25°Сдан юқори
Кенгайишга	18	24	36
Сиқилишга	6	6	6


Кенгайишга ишлайдиган чок энини 20 мм қабул қилинади.

Бетон қоплама бұлғағи үлчамлари қар томонлама ҳисобланғанда күйидагиларға теңг бўлади.

Бўлак қалинлиги	—24 см
бўлак эни йўлнинг ҳаракат миңтақаси	
энiga теңг олинади	—3,75 м;
сиқилишга ишлайдиган чоклар оралиғи	— 6 м;
чўзилишга ишлайдиган чоклар оралиғи	— 36,0 м;
кенгайишга ишлайдиган чок эни	— 2 см.

Ҳаракатдаги автомобиль ғилдираги таъсири бетон қоплама бўлагининг чети, бурчаги ва ўртасида бўлганида келиб чиқадиган кучланишларни тониш услуби

Бунда Н. Н. Иванов — И. А. Медников услубидан фойдаланилади. Бу услубда ҳисоблашга тавсия этган Уэстергард ечимини ҳол ўзgartирилишига асосланиб, йўл тўшамаси остидаги асосни инобатга оловчи Постели коэффициентини эгилувчанлик модули билан алмаштирилган. Бундай



85-расм. Бетон қопламаси бўлагига ҳисоблашдаги ғилдиракдан таъсир қилувчи күннинг жойлашув шакли: 1—четида; 2—бурчагида; 3—уртада

ёндашиш түшама асосини ўта аниқ ҳисобга олишга имкон беради. Ҳисоблар $\frac{h}{r} \geq 0,5$ ва $\mu = 0,15$ бүлганида адолатлидир.

Қоплама қалинлиги $h = \sqrt{\frac{\alpha P_{\text{н.х}}}{R_{\text{н.х}}}}$ бүйича топилиб, бу ерда α миқдори E_b/E_t ва h/r нисбатлари бүйича мос равища 67—68-жадваллардан олинади. 67-жадвалда $\sigma_1 = \alpha_1 \frac{P_{\text{н.х}}}{h^2}$ булиб, коэффициент α күч қопламанинг ўртасига таъсир қылғандаги учун берилган (85-расм).

Күч қопламанинг ўртасига таъсир қылғандаги α_1 коэффициенти миқдорлари

67-жадвал

$\frac{E_b}{E_t}$	h/r								
	2,0	1,8	1,6	1,4	1,2	1,0	0,8	0,6	0,5
200	1,74	1,66	1,6	1,53	1,45	1,36	1,23	1,08	0,99
150	1,67	1,63	1,56	1,50	1,41	1,30	1,17	1,04	0,95
100	1,62	1,55	1,49	1,41	1,33	1,22	1,11	0,97	0,88
80	1,57	1,51	1,44	1,37	1,28	1,17	1,07	0,93	0,84
60	1,51	1,46	1,39	1,32	1,22	1,13	1,02	0,88	0,80
50	1,47	1,42	1,35	1,28	1,19	1,10	0,99	0,86	0,76
40	1,44	1,38	1,31	1,22	1,15	1,07	0,96	0,82	0,72
30	1,38	1,33	1,26	1,18	1,11	1,02	0,92	0,77	0,68
15	1,25	1,19	1,13	1,07	0,98	0,91	0,80	0,65	0,56
10	1,18	1,13	1,08	1,01	0,94	0,84	0,73	0,58	0,50
8	1,14	1,09	1,04	0,97	0,90	0,81	0,69	0,55	0,46

Ҳисоб кетма-кет танлаш услуги бүйича олиб борилади. Қоплама бүлаги қалинлигини эркин танлаб E_b/E_t ва h/r нисбатлари миқдорини 67-жадвалдан топамиз. Шу жадвалдан олинган нисбат миқдорларига асосан α_1 топилади, сүнг эса келтирилган ечим бүйича қоплама бүлак қалинлиги h топилади.

Күч таъсири қопламанинг ўртасига нисбатан четига түшганида кучланиш күп бүлади. Бу ҳолда α миқдори 68-жадвалдан топилади ва $\sigma_2 = \alpha_2 \frac{P_{\text{н.х}}}{h^2}$ бүлади.

68-жадвал

Бұлакнинг четига күч таъсиридаги α_2 нинг миқдорлари

$\frac{E_6}{E_r}$	h/r					
	2,0	1,8	1,6	1,4	1,2	1,0
200	2,74	2,60	2,49	2,36	2,21	2,05
150	2,62	2,54	2,42	2,30	2,14	1,95
100	2,51	2,41	2,29	2,14	2,00	1,80
80	2,44	2,32	2,19	2,08	1,91	1,72
60	2,33	2,23	2,11	1,97	1,81	1,63
50	2,26	2,15	2,03	1,90	1,75	1,58
50	2,26	2,15	2,03	1,90	1,75	1,58
40	2,19	2,09	1,97	1,68	1,68	1,53
30	2,10	2,01	1,87	1,73	1,61	1,45
20	1,97	1,86	1,78	1,62	1,40	1,93
25	1,87	1,75	1,63	1,53	1,39	1,24
10	1,73	1,65	1,54	1,42	1,29	1,12
8	1,65	1,57	1,47	1,34	1,22	1,05

Бетон қопламаси бұлагининг бурчагига күч таъсир қилғандаги күчланиш $\sigma_3 = \alpha_3 \frac{P_{n,x}}{h^2}$ билан ифодаланади. Бетон қоплама бұлагининг бурчагига күч таъсир этган ҳолида α_3 нинг миқдорлари 69-жадвалда көлтирилген.

69-жадвал

$\frac{E_6}{E_r}$	h/r					
	2,0	1,8	1,6	1,4	1,2	1,0
200	2,37	2,31	2,25	2,17	2,09	1,97
150	2,31	2,27	2,24	2,12	2,04	1,91
100	2,26	2,19	2,13	2,04	1,95	1,80
80	2,20	2,14	2,07	1,99	1,88	1,75
60	2,14	2,09	2,02	1,93	1,80	1,68
50	2,11	2,04	1,97	1,85	1,75	1,64
40	2,07	2,00	1,93	1,81	1,72	1,60
30	2,01	1,95	1,86	1,75	1,66	1,54
20	1,92	1,84	1,76	1,67	1,57	1,44
15	1,84	1,77	1,69	1,61	1,50	1,34
10	1,76	1,68	1,62	1,52	1,41	1,26
8	1,70	1,62	1,56	1,44	1,35	1,20

Мисол: Автомобиль филдриагидан тушадиган куч қоплама бўлагининг ўртасига, четига ва бурчагига таъсир қилгандаги кучланишларни ҳисоблаб топиш талаб қилинади.

Берилган:

$$\begin{aligned} h &= 24 \text{ см}; & E_6 &= 31000 \text{ МПа}; \\ R_{\text{ж}} &= 2,1 \text{ МПа}; & E_{\text{т}} &= 180 \text{ МПа}; \\ r &= 19,5 \text{ см}; & P_{\text{н.х}} &= 7920 \text{ кг}. \end{aligned}$$

Бетон қопламаси бўлагининг ўртаси учун:

$$\frac{E_6}{E_{\text{т}}} = \frac{31000}{180} = 172; \quad \frac{h}{r} = \frac{24}{19,5} = 1,23.$$

67-жадвалдан фойдаланиб, яқинлаштириб ҳисоблаш усули орқали $\alpha = 1,43$ га эга бўламиз.

$$\sigma = \alpha_1 \frac{P_{\text{н.х}}}{h^2} = 1,43 \frac{7920}{24^2} = 19,3 \text{ МПа}.$$

Қоплама қалинлиги

$$h = \sqrt{\frac{\alpha_1 P_{\text{н.х}}}{R_{\text{ж}} \cdot K_{\kappa}}} = \sqrt{\frac{1,43 \cdot 7920}{2,1 \cdot 10}} = 23,2 \text{ см}$$

бу ерда K_{κ} ўлчов бирликларини инобатга олувчи коэффициент, 10 га тенг.

Куч таъсиригининг жойланиши қоплама бўлагининг чешида бўлганида α_2 ни 66-жадвалдан топамиз, яъни $\alpha_2 = 2,18$

$$\sigma = \alpha_2 \frac{P_{\text{н.х}}}{h^2} = 2,18 \cdot \frac{7920}{24^2} = 29,97 \text{ МПа},$$

$$h = \sqrt{\frac{\alpha_2 P_{\text{н.х}}}{R_{\text{ж}} \cdot K_{\kappa}}} = \sqrt{\frac{2,18 \cdot 7920}{2,1 \cdot 10}} = 28,65 \text{ см}.$$

Шундай ечим бўйича 69-жадвал орқали қоплама бўлагининг бурчагига жойлашган юк таъсирини ифодаловчи катталик $\alpha_3 = 2,07$. Бунда $\sigma_3 = \alpha_3 \frac{P_{\text{н.х}}}{h^2} = 28,45 \text{ МПа};$

$$h = \sqrt{\frac{2,07 \cdot 7920}{2,1 \cdot 10}} = 27,9 \text{ см}.$$

Топилган миқдорларни синчиклаб үрганиш бетон қопла-
ма бұлаклари қалинлигини 21 см да ва ташкил қылувчи
бұлаклар четини $d = 12$ мм ли құшалоқ пұлат сим билан
лойиҳалашга имкон беради.

Адабиётлар

1. Бабаханов П. Б. Земляное полотно автомобильных дорог Узбекистана. Ташкент., 1958.
2. Батраков О. Т., Сиденко В. М. Организация дорожно-строительных работ. М., Транспорт, 1956.
3. Безрук В. М. и др. Строительство дорог в районах подвижных песков на засолённых грунтах. М., Автотрансиздат, 1953.
4. Бялобжеский Г. В., Игнатович А. А. и др. Дорожное строительство народным способом. М., Дориздат, 1951.
5. Дубровин Е. Н. Жесткие покрытия городских улиц. М., Стройиздат, 1971.
6. Евгеньев И. Е., Казарновский В. Д. Земляное полотно автомобильных дорог на слабых грунтах. М., Транспорт, 1976.
7. Золотарь И. А., Пузаков Н. А., Сиденков М. Водно-тепловой режим земляного полотна и дорожных одежд. М., Транспорт, 1971.
8. Мотылёв Ю. Л. и др. Устойчивость земляного полотна и дорожных одежд в районах искусственного орошения. М. Автотрансиздат, 1961.
9. Руководство по проектированию дорожных одежд не жесткого типа. ВСН 46—83. М., Транспорт, 1985.
10. Поздняк Н. М. Строительство автомобильных дорог на засоленных грунтах. М. Дориздат, 1952.
11. Сиденко В. М. и др. Автомобильные дороги. (Совершенствование методов проектирования и строительства). Киев, Будивельник, 1973.
12. Сиденко В. М., Ильясов Н. Проектирование, строительство и организация возведения земляного полотна в засушливых районах. Ташкент. Укитувчи. 1983.

13. Сиденко В. М. Расчёт и регулирование водно-теплового режима дорожных одежд и земляного полотна. М. Автотрансиздат. 1962.

14. Трескинский С. А. Автомобильные дороги в песках. М. Автотрансиздат, 1963.

15. Руководство по проектированию земляного полотна автомобильных дорог на слабых грунтах. М. Транспорт. 1978.

16. Строительные нормы и правила. Автомобильные дороги. Нормы проектирования. СНиП II—Д.5—72. М. Стройиздат. 1973.

17. Инструкция по проектированию дорожных одежд нежёсткого типа. ВСН 4672. М. Транспорт. 1973.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

Куруқ ва қуруқ-нам иқлими худудлардаги автомобиль йұлларининг мустақамлиғи

1. Куруқ ва нам иқлими туманларнинг му'им табиий шароити	5
2. Йұл қобигининг намлиқ ҳарорат тартиби	26
3. Иссик иқлими худудларнинг йұл иши бүйіча туманларга бұлиніши	49
4. Иқлими куруқ ва нам туманларда қуриладыған йұл затинини жойлаштириш	58
Сунтый сугориладыған туманларда бажариладыған йұл затинини лойиҳалашдаги талаблар	59
Шұр тупроқлы ерларда йұл затинини лойиҳалаш талаблари	62
Күмли майдонларда йұлни лойиҳалашнинг мұхим томонлари	65
5. Йұл затинни турғулығын таъминловчы зарур күрсаткышлар	68
Бүг тұсқынини лойиҳалаш	118
Ҳарорат тұсқын қатламини лойиҳалаш	121
6. Шұр тупроқлы затиндеги йұл қопламаси	143
7. Күчүвчі қумли туманлардаги йұл затини	167
8. Автомобиль йұлларини лойиҳалашда ЭХМнинг құлланилиши	187
9. Автомобиль йұлларининг тұшамаларини ҳисоблаш услублари ва уларни лойиҳалаш шартлари	192
Автомобиль йұллари тұшамаси тузилишини сув-ҳарорат тартибини инобатта олиб лойиҳалаш	196
10. Йұл тұшамаларини лойиҳалашнинг иқтисодий мұҳандислик ҳисоблари	201
Йұл тұшамасининг талаб қылған мустақамлигини иқтисодий-мұҳандислик ечимида асослаш	206
Тұшаманың лойиғавай әнг кам нархини иқтисодий- мұҳандислик бүйіча асослаш	213
Сув-ҳарорат тартибини бошқариш ҳисобига таннархни камайтиришдаги иқтисодий ҳисоблар	214
11. Нобикир ва ярим бикир йұл тұшамаларини лойиҳалаш услуби	218
12. Нобикир ва ярим бикир йұл тұшамаларини ҳисоблаш	232
Йұл тұшамасининг яхлит қатламини әгилиш пайтидаги чүзилишга ҳисоблаш	242

Йүл түшамасидаги күм қатламининг силжишга турғунлигини аниқлаш	242
13. Бикир йүл түшамаларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш	245
Бетонли күйма қопламаларни ҳисоблаш	250
Бетан қоплама бұлғатининг ўлчамларини ҳисоблаш	258
Харакатдаги автомобиль ғилдираги тасири бетон қоплама бұлғагининг чети, бурчаги ва ўртасида бұлғанида келиб чиқадиган күчлапишларни топиш услуби	259
Адабиётлар	264

Низом Илёсов

**АВТОМОБИЛЬ ЙҮЛЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ**

Мұҳаррір *M. Сабдулаев*

Балдий мұҳаррір *Ж. Гурова*

Техн. мұҳаррір *У. Ким*

Мұсақхих *Ш. Мақсұдова*

Теришга берилди 25.08.2001 Босишига рухсат этилди. 23.10.2001. Бичими
84×108^{1/32}. Таймс гарнитурасида офсет босма усулида босилди. Шартли
б. т. 14,28 Нашр т. 13,9. Нусхаси 2000. Буюртма № 96. Баҳоси шартнома
асосида.

Тошкент, 700129, «Ўзбекистон» нашриёти. Навоий қўчаси, 30.
Нашр № 98-2001.

Онлайн библиотека
дистанционного образования
Университета
Мухаммади М. Сирдарбекова
Кыргызстана № 2000/000
Библиотека Университета
Мухаммади М. Сирдарбекова

Издательство Академии Наук Республики Узбекистан
имени Абдулкадира Кадыри имело право на первоначальную
издание и распространение книги в Узбекистане

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент ки-
тоб-журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусобод даҳа-
си, Муродов кўчаси, 1.

Илёсов Н.

Из8 Автомобиль йўлларини лойиҳалаш: Автомобиль йўллар инс-ти талабалари учун ўқув қўлланма // Тақризчилар: Ж. И. Хўжаев ва бошк/. — Т.: Узбекистон, 2001.—267 б.

ISBN 5-640-01515-2

Қўлланмада автомобиль йўллари қобиги ва унга ишлатида-
диган материаллар таърифи, тўшама қатламларнинг турли ша-
роитларда турғунилиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш асослари
баён қилинган.

Кулланма автомобиль йўллари соҳасида таълим олаётган олий
ўқув юртлари талабалари учун мулжалланган бўлиб, ундан лойи-
ҳалаш, малака ошириш институтлари ходимлари, ўқитувчилари
ҳамда шу соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

39.311-02я73

№ 453-2001

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси